



Д.ЁРМАТОВА

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Е - 6

ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ

Д. ЁРМАТОВА

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК

Касб-ҳунар колледжлари учун дарслик

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2002

468 X

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими Марказининг илмий-методик кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган

Дарсликда республика деҳқончилигига экиладиган асосий қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш агротехникиси ёритилган. Дарслик республика агроколлежларида билим олаётган талабаларга мўлжалланган бўлиб, ўрта-маҳсус таълим Маркази томонидан тасдиқланган дастурга асосан ёзилган.

Унда дон, дуккакли, мойли ва барча экиладиган экинларнинг аҳамияти, ҳосилдорлиги, навлари, ботаник белгилари, биологик хусусиятлари ва етиштириш технологияси баён қилинган.

Дарсликдан қишлоқ хўжалиги институтлари ва университетларнинг қишлоқ хўжалиги факультети талабалари ҳамда фермерлар ва шу соҳага қизиқувчи барча мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар:

*И. Эрназаров — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор,
Н. Халилов — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор*

Ё 67

Ерматова Д.

Ўсимлиқшунослик: Касб-хунар коллежлари учун дарслик. — Т.: «Шарқ», 2002. — 320 б.

Сарлавҳада: ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус касб-хунар таълими маркази, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимими ривожлантириш институти.

ББК 41.2я722

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигидан сўнг халқ хўжалигининг барча тармоқларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида ҳам катта ўзгаришлар юзага кела бошлади.

Ўзбекистон ўз иқлими ва тупроқ шароитига кўра озиқ-овқат ва хомашё берувчи ўсимликларни етиштиришда қулай миңтақа ҳисобланади. Маълумки, республикага четдан келадиган асосий валюта даромади бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлиб, бу соҳа аҳолининг асосий қисмини иш билан таъминловчи ва даромад берувчи ҳисобланади.

Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонда биргина гўза асосий экин саналиб, бошқа экинлар нисбатан жуда кам майдонларга экиларди. Озиқ-овқат маҳсулотлари асосан четдан ташиб келтирилар, узлуксиз равишда бир экин экилавергани туфайли тупроқлар ёмонлашиб, экинлар ҳосилдорлиги пасайиб кетди.

Истиқлол шарофати билан юргимизда донли, дуккакли мойли, туганак мевали илдиз мевали ва бошқа экинлар қўплаб экиладиган бўлди. Деҳқончиликни ривожлантириш ва ердан унумли фойдаланиш учун улкан имкониятлар очилди. Аҳолига зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг 30 фоизи қишлоқ хўжалигида етиштирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида иккита асосий тармоқ мавжуд бўлиб, булар ўсимликунослик ва чорвачилик ҳисобланади. Ўсимликунослик озиқ-овқат саноатининг ривожланиши ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишида ёрдам беради.

Айни пайтда республикамиизда 1,6 млн гектар атрофида дон экинлари экилмоқда. Булар нон ва ун маҳсулотларига бўлган талабни деярли қондирмоқда.

Пахтачиликнинг ривожланиши кенг миқёсдаги енгил саноат ишлаб чиқаришини кенгайтиришга ва четдан келадиган даромадни оширишга имкон беради. Дук-

какли экинларни кўпайтириш оқсил ва ўсимлик мояига ҳамда тупроқни биологик азот билан таъминлашга бўлган талабни қондиришга ёрдам беради.

Қандлавлаги майдонларининг кўпайиши, қанд заводларининг ишга тушиши ва чорвачиликнинг ривожланишига олиб келади.

Бу фан, асосий экиладиган дала экинларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, тарихи, тарқалган туманлари, ботаник белгилари, биологик хусусиятлари, экиладиган навлари ва етиштириш технологиясини республиканиң тупроқ иқлим шароитидан келиб чиқиб ўргатади.

Мазкур фанда талаба дон экинлари, дуккакли экинлар, илдизмевалилар, туганак мевалилар, мойли экинлар, толали экинлар, ем-хашак ўтлари ва яйлов пи-чанзорлардан унумли фойдаланиш ва уларни яхшилаш усуллари ҳақида маълумот олади. Бундан ташқари, ерни экишга тайёрлаш, ўтмишдош экинлар, навлар, экиш муддати ва лозим бўлган барча технологик усуллар батафсил ўрганилади.

Б и р и н ч и б ў л и м

ДОН ЭКИНЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

Дон экинлари қўнғирбошлар (*Poaceae*) оиласига мансуб бўлиб, ер куррасида энг кўп тарқалган ботаник тур ҳисобланади. Дон экинлари олдинги тизим бўйича фалласимонлар, ҳозирда эса қўнғирбошлар оиласига мансуб. Қитъамизда бу ўсимликлар турли хил катталикда учрайди. Уларнинг баландлиги 2 см дан 30 метргача бўлиб, кўпчилик турларида ер устки қисми ўтсимон, айримларида бута ва дараҳтсимон ҳолда учрайди. Фалласимон ўсимликлар туплаганда, чим ҳосил қилиб, попук илдизлар билан ўсади. Фалласимон ўсимликларнинг 500 га яқин авлоди, 6 мингдан зиёд тури бор. Улар ер куррасининг деярли ҳамма ерида ёки Шимолий муз океанидан, бошқа барча қитъаларда учрайди. Бизда ҳам фалласимонларнинг жуда кўп тури мавжуд. Фалласимонлар тропик ва субтропик мамлакатларда жуда кўп учрайди. Бамбук дараҳтлари ҳам фалласимонлар турига кирди, унинг узунилиги 30 метрни ташкил этади.

Халқ хўжалигида асосан буғдой, арпа, жавдар, сули, маккажўхори, оқжўхори, шоли ва тариқ ишлатилади. Лекин улар ичидаги зарури ва аҳамиятлиси буғдой, шоли ҳамда маккажўхоридир. Экин майдонларининг катталиги жиҳатидан буғдой биринчи ўринда туради, у 226,9 млн га, ўртача ҳиссолдорлиги 26,94 га, маккажўхори майдонлари эса 140,19 млн га, ўртача ҳосилдорлиги 41,84 ни ташкил этади. Шоли майдонлари ер куррасининг 145,3 млн га ўртача майдонини эгаллаган бўлиб, асосий қисми Хитой ва Ҳиндистонда жойлашган.

Селекция ва уруғчилик дон экинларини етишириш технологиясида асосий ўринлардан бирини эгаллади. Бу соҳани ривожлантириш эса ўз навбатида хавфсиз бўлиб, дон ҳосилдорлиги ва сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Дон ҳосилдорлигини оширишда яратилган янги навва тўғри олиб борилган уруғчилик салмоқли ўрин эгаллади.

Масалан бир вақтлар академик П. П. Лукьяненко томонидан (30-йиллик меҳнат самараси) Безостая — 1 нави яратилди ва собиқ Иттифоқда экиладиган буғдой майдонларининг 60 фоизига ана шу нав экилди. Ҳозирги кунда ҳам бу нав кўпгина жойларда экилмоқда ва юқори ҳосил олиб келинмоқда. Демак ҳосилдорликнинг юқори бўлишида янги навнинг салмоғи катта.

Мамлакатимизда дон экиладиган майдон 1,5 миллион гектар бўлса, унинг асосий қисмини буғдой ташкил этади. Ҳозир Ўзбекистонда Краснодар селекцияси ҳамда Миср Араб республикаси навлари ва маҳаллий навлар экилмоқда. Краснодарда яратилган, Юна, Скипянка, Крошка, Офелия каби навлардан сугориладиган майдонларда юқори ҳосил олинмоқда.

Етиштирилаётган дондан сифатли нон тайёрлаш учун унинг таркибидаги оқсил ва углеводлар миқдори юқори бўлиши керак. Сифатли, юмшоқ, бўрсилдоқ ва мазали нонлар тайёрлаш учун яратилган дон навлари қатор талабларга жавоб бериши керак. Оқсил миқдори ва клейковина сони юқори меъёрда бўлса, ундей навлар узоқ йиллар давомида экилади.

Дон экинлари ҳосили ва похолининг кимёвий таркиби тупроқ — иқлим шароитига, ўстириш усусларига, мазкур ўсимликнинг тури ва навига боғлиқ. Айниқса улар таркибидаги оқсил, углевод ва ёғлар миқдори ўзаро фарқ қиласи. Донларнинг кимёвий таркибини қўйидаги жадвалдан кўриш мумкин:

I-жадвал

Буғдой донининг кимёвий таркиби

(Куруқ моддасининг мутлоқ оғирлигига нисбатан фоиз ҳисобида)

Экинлар	Оқсил	Углеводлар	Ёғлар	Кул	Ёғочлик	1 кг даги каллорияси
Юмшоқ буғдой	13,9	79,9	2,0	1,9	2,3	3404
Қаттиқ буғдой	18,0	75,4	2,1	2,0	2,4	3396
Жавдар	12,8	80,2	2,0	2,1	2,2	3253
Арпа	12,2	77,2	2,4	2,9	5,2	3071
Сули	11,7	68,5	6,0	3,4	11,5	3579
Маккажӯхори	11,6	78,9	5,3	1,5	2,6	3010
Шоли	7,6	72,5	2,2	5,9	11,8	3170
Тарик	12,1	69,8	4,5	4,3	9,2	

Дон экинларининг кимёвий таркиби тупроқ-иқлим шароитлари, агротехник тадбирлар, экиладиган нав ҳамда экин турига қараб ўзгариб боради. Бу ўсимликлар дони таркибидаги оқсил миқдори бўйича ҳам бир-биридан катта фарқ қиласди. Оқсил буғдойда айниқса қаттиқ буғдой донида кўп (18 фоиз) бўлиб, шолида анча кам (7,6 фоиз). Дон таркибидаги оқсил миқдори бир қанча сабабларга кўра ўзгариб турасди. Иқлиминг иссиқ ва куруқ бўлиши донда оқсил тўпланишига ёрдам беради. Масалан Ўзбекистонда, ёки жанубда иссиқ иқлимда етиштирилган буғдойлар шимолий минтақаларда етиштирилган буғдойларга қараганда 2—3 фоиз оқсилни кўп сақлайди. Оқсил миқдори уруғда кўпайса, углевод миқдори камайиб боради. Шимолга қараб дон экинларида оқсил камайиб, углевод миқдори ошиб боради.

Ёғочлик, арпанинг очиқ донли навида, жавдар ва маккажўхори донида кам (2,3; 2,6 фоиз) ва бошқа турларида кўп (5,2; 11,8 фоизгача) қобиқли бўлади. Очиқ донли ва дони қобиқли галла экинлари таркибидаги кул миқдори ҳам худди юқоридаги каби нисбатда бўлади.

Дон таркибидаги сув ҳар хил миқдорда (10 дан 12 фоизгача) бўлиб, шароитга қараб кескин ўзгариб турасди.

Дон экинлари дони таркибida одам организми учун зарур бўлган A₁, B₁, B₂, E, PP витаминалар бўлганлиги туфайли ҳам улар катта аҳамиятга эга.

Дон экинларининг дони янчидан олингандан сўнг со-мон, тўпон ва поялари чорва молларига озуқа сифатида берилади. Таркибida оқсил миқдори 10—11 фоиз бўлган буғдой навлари ҳам молларига озуқа сифатида берилади.

Буғдойнинг 100 кг донида 117, арпада 126, сулида 100, маккажўхорининг донида 130, куруқ поясида 35, кўкпоясида 20 озуқа бирлиги бор.

Етиштириш усулларига, айрим морфологик ва биологик хусусиятларига кўра, дон экинлари *икки гуруҳга* бўлинади (2-жадвал).

Биринчи гуруҳга буғдой, арпа, жавдар ва сули киради.

Иккинчи гуруҳга маккажўхори, жўхори, тариқ ва шоли киради.

**Биринчи ва иккинчи гуруҳга кирадиган дон экинларининг
бир-бирадан фарқ қиласидиган белгилари**

T/p	Биринчи гуруҳ дон экинлари (буғдой, жавдар, арпа, сули)	Иккинчи гуруҳ дон экинлари (маккажүхори, оқжүхори, тарик, шоли)
1.	Донининг қорин томонида узунасига чизиқаси бўлади.	Донининг қорин томонида чизиқаси бўлмайди.
2.	Дони бир неча муртак илдиз чиқариб унади.	Дони битта муртак илдиз чиқариб унади.
3.	Бошоғида пастки гуллари ривожланади ва яхши мева тугади, юқоридагилари кўпинча етилмай қолади.	Бошоғининг юқори қисмида жойлашган гуллар ривожланади ва мева беради, пасткилари яхши ривожланмайди.
4.	Ўсиш даври бошида тез ривожланади.	Ўсиш даври бошида суст ривожланади.
5.	Иссиққа унчалик талабчан эмас.	Иссиққа жуда талабчан.
6.	Узун кунлик ўсимлик	Қисқа кунлик ўсимлик.
7.	Намга талабчан	Намга талабчан эмас (шолидан бошқаси).
8.	Кузги ва баҳорги турлари бор	Фақат баҳорги турлари бор

КУЗГИ БУҒДОЙНИ ЕТИШТИРИШ УСУЛЛАРИ

Буғдой донида 11–20 фоиз оқсил, 63–70 фоиз крахмал, 2 фоиз атрофида мой ҳамда шунча клетчатка ва кул бор. Буғдой сифатини белгилайдиган муҳим кўрсаткичлар донда оқсил ва клейковинанинг мавжудлиги. Оқсил миқдори буғдой қўлланиш доирасини аниқлайди. Масалан, нон ёпиш учун 14–15 фоиз оқсили бор, макарон маҳсулотларини тайёрлашда 17–18 фоиз оқсили бор дон керак.

Энг катта қийматга юқори сифатли, кучли, қимматли ва қаттиқ буғдой навлари эга. Юмшоқ буғдойни ун кучига (кучли, ўрта ва суст) қараб синфга бўлиш асосида дондаги оқсил, клейковина сифати ётади.

Кучли буғдойга фақат юмшоқ буғдойнинг донида 14 фоиз оқсил, 28 фоиз сифатига кўра биринчи гуруҳ клейковинаси бор навлари киритилади. Клейковина нонга юқори сифат (катта ҳажм ва коваклик) хусусия-

тини бериб, унга кучсиз буғдойлар унини қўшганда ҳам сақланиб қолиши керак.

Кучли буғдой кучсиз буғдойни яхшилаш қобилиятига эга бўлғанлиги учун яхшиловчи дейишади. Ўртacha буғдойларга донида 11,0—13,9 фоиз оқсил, 25—27 фоиз клейковина (сифат бўйича 2 гурӯҳси борлари киритилади, яхши новвойчилик хусусиятларига эга, лекин кучсиз буғдой унини яхшиламайди.

Кучсиз буғдойлар 11 фоиздан кам оқсил, 25 фоиздан озроқ (учинчи гурӯҳ сифатига кўра) клейковиналарга эга. Кучсиз буғдой унидан паст сифатли нон чиқади, хамири кўпчимайди, кўтаришмайди, нони зич ва қаттиқ бўлади. Шунинг учун бундай унларга фақат кучли буғдойлар кўшилиши керак, шундагина талабга мувоғиқ нон тайёрланади.

Кимматбаҳо буғдойларга ғалланинг сифати ва технологик хусусияти кучли буғдой сифатига кирадиган турлари ўрин эгаллаган, лекин бошқа тарафдан бу турлар янги навлар каби эмасдир.

Оқсил таркибига тупроқ иқлим шароитлари таъсир қиласди. Донли экинларни экишда шимолдан-жанубга ва ғарбдан-шарққа томон юрганда унинг таркибидаги оқсил моддаси кўпая бошлайди, доннинг сифатига ҳавонинг камлиги салбий таъсир кўрсатади. Қуёш инсоляцияси, азот таркибини ва агротехник даражадаги ишловни ерда кўпайиши натижасида унга таъсир кўрсатади. Масалан, баҳорги буғдойнинг таркибидаги оқсил моддаси шимоли-ғарбий ҳудудларда 12,0 фоизни ташкил этади. Масалан, қуёш нури кам бўлган Англия шароитида буғдойлар таркибидаги оқсил 11—12 фоиз бўлиб, уларни ем-ҳашак сифатида ишлатиш мумкин. Жанубий минтақаларда оқсил миқдори 14—16 фоиз, қаттиқ буғдойларда эса 18—20 фоизгача боради.

Оқсил моддаси буғдойда, қолаверса, иссиқ, қуруқ кунда ўстирилса, яъни клейковина моддаси орта бошлайди. Ғалла заруркунандаси — хасва унинг сифатини туширади. Буғдойдан болалар овқатлари, макарон ва қандолат маҳсулотларидан ташқари спирт, крахмал, декстрин олинади. Ун маҳсулоти, кепак чиқиндиларидан қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини боқишида кент фойдаланилади. 100 кг буғдой донида 117, шунча сомонида 30 озуқа бирлиги бор. Сомони чорванинг тагига тўшалади, юқори сифатли қоғоз олишда, бош кийим-

ларни ишлаб чиқаришда, сават тўқишида ҳамда қурилиш материали сифатида ишлатилади.

Жаҳон дәхқончилигида ғалла экинлари бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини экишдан кўра устун туради, у ер юзидаги деярли ҳамма жойларга, 226,9 миллион гектар (ФАО, 2000) майдонига экилади. Буғдой — ер куррасидаги энг қадимий маданий экинлардан биридир. Сўнгти тадқиқотларга қараганда, эрамиздан аввал 6,5 минг йил аввал у Ироқда, Мисрда ва Кичик Осиёда экиларди. Эрамиздан аввал 3 минг йил олдин эса Хитой, Туркманистон, Грузия, Арманистон ва Озарбайжонда экилган.

Буғдой жаҳоннинг етакчи мамлакатларида асосий экин сифатида Россия, АҚШ, Канада, Аргентина, Франция ва бошқа мамлакатлар дәхқончилигида салмоқли ўринни згаллайди. Марказий Осиёда буғдойнинг ёввойи навлари учрайди. Ўзбекистон жуда қадимдан кўпгина экинларининг ватани бўлиб келган. Мустақилликдан сўнг ғалла майдонлари янада кенгайиб 1,6 миллион гектар ерга буғдой экилмоқда.

Буғдой турлари. Буғдойнинг (*Triticum*) 22 тури бор. Бизнинг юртимиздаги сингари бошқа мамлакатларда ҳам 2 тури: юмшоқ ва қаттиқ буғдой кўп экилади. Юмшоқ ёки оддий буғдой (*Triticum aestivum L*) ва қаттиқ буғдой (*Triticum durum L*)дан ҳалқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланилади. Бошқа буғдой турларидан янги навлар яратишда ҳамда селекция ишларида фойдаланилади.

Лалмида етиштириладиган кузги буғдой навлари ҳақида кейинги бетларда тўлиқ маълумот берилган. Шунинг учун такрорлаш жоиз эмас.

Биологик хусусиятлари

Кузги буғдой навлари тупроқ иқлими шароитига қараб, биологик хусусиятларида ўзгаришлар бўлади. Уруғлари 1°C — 2°C ҳароратда уна бошлайди, аммо майсаларнинг қийғос униб чиқиши учун ҳарорат юқори 10°C — 12°C бўлиши керак, паст ҳароратда майсаларнинг униб чиқиши чўзилади, уруғлар чириб кетиши мумкин. 10°C — 12°C да майсалар 10 — 12 кунда, 14°C — 16°C ҳароратда 7 — 9 кунда униб чиқади. Экилгандан униб чиққунга қадар фойдали ҳарорат йиғиндиси

120°С—140°С бўлиши керак. Униб чиққанига 12—16 кун бўлгач, ҳаво ҳарорати етарли бўлса, туплаш фазаси бошланади. Буғдойда бу фаза 40—45 кун давом этади. Тупроқ иқлим шароитига, ҳарорат ва бугдой навига қараб бироз ўзгариш бўлиши мумкин.

Кузда ҳаво ҳарорати паст ёки тупроқда намлик етиш маса яхши тупламайди, баҳорга бориб нам етарли бўлиши, ҳарорат кўтарилигандан сўнг яна туплай бошлайди. Туплаш сони ўсимлик нинг сийрак ёки қалинлиги га ҳам боғлиқ. Сийрак экилса, туп сони 6—7 донага этади. Баҳорда азотли ўғитлар билан озиқлантириш ҳам туплаш сонининг ошишига олиб келади. Қулай шароитларда ўсимлик 15—20 тагача туп ҳосил қиласди.

Қийд келиш олдидан ҳар бир майса физиологик жиҳатдан қаттиқ совуқларга тайёргарлик кўради. Ҳужайра ширасида сувлар камайиб углевод ёки олигосахаридлар ҳосил бўлади. Маълумки, қаттиқ совуқларда ҳужайра ширасида сув бўлса музлаб қолади. Қиш пайти кузги буғдой учун деярли хавфли эмас, ҳозирги навлар совуққа жуда чидамли, улар туплаш бўғинида 18°С—20°С совуққа ҳам бардош беради. Баҳор анча хавфли ҳисобланади. Об-ҳавононинг бир исиб бир совуши масалан, кундузлари 8°С—10°С иссиқ ва ке-



1-расм:
А-буғдой ўсимлигининг
умумий кўриниши.
Б-гули.
В-униб чиқиши.

чалари 8°C — 10°C совуқ бўлиб, ҳароратнинг кескин алмасиши ҳужайраларни ҳаракатга келтиради ва оқибатда музлашига, совуқдан нобуд бўлишига олиб келади. Кейинги йилларда Краснодардаги П. И. Лукяненко номли институтда ҳосилдор ва совуққа чидамли навлар яратилди, улар қор тагида 30°C совуққа ҳам чидайди.

Ўзбекистонда 1 миллион 63 минг гектар ерга донли экинлардан асосан кузги буғдой экилади. Экиладиган майдон катта бўлгани учун айрим жойларда иқлим муқобил иссиқ, аммо Қорақалпоғистон ва Хоразмда кескин континентал ўта совуқ ёки ўта иссиқ бўлиши майсаларнинг нобуд бўлишига олиб келади.

Кузги буғдойнинг баҳорги ўсиши бошланганига 15—20 кун бўлганда навбатдаги фаза — найча тортиш бошланади. Бошоқлаш фазаси эса найча тортиш фазасидан 25—30 кун ўтгач бошланади, гуллаш ва бошоқ тортиш фазалари бир-бирига жуда яқин муддатда ўтади гуллаш 7—10 кунда тугайди. Доннинг шаклланиши, тўлишиши ва пишиши учун яна 25—30 кун керак бўлади. Аммо ҳаво ҳарорати юқори бўлгани учун бу муддат янада тезлашиши мумкин. Одатда, ҳаво салқин, серёғин бўлса, кузги буғдойнинг ўсиш даври чўзилади. Кузги буғдой навлари учун экилгандан пишгунча 1700°C — 2100°C фойдали ҳарорат йиғиндиси лозимдир. Ўсиш даври ўртacha 240—270 кунгача чўзилади.

Кузги буғдойлар иссиққа ва қурғоқчиликка чидамли ҳисобланади. Тупроқдаги намни тежаб ишлатади, ўсиш даврининг боши ва охирида намга талабчан эмас. Буғдой ўз ўсиш даврида намни баҳорги ўсиш давридан бошоқлагандан кўп талаб қиласи ёки 70 фоиз намлини шу пайтда ўзлаштиради. Ана шу вақтда нам билан таъминланмаслик, ҳосилдорликнинг камайишига олиб келади. Гуллаш ва пишиш фазасида жами зарур бўлган намнинг 20 фоизни истеъмол қиласи.

Кузги буғдой тупроқнинг 50—60 см чукурлигигача нам етарли бўлишини талаб қиласи. Айрим илдизлари тупроқларда 1,2—1,5 м чуқурликкача бориб, пастки қатламдаги намни ҳам ўзлаштира олади.

Кузги буғдой ёруғликка талабчан, узун кунлик ўсимлик. Ер куррасининг кўлгина мамлакатларида нам етарли бўлса ҳам қуёш нури етишмайди, шунинг учун улар донида оқсил кам бўлади. Юқори ҳосил олиш учун кузги буғдойларни унумдор тупроқларга экиш ло-

зим. Тузйлмаси енгил, қумоқ ва шўрланган, оғир тупроқларда яхши ҳосил бермайди. Органик моддаларга бой, гумус миқдори 1,5 фоиздан юқори озукә моддалари бўлган тупроқларда яхши ҳосил беради. Кузги буғдой шўр тупроқларда яхши ҳосил бермайди. Буғдой экиладиган майдонларда гумус миқдори 2—2,5 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Бизнинг шароитда озиқ моддалар камлигини фақат минерал ва органик моддалар эвазига қоплаш мумкин. Сизот сувлари яқин майдонларда ҳам кузги буғдой юқори ҳосил бермайди. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида буғдойдан юқори ҳосил олинади. Бунга сабаб буғдой учун энг яхши унумдор ерлар ажратилади. Ўзбекистонда ҳамон буғдой учун унумдор ерлар кам ажратиляпти. Демак, ҳосилдорлик ҳам шунга яраша бўлмоқда. Кузги буғдой юқори агротехникадан самарали фойдаланганда юқори ҳосил беради.

Минерал, органик ўғитлар тупроққа солинганда ўсимлик ўзлаштира оладиган ҳолатда бўлиши керак. Масалан, тупроқ қуруқ бўлса, солинган органик ўғит ҳам, минерал ўғит ҳам ўсимлик учун фойдасизdir. Усиш даврида 2—3 марта гўнг шарбати билан етарлича намиқтириб сугориш зарур. Буғдой учун зарур бўлган макроўғитлардан ташқари микроўғитларни ҳам бериш лозим, ана шундагина юқори ҳосил олинади.

Макроўғитлардан азот энг асосий ўғит бўлиб, вегетатив органларнинг ўсишида, генератив органларнинг кимёвий таркибини шаклланишида ҳамда уругнинг етилишида асосий ўрин эталлайди. Азот етарли бўлмаса, оқсил миқдори камайиб боради. Аммо азотли ўғитларни жуда кўп бериш ҳам ўсиш даврининг чўзилиб кетишига, буғдой поялари ўсиб, яхши бошоқланмасликка олиб келади. Ўсимлик салгина таъсирдан ётиб қолади, касалликларга чидамсиз бўлади.

Агарда азот етишмаса, уни ташқи томонидан кузатиб билса бўлади, барглар оч-яшил бўлиб, ҳажми кичрайди, пастки барглари тўла саргаяди, паст бўйли бўлиб қолади. Демак, ўсимликнинг вегетатив ва генератив органларининг ривожланишига салбий таъсир қиласи, ўз навбатида ҳосилдорлик камайиб боради. Ҳатто олинган дондан тайёрланган нонларининг технологик сифати давлат андозаси талабларига жавоб бермайди.

Г. С. Посипанов (1997 йил) маълумотларига кўра, кузги буғдой азотли ўғитни уна бошлаганидан то уругининг тўлишиш давригача ўзлаштиради. Туплаш фазасида кузги буғдой ўзи ўзлаштирадиган ўғитнинг 20—25 фоизидан, найча тортиш ва бошоқлаш фазасида 50—55 фоизидан, гуллаш ва мум пишиш фазаларида 10—15 фоизидан фойдаланади. Қолган қисмини эса мум пишиш фазасининг охирида ўзлаштиради. Эрта баҳорда ўса бошлаганда бошоқ тортгунча бўлган вақтда азотли ўғит билан етарли даражада таъминланган бўлиши шарт. Кузги буғдойнинг вегетатив органлари текшириб кўрилганда шу нарса маълум бўлдики, ёш майсаларда азот кўпроқ, вояга етган ўсимликда кам, яъни 1,0—1,3 фоизгача бўларкан. Азотли ўғит билан яхши озиқлаш туфайли буғдойларнинг донида оқсил ва клейковина миқдори юқори бўлади.

Фосфорли ўғитларни кузги буғдойлар жуда эрта ўзлаштиради. Айниқса, майсалар униб чиқа бошлаганда фосфорли ўғитларни яхши ўзлаштиради. Фосфорли ўғитлар ўсимлик ҳужайраларида модда алмашинувида иштирок этади, ферментлар ва органик бирикмаларнинг ҳаракати фосфор билан тезлашади.

Фосфорни кузги буғдой най тортиш, бошоқлаш ва гуллаш фазаларида энг кўп ўзлаштиради. Буғдой баргларида бинафша қизгиш чизиклар бўлса, у фосфорга муҳтоҷ эканлигини билдиради, мабодо тупроқда фосфор етишмас экан, ўсимлик азотли ўғитларни ҳам ўзлаштира олмайди. Кузги буғдой тупроқда эримай қолиб кетган фосфорли бирикмаларни ўзлаштира олмайди. Экиш билан бирга экишдан олдин ва эрта баҳордан гуллагунча икки марта озиқлантирилиши лозим.

Калий кузги буғдойда фотосинтез жараёнининг бориши, углевод ва оқсил алмашинувини яхшиловчи модда ҳисобланади. Калий етишмаса майсалар касалликларга тез чалинади, чунки ҳужайрада оқсилларнинг парчаланиши тезлашади. Калий етишмаган пайтда кузги буғдой майсаларининг четлари қўнғир рангга киради ва барг ўртасида қўнғир доғлар пайдо бўлади.

Майсалар калийни униб чиққанидан гуллагунига қадар кўп миқдорда ўзлаштиради, қалийга бўлган асосий талаб найга тортиш, гуллаш фазаларида кузатилади.

Демак, ҳар бир макроўғитни бир-бири билан алмашлаб бўлмайди, лекин улар бир-бирисиз ҳам тўлиқ

фойда бермайди. Кузги буғдойга микроўфтитларни бериш лозим, шундагина энг юқори ҳосилни олиш мумкин.

Навлари. Ўзбекистон мустақил бўлгунига қадар асосан лалми шароитда буғдой етишириларди, асосий экин майдонлари пахта билан банд эди. Мустақилликдан кейин тўла фалла билан таъминлаш масаласи қўйилди. Бироқ барча майдонларга экиладиган уруғларни етказиб беришнинг имкони бўлмай қолди. Суғориладиган майдонларга экиладиган буғдой навлари жуда кам эди. Шунинг учун иқлими нисбатан бизга ўхшаган чет мамлакатлардан навлар келтирилди ва қисқа вақт ичиде иқлимлаштирилади. Куйида ўзимизда яратилган ва четдан келтирилган навларнинг тавсифини кўриб чиқамиз.

7701446 «Унумли буғдой» — Ўрта Осиё тажриба станциясида (Ўзбекистон ўсимликшунослик ИТИ) К-45930 намунасидан яккараб танлаш йўли билан яратилган. Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган, республиканинг суғориладиган ерларида 1983 йилдан кузги муддатда экишга тавсия этилган.

Эритролеукон турига мансуб, биологик-баҳорги. Бошоғи цилиндричесимон шаклда (юз қисми ён қисмига нисбатан кенгроқ), йирик, зич эмас. Бошоқ қипиғи ланцетсимон, ўртача катталиқда, аниқ томирланган. Тишчаси ўртача узунликда, ўтқир, қилтиқли. Елкастор, ўтқир. Чоки жуда аниқ. Қилтиғи ўртача узунликда, қаттиқ, тарқоқ. Дони йирик, бочкасимон, саёз ариқчали, донининг асоси тукли, 1000 та донининг вазни ўртача 40,5 г.

Эртапишар, ўсиш даври ўртача 204—220 кун, республиканинг жанубида 165 кунда пишади. Ётиб қолиш ва тўқилишга бардошли, қурғоқчиликга чидамлилиги яхши, 5 балл атрофида.

Донининг ўртача ҳосилдорлиги (1994—1999 синов йилларида) республиканинг суғориладиган НСИШларида гектарига 46,8—55,4 центнер атрофида бўлди. Қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан кучсиз даражада, сариқ занг билан эса 10 фоизгача зарарланади.

9200053 Ҳосилдор (*САНЗАР-6*) — Ўзбекистон дончилик ИТИ (*«Дон» ИИЧБ*)нинг селекцион нави.

Кишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган, республиканинг сугориладиган ерларида 1996 йилдан кузги муддатда экишга тавсия этилган.

Грекум турига мансуб, биологик-кузги. Бошоғи призмасимон, ўртача узуунликда ва зичликда. Бошоқ қипиғи ланцетсимон, кам томирланган, бошоқ қипиғи тишчаси узун, қылтиқсимон. Елкаси қалта, чоки жуда аниқ. Қылтиғи тарқоқ, оқ дағал. Дони ўртача катталиқда, оқ, думалоқ-цилиндрсимон, саёз ариқчали, 1000 та донининг вазни ўртача 42,5 г.

Ўсиш даври ўртача 228 кун, шимолда (Нукус НСШ) 260 кун, жанубда ўртача 164 кундан 179 кунгача пишади. Нав ётиб қолиш ва тўкилишга бардошли, қишига чидамли, 5 балл атрофида.

Синов йиллари (1994—1998) ўртача ҳосилдорлик сугориладиган НСШларда: Фарғона вилояти Боғодд НСШда, Сурхондарё вилояти Узун НСШда ва Самарқанд ДНССда гектарига 51,4 центнерга, 54,2 центнерга ва 53,4 центнерга тўғри келган. 1999 йили энг юқори ҳосил танловида Урганч НСШда гектаридан 61,7 центнердан олинди.

Кишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан синов йиллари (1994—1998) кучсиз даражада зарарланди, қоракуя билан ҳам кучсиз даражада шикастланди. 1999 йили сариқ занг билан кучли зарарлашиб Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм НСШларида 75 дан 100 фоизгача, қолган вилоятларда ўртача даражада, 10—35 фоиз атрофида зарарланди.

Нон қилиб ёпиш сифати яхши, қимматбаҳо навлар гуруҳига киради.

7400861 «Интенсивная» — Киргизистон деҳқончилик ИТИда «Блезостая-4/1» кузги буғдой навини «Қозоғистон-126» баҳорги буғдой навини чатиштириш йўли билан яратилган.

Кишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестирига киритилган, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент вилоятларининг сугориладиган ерларида 1981 йилдан кузги муддатда экишга тавсия этилган.

Дуварақ, биологик-баҳорги. Кузги, баҳорги экиш муддатида яхши натижা беради. Ферругинеум турига мансуб.

Бошоғи призмасимон, йирик, ўртача зичликда. Бошоқ қипиғи тухумсимон, кам томирланган. Бошоғи-

нинг паст қисмдаги тишчаси 1,5—2,0 см, юқорисида 2,0—2,2 см. Бошоқнинг паст қисмиде елка йўқ, юқориси тор, баланд. Чоки ўртача аниқ. Қилтиғи тарқоқ, ўртача дағалликда. Дони тухумсимон, ўртача йириклиқда, майда ариқчали, донининг ости силиқ. 1000 та донининг вазни ўртача 42,2 г.

Эртапишар. Ўсиш даври ўртача кузги экиш муддатида 78 кун. Ётиб қолиш ва тўкилишга бардошли, қурғоқчиликка чидамлилиги яхши, 5 балл атрофида, шартли суғориладиган лалмикор ерларда баракали ҳосил беради.

Синов йилларида (1993—1997) донининг ўртача ҳосилдорлиги суғориладиган НСШларда гектарига 41,6—42,2 центнер атрофида бўлди, шартли суғориладиган лалмикор ерларда 29,0 центнергача етди. Нав қора куяга ўртача чидамли, лекин сариқ занг ва шудринг билан заарланишга мойил. 1999 йили сариқ занг билан заарланиш Ўзбекистоннинг жанубий туманлари (Узун НСШ) шароитида 40 фоизни ташкил этади.

Нон қилиб ёпиш сифати яхши ва аъло даражада. Нав қимматбаҳо буғдой турларига киради.

1606189 «СУАССОН» — Франциянинг («Делепланк» фирмаси) селекцион нави.

Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона вилоятларининг суғориладиган ерларида 1999 йилдан кузги муддатда экишга тавсия этилган.

Лютесценс турига мансуб, биологик-кузги. Бошоги қилтиқсиз, оқ, ўртача узунликда ва зичлиқда. Дони қизил рангли, ўртача йириклиқда, 1000 та донининг вазни ўртача 41,5 г. Нав ўртача баландликда, ётиб қолиш ва тўкилишга бардошли, қишига чидамлилиги 5 балл атрофида.

Донининг ўртача ҳосилдорлиги республиканинг суғориладиган НСШларида (1996—1998 синов йилларида) гектарига 51,2—51,7 центнер атрофида бўлган. 1999 йили танлов синовида Наманган НСШда гектаридан энг юқори — 57,5 центнердан юқори ҳосил олинди.

Нав ўртапишар, ўсиш даври ўртача 208 дан 225 кунни ташкил этади. Нав синов йилларида (1996—1999) қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари би-

лан, жумладан, сариқ занг билан заарланмади. Унини нон қилиб ёпиш сифати яхши.

8602816 «СПАРТАНКА» — П. П. Лукяненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалиги ИТИ ва Шимолий Кубан қишлоқ хўжалиги тажриба станциясининг селекцион нави. «Лютесценс 1673/75» x «Павловка» дурагай популяциясининг бир маротаба яккалаб танлаш йўли билан яратилган.

Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган, республиканинг сугориладиган ва шартли сугориладиган лалмикор ерларида 1998 йилдан кузги муддатда экишга тавсия этилган.

Лютесценс турига мансуб, биологик-кузги. Бошоғи урчуқсимон, ўртача узунликда ва зичликда. Бошоқ қипиғи тухумсимон, кучсиз томирланган, тишчаси калта, ўткир. Елкаси туғри, бошофининг юқори қисми кўтарилганроқ. Чоки жуда аниқ. Бошофининг юқори қисмида 8—10 мм узунликда қилтиқсимон ўсимтаси бор. Дони йирик, думалоқ-чўзинчоқ, ариқаси саёз, 1000 та донининг вазни ўртача 41,0 г.

Нав ўрта эртапишар, ўсиш даври ўртача 200—211 кунни ташкил этди. Ётиб қолиш ва тўкилишга бардошли, қишига чидамли 5 балл атрофида,. Қурғоқчиликни яхши ўtkазади, навни шартли сугориладиган лалмикор ерларда ҳам экиш мумкин.

Донининг ўртача ҳосилдорлиги, ҳар хил синов йилларида сугориладиган шароитда гектарига 50,0 дан 58,5 центнерни ташкил этди. Шартли сугориладиган лалмикор ерларда гектаридан 33,6 центнердан ҳосил олинган. Қишлоқ хўжалик касалликлари ва ҳашаротлари, шу жумладан, сариқ занг билан кучсиз даражада зарарланади.

Нон қилиб ёпиш сифати яхши. Нав кучли бугдойлар гуруҳига киради.

9003266 «МАРВАРИД» — Ўзбекистон дончилик ИТИ («Дон» ИИЧБ)нинг селекцион нави. Географик жойлашуви жиҳатдан фарқланувчи навларни чатиштириб олинган. «Алтин-буғдой» x «Юбилейная» x «Мелянопус-2» дурагай комбинациясидан яккалаб танлаш йўли билан яратилган.

Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган, Қашқадарё вилоятининг лалмикор ерларида 1998 йилдан кузги муддатда экишга тавсия этилган.

Дуварак, биологик — баҳорги. Мелянопус турига мансуб. Бошоғи цилиндрсимон, оқ, ўртача узунликда, зич, тукли. Бошоқ қипиғи элипссимон шаклда, кам томирланган, бошоқ қипиғининг тишчаси ўткир. Қилтиғи узун, дағал, кучсиз ёйилган, қора. Дони йирик, овал-цилиндрсимон, оқ қаҳрабо тусли, шишиасимон, ариқчаси ўртача, 1000 та донининг вазни ўртача 37,5 г. Синов йиллари (1994—1998) донининг ўртача ҳосилдорлиги Қамаши, Фаллаорол НСШларида гектар бошига 22,8 ва 14,3 центнерга тўғри келган.

Ўрта эртапишар, ўсиш даври ўртача 160 дан 180 кунгача. Ётиб қолиш, тўкилиш, курсоқчиликга бардошли, қишига чидамлилиги 5 балл атрофида. Қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан кучсиз даражада 10 фоизгача заарланади. Навнинг технологик қобилияти ва макарон тайёрлаш сифати яхши.

970630 «ДЕМЕТРА» — П. П. Лукяненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалиги ИТИда «КНИИСХ — 50» х «Лютесценс — 193» п 849^н навларини чатиштириш йўли билан яратилган.

Қишлоқ хўжалиги экиnlари Давлат реестрига киритилган, республиканинг сурориладиган ерларида 1999 йилдан кузга муддатда экишга тавсия этилган.

Лютесценс турига мансуб, биологик-кузги. Бошоғи қилтиқсиз, дони йирик, 1000 та донининг вазни ўртача 41,1 г. Нав ўртача баландликда, пишиш муддати бўйича ўрта эртапишар навларга киради. Нав республиканинг кўпчилик НСШларида ўртача 220 кунда, Ўзбекистоннинг жануби Сурхондарё вилоятида 186 кунда ўсиб этилади.

Донининг ўртача ҳосилдорлиги республиканинг сурориладиган НСШларидан гектарига 24,0 дан 49,4 центнергача тўғри келади. 1999 йили Олтиқўл НСШда 59,0 центнердан, Урганч НСШда эса 64,7 центнердан ҳосил олинди.

Нав ётиб қолишга, тўкилишга ва бошқа кўнгилсизликларга бардошлилиги 5 балл атрофида. Нав Ўзбекистон шароитида яхши қишлиайди (5 балл), қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан кучсиз, баъзида ўртача даражада заарланади (10—35 фоиз).

1999 йили сариқ занг билан кучли заарланиш Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида аниқланди (75—100 фоизгача). Оригинатор маълумотига кўра,

нав технологик ва нон қилиб ёпиш сифати бўйича қимматбаҳо буғдойлар турига киради.

9706231 «ОФЕЛИЯ» — П. П. Лукяненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалиги ИТИда «4473 п 31-4-2» линияларни яккалааб танлаш йўли билан яратилган.

Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган, республиканинг сугориладиган ерларида 1999 йилдан кузги муддатда экишга тавсия этилган.

Лютесценс турига мансуб, биологик-кузги. Бошоги ўртача узунликда ва зичликда. Бошоқ қипиғи ланцетсимон шаклида, 7—8 мм узунликда. Бошоқ қипиғи тишчалари қисқа, тўмтоқ, елкаси тўғри, ўртача катталикда. Чоки жуда аниқ. Дони ўртача катталиктада, қизил рангли, 1000 та донининг вазни 36,9 г.

Нав пакана бўйли. Ётиб қолишга бардошлилиги 5 балл, тўкилишга бардошлилиги ўртача 4,2 балл. Қишига чидамлилиги эса 5 балл атрофида.

Ўсиш даври ўртача 215 кун, республиканинг шимолида 265, жанубида 180 кунда пишади. Нав баҳорда тўла униб чиққанидан сўнг Навоий вилояти шароитида (Навбаҳор НСШ) 140 кунда пишган.

Донининг ўртача ҳосилдорлиги республика НСШла-рида гектарига 20,5 дан 46,1 центнер атрофида. Ушбу нав бўйича яхши ҳосил Андижон вилояти (Олтинкўл НСШ)да 57,0 центнердан энг юқори ҳосил эса Урганч НСШда 66,3 центнердан олинган.

1999 йили сариқ занг касали бўйича кучли заарланиш Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида 100 фоизгача, қолган вилоятларида ҳар хил даражада 14 дан 35 фоизгача содир бўлди.

Оргинатор маълумотига кўра, навнинг технологик ва нон қилиб ёпиш сифати бўйича кучли буғдойлар гуруҳига киради.

8900752 «ЮНА» — П. П. Лукяненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалиги ИТИ ва Шимолий Кубан қишлоқ хўжалиги тажриба станциясининг селекцион нави. «Обрий» х «Лютесценс-2338» (аралашма линия) дурагай популяциясидан икки маротаба яккалааб танлаш йўли билан яратилган.

Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган, республиканинг сугориладиган ва шартли сугориладиган лалмикор ерларида 1998 йилдан кузги муддатда экишга тавсия этилган.

Лютесценс турига мансуб, биологик-кузги. Бошоғи призмасимон, ўртачадан йириккача, ўртача катталиқда. Бошоқ қипиғи ланцетсимон, күчсиз томирланган, тиішчаси қалта, ўтқир, елкаси күтариленген. Чоки жуда аниқ. Бошоғининг юқори қисмида 10—12 мм узунликда қылтиқсимон ўсимтаси бор. Дони йирик, овалсимон, саёз ариқчали. Донининг асоси тукли, 1000 та донининг вазни ўртача 40 г.

Донининг ўртача ҳосилдорлиги республиканинг супориладиган НСШларида синов йилларида гектарига 61—66 центнерга түфри келген. Шартли супориладиган лалмикор ерларда 31—36 центнердан, 1998 йили 42,1 центнердан ҳосил олинган.

1999 йили янгидан очилган супориладиган НСШларда ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 22,8 дан 52,0 центнерга ошган. Нав ўртача 228 кунда пишади, республиканинг шимолида (Нукус НСШ) 265, жанубда (Сурхондарё вилояти) 180 кунда пишади. Нав ётиб қолиш, тўкилишга бардошли, қишига чидамлилиги 5 балл атрофида. Нав қурғоқчиликка чидамли, шартли супориладиган лалмикор ерларда ҳам экиш мумкин.

Синов йилларида нав қишлоқ хўжалиги касаллеклари ва ҳашаротлари билан күчсиз даражада заарланиди. 1999 йили сариқ занг билан кучли заарланиш Қашқадарё, Сурхондарё вилояти НСШларида аниқланди. Навнинг сариқ занг билан ўртача даражада заарланиши Самарқанд вилояти (Каттакўрғон супориладиган НСШ)да ҳам содир бўлди. Нон қилиб ёпиш сифати яхши, нав кучли буғдой гуруҳига киради.

9706229 «ПОЛОВЧАНКА» — П. П. Лукяненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалиги ИТИда узоқлашган дурагайлаш услубида икки тақорий яккалаб танлаш йўли билан яратилган (тритикален буғдойи билан чатиштирилган).

Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган, республиканинг супориладиган ерларида 1999 йилдан кузги муддатда экишга тавсия этилган.

Лютесценс турига мансуб, биологик-кузги. Бошоғи қылтиқсиз, цилиндриксимон, ўртача узунликда ва зичликда. Дони тўлиқ, ўртача йириклиқда, 1000 та донининг, вазни 35,5 г.

Нав ўртача баландликда, ётиб қолиш ва тўкилишга бардошли, қишига чидамлилиги 5 балл атрофида.

Ўсиш даври ўртача 220 кун, шимолда (Нукус НСШ) 270, Сурхондарё вилояти шароитида 194 кунда пишади.

Донининг ўртача ҳосилдорлиги республиканинг сугориладиган НСШларида гектар ҳисобига 34,9 дан 51,0 центнер атрофида. Яхши ҳосил Олтинкўл НСШда (Андижон вилояти) 61,5 центнердан олинган. Энг юқори ҳосил Урганч НСШ да 68,7 центнерга етказилган. Нав қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротларига чидамли. 1999 йили сариқ занг билан республиканинг турли минтақаларида кучсиз ва ўртача даражада 10—35 фоиз заарланди.

Оргинатор маълумотига кўра, навнинг нон қилиб ёпиш сифати яхши, қимматбаҳо буғдойлар гуруҳига киради.

8900760 «СКИФЯНКА» — П. П. Лукяненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалиги ИТИ ва Шимолий Кубан қишлоқ хўжалиги тажриба станциясининг коллекцион нави «Спартанка» навидан яккалаб танлаш йўли билан яратилган.

Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган, республиканинг сугориладиган ва шартли сугориладиган лалмикор ерларида 1998 йилдан кузги муддатда экишга тавсия этилган.

Лютесценс турига мансуб, биологик-кузги. Бошоғи урчуқсимон, ўртача узунликда ва зичликда. Бошоқ қипифи тухумсимон, тишчаси қисқа, ўткир, елкаси тўғри, бошоғининг юқори қисми кўтарилганроқ. Дони йирик, ярим чўзинчоқ, ариқчаси саёз, 1000 та донининг вазни ўртача 42,1 г.

Ўсиш даври ўртача 200—220 кун, шимолий шароитларида (Нукус НСШ) 265 кун. Навнинг ётиб қолиш, тўқилиш ва қишига чидамлилиги 5 балл атрофида, курғоқчиликка чидамлилиги ҳам яхши (5 балл). Ушбу навни шартли сугориладиган лалмикор ерларда ҳам экиш мумкин. Донининг ўртача ҳосилдорлиги ҳар хил синов йилларида республиканинг сугориладиган НСШларида гектарига 36,6 дан 54,3 центнерга етган, шартли сугориладиган лалмикор ерларда эса 20,4 центнерни ташкил қилган.

Қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан, шу жумладан, сариқ занг билан кучсиз даражада, 5 фоизгача заарланади.

Оргинатор маълумотига кўра, навнинг нон қилиб ёпиш сифати яхши ва аъло даражада.

9200156 «МАРЖОН» — Ўзбекистон дончилик ИТИ («Дон» ИИЧБ)нинг нави. Нав ВС₃, «Санзар 85₃» х «К-47335» навларини чатиштириб олинган дурагайдан, яккала танлаш йўли билан яратилган.

Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларининг сугориладиган ерларида 1996 йилдан кузги муддатда экишга тавсия этилган.

Эритроспермум турига мансуб, дуварак, биологик-баҳорги. Бошоғи тухумсимон-цилиндр шаклида, оқ рангли, ўртача узунликда, говак. Бошоқ қипиғи ланцетсимон, кам томирланган. Бошоқ қипиғи тищчали, қилтиғи оқ, тарқоқ, ўртача узунликда ва дағалликда. Дони думалоқ, қизил, ариқчаси саёз ва тор. Ўртапишар, ўсиш даври ўртача 178 кундан республиканинг жанубида 260, шимолида 280 кунгача тўғри келади. Дони йирик, 1000 та донининг вазни ўртача 51 г. Ётиб қолиш ва тўкилишга бардошли, қишига чидамли. Фарфона вилояти Бофодд НСШ ва Сурхондарё вилояти Узун НСШ маълумотларига кўра, сугориладиган ерларда ўртача ҳосилдорлик гектарига 47,9 ва 54,0 центнер атрофида. Энг юқори ҳосил 1999 йили Урганч НСШда 62,8 центнердан олинган.

Нон қилиб ёпиш сифати қониқарли. Қишлоқ хўжалиги касалликлари билан синов йиллари (1994—1998) кучсиз даражада заарланган. 1999 йил сариқ занг билан кучли заарланиш Қашқадарё, Хоразм вилоятларида 95—100 фоиз атрофида, қолган вилоятларда 20 дан 35 фоизгача содир бўлган.

9606206 «ГК-КАТА» — Венгрияning («Болна» фирмаси) селекцион нави.

Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган, Наманганд вилоятларининг сугориладиган ерларида 1999 йилдан кузга муддатда экишга тавсия этилган.

Лютесценс турига мансуб, биологик-кузги. Бошоғи қилтиқсиз, оқ, дони қизил рангли, ўртача йириклика, 1000 та донининг вазни ўртача 41,4 г. Нав ўртача баландликда, ётиб қолиш ва тўкилишга бардошли (5 балл). Донидан энг юқори ҳосил Наманганд («Олти Қаҳрамон» жамоа хўжалиги)да гектаридан 57,5 центнердан

олинди. Ўзбекистон шароитида яхши қишлийди, қишига чидамлилиги 5 балл.

Нав эртапишар, ўсиш даври синов йилларида ўргача 173 кун атрофида бўлди. Синов йилларида (1996—1999) қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан заарарланмади.

9706228 «КУПАВА» — П. П. Лукъяненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалиги ИТИ ва дурагай популяциядан икки маротаба яккараб танлаш йўли билан яратилган, олинган селекцион чатиштиришда «Кавказ», «Атлас-66» ва бошқа навлар қатнашган.

Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган, республиканинг сугориладиган ерларида 1999 йилдан кузги муддатда экишга тавсия этилган.

Лютесценс турига мансуб, биологик-кузги. Йирик бошоқли ва ҳосилдор нав. Дони ўртача йирикликда, қизил ёки оч қизил рангли, ярим чўзинчоқ шаклда, 1000 та донининг вазни 41,2 г.

Ўзбекистон шароитида нав 220 кунда, республика-нинг шимолида (Қорақалпоғистон Республикаси) 265, жанубий шароитда 182 кунда пишади. Донининг ўртача ҳосилдорлиги сугориладиган НСШларда гектарига 38,5 дан 53,6 центнерни, 1999 йили Наманган НСШда 58,0 центнерни, Олтинкўл НСШда 65,0 центнерни ташкил этган.

Нав ётиб қолиш ва тўкилишга бардошли, қишига чидамлилиги 5 балл атрофида, қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротларига бардошли. 1999 йили сарик занг билан заарланиш республиканинг айrim вилоятларида: Қашқадарёда 90 фоизгача, Хоразмда 75 ва қолган вилоятларда кучсиз, ўртача даража, яъни 15—35 фоиз бўлди. Оргинатор маълумотига кўра, унини нон қилиб ёпиш сифати яхши.

9606191 «БАЛТАЗАР» — Франциянинг («Делепланк» фирмаси) селекцион нави.

Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларининг сугориладиган ерларида 1999 йилдан кузги муддатда экишга тавсия этилган.

Лютесценс турига мансуб, биологик-кузги. Бошоги қилтиксиз, оқ, узунлиги ва зичлиги ўртача. Дони қизил рангли, ўртача йирикликда, 1000 та донининг вазни 43,1 г.

Нав ўртача баландликда, ётиб қолиш ва тўкилишга бардошли. Қишига чидамлилиги яхши, 47,7 балл. Донининг ўртача ҳосилдорлиги республика НСШларда синов йилларида (1996—1998) гектаридан 45,6—59,6 центнер атрофида бўлган. Энг юқори ҳосил Андижон вилоятининг «Ҳақиқат» жамоа хўжалигида гектаридан 69,3 центенрдан олинди. Пишиш муддати бўйича ўртапишар навларга киради. Самарқанд вилояти шароитида ўртача 212 кунда, Фарғона водийсида 216, Ўзбекистоннинг жануби, Сурхондарё вилоятида 169 кунда пишади. Синов йилларида (1996—1998) нав қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан заарланмади. Нав сариқ занг касаллигига чидамли.

Оргинатор маълумотига кўра, унини нон қилиб ёпиш ва хамир тайёрлаш сифати яхши.

9200119 «ДОБРАЯ» — Ўзбекистон ўсимликшунослик ИТИ ва Узун НСШ билан биргаликда «Унумли буғдой» x «Церрос 66» x «Безостая-1» навларини чатишириш йўли билан яратилган.


Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган, Сурхондарё вилоятининг сугориладиган ерларида 1999 йилдан кузги муддатида экишга тавсия этилган.

Ферругинеум турига мансуб, дуварак, биологик-кузги. Бошоғи пирамидасимон, юз қисми кенгроқ, ўртача узунликда ва зичликда. Бошоқ қипиғи ланцетсимон, 8 мм узунликда, эни 4 мм, кам томирланган, елкаси тўғри, эни 2—2,5 мм, чоки жуда аниқ. Бошоқ қипиғи ўткир тишчали, қилтиғи узун 5—7 см, дағал тишсимон, қизил. Дони бочкасимон, тукли, қизил, ариқчаси ўртача, 1000 донининг вазни 38,1—43,2 г.

Нав ётиб қолиш ва тўкилишга бардошлилиги 5 балл атрофида, эртапишар навлар гуруҳига киради, ўртача 212 кунда пишади. Ўзбекистоннинг жанубий шароитида эса ўртача 175 кунда етилади. Нав синаш маълумотига кўра (1995—1998) ўртача ҳосилдорлик республика НСШларида, Самарқанд ДНСС ва Узун НСШда гектарига 45,0—57,0 центнерга тўғри келди. Ўзбекистон шароитида яхши қишлиайди (5 балл).

Синов йилларида (1995—1998) қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан заарланмаган. 1999 йили навнинг сариқ занг билан заарланиши Сурхондарё вилоятида 20 дан 70 фоизгача етган.

Оргинатор маълумотига кўра, унини нон қилиб ёпиш сифати яхши.



2-расм. Буғдой турлари:

А-маданий бир уруғли; Б-тимофеевка; В-полба; Г-персикум;
Д -қылтиқли карлик; Е-қаттик, буғдой; Ж-қылтиқсиз юмшоқ буғдой;
З-қылтиқли юмшоқ буғдой; И-тургидум шохланган; К-тургидум шохланмаган;
Л-польская; М-спельта; Н-қылтиқсиз карлик; О-думалоқ донли.

9706232 «ГОЛИЦА» — П. П. Лукяненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалиги ИТИда «Лютесценс-3817 п 60» x «Лютесценс 2834 а 45-6» ларни чатиштириш йўли билан яратилган.

Кишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестирига киритилган, республиканинг сугориладиган ерларида 1999 йилдан кузги муддатда экишга тавсия этилган.

Лютесценс турига мансуб, биологик-кузги. Дони чўзинчоқ-овалсимон, шишасимон, қизил, ўртача йирикликда, 1000 та донининг вазни ўртача 36,9 г. Нав ўртача баландликда, республиканинг дон экиладиган минтақаларида ўртача 213,: Қорақалпоғистон шароитида 265, республиканинг жанубида 182 кунда пишади.

Донининг ўртача ҳосилдорлиги республиканинг сугориладиган НСШларида гектарига 26,7 дан 46,4 центнергача тўғри келади. Энг юқори ҳосил 1999 йил Андижон вилоятининг Олтинкўл НСШда гектаридан 61,0 центнердан олинди. Нав ётиб қолиш ва тўкилишга бардошли (5 балл), қурғоқчиликка ва қишига чидамлилиги юқори, 5 балл атрофида. Нав қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан кучсиз даражада заарланиди. Сариқ занг касали билан заараниши ўртача 35,5 фойизни ташкил этади. 1999 йили навнинг кучли заарланиши Сурхондарё вилоятининг Денов НСШда аниқланади (100 фойизгача).

Оргинатор маълумотига кўра, нав сифати бўйича кучли буғдой талабини қондиради.

Сугориладиган майдонларда кузги буғдой агротехникаси

Ўзбекистонда сугориладиган майдонлар жуда кам бўлгани сабабли экилган ҳар бир гектар ердан юқори ҳосил олиш учун ҳаракат қилиш зарур. Ўтказиладиган барча агротехник тадбир ҳар гектар ердан 60—70 центнердан ҳосил олиш учун бажарилиши лозим. Агротехник тадбир ўз вақтида, сифатли қилиб бажарилиши керак.

Кузги буғдой ўтмишдош экинларга талабчан бўлади. Ўзбекистонда ҳозирги кунда иккى асосий экин мавжуд бўлиб, буларнинг ҳар иккиси бир-бири учун асосий ўтмишдошdir. Кузги буғдойга сугориладиган майдонларда асосий ўтмишдош экин пахта бўлиб қолмоқда,

бундан ташқари, қатор ораси ишланадиган экинлардан маккажүхори, картошка, соя, баъзан кузги буғдой бўлиши ҳам мумкин. Дунё тажрибасида қўлланилган тоза шудгор, қора шудгор ҳозирча сугориладиган майдонда ўтмишдош бўла олмайди. Ҳозир Ўзбекистонда қисқа муддатли «Ғўза — ғалла — соя» алмашлаб экиш тизими қўлланилмоқда. Ғўза ва буғдой бир-бирига яхши ўтмишдош ҳисобланади. Бундан ташқари, соя ҳам алмашлаб экиш харитасида бўлади. Паҳтадан кейин дала тоза бўлиб, тупроқда ўзлаштирилмай қолган минерал ўғитлар мавжуд, уларни нисбатан буғдой ўзлаштиради.

Кузги буғдой минерал ва органик ўғитларга талабчан бўлади, ўртача 1 тонна дон учун тупроқдан 35 кг N, 13 кг P₂O₅ ва 23 кг K₂Oни ўзлаштириб олади. Юқори ҳосил олиш учун лозим бўлган минерал ўғитларни далага солиш зарур. Кузги буғдой экилган майдонларда тупроқ картограммасига асосан ўғитланиши даркор. Органик ўғитлар билан ўғитланиш керак. Ҳусусан, кузги шудгорлаш пайтида ҳар гектар ерга камида 6—7 тонна гўнг, баҳорда шарбат суви учун яна 4—5 тонна маҳаллий ўғит тайёрланиши лозим. Ўғитлар шудгор билан экиш пайтида баҳорда 1—2 марта озиқлантириш даврида берилади. Фосфорли ўғит кузда шудгор пайтида гектарга 50—60 кг миқдорда берилади. Азотли ва калийли ўғитлар баҳорда озиқлантириш пайтида берилади, шунингдек уларни култивация пайтида ҳам бериш мумкин. Фосфорли ва калийли ўғитлар култивация ёки дон экадиган сеялкалар ёрдамида берилади. Ўзбекистон тупроқларида калий бирмунча кўп, шунинг учун ҳам калий кам берилади, ўсимлик калийнинг асосий қисмини тупроқдан ўзлаштиради.

Фосфорли ўғит кузда ва баҳорда тўлиқ меъёрда, азотли ўғитлар баҳорда берилади. Кузги экиш пайтида мутлақо берилмайди, чунки улар тўлиқ ўсимлик томонидан ўзлаштирилмай, бекорга исроф бўлади. Буғдой экиладиган ерда маккажүхори, лавлаги экилган бўлса, у ҳолда кузда экишдан олдин 30—40 кг азотли ўғит берилади. Қолганлари баҳорда икки марта бўлиб берилади.

Биринчи азот билан озиқлантириш туплаш фазасининг охири, найча тортиш фазаси бошларида ўтказилиб, ҳар гектар ерга ўртача 60—70 кг миқдорда сар ҳолда берилади. Тупроқда нам етарли бўлса, трактор-

лар билан ёки ҳаводан сочма қилиб ҳам бериш мүмкін. Ўсимлик азотли ўғит билан озиқлантирилғандаги на яхши ҳосилдор поялар ҳосил қиласы, барг сатқи катта бұлади, фотосинтез жараёни мұваффақиятли кеңади, ўсимлик яхши ривожланади, бошоқларида бошоқчалар сони күп бұлади. Озиқлантирилғанда шунга әзтибор бериш лозимки, сийрак жойларга азотли ва калий ўғитлари меъердан күпроқ берилади, бу вақтда улар яхши түплайди. Иккінчи озиқлантириш найча тортиш фазасининг охири, бошоқлаш фазаси бошларидан бұлади. Бу вақтда аммиак селитрасига мочевинани аралаштириб сепилади. Бир ўзи берилса, барларни күйдіради ёки суюқ азотли ўғитларини бериш керак. Бир гектарга ўрта ҳисобда 120—160 кг азот, 90—120 кг фосфор ва 60—70 кг калий берилади. Бу минерал ўғитлар ўз вақтида бүгдой далаларга берилмаса олинадиган ҳосил 30—40 фоиз камайиб кетади. Буларнинг ҳар бири аҳамиятлы, шунинг учун бири иккінчисини қопламайди. Тупроқ картограммаси, ўсимликнинг ташқи күриниши ва майдондаги туп сонига қараб, ўғит меъёри белгиланади. Далала уларни текис қилиб сочиш ва тупроққа күмиш керак.

Уругни әкишга тайёрлаш. Экиладиган уруғлар Давлат стандарты талабларига жавоб берishi керак. Экиладиган уруғлар йирик, текис, яхши етилған, бегона ўт уруғларидан тоза, касалланмаган, унүвчанлик ва тозалиги жиҳатидан талабға мөс бўлиши лозим. Уруглик учун I, II синф уруғлар олиниши керак. 1000 дона уругнинг вазни 40—45 г ва уругнинг ўсиш кучи 80—82 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Сифатли уруғлар экилаганда уларнинг униб чиқиши, туп сони ва қишига чидамлилиги юқори бўлади.

Экишдан олдин уруғлар қоракуя, илдиз чириш, занг ва бошқа қасалларларга қарши дориланади. Фундазол 50 фоиз (2,5 кг/га), ватавакс 75 фоиз (2,5—3,0 кг/га) 1 тонна урукка аралаштирилади. Чангли қоракуя учун уруғлар витапиурал билан 80 фоиз (2—3 кг) дорилаади.

Дорилаш ишлари марказлаштирилган бўлиб, маҳсус кўчатлар билан ҳамма экиладиган уруғлар бир жойда, маҳсус ходимлар ёрдамида олиб борилади. Бу ишлар маҳсус машиналарда бажарилади. Кимёвий дорилардан ташқари уругга заҳарли дориларни сингдирув-

чилар ҳам биргаликда аралаштирилади. Буларга техник казеин 0,1—0,5 кг, сульфиднинг спирт бардаси 0,7—1,0 кг бир тонна уруғга дорилар билан қўшиб аралаштирилади ва бу аралашмадан уруғ пушти-қизғиш тусга киради. Ёпиштиргич клейлар сифатида 5 фоиз ПВСни бир идишга солиб, 3—4 литр сув билан аралаштириб, 30—40 фоиз қиздирилади, яна 0,5 кг ПВС солиб, бирлас аралаштирилади, кейин 10 л 80°C—90°C иссиқ сув қўйиб аралаштирилади ва 1 тонна уруғга шу аралашма кимёвий дорилар билан қўшиб аралаштирилади.

Ерни экишга тайёрлаш. Бу иш, аввало, ерни суғоришидан бошланади. Қайси экин бўлмасин, суғорилмасдан ерни ишлаб бўлмайди. Паҳтадан кейин экиладиган бўлса, гўзапоялар териб олиниб, ер ҳайдалади ёки чизелланади. Ҳайдаш билан органик ва фосфорли ўғитлар берилади. Ер тобига келгач, борона қилинади, мола босилади, яхшилаб текисланади, чунки нотекис ерларда суғориш, ўғитлаш ишларини сифатли қилиб ўтказиб бўлмайди. Кейин суғорилганда сув кўллаб, қор ва ёмғир сувлари тўпланиб қолади, шунинг учун ер яхшилаб текисланиши керак.

Экиш муддатлари. Кузги буғдойни айни шу туман учун белгиланган мақбул муддатда экиш лозим. Уруғни жуда эрта ёки кеч экиш ҳам ижобий самара бермайди. Сентябрь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб уруғлар экилиши керак ёки униб чиққанидан кейин қаттиқ совуқлар бошлангунча камида 40—45 кун ўтиши лозим. Ана шу мўлжал билан кузги буғдой уруғлари экилади, майсалар 400°C—450°C ҳарорат олиши керак.

Экиш муддатини сентябрдан бошлаш лозим. Жанубий туманларда 15 октябргача экиш чўзилади, шимолий туманларда эртароқ экиб тутатилиши шарт. Кузги буғдой майсалари униб чиққанидан, ўсишдан тўхтатгунича 5°C дан юқори бўлган ҳароратдан энг камида 250°C—270°C ҳарорат олиши керак. Шунда қишдан яхши чиқади.

Экишда асосан ДТ-75, Т-74 тракторларига СЗТ-3,6 сеялкаларини икки ёки учтадан тирқаб олиб, фойдаланиш лозим.

Экиш усули. Тор қаторлаб, яъни қатор ораларини 13—15 см қилиб экилади. Экиш билан биргаликда 60—70 см кенгликда жўяқ олиб кетилади. Кузги буғдойни

қатор ораларини 13—15 см, шунингдек, 7,5—8,5 см кенглика ва туп орасини 3—4 см кенглика узунасига ва кўндалантига ҳам экиш мумкин. Сугориладиган майдонларда буғдой экиш билан 70 см кенглика саёз жўяк олинади. Сугориш ишларида шу жўяклардан фойдаланилади. Урувлар тупроқнинг оғир енгиллигига ва нам миқдорига қараб, 5—7 ва 4—5 см чукурликка ташланади. Кузги буғдой яхши тупланиши учун чукурроқ қилиб экилгани маъкул, чунки совуқ урмайди.

Кузги буғдой, баҳорда минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Касаллик ва ҳашаротлар кўп бўлса, кимёвий ишлов берилади. Занг ва ун шудринг касаллиги учун майдонлар баймтон 25 фоиз 0,6 кг, тилт 25 фоиз 0,5 л/га билан туплаш ва найча тортиш фазасида ишланади. Ётиб қолмаслиги учун тур препарати ишлатилади.

Экиш меъёри. Ҳосилдорликни белгилайдиган асосий кўрсаткичdir. Шунинг учун экиш меъёрини аниқ белгилаш керак. Экиш меъёри, навнинг хусусияти тупроқ унумдорлигига, экиш муддатига қараб белгилана-ди. Туп сони сийрак бўлса, уруғ кам ташланган бўлади. 1 м² майдонда 300—350 дона поя ҳосил бўлса, демак, туп сони сийрак. 1 м² майдонда поялар сони буғдой пишган пайтда 400 донадан зиёд бўлиши керак. Туп сони ўта қалин бўлса ҳам озиқа моддалар, нам етишмаслиги ва фотосинтез жараёни яхши кечмаслиги туфайли ҳосил камайиб кетади. Жуда қалин бўлса, буғдой поялари ётиб қолиб, тез касалликка чалинади.

Агар далада бегона ўтлар кўп бўлса ёки кеч экилса, урувлар сифатсиз бўлса, экиш меъёри оширилади. Қишлоvdаги нобудгарчиликни ҳисобга олиб экиш меъёри 10—12 фоиз оширилади. Экиш меъёри 3,5—4,0, 4,5—5,0 мм. дона унадиган уруғ миқдорида ташланади. Килограмм ҳисобида 1000 дона уруғ вазни ҳисобга олиниб, 180—200, 200—220 кг миқдорида экилади.

Сугорилиш усуслари. Ўзбекистонда кузги буғдой ҳосилдорлигини белгилайдиган муҳим агротехник таддир — сугориш ҳисобланади. Фаллазорлар сугорилмаса, ўта паст ҳосил олинади. Амалда ёпласига бостириб, эгатлаб ва ёмғирлатиб сугориш усуслари кўлланилади. Эгатлаб сугоришда ер, эгатлар туби сугорилади ва сув тежаб сарфланади. Сугориш эгатлари буғдой экиш билан бир вақтда олинади. Бунинг учун сеялкаларга эгат

олингич ўрнатилади. Суғориш эгатлари орасидаги ма-софа тупроқнинг сув ўтказувчанлигига қараб аниқла-нали. Енгил тупроқли ерларда суғориш 50—60 см, ўрта-ча тупроқли ерларда 60—80 см ва оғир тупроқли ер-ларда 79—90 см. дан оралатиб олинади. Ерлар суғориш-дан олдин текисланиши керак.

Ёмғирлатиб суғоришида маҳсус ёмғирлатиш маши-налари ишлатилади. Бошқа усулларга қараганда бу усуул-линг афзаллиги шундаки, текислаш ишлари кам бўла-ди, сув тежаб сарфланади. Буғдойни томчилатиб ҳам суғориш мумкин. Кузда ёмғир ёғмаса, бир марта ях-шилаб суғорилади, баҳорги ўсиш даврида ернинг то-бига қараб 4—6 марта суғориш лозим. Ўртача суғориш меъёри 700—800 м³ бўлиши керак.

Ҳосилни йиғиштириш. Ҳосилни йиғишга мум пи-шиш давридан бошлаб киришилади. Ерни эртароқ бўша-тиш ёки такрорий экиладиган экинлар учун тайёрлаш-ни тезлаштириш жараённида буғдой поялари ўриб ётқи-зилади. Бу вақтда тўлиқ пишиш 8—10 кунга тезлашади. Дон тўлиқ пишиб етилгач, СК-5, «НИВА» ва «КЕЙС» комбайнлари билан ўриб-йиғиб олинади. Ҳосилни «КЕЙС» комбайнлари билан йиғиштириш иқтисодий жиҳатдан самаралидир. Чунки дон ўрим пайтида ерга оз миқдорда, яъни 1—1,5 фоиз тўкилади, СК-5 ком-байнларида эса тўкилиш миқдори 6—8 фоизга етади. «КЕЙС»ларда иш унуми юқори, бир кунда 40—50 гек-тар майдонни ўриши мумкин.

Кузги буғдой ҳосилдорлиги илғор хўжаликларда 75—80 центнерни, оддий агротехникада 35—40 центнерни ташкил қиласи. Республикада дон ҳосилдорлиги гекта-рига ўртача 30—40 центнерга тўғри келади. Андижон вилоятида 70 минг гектар ердан ўртача 70 центнердан дон олинмоқда. Илғор фермерлар ҳатто 95—100 цент-нердан дон олишялти.

Назорат саволлари:

1. Кузги суғориладиган буғдой навлари.
2. Кузги буғдойнинг экин майдонлари неча гектар?
3. Биологик хусусиятлари, тупроққа талаби.
4. Экиш усули, муддати.
5. Экиш меъёри, суғориш ишлари қандай олиб борилади?

КУЗГИ ЖАВДАР

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Кузги жавдар энг муҳим дон экинларидан бири ҳисобланади. Дони ва сомонидан озиқ-овқат саноатида, чорвачиликда фойдаланилади. Уруглари таркибида тупроқ иқлим шароитига кўра 9—10 фоиз оқсил, 53—64 фоиз крахмал, 1,5—1,8 фоиз мой бор. Жавдар нонида А, В, В₂, Е, РР витаминлари бор. Ундан тайёрланган маҳсулотлар тўйимли бўлиб, ўзига хос таъмга эга. Жавдар унида лизин буғдой унига қараганда 1,5 марта, тирозин ва треонин бир неча мартага юқори. Донидан нон ва нон маҳсулотларидан ташқари спирт олишда ва крахмал тайёрлашда хом ашё сифатида фойдаланилади. Жавдар ургудаги муртаклар оқсил, мой, қанд, витаминларни кўп сақлагани учун дори-дармонлар тайёрлашда ва озиқ-овқат саноатида кенг ишлатилади.

Жавдар донининг 100 кг. да 116 озиқа бирлиги бўлиб, чорва моллари сомони ва кўк поясини хуш кўриб истеъмол қиласди. Ўзбекистонда жавдар оралиқ экин сифатида экилиб келинади. Баҳорда кўк поялари барча турдаги ҳайвонлар томонидан истеъмол қилинади. Сомонидан маккажўхорига кўшиб силос ва сенаж тайёрланади. Кепак ва қобиқларидан концентратли озуқалар тайёрлашда кўшимча сифатида фойдаланилади. Сомонидан целлюлоза, фурфурол, уксус, лигнин ва бошқалар олинади, шунингдек, дағалроқ қофозлар, шляпа, сават ва қўл ҳунармандчилигига турли хил нарсалар тўқилади.

Жавдар ўсимлиги тупроқ танламаганлиги учун уни унумдорлиги паст, шўрланган ёки бошқа ўсимликлар яхши ўスマйдиган майдонларда етишириб, кўшимча дон ва чорва моллари учун озуқа тайёрлаш мумкин. 60-йилларнинг охиридан бошлаб жавдар республиканинг суфориладиган майдонларида ўстирилиб 30—35 ц дон ёки 400—420 ц кўкпоя олинмоқда.

Ўзбекистонда жавдарни оралиқ экин сифатида экиш яхши натижа беради. Чунки унинг илдизлари тупроқда эримайдиган ҳолга ўтиб қолган минерал ўғитларининг фосфорли бирикмаларини ўзлаштиради. Кўп туплайди, тез ўсади, бегона ўтларнинг ривожланишига имкон қолдирмайди. Сув кам майдонларда экиш ҳам ижобий натижа беради.

ФАО маълумотларига кўра, дунёда 11 миллион гектар ерга жавдар экилади. Энг совуқ жойларда ўса олиши билан эътиборга лойиқдир. Россия, Германия, Польша, Франция ва АҚШда экилади.

Жавдар кўп жойларда буғдой ва арпани заарлаб, бегона ўт сифатида ўсади. Кейинги йилларда жавдарнинг янги навлари яратилди. Ўзбекистоннинг шўрланган майдонларида бу экинни экиш катта даромад беради. Ҳеч нарса ўсмаган майдондан 12—15 центнердан дон ва 30—35 центнердан сомон олиш иқтисодий жиҳатдан маъқулдир.

Биологик хусусиятлари. Кузги жавдар барча кузги дон экинлари ичидаги совуққа энг чидамли экинлардан бири ҳисобланади. Маълумотларга кўра, қорсиз жойларда 20°C — 25°C совуққа, қор тагида эса майсалари 60°C совуқ ҳароратга ҳам бардош беради.

Жавдар униб чиққан пайтда ҳаво ҳарорати 6°C — 8°C бўлса майсалари тез ривожланади. Экилган уруғлар нам етарли тупроқларда 6—7 кунда униб чиқади. Униб чиққач 13—15 кундан кейин туплай бошлайди. Жавдар учун туплаш энг муҳим фазалардан бири ҳисобланади, ҳаво ҳарорати 10°C — 11°C бўлса, тез ва яхши тупланади. Тупланиш тугунлари жавдарда кузги буғдойга қараганда юза жойлашади. Жавдар ноқулай об-ҳаво таъсирида кузда тупламай қолса, эрта баҳор туплашни давом эттиради. Кузда сийрак бўлган майдонлар ҳам баҳорда етишиб ёки қалинлашиб кетади. Илдизи кузда жуда тез ривожланади, ноябрь ойида улар 60—70 см чуқурликкача боради.

Эрта баҳорда, ҳаво ҳарорати 4°C — 5°C етганда жавдар ўса бошлайди. Ҳарорат 10°C дан ошгандан сўнг ўсиш тезлашади, айниқса, ҳаво ҳарорати 20°C юқори бўлганда бир кечакундузлик ўсиши дон экинларига қараганда юқори бўлади. Ўсиш даври 170—185 кун давом этади. Жавдар қурғоқчиликка ҳам чидамли. Бунга сабаб унинг бақувват ривожланган илдизларидир. Илдизлари тупроққа 120—150 см чуқурликкача бориб, намни ўзлаштириб олиш имконига эгадир. Шунинг учун қурғоқчилик унга ҳавфли эмас. Агарда бошоқлаш ва гуллаш фазаларида нам етишмаса уруғлар пуч бўлиб қолади.

Экинлар ичидаги жавдар тупроқ танламайди, энг ёмон, унумдорлиги паст, ориқ, шўраланган, енгил

кумоқ тупроқларда ҳам, оғир соз, ботқоқлашган тупроқларда ҳам яхши ривожланади. Аммо органик моддаларга бой унумдор тупроқларда жавдардан юқори (70—80 ц/га) ҳосил олиш мүмкін.

Биологик хусусиятига кўра ўсимлик уруғлари июнь ойи охири июль ойи бошларида пишиб етилади.

Баҳорда яхши тупланган жавдар 18—20 кунда найча торта бошлайди. Ёки 18—20 кунда поя ҳосил қилади. Бошоқ тортиш фазаси эса шундан сўнг 15—20 кун ўтгач бошланади. Бошоқ тортиш ва гуллаш фазаси ўртасида вақт жуда қисқа бўлиб 10—12 кун давом этади, гуллаш даври 10—15 кун. Жавдарда гуллаш фазаси яққол кўринади. Четдан шамол, ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Бу фазада ҳаво ҳарорати юқори бўлмаса, ҳосилдорлик юқори бўлади.

Дон ҳосил бўлиши тез бошланади ёки чангланганидан 5—6 кундан сўнг уруғлар бошоқларда шакллана бошлайди. Сут пишиш фазаси чанглангандан 10—15 кундан кейин бошланиб 8—10 кун давом этади. Сут пишиш фазаси энг қисқа мум пишиш фазаси 12—18 кун чўзилади, донлар тўлиқ пишгунча 8—10 кун керак. Иқлим юқори бўлса дон ҳосил бўлиши ва пишиши тезлашади, ҳаво салқин бўлса 40—45 кун давом этади.

Кузги жавдарга кузда униб чиққанидан яхши туплагунча 300⁰С—400⁰С баҳорда уна бошланганидан пишиб етилгунича 1300⁰С—1500⁰С ёки жами 1600⁰С—1800⁰С ҳарорат зарурдир.

Куйидаги нави экилади: Ўзбекистонда бу экиннинг майдони деярли камайиб кетди. Ҳозир биргина баҳорги нави иқлимлаштирилган.

7802625 «ВАХШСКАЯ-116» Тожикистон деҳқончилик илмий-текшириш институти Вахш бўлимида ёввойи жавдар — 7323 ни кузги «Бернуб-9939» билан чанглатиш ва дастлаб кўплаб танлаш, сўнгра эса кўп марта яккараб танлаш йўли билан яратилган.

Нав муаллифлари: Н. С. Паришкура, М. К. Зоршиков, Н. В. Лвова, М. Раҳмонов.

1983 йилдан Республиканинг сугориладиган ерларида яшил озуқа учун оралиқ экин сифатида Давлат реестрига киритилган.

Вулгаре турига мансуб. Тупи тик ўсади, шохланиши яхши ривожланган, поясининг баландлиги 76—110 см, мустаҳкам. Барги яшил, мум губори йўқ. Бошоги оқ,

призмасимон, узунлиги 14—20 см, зичлиги 10 см, пояда 16 та бошоқ бор. Қылтиғи оқ, түғри турувчан, узунлиги 3 см. Бошоқ қилиғи наштарсимон, узунлиги 10 мм. Дони оч-жигарранг, ўртача, узунчоқ, асоси силлиқ. 1000 та донининг вазни 18,0—20,0 г. Ўртача ҳосилдорлиги гектарига 60,0—67,0 центнерни ташкил этади. Тезпишар, вегетация даври яшил озуқа учун 163, дон учун 179 кун. Қишлоқ хўжалиги касалликлари билан ўртача даражада, ҳашаротлари билан эса сезиларли даражада заарланади.

Етиштириш технологияси

Алмашлаб экишдаги ўрни. Жавдарни етиштириш усуслари сугориладиган майдонда етиштирилладиган кузги буғдойга ўхшаш. Ўсимликшунослиқда кузги жавдар тупроққа энг кам талабчан ўсимликлардан бири ҳисобланади. Аммо жавдарни ҳам тоза шудгордан ёки дуккакли дон экинларидан сўнг экиш ижобий натижа беради. Қатор ораси ишланадиган экинлар кузги жавдар учун яхши ўтмишдош ҳисобланади. Жавдарнинг бақувват илдизи тупроқда эримай қолган минерал ўғитларни ўзлаштириш имконига эгадир. Жавдар ўзи учун энг ёмон ўтмишдош ҳисобланади.

Бир тонна жавдар уруғи олиш учун ўртача 25—32 кг азот, 14—15 кг фосфор, 25—30 кг калий сарфлайди. Жавдар асосий озиқани туплаш ва бошоқ тортиш фазасида ўзлаштиради. Бу вақтда тупроқда нам етарли бўлсагина минерал ўғитлар яхши ўзлаштирилади. Намга тортиш фазаси охирида асосан минерал ўғитларни азотнинг 65 фоиз, фосфор ва калийнинг 58,5 фоизини ўзлаштириб бўлади. Бошқа экинларга қараганда жавдар органик ўғитларга талабчан. Фосфорли ўғитни кузда, калийли ўғитни эса баҳорда бериш лозим. Фосфорли ўғит бир гектарга соғ ҳолда 100—120 кг, калийли ўғит эса 70—80 кг микдорда берилади. 30—40 кг (соғ ҳолда) азотни экишдан олдин ерни ишлаганда бериш керак. Қолган азотли ўғитлар баҳорда қишлиб чиқиш ҳолатига қараб берилади. Қишлиб чиқсан майдонларда туп сони сийрак бўлса, азотли ўғитлар кўп берилади. Азотли ўғит таъсирида улар яхши туплайди.

Экиш муддати. Асосий агротехник тадбир ҳисобланади. Маълумки, жавдар уруғларини эрта экиш ҳам,

кеч экиш ҳам ҳосилдорликнинг камайишига олиб келади. Эрта экилса, жавдар найча тортиб, поя ҳосил қиласи ва қишки совуқлардан заарланади, кеч экилганда туплаш тутунлари юза жойлашгани учун ер устидаги биринчи тутунчалар совуқдан нобуд бўлади. Шунинг учун совуқ тушгунигача 45—50 кун қолганда экиш лозим. Шимолий туманларда октябрь ойининг боши, жанубий туманларда эса октябрнинг охири энг қулай экиш муддати ҳисобланади.

Экиш усули. Тор қаторлаб, қаторлаб, икки томонлама ва пуштага экилади. Тор қаторлаб экилганда қаторлар ораси 13—15 см, уруғлар ораси 5—6 см бўлади. Сеялкалар шу кенгликда уруғни ташлайди.

Экишдан олдин уруғлар фузариозга, илдиз чириш, гелминтоспориозга, қоракуя ва бошқа касалликларга қарши дориланади. Экиладиган жавдар уруғлари тоза навли, яхши сараланган ва текис йириклика бўлиши керак. Унувчанлиги юқори, сифатли уруғлар майсаси бирданига, бир текисда қийғос униб чиқади. Жавдарнинг бошқа дон экинлари уруғларидан фарқи шуки, янги ўриб олинган уруғлари жуда суст бўлади, уларни сақлаш давомида унувчанлик даражаси оша боради. Имкони бўлса бир йил сақланган уруғларни экиш лозим. Об-ҳаво салқин келган йилларда уруғлар экишдан олдин қиздирилади.

Янги уруғдан экилганда ҳосилдорлик сақланган уруғларга қараганда 3—4 центнер кам бўлади. Жавдар СЗ—3,6, СЗТ-3,6 русумли сеялкаларда экилади. Суғориладиган майдонларда асосан пуштага экилади, бунда 60—70 см кенгликда эгатлар ёки суғориш ариқлари олинади. Баҳорда ана шу ариқлардан суғорилади.

Экиш меъёри. Бу тадбир навнинг хусусиятига, турроқ унумдорлиги, экиш муддати, ердаги нам миқдорига қараб белгиланади. Унумдорлиги паст, иқлим шароити нокулай тупроқларда экиш меъёри кам қилиб белгиланади. Жавдардан юқори ҳосил Россиянинг шимолий минтақаларида олинади. Экиш меъёри белгиланганда ўртacha 1 m^2 да 500—600 дона ҳосилдор бошоқ бўлишини ҳисобга олиб иш кўриш лозим.

Экиш меъёри килограмм ҳисобида 110—120 кг, дона ҳисобида 3,5—4,0 миллион дона уруғ олинади. Унумдорлиги юқори, соф азот етарли бўлган майдонларда экиш меъёрини 0,4—0,5 миллион донага камайтириш

мумкин. Туплаши эвазига ҳосилдорлик камаяди. Енгил құмлоқ ва шүрланған тупроқларда екиш меъёри 10—12 фоизга оширилади.

Жавдар уруғлари ерга чуқур ташланмайды, одатда, екиш чуқурлиги тупроқнинг таркибиға ва намлигига боғлиқдир. Енгил, құмлоқ тупроқларда чуқур, оғир ва соз тупроқларда юза қилиб экилади. Жавдарнинг тупланиш бүгими юза жойлашгани учун Россия шароитидаги қаттиқ қишлоарда мұзлаб, нобуд бўлиши мумкин. Бизнинг шароитда қаттиқ совуқлар бўлмагани туфайли майсалар совуқдан нобуд бўлмайди. Оғир, соз тупроқларда 3—4 см, енгил, құмлоқ тупроқларда 4—5 см чуқурликка ташланади. Мабодо уруғлар майда бўлса ҳам уларни юза ташлаш лозим. Курғоқчилик йилларида уруғлар 6—7 см. гача чуқурликка ташланади.

Парваришлиш. Уруғлар нам тупроқларга экилади ва тупроқдаги нам билан уруғлар униб чиқади. Куз куруқ келса, майсалар униб чиққандан кейин бир марта сугорилиб, борона қилинади. Баҳорда борона қилиш натижасида туплар иккига бўлиниб, янги жавдар поялари ҳосил бўлади. БЗСС-1 русумли тишлар бороналар ва БЗГС-1 русумли оғир бороналар кўндалангига ва узунасига солинади. Бегона ўтларга қарши симазин ва 2,4-Д гуруҳига мансуб гербицидлар билан ишланади. Баҳорда жавдар майдонлари туплаш фазасида 50—60 кг азотли ва 30—40 кг фосфорли ўғит бериб озиқлантирилади. Ер ости сувлари чуқур жойлашган бўлса 4 марта, юза жойлашган бўлса 3 марта сугорилади, сугориш меъёри гектарига 800—900 м³. Гуллаш пайтида тупроқда нам етарли бўлиши лозим, ана шунда уруғлар яхши етилади. Жавдар ҳосили кузги буғдойга қараганда 10—12 кун олдин пишиб етилади.

Ҳосилни йиғиб олиш тадбирлари кузги буғдойни йиғиширишга ўхшаш. Дон комбайнларда йиғиб олинади. Ҳар гектар ердан 25—30 центнердан дон ва 50—60 центнердан сомон олинади. Илғор хўжаликларда ҳосилдорлик гектарига 40—45 центнерни ташкил этади.

Назорат саволлари: .

1. Кузги жавдарни бошқа дон экинларидан ажратса оласизми?
2. Жавдар унидан қандай маҳсулотлар олинади?
3. Жавдар донининг кимёвий таркибини айтинг.
4. Кузги жавдарни баҳорда екиш мумкинми?

КУЗГИ АРПА

Халқ хұжалигидаги ақамияти. Арпа ўз ақамиятига күра дон экинлари ичіда буғдойдан кейин иккінчи ўринни әгаллайды. У ем-хашак ва озиқ-овқатта ишлатылади. Арпа дони барча қишлоқ хұжалиги ҳайвонлари учун айниңса, молларни бүрдоқига бокиша ақамияти каттадир. Сомони ҳам чорва моллари учун яхши озуқа ҳисобланади. 100 кг арпа донида ўртача 126 озиқ бирлиги ва 8,1 кг ҳазм бүлладиган протеин, 100 кг сомони 36 озиқ бирлиги ва 1,2 кг ҳазм бүлладиган протеин бор. Арпа күкат озиқ ва пичан учун күпинча дукқакли дон экинлари (нұхат, вика)та құшиб әкилади.

Арпа пиво пишириш саноатининг асосий хом ашёси ҳисобланади, шунингдек, донидан спирт, солод экстракти олинади. Арпа донидан арпа ёрмаси ва арпа уни тайёрланади. Арпа уни буғдой ёки сули унiga құшиб (25 фоизгача) нон ёпиш учун ишлатылади. Арпа дони таркибіда клейковина моддаси камлиги ва сифати пастлигидан соф ҳолда уни нон ёпиш учун ярамайды. Кимёвий таркибига күра, арпа дони таркибіда ўртача: 13 фоиз сув, 12 фоиз оқсил, 64,6 фоиз азотсиз экстрактив моддалар, 2,1 фоиз мой ва 2,8 фоиз кул бор. Лекин экиннинг навига, етиштириш шароитига қараб, унинг дони таркибидаги оқсил миқдори кескин ўзгариши мумкин. Масалан, турли шароитда у 8,18 фоиздан 19,9 фоизгача ўзгариб туради. Кузги арпа таркибіда оқсил миқдори 10—11 фоиз, шунинг учун ҳам ундан озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш мумкин. Суғорыладиган майдонларда арпа таркиби янада ўзгаратылады.

Экиладиган майдонлари. Арпа ҳам худди буғдой сингари қадимий экинлардан биридир. Қадимий Мисрда арпа эрамиздан 5 минг йил илгари, Вавилонда 2—3 минг йил илгари маълум бүлган. Бизнинг мамлакатимизда арпа экиладиган энг қадимий жойлар Ўрта Осиё республикалари худудларида бүлган. Бу ерларда арпа эрамиздан 4—5 минг йил илгари экила бошлаган.

Маданий (экиладиган) арпа ёввойи арпадан келиб чиққан. Аввал иккі қаторли, кейин күп қаторли арпа вұжудға келген. Н. И. Вавилов маълумотларига күра, арпа олдинги Осиё минтақалари (Турция, Сурғыя, Ли-ван, Иордания, Эрон, Шимолий Афғонистон, Кавказорти)дан келиб чиққан.

Арпа майдонлари кейинги йилларда камайиб кетди. 1967 йилда дунё бүйича 71,0 миллион гектарга экилган бўлса, 1986 йилларга келиб арпа майдони тенг ярмига қисқарди, яъни 31 миллион гектарни ташкил этди. Россия энг кўп миқдорда арпа етиштирадиган мамлакатлардан биридир ёки арпа майдонлари 16 миллион гектарни ташкил қиласи. Кузги арпа баҳорги арпага қараганда ҳосилдор ҳисобланади. Бунга сабаб кузги арпа кузги, қишки, баҳорги ёғинлар ва намдан етарли даражада фойдаланишидир. Бир гектар ердан 5—6 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

Ботаник белгилари. *Hordeum L.* Авлодининг бир маданий турини (*Hordeum sativum L.*) ва бошқа бир қатор ёввойи турларини ташкил қиласи. Арпа ўсимлиги бошоқда бошоқчаларнинг жойлашишига қараб уч кенг турга бўлинади.

1. *Hordeum vulgare L.* Бу кўп қаторли ёки оддий арпа бўлиб, бошоқнинг ҳар бўғинида уттадан бошоқча жойлашади, ҳар бир гулдан тўла шаклланган дон пайдо бўлади. Бошоқда бошоқчаларнинг жойлашиши ва зичлигига қараб улар ўз навбатида иккига бўлинади.

Тўғри олти қаторли, бунда бошоқ кесиб кўрилганда, унда олтига бурчаги бўлади, 2-нотўғри олти қаторли арпа. Бу бошоқ кесиб кўрилганда бурчаклари чўзинчоқ бўлиб, тўрт бурчакли бўлади.

2. Икки қаторли арпалар *Hordeum distichon L.* Бу арпа турларида бошоқ устунласидаги 3 дона бошоқчадан фақат ўртадагиси гуллаб, уруғ ҳосил қиласи. Икки четки гуллари чангланмайди ва уруғ ҳосил қilmайди. Республикада икки қаторли арпа навлари жуда кўп экиласи, уларнинг донлари йирик ва текис бўлади.

3. *Hordeum intermedium* — оралиқ арпа. Бу турдаги арпа бошоқлари бошоқчаси устунларида 1 тадан 3 тагача дон бўлиши мумкин. Баъзи арпа бошоқларида 2, баъзи бошоқ устунласида 3 ва баъзан 1 та дон ҳосил бўлади, шунинг учун улар нотўғри, кўп қаторли арпа дейилади. Олдинги турларда эса аниқ — 2 ва 6 қатор уруғлар бўлади.

Биологик хусусиятлари. Кузги арпа кузги буғдой ва жавдарга қараганда ҳаво ҳароратининг совуқ бўлишига ҳам, иссиқ бўлишига ҳам чидамсиз.

Кузги арпа уруғлари 1°C — 2°C ҳароратда уна бош-

лайди, уруғлар униб чиқиши учун қулай ҳарорат 8°C — 10°C ҳисобланади. 16°C — 18°C ҳароратда уруғлар жуда тез униб чиқади. Майсалар ҳарорат 12°C дан паст бўлганида зарарланади. Эрта кўкламдаги ноқулай шароит кузги арпага таъсир этади. Баҳорда кунлар исиши билан арпа тез ўса бошлайди. Арпанинг ўсиш даври кузги буғдойга қараганда 1,5—2 ҳафтага қисқа бўлади.

Арпа ёруғликка талабчан, узун кун ўсимлиги. Гуллаш пайтида ҳавонинг ёруғ, қуёшли бўлишини талаб қиласди, намга талабчан, аммо шу билан бирга қурғоқчиликка ҳам чидамли ҳисобланади. Бу ўсимлик суфориладиган ва лалми шароитда ўсади, фақат ҳосилдорлигига фарқ бор. Кузги арпа тупроққа талабчан, сабаби ўсимликнинг қисқа ўсиш даврида зарур озиқ моддаларни олиш учун яхши тупроқда ўсиши керак. Кузги арпа тупроқ таркибини яхшиловчи ўсимлиқdir. Ўзидан кейин ерни тозалаб кетади. Ўзбекистонда арпа майдонлари нисбатан кам жойни эгаллайди. Аммо республикада 216 минг гектар майдонга мунтазам равишда арпа экиласди. Озиқ-овқат саноати ва чорвачиликда бу экин донига талаб катта. Бизнинг иссиқ қўёшимизда экилган арпаларда оқсил миқдори юқоридир, шунинг учун чорва моллари — кўйлар, отлар тез семиради. Кузги арпанинг қуйидаги навлари экиласди:

9200614 «ГУЛНОЗ» — Ўзбекистон дончилик илмий-текшириш институти («Дон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси)нинг селекцион нави. «К-22734» x «К-21475» навларини чатиштириб, олинган дурагайдан, яқкалаб танлаш йўли билан яратилган. Муаллифлари: Ж. М. Мұхамедов, Р. Р. Расулов, Х. Мирхаев.

1997 йилдан Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг суфориладиган ерларида экиб келинмоқда ва пиво ишлаб чиқариш мақсадида Давлат реестрига киритилган.

Дуварак (биологик-баҳорги), Нутанс турига мансуб. Бошоги икки қаторли, оч-сарик, тўғнағиҳимон, ўртacha узунликда. Тўла пишиш даврида бошоги эгилади. Бошоқ қипиғи тор ва унчалик ривожланмаган. Қилтиғи сарик, кам тарқоқ, тиҳсимон, ўртacha узунликда ва дағалликда. Дони ўртacha катталиқда, тухумсимон, сарик. 1000 та донининг вазни $43,0$ — $45,0$ г. Нон ҳажми 640 г, ўртапишар, вегетация даври 185—192 кун. Са-

марқанд Давлат нав синаш станциясида (1996–2000) синов йилларида ўртача дон ҳосилдорлиги 44,0 центнерни ташкил этди.

Навнинг ётиб қолиш ва тўкилишга бардошлилиги 5,0 балл, қишига чидамлилиги ўртача. Навнинг озуқабоплик хусусияти яхши: оқсил миқдори 10,0–11,5 фоиз, экстрактлиги 74,0–78,0 фоиз. Синов йилларида қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан кучсиз даражада, яъни 10,0–15,0 фоизгача зарарланади.

8100535 «ЗАФАР» — Ўзбекистон дончилик илмий-текшириш институти («Дон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси)нинг селекцион нави. Италияning «К-19264» намунасидан яккараб танлаш йўли билан яратилган. Муаллифлари: Ж. М. Мұхамедов, А. А. Бастиков.

1984 йилдан Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятларининг сугориладиган ерларида кузги муддатда экиб келинмоқда. Давлат реестрига киритилган.

Дуварақ (биологик-кузги), Рикотензе турига мансуб. Бошоги олти қаторли, призмасимон, 6,5–7,0 см узунликда, зич эмас, сариқ рангда. Гул қипигининг қылтиққа айланиши секин-аста кечади. Гул қипиги кучсиз томирланган, тишчаси сийрак. Қылтиғи ўртача узунликда, бошогига нисбатан 1–2 баробар узун. Дони йирик, эллипссимон, бошогининг асосида дони сийрак. 1000 та донининг вазни 42,6 г.

9104704 «ЛАЛМИКОР» — Ўзбекистон дончилик илмий-текшириш институти («Дон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси)нинг селекцион нави. «Южно Казахстанский 43» x «Нутанс-799» навларини чатиштириб олинган дурагайдан яккараб танлаш йўли билан яратилган. Муаллифлари: Ю. А. Орипов, В. Н. Питоня, Т. Маматкулов.

1995 йилдан Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларининг лалмикор ерларида кузги муддатда экиб келинмоқда. Давлат реестрига киритилган.

Дуварақ (биологик-кузги), Нутанс турига мансуб. Бошоги икки қаторли, оч-сариқ рангда, ўртача узунликда. Қылтиғи узун, бошоққа параллел, дағал, дони йирик, эллиптик шаклда, оч-сариқ, 1000 та донининг вазни 59,5–61,8 г.

1995–1999 синов йиллари ўртача ҳосилдорлик Фал-

лаорол ва Қамаши нав синаяш шохобчаларида 23,4—22,8 центнерни ташкил этди. Ўртапишар, вегетация даври 180—200 кун. Курғоқчиликка чидамли, қишига бардошлиги яхши. Ётиб қолиш ва тўкилишга бардошлиги 5,0 балл, озуқабоплиги юқори. Нав қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротларига чидамли.

9209049 «МАВЛО-НА»— Ўзбекистон дончилик илмий-текшириш институти («Дон илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси»)нинг селекцион нави. «В-27» (К-25376, Болгария) x «Таъзим» навларини чатиштириб олинган дурагайдан яккалаб танлаш йўли билан яратилган. Муаллифлари: Т. Маматқулов, М. В. Лукъянова, Ю. А. Орипов, А. А. Омонов, П. А. Жумабоев.

1997 йилдан Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона вилоятларининг сугориладиган ерларida кузги муддатда экиб келинмоқда. Давлат реестрига киритилган.

Биологик-кузги. Параллелум турига мансуб. Бошоги олти қаторли, тўғрибурчакли, тўқ-сарик, қисқа. Бошоқ қипики тор ва кучсиз ривожланган. Қилтиғи сариқ, бошогига нисбатан 2,0—2,5 баробар узун, ўртача дағалликда. Дони оч сариқ, ўртача катталиқда, эллипс шаклида. 1000 та дони-



3-расм.
Арпа ўсимлиги ва бошоги.

нинг вазни 40,4—48,8 г. 1995—2000 синов йилларида ўртача дон ҳосилдорлиги 40,2—50,7 центнерга тенг бўлган.

Ўртапишар, вегетация даври 205—224 кун. Нав тўкилиш ва ётиб қолишга бардошли, қишига чидамлилиги 4,7—5,0 баллга тенг. Озуқабоплик хусусияти яхши: оқсил миқдори 10,2 фоизга тенг. Қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротларига чидамли.

79022603 «НУТАНС—799» — Ўзбекистон дончилик илмий-текшириш институти («Дон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси)нинг селекцион нави. Муаллифлари: Ю. А. Орипов, Т. У. Ўринбоев.

«К-16139» (Хитой маҳаллий нави) ва унумли арпа навларини чатишириб, сўнгра якка танлаш йўли билан яратилган.

1985 йилдан Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг лалмикор ерларида кузги муддатда экиб келинмоқда, Давлат реестрига киритилган.

Етиштириш технологияси

Алмашлаб экишдаги ўрни. Кузги арпа учун энг яхши ўтмишдош пахта, картошка, маккажӯхори ҳисобланади, шунингдек, дуккакли дон экинлари ва бедадан кейин экилган арпа юқори ҳосил беради. Кузги буғдои ҳам арпа учун яхши ўтмишдош бўлиши мумкин. Арпанинг яхши бир хусусияти у тупроқда эримай қолган минерал ўғитларни ўзлаштириб, тупроқни бегона қолдиқлардан тозалаш хусусиятига эга. Арпанинг ўзи кўпгина экинлар учун яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Ўғитлаш. Кузги ўғитга таъсирчан экин. Бўз тупроқли ерларда кузги шудгорлашдан, шунингдек, экишдан олдин қаторларига фосфорли ўғит солиш зарур. Бу ўсимликларни чиниқтириб, яхши қишлашни таъминлайди. Калийли ўғитлар ҳам ўсимликларни чиниқтириб, тупни мустаҳкам қиласи. Арпа азот билан эрта озиқлантирилса, ҳосилдорлиги анча ортади. Бир тонна арпа дони олиш учун ҳар гектар майдонга 32—36 кг азот, 11—12 кг фосфор, 20—24 кг калий зарур бўлади.

Тупроқни ишлаш ўтмишдош экинлар турига қараб юза ёки чуқур ҳолда амалга оширилади. Арпа бошоқли экинлардан кейин экиладиган бўлса, ерни — анфизни юза ҳайдаш билан бир йўла бороналанади.

Қатор оралари ишланадиган экинлардан кейин экилганды бу майдонлар 12—14 см чуқурликда култивация қилинади. Агар тупроқ жуда зичлашиб қолган ва бегона ўт босган бўлса, қатор оралари ишланадиган экинлардан кейин ҳам ер қайта ҳайдалади. 28—30 см чуқурликда ҳайдаш билан бир йўла бороналанади. Экиш олдидан мола босилади, текисланади ва уруғлар яхши юмшаган, катта-катта кесаклари йўқ майдонларга экилади.

Экиш муддати. Кузда, октябрь ойининг бошларида шимолий ва ойнинг охирида жанубий ҳудудларда экилади. Кузги арпани ҳам қаттиқ совуқлар тушгунча 45—60 кун олдин экиш мақсадга мувофиқдир. Арпа ҳам кузги буғдой каби яхши туплаб олиши керак, бўлмаса совуқдан майсалар нобуд бўлади. Кузги арпа совуққа нисбатан чидамсиздир. Шунинг учун уни кузда нам ерга экиш яхши тупланишга эришиш керак. Суфориладиган майдонларда ерни суфориб, нам етарли бўлгандагина арпа уруғлари экилади.

Экиш усуллари. Бошоқли дон экинлари каби арпа тор қаторлаб 13—15 см кенгликда, қаторлаб, узунасига ва кўндалангига экилади. Қатор ораси 7,5—8,0 см, туп ораси 3—4 см, тор қаторлаб экилганда қатор ораси 13—15 см бўлса, туп ораси 1,5—2 см бўлиши керак. Экиш билан биргаликда 70 см кенгликда жўяқ олинади. Суфорилмаса ҳосилдорлик жуда паст бўлади.

Экиш чуқурлиги. Арпа уруғлари йириклиги, тупроқнинг механик таркибидаги намлигига қараб белгиланади. Икки қаторли арпа уруғлари олти қаторли арпаларга қараганда бироз йирикроқ бўлади, шунинг учун улар олти қаторли арпаларга қараганда 1—2 см. га чуқур ташланади ва 5—6 см чуқурликда экилади. Оғир тупроқларда эса уруғлар юза ташланади, нам етарли бўлмаса ҳам уруғлар чуқур ташланади. Уруғлар одатда тупроққа 4—5 см чуқурликка ташланиши керак.

Экиш меъёри. Кузги арпа уруғлари 1000 дона уруғнинг вазнига ҳамда экиш муддатларига, лалми ва суфориладиган ерларга экилишига қараб белгиланади. Суфориладиган майдонларда экиш меъёри 3—3,5 миллион дона ёки 150—160 кг уруғ ташланади. Экиладиган уруғларнинг унувчанлиги паст бўлса, у ҳолда экиш меъёри 15—18 фоиз оширилади. Экиладиган арпа уруғлари 1-класс уруғлари бўлиб, унувчанлиги 9,5 фоиз, тозалиги 9 фоиз, 2-класс уруғда унувчанлиги 90 фоиз,

тозалиги 97 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Экиш С3—3,6, С3Т—3,6 русумли дон сеялкалари билан олиб борилади.

Экинни парваришлаш. Кузда арпа экиладиган майдонлар экишдан олдин сугорилиб, нам билан уругларни ундириб олиш зарур. Ерни шудгорлаш ёки чизеллашдан олдин сугорилади. Бостириб сугорилган майдонлар 22—25 см чукурликда ҳайдалади ёки чизелланиб, борона қилинади ва мола босилади. Экишдан олдин органик ўғитлар берилади, гўнг билан бирга 40—45 кг фосфорли ўғит шудгор билан аралаш ҳолда солинади. Арпага экиш билан биргаликда 25—30 кг азотли ўғит бериш мумкин. Экиш муддати жуда эрта ва тупроқда нам етарли бўлса ўғит бериш шарт эмас, чунки жуда тез ўсиб кетиб, совуқларда нобуд бўлиши мумкин.

Баҳорда тупроқда нам бўлишига қарамасдан сугориш ва озиқлантириш зарур. Март ойининг бошларида борона қилиниб, ҳар гектар ерга 40—50 кг азот ва 20—25 кг фосфор берилади. Апрель ойининг бошларида яна шу миқдордаги азотли ва фосфорли ўғит оқизиб берилади. Бундан ташқари икки марта сув билан гўнг шарбати берилса, ҳар гектардан 4,5—5,0 тонна ҳосил олиш мумкин. Яхши озиқлантирилмаган ва сугорилмаган майдонлардан олинган ҳосил 2—2,2 тоннадан ошмайди. Шунга мувофиқ сомони ҳам бўлади.

Донлари пишиб етила бошлаганда ўриш учун далалар кузги буғдойни ўрганда қандай тайёрланган бўлса, шу усулда тайёрланади. Арпа поя четлари ҳайдаб ташланади, ёнғиннинг хавфи олинади. Уруғчилик хўжаликларида бегона навлар ва ўсимликлар териб олинади, далада бир хил навга мансуб ўсимликлар қолдирилади. Комбайн, тележкалар ҳамда хирмон жойлар тайёрланади. Кузги арпа буғдой ва жавдарга қараганда 12—15 кун олдин пишиб етилади. Ўришни кечиктирмаслик керак, чунки арпанинг бошоқлари мўрт бўлади, бошоқлари этилиб туради ва дарҳол синиб тушади. Айниқса, кўп қаторли арпаларда бошоқлар мўрт бўлгани учун бошоқларнинг синиб тушиши кўроқ бўлади. Икки қаторли арпаларда нобудгарчилик камроқ бўлади. Дон сақланадиган хирмонларда пана жойлар ҳам бўлиши керак, чунки май ойининг охирларида далада ёмғирлар бўлади, шунинг учун уруғларни

намдан сақлаш учун маҳсус жойлар бўлиши зарур. «КЕЙС» комбайнлари бир кунда 40—50 гектаргача дон майдонларини ўриб-янчидан бериш имконига эга. Арпа бошоқли дон экинлари ичида биринчи бўлиб ўрилади.

Арпа майдонларини ҳосилдан жуда эрта бўшатишни хоҳлаганлар уни аввал ўроқлар билан ўриб ётқизиб, кейин янчидан олиши мумкин. Бу усулда йифиштирилганда арпа 8—10 кун олдин пишади.

Назорат саволлари:

1. Кузги арпанинг аҳамиятини таърифланг.
2. Икки қаторли арпадан нима олинади?
3. Олти қаторли арпанинг бошоқларини таърифланг.
4. Арпа буғдойдан олдин етиладими?
5. Экиш меъёри арпада ёки буғдойда бир хил миқдордами?

СУЛИ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Сули энг қадимдан етишириб келинадиган экинлардан бири. Сули донидан ёрма, сули талқони, галет, қаҳва тайёрланади. Дони таркибида 12—13 фоиз оқсил, 67—68 фоиз углеводлар ва 5—6 фоиз мой бўлади. Сули ёрмаси таркибидаги оқсил одам ва ҳайвонлар организми учун зарур бўлган қимматли аминокислоталарга бой. Донида В₂, витамины ва темир бирикмалари, калций, фосфор кўп. Сули сомони ва тўпони тўйимлилиги жиҳатидан бошқа галла экинлари сомони ва тўпонидан устун туради. Сули бир йиллик дуккакли экинлар (вика, кўк нўхат, бурчоқ) билан бирга пичан тайёрлаш ва кўк озиқ учун ишлатилади. 100 кг сули донида 100 озуқа бирлиги бор.

Ўртacha ҳосилдорлиги 26—30 центнер. Сули бизда жуда кам майдонларда экилади. Ўзбекистон Чорвачилик илмий-тадқиқот институти хўжаликларида бу экин агротехникаси ва селекцияси борасида илмий ишлар олиб борилади.

Дунёда сули майдонлари 19,8 миллион гектарни ташкил қиласи. Европа, АҚШ, Канада ва Россияда катта майдонларга, хусусан Россияда 8,3 миллион гектарга экилади. Ўзбекистонда лалми майдонларда ёввойи тури кўп учрайди. Сулининг тур хиллари жуда

кўп. шундан иккитаси *Avena sativa* ва *aena Byzantina* тури бўлиб, барча навлар шу турлардан олинган.

Сулининг ҳам кузги, ҳам баҳорги дуварақ навлари мавжуд. Тупроқ иқлим шароитига қараб кузги ёки баҳорги қилиб экилади. Ўзбекистонда сулини кузги қилиб экиш кўп йиллик тажрибаларга кўра ижобий натижа беради.

Сули донининг пўстли ва пўстсиз шакллари бор. Рўвагининг тузилишига кўра турларга бўлинади. Рўваги тарқоқ, фуж рўвак, тароқсимон турлари мавжуд. Сули рўвагининг шакли гул қобигининг ранги, қилтиқли-қилтиқсизлигига қараб ҳам турли хилларга бўлинади.

Биологик хусусиятлари. Иссиққа талабчан. Сули мўътадил иқлим ўсимлиги. Уруғи 2°C да уна бошлайди. 6°C — 12°C майсалари чиқиши учун оптимал ҳарорат ҳисобланади.

Баҳорги 8°C — 9°C гача бўладиган паст ҳароратга майсалари яхши чидайди. Юқори ҳарорат ва ёзги қуруқ ҳаво баҳори бүгдой ва арпага қараганда сулига ёмон таъсир этади. 38°C — 40°C да барглари сўлиб қолади.

Сулининг эртапишар навларига 1200°C — 1350°C , ўртапишар навларига 1350°C — 1500°C ва кечпишар навларига 1500°C — 1800°C фойдали ҳарорат йигиндиси зарур. Ўзбекистонда сули учун зарур бўлган ҳароратни тўплаш имкони ҳамиша мавжуд. Уруғлар экилгандан сўнг 6—7 кунда униб чиқади. Агарда ҳаво ҳарорати паст бўлса ёки тупроқда намлик етарли бўлмаса, униб чиқиши чўзилиб кетади. Униб чиққанига 12—15 кун бўлганда майсалар туплай бошлайди. Кузги сули майсалари бутун қиши давомида пишиш даврини ўтайди. Баҳорда ҳаво ҳарорати 5°C дан ошгандан кейин 10—15 кун ўтгач, найга тортиш фазаси бошланади. Рўваклари найга тортиш фазасидан 15—20 кундан сўнг кузатилади. Гуллаш аввал рўвакларнинг юқори қисмида, кейин ўртасида сўнг пастида кузатилади. Сули рўваклари юқоридан пастга қараб, бошоқча ичидаги гуллар эса пастдан юқорига қараб гуллайди. Битта рўвакда гуллаш даври 6—7 кун, рўвак шохларида 2—3 кунга чўзилади. Сули рўвагининг юқори қисмидаги уруғлар йирик сифатли ва текис бўлади. Кузги сулининг ўсиш даври 220—230 кун.

Сули бүгдой ва арпага нисбатан намга талабчан бўлади. Уруғлари ҳам униб чиқишида тупроқдан намни

күпроқ сингдириб олади. Бошоқли экинлар уруғига қараганда 10—15 фоизга күпроқ нам талаб қиласи. Кузги сули баҳорда намга жуда талабчан бўлади, рўвак ҳосил қилиш ва гуллаш даврида тупроқда нам етарли бўлиши керак. Бу вақтда тупроқ қуруқ бўлса, ҳосилдорлик кескин камайиб кетади. Транспирацион коэффициенти 500—509 га тенг.

Ўсимликнинг сувга талаби бутун вегетация даврида юқори бўлиб, айниқса, рўвак чиқаришидан икки ҳафта олдин кўп сув ўзлаштиради. Бошқа баҳорги экинларга қараганда тупроқнинг ортиқча намлигига бирмунча чидайди, у қуруқ ҳаво ва гармседан қаттиқ заарланади.

Тупроқда талаби. Сули буғдой ва арпага қараганда тупроқка унча талабчан эмас, бу унинг илдиз тизимининг яхши ривожланишига ва ўзлаштириш хусусиятининг юқорилигига боғлиқ. Сули қумли ва шўртоб тупроқли ерлардан ташқари ҳамма жойда ўсади ва тупроқнинг кислоталигига (pH -5—5,6) яхши чидайди.

Илдизлари тупроққа 80—120 см. гача яхши кириб боради. Кислотали ва шўртоб тупроқларда ҳам сули буғдой ва арпага қараганда яхши ҳосил беради. Бўз ва ўтлоқ-бўз, қўнғир тупроқларда яхши ўсиб, юқори ҳосил беради. Сули илдизлари тупроқда қийин эрийдиган моддаларни ўзлаштириш хусусиятига эга.

Ўзбекистонда сулини оралиқ экин сифатида ҳам экишади. Унинг сугориладиган майдонлар ва лалмида экиладиган навлари ҳам мавжуд.



4-расм.
Сули ўсимлиги.

Кузги сули навлари

8501963 «ДЎСТЛИК-85» (қишловчи) — Ўзбекистон дончиллик илмий-текшириш институти («Дон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси)нинг селекцион нав (Каттақўрғон таянч нуқтаси). К-9986 намунасида якка танлаш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: А. А. Шепетков, Ж. М. Муҳамедов, Р. Р. Расулов.

1993 йилдан Самарқанд вилоятининг сугориладиган ерларида экила бошланган ва Давлат реестрига киритилган.

Супургиси яримтароқ, оқ, сариқ рангга айланади, узунлиги 19—25 см. Супургисидаги донининг ўртача сони 52—54 дона. Дони оч-сариқ рангли. 1000 та донининг вазни 31,7 г.

1993—1997 синов йилларида қуруқ моддасининг ўртача ҳосилдорлиги 31,4 центнерни ташкил этди. Вегетация даври кўк озуқа учун ўрилгунга қадар 162—170, дон учун эса 190—200 кун. Нав ётиб қолиш ва тўкилишга бардошли, қишига чидамлилиги яхши. Навнинг баргланиши 45,0—47,0 фоиз. Синов йилларида қишлоқ хўжалиги касаллуклари ва ҳашаротлари билан зарарланмади.

7200277 «ТОШКЕНТ-I» — Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти («Зотдор элита» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси)да «Безантина-11» навидан қишилайдиган ўсимликларни яккалаб ва кўплаб танлаш йўли билан яратилган. 1980 йилдан республика-нинг сугориладиган ерларида кузги муддатда экилмоқда. Давлат реестрига киритилган.

Тупи ярим ёйиқ, сал эгилган, оч-сариқ рангли, дони ўртача катталикда. 1000 та донининг вазни 29,2 г.

1993—1997 синов йиллари Самарқанд Давлат навсинаш станциясида донининг ўртача ҳосилдорлиги 24,1 центнерга, қуруқ модда ҳосили эса 93,0 центнерга тўғри келди. Вегетация даври дон учун 198—205, яшил озуқа учун 171—174 кун. Нав қишига чидамли, ётиб қолиш ва тўкилишга бардошли. Навнинг барглилиги яхши, 43,0—45,0 фоиз. Қишлоқ хўжалиги касаллуклари ва ҳашаротлари билан зарарланмайди.

7503911 «УСПЕХ» — Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти («Зотдор элита» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси) ва собиқ иттифоқ ўсим-

ликшунослик институтининг селекцион нави. Пўстлоқли «Виктория» нави (АҚШ) пўстлоқсиз маҳаллий нав намунаси билан чатиштириб яратилган. Муаллифлари: Н. А. Родионова, А. Я. Трофимовская, А. И. Мордвинкина, А. С. Холиқов, Г. А. Айрапетов.

1981 йилдан Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент вилоятларининг сугориладиган ерларида баҳорги муддатда экилмоқда. Давлат реестрига киритилган. Ушбу навни оралиқ экин сифатида синалганда яхши натижалар олинган.

Дуварак (биологик-баҳорги), Инермис турига мансуб. Тупи яримтароқ, пояси мустаҳкам. Рӯваги йифиқ, кўп гули, сариқ. Гул ва бошоқ қипиғи бир хил тузилишда. Дони ўртacha йириклика, 1000 та донининг вазни 19,0—22,0 г. Ўртacha дон ҳосилдорлиги 26,0—29,0 центнерга тент, яшил озуқа ҳосили 665,0 центнер. Вегетация даври кузда (оралиқ экин сифатида) — 190 кун. Баҳорги экилганлари учун муддатида 86—90 кун. Ётиб қолишга бардошли, қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан ўртacha даражада заарланади.

Баҳорги сули навлари

7302029 «УЗБЕКСКИЙ ШИРОКОЛИСТНЫЙ» — Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти ва собиқ иттифоқ ўсимликшунос институтининг селекцион нави.

K-11302 (Австралия) кенгбаргли намунасидан, кечпишар шаклларини кўплаб танлаш йўли билан яратилган. Муаллифлари: А. С. Холиқов, Г. А. Айрапетов, А. С. Азимов, А. Я. Трофимовская, Н. А. Родионова.

Бу нав 1981 йилдан республиканинг сугориладиган ерларида баҳорги муддатда дон ва яшил озуқа учун экилмоқда. Давлат реестрига киритилган.

Биологик-баҳорги, Пугнакс турига мансуб, тупи тик ўсади. Баланд, кенг, тишчаси оддий, рӯваги йифиқ, бир ёлли, сарғишқўнғир, қилтиғи узун 1,5 см, нозик, асоси қорамтир. Дони йирик, жигарранг. 1000 та донининг вазни 29,8—31,2 г.

Ўртacha дон ҳосилдорлиги Самарқанд Давлат нав синаш станциясида оралиқ экин сифатида экилганда, 26,8 центнерни ташкил этган, қуруқ моддаси эса 108,8 центнерга тўғри келган.

Вегетация даври оралиқ экин сифатида — 185, баҳорги мұддатида экилганды 102—107 кун. Нав Ўзбекистон шароитида яхши қишлийди, баҳорги совуқларга чидамли.

Етиштириш технологияси

Алмашлаб экишдеги ўрни. Сули учун энг яхши ўтмишдош экін пахта, картошка, соя, күп йиллик ўтлар бўлади. Ўзидан кейин сулинин экиб бўлмайди. Чунки ўзи учун энг ёмон ўтмишдош ҳисобланади.

Ерни ишлаш. Сули экиладиган майдонлар кузда шудгорланиши ва 60 кг фосфорли ўғит, 8—10 тонна гўнг берилиши керак. Экиш олдидан баҳорда ер 12—14 см чуқурликда юмшатилади, борона қилинади.

Экиш. Экиледиган уруғлар сараланади. Сули бошоғидаги донлар бир текис бўлмайди. Уруғлик сифатида унинг биринчи (пастки) қисмидаги донлар яхши ҳисобланади, улардан бақувват ўсимликлар ривожланади. Сули ҳамиша эрта баҳорда экилади. Баҳорда тупроқ ҳарорати 2°C — 3°C бўлганда уруғлари уна бошлайди. Экишни кечиктириб бўлмайди, экиш мұддати кечиккан сари ҳосилдорлик камайиб боради. Экиш меъёри тупроқнинг унумдорлиги ва 1000 дона уруғ вазнига қараб ўзгариб туради. Экиш меъёри гектарига 100 кг бўлади ва 2—2,5 миллион дона уруғ сарфланади.

Экиш усуллари. Сули тор қаторлаб экилганды, оддий қаторлаб экилгандагига қараганда анча юқори ҳосил олинади. Бизда сули кенг қаторлаб, яъни қатор оралари 60 см қилиб экилади. Сули яхши туплайди.

Экишдан олдин уруғлар дориланади. Майдада уруғлари экилмаслиги керак. Йирик уруғлардан бақувват майсалар униб чиқади. Бундай уруғларнинг унувчанлиги бирмунча юқори бўлади. Ургунинг тозалиги 97 фоиз, унувчанлиги 90 фоиз бўлиши керак. Уруғлар қоракуя ва илдиз чириш касаллигига қарши 75 фоиз ($3,0$ — $3,5$ кг/т) витавак с билан дориланади. Уруғлар С3Т3—3,6, С3—3,6, С3С—2,1 русумли сеялкалар билан экилади. Уруғ экиш чуқурлиги тупроқнинг механик таркибиغا, унинг намлигига ва уруғ экиш мұддатига боғлиқ. Оғир соз ва қумоқ тупроқли ерларда сули уруғи 4—5 см, енгил қумоқ тупроқларда 6—7 см чуқурликка экилади.

Экиш чукурлигига ҳамиша эътибор бериб бориш керак.

Сулинин парвариш қилиш. Баҳорда сули қатор оралари ишланади. Бегона ўтлар кўп бўлса, 2 марта культивация қилиниб, минерал ўғитлар берилади ва ўсиш даврида 4—5 марта суғорилади. Лозим бўлса, ҳашаротларга қарши курашилади.

Сулида уруғ рўвакнинг юқорисидан бошлаб пишади, пасти ва рўвакнинг асосий поясига яқин уруғлар кейинроқ етилади.

Ўғитлаш. Сули минерал ва органик ўғитларга талабчан. Фосфорли ва калийли ўғитларни кузги шудгорлаш олдидан, азотли ўғитларни экин экиш олдидан ўтказиладиган культивация вақтида солиш тавсия этилади. Уруғ экиш билан бир вақтда гектарига 0,5 ц дан донадор фосфорли ўғит солиш ҳам яхши самара беради. Сули ўсимлиги 1 т дон олиш учун, тупроқдан 27—30 кг азот, 10—12 кг фосфор, 22—29 кг калийни ўзлаштиради. Фосфорли ва калийли ўғитларни асосан кузги шудгор билан бериш лозим. Қолган 50—60 фоизи баҳорда, туплаш ва найга тортиш fazасида берилади. Сули уруғлари пишгандан сўнг тез тўкилиб кетади.

Ҳосилнинг пишиш даври баҳорги буғдойнинг пишиш даврига тўғри келади. Сулинин мум пишиш даврида, яъни доннинг намлиги 30—40 фоизлигига ўриб олишга киришилса бўлади. Комбайнлар билан дон тўлик пишиб етилганда ўрилади. Донни нобуд бўлишдан сақлаш учун аввал ўриб, кейин янчиш лозим.

Ўзбекистоннинг лалми баҳорикор майдонларида кузги сулинин экиш қўшимча дон олиш имконини беради. Буғдой ва арпа каби қурғоқчилик шароитда ҳам мўл ҳосил бўлади.

Баҳорги сулинин экиш усули, меъёри чукурлиги каби тадбирлар кузги сули агротехникаси билан бир хил бўлади. Фақатгина навлари ва экиш муддатида фарқ бўлади. Сулининг кўпгина навлари дуварақ бўлиб, уларни кузда ёки баҳорда экиш мумкин.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистонда сули қачон экилади?
2. Сули ҳосилдорлиги гектарига неча центнердан тўғри келади?
3. Уруғлари неча даража ҳароратда униб чиқади?
4. Сулинин арпадан фарқи нимадан иборат?
5. Ёввойи сули қаерда ўсади?

Иккинчи бўлим

БАҲОРГИ ДОН ЭКИНЛАРИ

Баҳорда дон экинлари эртаги ва кечкига бўлиниб экилади. Буғдой, жавдар, арпа ва сули эртаги, маккажўхори, жўхори, шоли ва тариқ кечки экин турига киради. Эртаги экинлар, совуқ ҳароратга чидамли бўлиб, баҳорги совукларни енгил, зарарсиз ўтказади. Кечкилари асосан иссиқ об-ҳавода ўсиб, паст ҳароратда тез заарланади.

Ўсимликшуносликда эртаги баҳорги ва кечки баҳорги экинлар фақатгина ботаник белгилари, биологик хусусиятларига қараб бир-биридан фарқ қиласдан балки етиштириш усулларига қараб ҳам фарқланади. Етиштириш усулларига қараб баҳорги буғдой ва арпа деярли бир хил агротехник тадбирларни талаб қиласди: яъни экиш муддати, экиш усули, минерал ўғитлар ва сувга бўлган талаблари деярли бир хил. Баҳорги буғдойда экиш меъёри баҳорги арпага қараганда кўп бўлади.

Кечки баҳорги экинлардан маккажўхори ва жўхори кенг қаторлаб тупроқ ҳарорати 8°C — 10°C бўлганда экилади. Етиштириш усулига, минерал ўғитларга талабига кўра ҳар икки экин бир-бирига ўхшаш. Аммо сувга бўлган талабига кўра, бир-биридан фарқ қиласди. Ўсиш жараёнида маккажўхори 5—7 марта сугорилса, жўхори сув тақчил бўлса, 2—3 марта сугорилса яхши ҳосил беради. Маккажўхори сув етишмаса рўвак чиқармай сўлиб қолади.

Кечки баҳорги дон экинларидан шоли ўсимлиги ўз биологик хусусиятлари билан биронта дон экинига ўхшамайди. Шоли ўсимлиги ўсиш жараёнида 30—35 минг m^3 сув талаб қиласди. Тариқ ўсимлигини фойдаланиш мақсадига қараб кенг қаторлаб ёки тор қаторлаб экилади.

БАҲОРГИ БУҒДОЙ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Баҳорги буғдой асосий озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Баҳорги буғдой донида оқсил миқдори энг юқори бўлади. Донидан янчилган ун тортилиши ва ёпилган нони ўта хуштаъм, тўйимлилиги билан ажralиб туради. Чунки таркибида оқсил 16—18 фоизгача етади. Қаттиқ буғдойлар одатда баҳорги бўлади ва донидан аъло сифатли оқ ун ва ёрма олинади. Баҳорги буғдой унидан юқори сифатли оқ нон ёпилади ва қандолат маҳсулотлари тайёрланади. Ёш болалар учун тўйимли озиқ-овқатлар, макарон ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Баҳорги буғдой унидан бошқа унларни яхшилаш мақсадида фойдаланилади. Айниқса, лалми ерларда ўсган баҳорги буғдойдан азалдан ўта сифатли, енгил, бўрсилдоқ нонлар олинган. Мамлакатимизда сугориладиган ва лалми майдонларга экиладиган баҳорги буғдой экин майдонлари кўп эмас. Баҳорги буғдойнинг кўпчилик ҳолларда кузги буғдойга қараганда ҳосилдорлиги камроқ бўлади. Ҳосилдорлик тупроқ иқлим шароитга, навга ва агротехник тадбирларга боғлиқдир.

Деҳқончиликда баҳорги буғдойнинг икки тури кенг тарқалган: юмшоқ (*Triticum aestivum L.*) буғдой тури сифатли ун беради, таркибида оқсил миқдори 14—15 фоиз, кучли буғдой деб аталувчи навлар ва қаттиқ буғдой (*Triticum durum L.*) таркибида оқсил миқдори ўта юқори. Ундан олий навли унлар, макарон, печенеъ ва болалар овқатлари тайёрланади. Баҳорги буғдойлар қисқа ўсиш даврида ривожлангани учун ҳам кузги буғдойга нисбатан бироз камроқ ҳосил беради.

Сугориладиган жойларда баҳорги буғдой 40—45 центнергача ҳосил беради. Лалми баҳорикор майдонларда ёмғир миқдорга қараб ҳосилдорлик 3—4, 8—10 центнер бўлади.

Биологик хусусиятлари ва иссиққа талаби. Баҳорги буғдой уруғлари тупроқ ҳарорати 1°C — 2°C бўлганда уна бошлайди, майсалар ҳарорат 6 — 8°C бўлганда 6 — 7 кунда униб чиқади. Майсалар 8°C — 9°C паст ҳароратда нобуд бўлади. Униб чиққанидан, то пишиб етилгунча навларга қараб 1650°C — 1850°C фойдали ҳарорат йигиндиси талаб қиласди.

Баҳорги буғдойларнинг илдизлари кузги буғдой ил-

дизларига қараганда суст ривожланади, ўзлаштириш қобилияти ҳам шунга қараб пастроқ бўлади. Туплаш даражаси ҳам бироз камроқ. Баҳорги буғдой эрта баҳор совуқларига анча чидамли бўлади. Майсалари баҳорда -10°C гача чидаш беради. Юмшоқ буғдой совуққа чидамли, қаттиқ буғдой унчалик чидамли бўлмайди, -10°C майсалари нобуд бўлади. Баҳорги буғдойлар юқори ҳароратта ҳам чидамлидир. Лекин гуллаш ва тўлишиш пайтида ҳаво ҳарорати ўта юқори ёки гармселлар бўлиши доннинг енгил, пуч бўлишига олиб келади. Баҳорги буғдойларнинг ҳамма ривожланиш фазалари тезроқ ўтади. Униб чиққанидан, то туплагунча 12–18 кун, туплаганидан най тортиш фазасигача 12–20 кун, най тортишдан бошоқ тортгунча 15–18 кун ёки жами ўсиш даври навлари ва тупроқ иқлим шароитига қараб 95–115 кунга чўзилади. Туплаш даврида илдизлари жуда тез ўсади ёки 50–60 см. гача чуқурликка кириб боради. Қаттиқ буғдойнинг илдизлари юмшоқ буғдой илдизларга қараганда камроқ ривожланган, шунинг учун ҳам улар нам кам бўлишига чидамсизроқ, аммо ҳаво иссиқ бўлса яхши ривожланади. Даствабки ривожланиш фазалари секин ўтади. Най тортиш фазасида ўсиши тезлашади.

Намга талаби. Баҳорги буғдой ривожланиш фазаларига қараб намни турлича талаб қиласди. Лозим бўлган сувнинг 50–60 фоизи найчалаш ва бошоқ тортиш, 20–30 фоизи сут пишиш даврида ўзлаштиради. Транспирация коэффициенти қаттиқ буғдойда 406 бўлса, юмшоқ буғдойники 415 га тенг.

Баҳорги буғдойнинг бошоги ва бошоқчалари тупланиш даврида ёқ ҳосил бўлади. Шунинг учун бу даврда нам ва озиқ моддалар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Тупроққа талаби. Баҳорги буғдой баҳорги арпага ўхшаб тупроққа ўта талабчан ҳисобланади. У бўз, қора, ўтлоқ тупроқларда яхши ўсади. Баҳорги буғдойнинг илдизлари суст ривожланган, чунки қисқа ўсиш даврида тупроқдан озиқ моддаларни ўзлаштириб, пояни таъминлаиди, шунинг учун яхши унумдор тупроқ зарур. Бошқа дон экинларига қараганда органик ва минерал ўғитлар билан бойитилган тупроқларда яхши ҳосил беради. Оғир, соҳе енгил, қумоқ тупроқларда яхши ўғит берилмаса, нимжон, кам тупланган ўсимликлар ўсади.

Ҳосил бўлган донлар ҳам буришган ва вазни енгил бўлади.

Шўрланган тупроқлар баҳорги буғдойлар учун яроқсиз ҳисобланади. Қаттиқ буғдойлар баҳорги буғдойларга қараганда ҳам унумдор тупроқларни талаб қиласди. Чунки улар баҳорги буғдойга нисбатан бакувватроқ ривожланади.

Баҳорги буғдой кузги буғдойга нисбатан камроқ тупланади ва далада туп сони сийрак бўлади. Бунга сабаб биринчи гуруҳ дон экинлари ўсиш даврининг бошида суст ривожлангани учун бегона ўтлар тезроқ ўсиб, тупроқдаги намни ўзлаштириб олади, шамоллар таъсирида ернинг устки қатлами тез қуриб кетади ва тупланишга шароит камайиб боради. Буғдойнинг ҳар икки тури ҳам узун кунлик ўсимлик, ёруғликка талабчан саналади.

Баҳорги юмшоқ буғдой навлари

9600057 «САХА-8» — Египит селекцион нави. Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган Республика бўйича сугориладиган ерларда 1997 йилдан баҳорги муддатда экишга тавсия этилган, биологик баҳорги.

Ўсиш даври синов йилларида (1996—1997) ўртача 90—93 кун атрофида бўлган. Доннинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 26,2 центнерни ташкил этган. Дони ўртача катталиқда. 1000 та донининг вазни 37,2 г. Ўсимлик пакана бўйли, ўртача 69 см, нав ётиб қолиш ва тўкилишга бардошли. Қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан синов йилларида (1996—1997) зарарланмаган.

9600056 «САХА-69» — Египит селекцион нави. Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган. Республика бўйича сугориладиган ерларда 1997 йилдан баҳорги муддатда экишга тавсия этилган, биологик баҳорги.

Ўсиш даври синов йилларида (1996—1997) ўртача 80—93 кун атрофида бўлган. Доннинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига Самарқанд ДНССда 24,6 центнерни, Хоразм вилояти Хива НСШда 36,8 центнерни ташкил этган. Дони ўртача катталиқда. 1000 та донининг вазни 33—35 г. Ўсимлик ўртача баландликда, 81 см. Нав ётиб

қолиш ва тўкилишга бардошлилиги 5 балл атрофида. Қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан синов йилларида (1996—1997) заарланмаган.

9600059 «САДА-1» — Египит селекцион нави. Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган. Республика бўйича суфориладиган ерларда 1997 йилдан баҳорги муддатда экишга тавсия этилган, биологик-баҳорги.

Усиш синов йилларида (1996—1997) ўртача 81—93 кун атрофида бўлган. Донининг ўртача ҳосилдорлиги 23,2 центнерни ташкил этган. Юқори ҳосил дон бўйича конкурс синовида Хива НСШ(Нав синаш шохобчаси)да гектарига 42,6 центнердан олинди. Дони ўртача катталиқда. 1000 та донининг вазни 35,8 г. Ўсимлик ўрта бўйли, 86 см. Нав ётиб қолиш ва тўкилишга бардошли. Қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан синов йилларида (1996—1998) заарланмади.

960060 «САДА-2» — Египит селекцион нави. Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган. Республика бўйича суфориладиган ерларда 1997 йилдан баҳорги муддатда экишга тавсия этилган, биологик-баҳорги.

Усиш даври синов йиллари (1996—1997) да ўртача 80 кун бўлган. Донининг ўртача ҳосилдорлиги Хоразм вилояти Хива НСШда гектарига 38,2 центнерни ташкил этган. Дони ўртача катталиқда. 1000 та донининг вазни 35—37 г атрофида, ўсимлик ўрта бўйли. Навнинг ётиб қолиш ва тўкилишга бардошлилиги 5 балл. Қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан синов йилларида (1996—1997) заарланмади.

960055 «ГИЗА-163» — Египит селекцион нави. Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган. Республика бўйича суфориладиган ерларда 1997 йилдан баҳорги муддатда экишга тавсия этилган, биологик-баҳорги.

Усиш даври синов йилларида (1996—1997) ўртача 82—92 кун атрофида бўлган. Донининг ўртача ҳосилдорлиги 21,8 центнерни ташкил этган. Донидан юқори ҳосил конкурс синовида Хива НСШда гектар бошига 41,3 центнердан олинган.

Дони ўртача катталиқда. 1000 та донининг вазни 31 г. Ўсимлик ўрта бўйли, 82—92 см, нав ётиб қолиш ва тўкилишга бардошли. Қишлоқ хўжалиги касалликлари

ва ҳашаротлари билан синов йилларида (1996—1997) заарланмаган.

Етиштириш технологияси

Алмашлаб экишдаги ўрни. Барча баҳорги экинларга ўхшаб ўтмишдош экинларга талабчан бўлади. Бу экинни тоза шудгорга ёки дуккакли экинлардан сўнг экиш ижобий натижа беради. Мамлакатимизда баҳорги буғдой учун энг яхши ўтмишдош пахта ва қатор ораси ишланадиган экинлар, лалми шароитда нўхат, тарвуз ва дон экинлари ҳисобланади.

Баҳорги буғдой ўғитларга талабчан, 1 т дон олиш учун тупроқдан 35—45 кг азот, 9—12 кг фосфор ва 18—24 кг калий ўзлаштиради. Экиш билан бирга 30 кг азот ва 30 кг фосфорли ўғит берилади. Гуллаш фазасида яна қўшимча 30—40 кг азотли ўғит берилади, қўшимча озиқлантириш ҳосилдорликни 4—8 центнерга ошириш имконини беради. Фосфорли ўғитлар илдизнинг ва ҳосил органларининг яхши ривожланиб ўсиб бориш ва ўсиш даврининг қисқаришига олиб келади.

Суғориладиган шароитда ерни асосий ҳайдашдан ва экишдан олдин ишлашдан мақсад ҳайдалма қатламини юмшатиш, нам тўплаш ва сақлаш, далани бегона ўтлардан тозалашдан иборат. Ўсимлик туплаш ва гуллаш фазасида нам ҳамда озиқ моддаларни кўп ўзлаштиради.

Экиш даврида уруғнинг унувчанлигига эътибор бериш лозим. Уруғнинг тозалиги 99 фоиз, унувчанлиги юмшоқ буғдойда 95 фоиз, қаттиқ буғдойда 99 фоиз бўлиши шарт. Уруғлар экишдан олдин турли касалликларга қарши бир тонна уруғга 2 кг ТМТД ёки 75 фоиз витавакс (2,5—3,0 кг/т), 50 фоиз фундазол (2,5 кг/т), чанг қоракуяга қарши 70 фоиз (2—3 аг/т) фенорам солиб дориланди. Экиш муддатини кечиктирмасдан эрта баҳорда ўтказиш лозим. Эрта экилганда ҳосилдорлик юқори бўлади. Агарда экишни бир ҳафтага кечиктирилса, ҳосил 25—40 фоизга камаяди.

Баҳорги буғдой кузги буғдойга ўхшаб тор қаторлаб экиласди, қатор ораси 13—15 см бўлади. Экиш СЗТ—3,6, СЗС—2,1 русумли сеялкаларида олиб борилади. Экиш меъёри гектарига 3—3,5 миллион дона унувчан

урұғ ұсқынанади. Экиш чүкүрлігі тупроқ ва иқдім ұсусиятларига, намлика, экиш муддатларига ұам бөрлиқ. Уруғлар 5—6 см чүкүрлікка ташланади. Бизда уруғни чүкүрроқ ташлаш керак, юза әкілса тупроқ тез қуриб кетади, айниңса, лалми баҳорикор шароитда бир текис үнмайды, майсалар нимжон ва пишиш муддати ұар хил бўлади. Занг, ун шудринг, илдиз чириш касаллукларига қарши әқинлар 25 фоизли тил, (0,5 л/га), 25 фоизли байлетон (0,5 кг/га) билан ишланади.

Баҳорда намгарчилик жуда кўп бўлса, қатқалоқ ҳосил бўлади. Қатқалоқлик бороналаш орқали йўқотилиди, бунда ротацион борона ишлатилиши керак. Бу вақтда ер яхши юмшайди, ўсимликлар шикастланмайди. Баҳорда 30—40 кг азотли ўғит берилади. Пушта олиб әкилган майдонларда тўғридан-тўғри 600—800 м³ миқдорда сув берилади. Баъзан нотекис жойларда ёмғирлатиб кам суғориш мумкин, лекин суғориш меъёри 600—700 м³ бўлиши керак. Баҳорда ёмғир кўп бўлса, буғдойнинг ётиб қолишига қарши ишлар олиб бориласди. Баҳорги буғдойни баҳорда бегона ўтлардан ҳимоя қилиш учун гербицидлардан фойдаланилади ва 2,4 Д гуруҳи ва дазал пуркалади.

Занг, ун шудринг, илдиз чириш ва қоракуя касаллуклари учун майдонлар байлетон (25 фоизли 0,5 л/га) дориси билан ишлаб чиқилади. Хасва, ғалла қўнғизлари, дон тўплами ва бошқалар карбофос билан дориланади (50 фоизли 0,5—1,2 л/га).

Ҳосилни йиғиб олиш ишларини тезлаштириш лозим, чунки баҳорги юмшоқ буғдой анча мўрт ва тез тўкилувчан бўлади. Бошоғидан донлари тўкилиб кетади. Қаттиқ буғдой тўкилмайди, бошоқларида маҳкам туради. Юмшоқ баҳорги буғдой ўримини мум пишиш фазасида ұам бошлаш мумкин. Донлар тўлиқ пишгунча кутиб ўтириш шарт эмас, ана шунда нобудгарчилик камаяди. Ҳосил «НИВА», «СИБИРЯК» ва «КЕЙС» комбайнларида йиғишириб олинади.

Назорат саволлари:

1. Баҳорги буғдойнинг кузги буғдойдан фарқи нимада?
2. Баҳорги буғдойда оқсил миқдори неча фоиз бўлади?
3. Баҳорги буғдойни кузда әкиш мумкинми?
4. Қаттиқ буғдой деб қандай буғдойларга айтилади?
5. Қаттиқ буғдой навларини сананг.

БАҲОРГИ АРПА

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Баҳорги арпа озиқ-овқат, ем-хашак ва техник экин ҳисобланади, донидан ун ва ёрма тайёрланади. Пиво тайёрлашда энг асосий маҳсулот бўлиб, сомони ва тўпони озуқа ҳисобланади. Баҳорги арпа ҳосилдорлиги нисбатан камроқ. Ер куррасида баҳорги арпа майдони кузги арпага нисбатан жуда кам миқдорда. Дунёда жами 36 миллион гектар майдонга арпа экилса, шундан деярли 1 фоизи баҳорги арпани ташкил қиласи.

Таркибида клейковина ва оқсил кам бўлгани учун унидан яхши ҳамир ва нон тайёрлаб бўлмайди. Ҳамир учун 35—40 фоиз буғдой уни қўшилади. Арпа донида 14 фоиз оқсил, 65 фоиз азотсиз экстратив моддалар, 2—2,5 фоиз ёғ, 5,0—5,5 фоиз ёғочлик ва 2,5—2,8 фоиз кул мавжуд. Арпа дони отлар ва майда моллар томонидан яхши истеъмол қилинади. 100 кг арпа донида 126 озуқа бирлиги бор.

Арпанинг энг яхши хусусияти ундан пиво тайёрланнишидир. Пиво асосан икки қаторли арпалардан тайёрланади. Пиво тайёрланадиган арпалар дони йирик, бир хил текисликда, қобиқлари юпқа бўлиши керак. Ивitiшга қўйилган арпалар 3—4 кунда бўртиши лозим, донлар бир текисда бўлмаса бўртиш даражаси ҳар хил бўлади. Арпа дони қобиқларининг юпқа бўлиши тайёрлаш жараёнини тезлаштиради. Пиво тайёрланадиган арпаларга маҳсус талаблар бўлади. Пиво олинадиган арпа донлари таркиbidаги оқсиллар имкон қадар сувда эrimайдиган бўлиши лозим. Оқсили сувда эрийдиган навлардан олинадиган пивода кўпинча лойқа ёки тагида чўкмаси бўлади.

Ботаник белгилари. Арпа (*Hordeum L.*) 30 та турни ўз ичига олади ва шулардан фақат биттаси (*Hordeum L.*) экилади. Арпа бошоғининг шакли, икки қаторли *distichon* ва нотўғри олти қаторли *intemedium* тур хилига бўлинади. Кўп қаторли арпада устунчадаги учта гулдан фақат ўртасидаги ҳосил беради. Дони йирик ва бир текис бўлади, донининг ўртаси энли, четлари энсиз, донга гул қобиги қўшилиб ўсади. Қобиқлик даражаси икки қаторли арпаларда 9—12 фоиз, кўп қаторли арпаларда 10—13 фоиз. Кўп қаторли арпа донлар нотекис, ўртадаги донлари йирик, икки ёни-

даги донлари кичик сал қийшиқроқ бўлиши мумкин.

Арпанинг ҳар бир кенжা тури, қилтиқли, қилтиқсиз, қилтиқлари тишли, тишсиз, бошоғи ва донининг ранги сарик, қора, дони қобиқли, қобиқсиз, зич ва сийрак бўлади. Зич бошоқларда 4 см узунликда 15—18 бошоқча, сийрак бошоқда 7—14 бошоқча мавжуд.

Арпанинг фуркатни тури ўзига хос кўринишда, бошоқлари сарик, кўп қаторли, қобиқли, бошоқча қобиқлари ўзига хос шаклда, қилтиқлари қисқариб кетган. Аммо бу тур жуда кам ҳосиллиги туфайли экилмайди. Ташқи муҳитга чидамсиз, сал нокулай шароитларда кам ҳосил беради.

Биологик ҳусусиятлари. Дон экинлари ичидан арпа ўзидан чангланадиган экинлардан бири ҳисобланади, чунки унда гуллаш ва уругланиш жараёнлари бошоқ тортиш фазасида бошоқ очилмасдан бўлади. Дон берадиган экинлар ичидан ўсиш даври энг қисқа, яъни баҳорда экилгани 60—80 кунда пишиб етилади. Ҳеч бир экин мана шундай қисқа муддатда ҳосил бермайди. Баҳорги арпада ўсиш даври ёки ривожланиш фазалари орасидаги вақт жуда қисқа бўлади. Кузги арпада дастлабки ўсиш даври униб чиқиш ва туплаш фазаси униб чиққанидан 3—4 барги ҳосил бўлгунча бўлган давр 8—12 кун, туплаш фазаси униб чиққанидан 12—20 кун ўтганда бошланади. Найча тортиш фазаси 17—20 кун бўлса, бошоқ тортгандан кейин яна 12—15 кун ўтгач, арпанинг пишиш фазаси бошланади. Пишиш даври ҳам ўта қисқа бўлади, сут пишишдан мум пишиш давригacha 10—12 кун давом этса, яна донлар тўлиқ пишиб етилгунча 6—10 кун вақт керак бўлади.

Иссикқа бўлган талаби. Арпа уруғлари 1°C — 2°C да уна бошлайди, аммо 6°C — 10°C да тезроқ униб чиқади. Майсалари 8 — 9°C гача бўлган паст ҳароратга бардош беради. Гуллаш ва ҳосил пишиш даври ҳам паст ҳароратга чидамлидир. Арпа ҳарорат ва намлиқдан энг яхши фойдаланувчи ўсимликлар жумласига киради. Жазира-ма иссиқликда ҳам яхши ҳосил олинади. Бу ҳусусияти унинг жанубий ва шимолий туманларда экиш имконини беради. Намга талабчан. Арпа уруғлари униб чиқида намга унча талабчан эмас. Ўз оғирлигига нисбатан 47—48 фоиз нам ёки сувни талаб қиласиди. Найга тортиш фазасида жуда талабчан бўлади, ана шу даврда

нам етарли бўлмаса, бошоқда пуч уруғлар сони кўпайиб кетади, ҳосилдорлик камайиб боради.

Баҳорги арпа баҳорги буғдойга қараганда иссиққа анча чидамлидир. Баҳорги арпа барглари тешикчалари ҳарорат 38°C — 40°C иссиқ бўлганда 25—30 соатдан сўнг ёпилса, баҳорги буғдой тешикчалари 10—17, сулида эса 4—5 соатдан сўнг ёпилади.

Арпа дон экинлари ичида энг кам ҳарорат талаб қиласиган ўсимликлардан бири саналади. Эрта пишар навлари униб чиққанидан то пишиб етилгунча 1100°C — 1400°C , ўртапишар навларда 1400°C — 1800°C , кеч пишар навларда 1800°C — 2000°C ҳарорат лозимдир.

Баҳорда қурғоқчилик бўлса ҳам арпа қаттиқ заралнмайди, буғдой ва сулига қараганда юқори ҳосил беради. Намни фақатгина намга тортиш фазасида кўп талаб қиласи, агарда тупроқда нам кўп бўлса ҳосилдорлиги кескин камайиб кетади.

Тупроқ талаби. Ўсиш даври жуда қисқа бўлгани учун унумдор тупроқларда яхши ўсиб ривожланади. Ўсиш даври 60—90 кун ҳисобланади. Ана шу қисқа даврда у озиқ моддалар билан пояни таъминлаб, уруғ ҳосил қилиши шарт. Айниқса, ўсиш даврининг бошида арпа озиқ моддаларни кўп талаб қиласи ва ўзлаштиради. Шўрланган тупроқларда яхши ҳосил бермайди. Арпа 1 т дон ҳосил қилиш учун тупроқдан 25—30 кг азот, 12—14 кг фосфор, 22—25 кг калийни ўзлаштириб олади. Ўсиш даври қисқа бўлгани учун, арпа озиқа элементларига ўта талабчан экиндир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда баҳорги арпанинг иқлимлаштирилган биргина нави экилади.

Баҳорги арпа нави

9600079 «ВОДКА» — Франциянинг селекцион нави («Делепланк» фирмаси тақдим этган). 2000 йилдан Сармарқанд, Сирдарё, Наманган, Тошкент, Хоразм вилоятларининг сугориладиган ерларида баҳорги экиш муддатида пиво ишлаб чиқариш мақсадида етиштирилмоқда ва Давлат реестрига киритилган. Нутанс турига мансуб, биологик-баҳорги.

Оргинатор маълумотига кўра, нав пивобоп навлар гурӯҳига киради. Танлов синовида дон ҳосилдорлиги гектарига ўртача 23,3—45,0 центнерни ташкил этди. Ишлаб чиқариш шароитида дон ҳосилдорлиги гекта-

рига ўртача 18,0—42,3 центнерга тенг. 1000 та донининг вазни 35,5 г. Ўзбекистон шароитида нав 82—95 кунда пишади. Синов йилларида қишлоқ хўжалиги қасалликлари ва ҳашаротлари билан заарланмади. Бошқа иқлимлаштирилган навлари ҳозирча йўқ.

Етиштириш технологияси

Алмашлаб экишдаги ўрни. Баҳорги арпа учун ўтмишдош экинлар яхши танланиши шарт. Қатор ораси ишланадиган экинлар ва тоза шудгорга экилганда юқори ҳосил олинади. Кузги ва дуккакли дон экинлари ҳамда пахта яхши ўтмишдош бўла олади. Кўп йиллик ўғитлар, беда ва себарга ҳам ҳосилдорликни 4—5 центнерга оширади. Баҳорги арпа минерал ва органик ўғитларга талабчан бўлади. Органик ва фосфорли ўғитлар кузда берилади. Экиш муддатлари баҳорда тупроқ ва ҳаво ҳароратига қараб белгиланади. Лекин экиш муддатини кечиктирмаслик керак. Бу энг муҳим агротехник тадбир ҳисобланади. Республикаизда февраль ойининг иккинчи декадасидан бошлаб арпа экишга киришилади. Баҳорги арпани экиш билан боғлиқ бўлган бошқа агротехник тадбирлар баҳорги буғдойни етиштириш тадбирларига жуда ўхшаш.

Баҳорги арпа уруғлари экишдан олдин дориланади. Бунда, фундазол 50 фоиз (2,5—3,0 кг), витавакс 75 фоиз (2,5—3,0 кг) фойдаланилади.

Экиш муддати. Баҳорги арпа имкон қадар эртароқ экилиши керак ва тупроқдаги табиий намдан унумли фойдаланиш зарур.

Тупроқда нам борида униб чиқиб, тезда тупланиш фазасини табиий намлардан фойдаланиб ўтаб олса, уруғлар бир текис унгани учун тупланиш фазаси ҳам бир текис ўтади ва пишиш фазаси ҳам бир муддатда бошланади.

Экиш усули. Худди бошқа бошоқли дон экинлари-дек тор қаторлаб, қатор ораси 13—15 см, туп ораси 1,5—3 см кенгликда, шунингдек кўндалангига ва узунасига экиш мумкин, лекин бу вақтда харажатлар ошибкетади.

Экиш меъёри экилган жой ва тупроқнинг сув билан таъминланishiiga боғлиқ бўлади. Унумдор, сув билан етарли таъминланадиган майдонларда кўпроқ уруғ

ташланади. Баҳорги арпа ҳосилдорлигига туп сони катта аҳамиятга эга. 1 м² майдонда ҳосил пишганда 450—600 дона маҳсулдор поялар бўлиши лозим. Бир гектарга 3,5—4,0 миллион дона ёки 150—160 кг уруғ зарур. Уруғларни ерга ташлаш чуқурлиги тупроқ намлиги, механик таркиби ва иқлим шароитларига қараб аниқланади. Бўз тупроқларда арпа уруғлари 5—6 см, енгил кумоқ тупроқларда 6—7 см чуқурликка ташланади. Уруғларни ўта юза ёки жуда чуқур ташлаш ҳам уруғнинг чириб кетиши ёки ярим буришиб, кейин қуриб қолишига олиб келади.

Арпа ўсиш даврининг бошида кузги буғдойдан кўра сустроқ ўсади, шунинг учун ҳам бегона ўтлардан, айниқса, ёввойи сули, какра, буғдойик, кўнғирбош ва бошқалар ривожланади. Арпа уруғлари билан ёввойи сули ва какра уруғлари янги далани ҳам ифлослайди. Даладаги бошқа бегона ўтлар баҳорда тезлик билан ривожланиб, туп сонини камайтиради. Бегона ўтларга кимёвий усулда курашиш энг яхши чора ҳисобланади.

Туплаш ва найга тортиш фазасида азотли ва фосфорли ўғитлар икки марта бўлиб берилади. РУМ-8, РУМ-5 ва бошқа машиналарда сугорилгандан сўнг дарҳол ўғитлар берилади. Азотли ўғитлар кўпроқ берилса, доннинг таркибида оқсил миқдори ошади. Емҳашак учун экилган арпаларга азотли ўғитларни кўпроқ бериш керак. Пиво учун экилган арпаларга эса азотли ўғитларни кам бериш зарур. Доннинг таркибида оқсилнинг кўп бўлиши пивонинг сифатини пасайтиради.

Арпа бошоқлари пишгандан сўнг бир томонга эгилади ва тез синувчан бўлганлиги учун кечиктирмай ўриб олиш зарур. Бошоқларда донлар 30—35 фоиз намлиқда бўлганда ўришга киришиш дон нобудгарчилигининг олдини олади. Ҳосил дон комбайнларида йиғиб олинади.

Назорат саволлари:

1. Баҳорги арпанинг кузги арпадан фарқи нимада?
2. Баҳорги арпанинг ўсиш даври неча кун бўлади?
3. Баҳорги арпалар икки қаторлими ёки кўп қаторлими?
4. Баҳорги арпанинг ҳосилдорлиги нималарга боғлиқ?

МАККАЖҮХОРИ

Халқ хұжалигидаги аҳамияти. Маккажүхори ҳар томонлама ишлатиладиган экин. Унинг дони ва поясидан ҳеч қандай чиқитсиз фойдаланилади. Дони таркибида 65—70 фоиз крахмал, 9—12 фоиз оқсил, 4—8 фоиз минерал тузлар ва витаминалар мавжуд. Бутун дунёдаги мамлакатларда маккажүхори донининг қарийб 20 фоизи озиқ-овқат сифатида ишлатилади. Үндан ун, ёрма, шириң жұхори, консерва тайёрланади. Саноатда маккажүхори донидан крахмал, этил спирти, декстрин, пиво, глюкоза, шакар, крахмал қиёми, сироп, асал, ёғ, Е витамини, аскорбин ва глутамин кислоталари олинади. Гулининг пүпаклари тиббиётда ишлатилади. Донининг муртагидаги мойдан даволаш мақсадларида фойдаланилади. Маккажүхорининг барги, пояси ва сұтасидан қофоз, линолиум, вискоза, изоляция материаллари, фаоллаштирилган күмир, сұнъий пүқак, пластмасса, оғриқсизлантирувчи воситалар ва күпгина бошқа нарсалар тайёрланади. Маккажүхори дони барча ҳайвон ва паррандалар учун энг яхши озуқа ҳисобланади. 1 кг қуруқ дони 1,34 озуқа бирлигига тенг, таркибида 78 г ҳазмлантирадиган протеин бор. Маккажүхори дони оміхта ем тайёрлаш саноатида ишлатилади.

Мамлакатимизда маккажүхори силос тайёрланадиган экин сифатида биринчи ўринда туради. Силос учун асосан сут-мум пишганида ўриб олинади. Бу даврга сұтаси 60 фоиз сут-мум пишган бўлади. Сут-мум пишиш фазасидаги маккажүхори силосининг тўйимлилиги 100 кг. да 21 озуқа бирлигига тенг ва таркибида 18000 г ҳазм бўладиган протеин мавжуд. Қуруқ барг, поялар ва янчилган сұтасининг қолдиқлари ҳам молларга берилади. 100 кг похоли (сомони) 37, янчилган 100 кг ўзаги 35 озуқа бирлигига тенг.

Экин майдонлари ва ҳосилдорлиги. Маккажүхори ҳозирда 135 миллион гектардан зиёд майдонга экилади. У иккى хил мақсадда: дон ва кўк поя олиш учун экилиб келинади. Бир гектаридан 100—120 центнердан дон ва 400—450 центнердан кўк поя беради. Мамлакатимизнинг илфор хўжаликлари 100 центнердан зиёд ҳосил олишмоқда. Келиб чиқиш ватани Жанубий Америка.

Маккажүхори Ўзбекистоннинг ҳамма туманларида

экилади ва ундан юқори ҳосил олинади. Кузги дон экинларидан кейин ҳам такрорий экин сифатида экилади.

Ботаник таърифи. Маккажўхори *Zea mays* — бошоқ-дошлар ёки қўнғир бошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Илдизи бақувват ривожланган, ҳайдалма қатлами зич бўлмаган ерларда анча чукурга кириб борадиган попук илдиз. У атрофга бир метргача тарқалиб ва 3 метргача чукур кириб ўсади, асосий илдизи 20—25 см чукурликда жойлашган.

Маккажўхори дони битта муртак илдиз чиқариб унади. Сўта чиқариш фазасида ёки ундан бир оз поясининг ер юзасигача яқин жойдаги бўғимларидан таянч илдизлар чиқади. Маккажўхори поясининг йўғонлиги 2—7 см. Бўйининг баландлиги 60—600 см. гача етади. Барглари 8—45 тагача бўлади. Экинларидаган навларидаги барг сони 14—24 тагача етади, барглари чўзинчоқ бўлиб, уларда озиқ моддалар поясига қаранганди кўп.

Тупгули. Маккажўхори бир уйли, айрим жинсли ўсимлик бўлади. Ҳар бир ўсимликда икки хил гул чангчи ва уругчи ҳосил бўлади. Сўтаси 1—3 тагача бўлиб, барг кўлтиғида жойлашади. Сўтасида урғочи гулли, бошоқчалар жуфт-жуфт бўлиб жойлашган. Ҳар бир сўтада 500 тадан 1000 тагача дон бўлади. У ташқи томондан шакли ўзгарган, бир неча қават барг билан ўралган.

Маккажўхори шамол ёрдамида чангланади. Ўсимликда чангчиси билан уругчи гул бир вақтда етилмайди (чангчиси 4—8 кун олдин гуллайди, натижада ўсимлик четдан чангланади). Чангланиши учун ҳаво бир оз иссиқ, нам ва енгил бўлиши, шамол эсиб туриши жуда қулайдир. Ёғингарчилик кўп бўлса ёки ҳаво жуда қуруқ келса, яхши чангланмайди. Маккажўхорининг гуллаш фазасида об-ҳаво ноқулай келса, сўтадаги дон сийрак бўлиб қолади. Маккажўхори дони пўст, эндосперм ва муртакдан иборат. Эндосперми унли ва мутузли қисмга бўлинади.

Маккажўхорининг кенжा турлари. Маккажўхори донининг шакли, кимёвий таркиби ва ички тузилишига кўра 8 та: тишсимон, ялтироқ (шишасимон), серкрахмал — ширин, серкрахмал — мумсимон чатнайдиган, мумсимон ва пўстли кенжা турга бўлинади.

Тишсимон донли маккажүхори (*zea mays indentata*) энг кўп тарқалган кенжा тур. Дони йирик, учки томони бироз пачоқланган узунчоқ бўлиб, от тишини эслатади. Эндосперми доннинг ён томонларида шиша-симон, ўрта қисмида унсимон бўлади. Дон таркибида 68—78 фоиз крахмал, 8—20 фоиз оқсил бўлади. Ялтироқ кремнийсимон маккажүхори (*indirata*)нинг дони юмалоқ, сиқилган, силлиқ, ялтироқ бўлади. Дон таркибида 65—83 фоиз крахмал, 8—18 фоиз оқсил мавжуд. Бу кенжা турга кечки навлар ҳам, жуда эртапишар навлар ҳам киради.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида асосан ана шу икки кенжা тури экиласди. Шуни айтиш керакки, қишлоқ хўжалигида маккажүхорининг дурагайлари ва навлари мавжуд. Дурагайлари ҳамиша ҳосилдор бўлади.

Биологик ҳусусиятлари. Иссиққа талабчан. Маккажүхори иссиқсевар ўсимлик. Уруғи 8°C—10°C да униб чиқади. 10°C—12°C да майса чиқаради. Ўта нам ва совуқ ерга жуда эрта экилса, уруғи чириб кетиб тупи сийрак бўлиб қолади. 20°C—27°C ўсимликларнинг ўсиши учун энг қулай ҳарорат ҳисобланади. Гуллаш фазасида ҳарорат 30°—35°C дан юқори бўлса, чанги чанглантириш ҳусусиятини йўқотади, натижада сўтаси сийрак донли бўлиб қолади. 3°C—4°C ли совуқ майсаларни баҳорда, 2°C—3°C совуқ эса йирик ўсимликни зарар-

3-жадвал

Маккажүхори дурагайларининг таърифи


Пишиш гурӯҳлари	ФАО бўйича таърифи	Ўсиш даври	10°Cдан юқори ўртача куяллик фойдали ҳарорат миқдори	10°C дан юқори ҳарорат миқдори
Ўрта эртапишар	100—149	70—85	2100—2190	750—790
Эртапишар	100—200	90—100	2200	800—900
Ўрта эртапишар	201—300	105—115	2400	1100
Ўртапишар	301—400	155—220	2600	1170
Ўрта кечпишар	401—500	120—130	2800	1210
Кечпишар	501—600	135—140	3000	1250—1300
Ўртапишар	600 дан ортиқ	145—150	3000 дан ортиқ	1300 дан ортиқ

лантиради. Маккажүхорининг ёш майсалари совуққа чидамли бўлади.

Эртапишар навлар учун фойдали ҳарорат йифиндиси 2000—2300, ўртапишар навлар учун 2300—2600, кечпишар навлар учун 2600°C — 3000°C бўлиши керак.

Сувга талаби.

Маккажўхори бир центнер қуруқ модда ҳосил қилиш учун 174 центнердан 406 центнергача, яъни сули ва арпага қараганда камроқ сув сарфлайди. Бироқ мўл ҳосил етиштиришда у сувни кўп талаб қиласди. Бир гектар ердан 35—40 центнер дон ёки 350—400 центнер кўк масса ҳосили олиш учун ёз ойларида 300—360 мм миқдорда ёғин-сочин бўлиши ёки 4—5 марта сугориш зарур. Маккажўхори найчалагунча курғоқчиликка анча чидамли бўлади. Сўта чиқаришдан 10 кун олдин ва чиқариб бўлгандан 20 кун кейин (кри-



5-расм.

Маккажўхори ўсимлиги ва сўтаси.

тик давр) тупроқда нам етишмаса, ҳосилдорлик кескин пасайиб кетади. Тупроқнинг дала сифими 75—80 фоиздан кам бўлмаслиги керак ва 160—180 кг калийни ўзлаштиради ёки тупроқнинг кимёвий таркибига кўра гектарга 180—200 кг азот, 120—150 кг фосфор, 90—120 кг ўғит солинди.

Тупроққа талабчан, шўрланган кислотали тупроқларда яхши ҳосил бермайди. Энг яхши ерларга экиш лозим. Ёруғликка ҳам талабчан, қисқа кунлик ўсимлик. Айниқса, ўсиш даври бошида ёруғликка ўта талабчан бўлади. Жуда зич экилса ҳам кам ҳосилли бўлади. Маккажўхорида қуйидаги ўсиш ва ривожланиш фазалари мавжуд: униб чиқиш, рўвак ҳосил қилиш, сўтанинг гуллаши, сут ҳолати сут-мум пишиш, мум пишиш ва тўлиқ пишиш.

Барча иккинчи гуруҳ экинлари каби ўсиш даврининг бошида маккажўхори суст ривожланади, аммо унинг ер остики органлари жуда тез ўсади. Рўвак ҳосил қилиш фазаси бошлагандан маккажўхори жуда тез ўса бошлайди, унинг бир кеча-кундузлик ўсиши 8—10 см. га етади. Рўваклари гуллагандан сўнг бўйига ўшишдан тўхтайди. 6—7 дона барг ҳосил қилган пайтда унинг сўталари шаклланади. Маккажўхори ҳосилдорлигини белгилайдиган 2 давр бор. Биринчиси, 6—7 дона барг ҳосил бўлиши, иккинчиси, рўваклаш, бу вақтда сув, ўғит ва ҳарорат етарли бўлиши керак.

Ўсиш даври нав ва дурагайларига қараб 65 кундан 180 кунгача боради. Тупроқ иқлим шаротига ва экиш муддатига кўра ҳам маккажўхорининг ўсиш даври ўзгари. Ўсиш даври, ҳарорат каби кўрсаткичларга асосан маккажўхори навларини ФАО гуруҳларига бўлиш мумкин.

Маккажўхори нав ва дурагайлари

9500129 «АВИЗО» — Франциянинг дурагай («Делепланк» фирмаси тақдим этган).

1997 йилдан республика бўйича такорий (кечки) экин сифатида дон ва силос учун Давлат реестрига киритилган, уруғлари республикага киритилишга рухсат этилади. Дурагай уч линияли, кремнийсимон дон нав тури гуруҳига мансуб.

Ўсимликнинг баландлиги 200—300 см, ундаги барг-

лар сони 10—12 дона. Пишган сўта вазни 130,0—150,0 г. 1000 та донининг вазни 260,0—270,0 г, дурагай ётиб қолишга бардошли. Ўртача дон ҳосилдорлиги республика нав синаш шохобчаларида гектарига 50,0—60,0 центнерга тенг бўлган. Дурагайнинг дон бериши ях-ши — 82,0 фоиз. Жуда эртапишар дурагайлар гуруҳига мансуб, вегетация даври 85—90 кун. Қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан кучсиз даражада заарланади.

9600136 «БРИЛЛИАНТ» — Венгрияning селекцион дурагайи. Жуда эртапишар дурагайлар гуруҳига мансуб.

1997 йилдан республика бўйича такрорий (кечки) экин сифатида дон ва силос учун Давлат реестрига киритилган, уруғлари республикага киритилишга рухсат этилади.

Маккажўхори дурагай такрорий экин сифатида катта қизиқишига эга, кўпроқ бошоқли дон экинлари ўримидан кейин экилади.

Ушбу дурагайнинг энг асосий хўжалик-биологик белгиларидан бири унинг тезпишарлигидир. Вегетация даври ўртача 86 кунгача. Ўртача дон ҳосилдорлиги 50,0 центнерга тенг. Нав ётиб қолишга бардошли. Қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан синов ийиларида заарланмади.

9700141 «БЕМО-181-СВ» — Молдавияning маккажўхори ва жўхори илмий-текшириш институти («Порумбен» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси) ва Белорусия деҳқончилик илмий-текшириш институтининг селекцион дурагайи.

2000 йилдан республика бўйича такрорий экин сифатида дон ва жўхори илмий-текшириш институти («Порумбен» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси) ва Белорусия деҳқончилик илмий-текшириш институтининг селекцион дурагайи.

2000 йилдан республика бўйича такрорий экин сифатида дон ва силос учун Давлат реестрига киритилган. Учтали дурагай. Үсимлик ўрта бўйли, баландлиги 220—240 см, ундаги барвлар сони 14—15 дона.

8701440 «МОЛДАВСКИЙ-425-МВ» — Молдавияning маккажўхори ва жўхори илмий-текшириш институтидан муаллифлар жамоаси томонидан яратилган.

1991 йилдан республика бўйича асосий экин сифатида дон учун Давлат реестрига киритилган, уруғлари республикага киритилишга рухсат этилади.

Сариқ тишсимон донли ва сўта ўзаги қизил нав турига мансуб. Ўсимлик бўйи 260—270 см, барглари 18 тагача. Сўтаси цилиндрически, узунлиги 20 см.

Пишган сўта вазни 230,0 г. 1000 та донининг вазни 270,0—302,0 г. Дон чиқиши 78,0—85,0 фоиз. Ўртacha дон ҳосилдорлиги 1995—1997 синон йилларида республика нав синаш шохобчаларида 70,0—100,0 центнерга тўғри келди. Юқори ҳосил Сурхондарё вилояти Узун нав синаш шохобчасида гектаридан 115,3 центнер олинган. Ўрта кечпишар, вегетация даври 120—131 кун. Қишлоқ хўжалиги касаллуклари ва ҳашаротлари билан ўртacha даражада заарланади.

9700144 «МОЛДАВСКИЙ-257 СВ» — Молдавиянинг «Порумбен» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг селекцион дурагайи. 2000 йилдан республика бўйича такрорий экин сифатида дон ва силос учун Давлат реестрига киритилган. Учтали дурагай.

Ўсимлик ўрта бўйли, 210 см. гача боради, пояси ўртacha йўғонлиқда, мустаҳкам, 14—15 та тўқ, яшил баргли. Сўтаси конуссимон, узунлиги 16—18 см, дон қатори 14—16 та. Сўтасининг бирикиш баландлиги 100 см. гача. Сўтасининг ўзаги қизил рангли. Дони ярим кремнийсимон, оч-сариқ. 1000 та донининг вазни 268,0—280,0 г, ўртacha дон ҳосилдорлиги айrim синон (1997—1999) йиллари гектарига 39,0—70,8 центнергача етган.

Эртапишар дурагай (ФАО 210), Ўзбекистон шароитида 93 кунда пишади. Дурагайнинг дон бериши яхши (78,0—80,0 фоиз), ётиб қолишга бардошли, механизм билан ўришга яроқли. Синон йилларида қишлоқ хўжалиги касаллуклари ва ҳашаротлари билан заарланмади.

6200000052 «УЗБЕКСКАЯ ЗУБОВИДНАЯ» — Ўрта Осиё тажриба станцияси ва собиқ иттифоқ ўсимликшунослик институти (Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-текшириш институти)да К-12081 намунасидан яратилган. Муаллифлари: В. П. Горбунов, С. Г. Тараканов.

1962 йилдан республика бўйича силос учун Давлат реестрига киритилган. Тишсимон кенжा турга мансуб.

Дони оқ, жуда йирик, ўзаги ҳам оқ. Нав баланд бўйли, 320—360 см, сербаргли. Кечпишар навлар гурухига мансуб, вегетация даври тўла униб чиқишдан сут-

мум пишишигача 123 кун, кўк поясининг ўртacha ҳосилдорлиги 700,0—980,0 центнерга тенг, қуруқ моддаси 220,0—310,0 центнерни ташкил этади. Механизм билан ўришга яроқли. Қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан кучсиз даражада заарланади.

8602468 «ЎЗБЕКИСТОН-306 АМВ» — Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти («Зотдор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси) ва собиқ иттифоқ маккажӯхоричилик илмий-текшириш институти ҳамкорлигига яратилган. Муаллифлари: И. В. Массинов, А. И. Массино, С. Аҳмедова, Б. В. Дзюбецкий, В. И. Костюченко.

1992 йилдан республика бўйича такрорий экин сифатида дон ва силос учун Давлат реестрига киритилган.

Икки тизимлараро дурагай. Уруғчилик ишлари соғ уруғлар асосида «қайта тиклаш» тизими бўйича олиб борилади. Сариқ донли ва қизил ўзакли навлар хили гурухига мансуб.

Ўсимликнинг бўйи 270 см, барглари 17—18 та. Сўтаси цилиндрическимон, узунлиги 20—22 см, пишган сўта вазни 370,0—380,0 г, 1000 та донининг вазни 310,0 г. Ўртacha дон ҳосилдорлиги гектарига 74,0 центнер, қуруқ моддаси 130,0 центнер. Ўртапишар, вегетация даври 108—115 кун. Қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан кучсиз даражада заарланади.

9800156 «ЎЗБЕКИСТОН-420 ВЛ» — «Эркин» илмий ишлаб чиқариш фирмасининг селекцион дурагайи. 2001 йилдан Тошкент вилояти бўйича асосий экин сифатида дон учун Давлат реестрига киритилган. Муаллифлари: Л. В. Родчинская, И. В. Массинов, А. И. Массино, С. Аҳмедова.

Сўтаси цилиндрическимон, узунлиги 16—18 см, дон қатори 14—16 та. Пўстлоғи яхши қопланган. Сўтасининг баландлиги 90—100 см, сўтасининг рўваги қизил. Дони яримтишсекимон, сариқ. 1000 та донининг вазни 260,0—290,0 г.

1997—1999 синов йилларида ўртacha дон ҳосили гектарига 33,4—66,0 центнергача етган. Эртапишар (ФАО 210), Ўзбекистон шароитида 84—86 кунда пишади. Дурагайнинг дон бериши яхши (78,0—81,0 фоиз), ётиб қолишга бардошли, механизм билан ўришга яроқли.

9700142 «БЕМО-182 СВ» — Молдавиянинг макка-жўхори ва жўхори илмий-текшириш институти («Порумбен» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси) ва Белорусия деҳқончилик илмий-текшириш институтининг селекцион дурагайи. 2000 йилдан Республика бўйича такрорий экин сифатида дон ва силос учун Давлат реестрига киритилган. Иккита линиялараро дурагай. Ўсимлик ўрта бўйли, баландлиги 220—240 см, ундаги барглар сони 14—15 дона.

Сўтаси цилиндрический, узунлиги 17—19 см, дон қатори 14—16 та. Сўтасининг бирикиш баландлиги 90—95 см, ўзаги қизил, дони тишсимон. 1000 та донининг вазни 247,0—270,0 г.

1997—1999 синов йилларида ўртача ҳосилдорлик гектарига 36,0—55,6 центнерга тенг бўлган. Эртапишар (ФАО 220), Ўзбекистон шароитида 83—86 кунда пишади. Дурагайнинг дон бериши яхши (80,0—82,0 фоиз), ётиб қолишга бардошли, механизм билан ўришга яроқли.

Синов йилларида қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан заарланмаган. Дурагайнинг озукабоплик хусусияти яхши: хом оқсил миқдори — 11,2 фоиз, крахмал — 70,4 фоиз.

940012 «ВАТАН» — «Эркин» илмий ишлаб чиқариш фирмасининг муаллифлари гурухи томонидан яратилган. 1997 йилдан республика бўйича асосий экин сифатида дон ва силос учун Давлат реестрига киритилган. Нав муаллифлари: И. В. Массино, С. Аҳмедова, А. И. Массино, Г. А. Атабаев, М. Г. Хван, А. Ч. Пак.

Оддий дурагай. Уругчилик фертил асосида ўсимликнинг оналиқ шаклидан рўвакни узиш йўли билан олиб борилади. Дони сариқ, тишсимон ва сўта ўзаги қизил нав гуруҳига мансуб. Ўсимлик баландлиги 250—280 см, барглари 18—20 дона. Сўтаси цилиндрический шаклда, ўртача узунликда. Пишган сўтасининг вазни 260,0—270,0 г, 1000 та донининг вазни 280,0—318,0 г. Ётиб қолишга бардошли, механизм билан ўришга яроқли. Ўртача дон ҳосилдорлиги Тошкент вилояти Чиноз нав синаш шохобчаси ва Хоразм вилояти Гурлан нав синаш шохобчасида ҳар гектарга 86,7—77,2 центнердан тўғри келган.

Маккажүхори етиштириш технологияси

Алмашлаб экишдаги ўрни. Маккажүхори экинзорларда, ем-хашак етиштирадиган майдонларда ва алоҳида қайта экиш учун ажратилган ерларда, шу билан бирга доимий уруғсиз экинлар етиштириладиган ерларда ўстирилади. Маккажүхорини алмашлаб экиш учун ўғит сифатида, қиши фаслида экиладиган экинлардан дуккакли ўсимликлар, қандлавлати, картошка ва пахта ҳисобланади. Маккажүхорини ҳосилдор ва яхши культивация қилинган ерларда бир неча йил давомида ўғитламай экиш мумкин. Ер қанчалик ҳосилдор бўлса, маккажүхорини шунчалик узоқ муддатда етиштириш мумкин. Буғдой, кунгабоқар ва қандлавлаги билан алмашлаб экиб олинган маккажүхори ҳосили маълум муддат давомида (10 йилдан ортиқ) алмаштириб экилмаган далалардан олинган ҳосили неча маротаба кам бўлган. Ҳосилдорлик кам бўлишининг асосий сабаби экинзорнинг бегона ўтлар билан ифлосланганидир. Маккажүхоридан олинган ҳосилдорлик алмашлаб экиш учун ишлатилган экин турига ва бегона ўтларга қарши курашиб ҳамда ҳосилни қайси фаслда йигиб олинганлигига боғлиқдир. Бундан ташқари, маккажүхоридан олинидиган ҳосилнинг паст бўлиши, ундан олдин экилган ўсимлик қандай тупроқ ва қайси иқлимда ўстирилганлигига ҳам боғлиқдир. Намлик етарлича бўлган ерларда маккажүхоридан олдин экиладиган ўсимликлар тури тупроқнинг чуқур қатламларидан намликни ўзига тортиб оладиган бўлмаслиги керак. Айниқса, қандлавлаши, кунгабоқар ва ҳоказолар.

Ерни ишлаш. Бу экин экиладиган тупроқнинг таркибида, маккажүхоридан олдин экиладиган ўсимликнинг турига, экинзорнинг рельефига ва ҳар бир дала-нинг қай даражада бегона ўтлар билан қопланганлигига боғлиқдир. Маккажүхорини экишдан олдин тупроқка кенг қамровли дискли лушильниклар ёрдамида ёки 6—8 см чуқурликда юмшатадиган дискли борона ёрдамида ишлов берилади. Агарда кўп йиллик ўтлар билан қопланган бўлса биринчи навбатда 6—8 см чуқурликда юмшатадиган дискли асбоб билан, кейинчалик эса 12—14 см чуқурликдаги культиватор ёрдамида юмшатилади. Сўнгра ўғит солиб, 27—30 см чуқурликда ҳайдаш ишлари олиб борилади. Бу гектарига 3,3 центнергача

ҳосилдорликни оширади. ПЯ-3—35, ПН-4—35 икки ярусли плутлар ёрдамида ерларни ҳайдаш бегона ўтларнинг илдизини қуритади. Экин қолдиқларига етарли даражада ишлов бермаслик тупроқ гербицидларининг фойдали хусусиятларини кескин сусайтиради. Чунки ҳайдалган ерларнинг юза қатламида жойлашган экин қолдиқлари тупроқ ёрдамида ўғитга айланмайди. Экинзорни илдиз пояларидан тозалаш учун жадал технологиядан фойдаланиш яхши натижалар беради. Бунинг учун ер ҳайдашдан олдин кузда илдиз пояларини тозалаш керак.

Ерни чопик қилиниши уни қай вақтда амалга оширилганилигига боғлиқ. Ерни йигим-теримдан кейин эрта ҳайдаш оқибатида далалар ўсимлик қолдиқларидан тозаланмайди. Бу эса маккажўхоридан олинадиган ҳосилга салбий таъсир кўрсатади. Далада тупроқ намлигини сақлаш ва ўтлардан тозалаш учун ерни сентябрь ва октябрь ойларининг ўргаларида ҳайдаш мақсадга мувофиқдир. Тупроқ намлиги ва ёғингарчилик туфайли йигилган сувларнинг сақланиши учун ерлар кеч кузда ҳайдалиши лозим. Бу усулнинг қўлланиши натижасида, 250—300 м³ сувни ва ҳосилдорликни гектарига 2,0—2,5 центнерга оширишга эришилади. Ерни юмшатиш тупроқ эрозиясидан сақлайди. Кузги текислашни шошиб олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. Бунинг учун об-ҳаво шароитини, текисланадиган ернинг паст-баландлигини ва тупроқнинг турини ҳисобга олиш зарур. Тупроқнинг механик таркиби оғир, сув ҳамда шамол эрозиясига учраган ерларни кузда текислаш мумкин эмас. Тупроққа ишлов бериш учун қуйидаги агротехник талабларга риоя қилиш керак. Ерни ҳайдаш меъёри ёки чуқурлиги 28—30 см. дан кам бўлмаслиги керак, дискли плуглар ўсимлик қолдиқларини майдалаб кетиши, ҳайдалган кесаклар йириклиги 3—5 см бўлиши лозим.

Ўғитлаш. Маккажўхоридан юқори ҳосил олиш етарли даражада ўғитлашга боғлиқдир. Маккажўхорига бошқа донли ўсимликларга нисбатан кўпроқ ишлов берилади. Чунки унинг вегетация даври бирмунча узоқдир. 1 гектар ерга экилган маккажўхоридан 10 тоннагача ҳосил олиш учун ерга 325—350 кг азот, 120—150 кг фосфор, 220—240 кг калий солиши зарур. Маккажўхорини асосий озиқ моддаларга бўлган талаби ҳар хил

далаларда бир хил эмас. У асосан, тупроқ тури, объаво шароити ва агротехник омилларнинг қўлланишига қараб кескин ўзгаради.

Маккажўхорига азотли ўғитларнинг қўлланиши ижобий таъсир кўрсатади. Маккажўхоридан олдин экилган ўсимликнинг калий моддасини ўзлаштирадиган тури бўлса ҳамда маккажўхори қумли тупроққа экилгандан кейин калий ўғити билан озиқлантириш зарур. Азот, фосфор ва калийдан ташқари маккажўхори тупроқдан марганец, мис ва бошқа микро ҳамда макроэлементларни ўзлаштириб, ўсимликда жараёнларни назорат қиласди. Агар юқорида айтилган моддалар етишмаса, ўсимликнинг ўсиши секинлашади, фотосинтез энергияси пасаяди, тўқималарда оқсил ва углевод алмашинуви бузилади. Бу эса ўз навбатида ҳосилдорликнинг камайишига олиб келади. Минерал ва органик ўғитлар билан озиқлантириш катта аҳамиятга эга. Органик-минерал ўғитлар билан ўсимликни озиқлантириш ўсимликка элементларни бир текисда сингишига ёрдам беради ва тупроқни сувсизлик хусусиятини яхшилаб, озиқланиш тартибини режалаштиради. Ҳайдалган ерларни ўғитлаш тупроқ зонаси ва ҳосилдорлигига боғлиқдир.

Ем-хашак учун экилган маккажўхориларни суюқ ўғит билан озиқлантириш аҳамиятлидир. Суюқ ўғит таркибида 7–8 фоиз қуруқ моддалар, 0,25–0,35 азот, 0,15–0,20 фосфор ва 0,35–0,45 фоиз калий, шу билан бирга микро ва макроэлементлар бор. Маккажўхори минерал ўғитлар ичидан энг яхши ўзлаштирадиган аммиак туридаги азотдан, айниқса, суюқ азотдан (сувсиз аммиак, аммиак суви), мураккаб суперфосфат таркибида бўлган марганец бор, калий тузларини яхши ўзлаштиради. Куйидаги ўғитларни маккажўхори яхши ўзлаштиради: аммофослар, нитроаммофослар, полифосфатлар, метофосфатлар. Суюқ-мураккаб ўғитлар солишини, нордон тупроқни маккажўхори ёқтиирмайди. Шунинг учун маълум ўғитларни, айниқса, органик ўғитлардан 5–10 фоиз миқдорда маккажўхоридан олдин экилган ўсимликларга ёки тўғридан-тўғри маккажўхорининг ўзига берилса, унинг ўсишига, ўсимлигининг ривожланишига, ҳосилига ижобий таъсир кўрсатади.

Тупроққа асосий ишлов бериш вақтида ўғит солинмаган тақдирда ёки етарли ўғит солинмаса, баҳор фас-

лида экин экиш олдиндан ўғитлашга тұғри келади. Режалаштирилған ҳосилни олиш учун ишлатиладиган ўғитнинг миқдорини ҳисоблаш мұхимдир. Одатда, агропондда етиштирилған маккажүхорининг миқдорига асосланиб, ўртаса ишлатиладиган ўғит миқдори аниқланади. Озуқа моддаларни ишлатиладиган миқдори — азот, фосфор калий ўғитлари солингани ва солинмагани асосида белгиланади. Улар ўртасидаги фарққа қараб керакли ўғит ҳисобға олинади. Бунинг учун илгари ишлатилған минерал ва органик ўғитлар ҳисоби, моддалар коэффициенти ҳам ҳисобға олинади. Маккажүхори учун керак бўладиган элементлар: бор, мис, марганец, кобалт, магний ва бошқалар. Бу микроэлементлар борат кислотаси, мис кўпороси, марганцовка, нордон калий, олтингугуртли нордон кобальт, олтингугуртли нордон магний сифатида ишлатилади. Уругларга юқорида келтирилған тузларни қуқун сифатида сепиш йўли билаш ишлов бериш усулидан фойдаланилади. Маккажүхори уругини етиштириш учун эритмалар таркибиға микроэлементлар кўшилади. Ўғитлар миқдорини оширишлик маккажүхоридан юқори ҳосил олиш гаровидир. Ўзбекистоннинг сугориладиган шаритида 1 гектар ерга экилған маккажүхоридан 8—9 тонна ҳосил олиш учун 24—25 тонна органик ўғит, 140—160 кг азот, 110—120 кг фосфор ва 140—150 кг калий керак бўлади. Агарда органик ўғитлар йўқ бўлса, минерал ўғитларни 2 баробарга кўпайтириш керак.

Бегона ўтларга қарши қурашиш

Ўсимликлар қолдиги тури ва сифати маккажүхори экишда тупроқ ва иқлим шароитига, ўсимлик қолдиқларининг биологик хусусиятларига, уларнинг технологик ишловига ва алмашлаб экиш учун қайси тур ўсимлик қўлланилганига ҳамда бошқа ҳар хил омилларга боғлиқдир.

Агротехник усулни ўз вақтида тұғри қўллаш инсон ва ҳайвон, атроф-мухит учун зарарсиз ҳамда фойдалидир. Ўсимлик қолдиқларига қарши қурашишни тұғри бошқариш учун тупроқ ишловини олиб боришда экладиган экинларни алмашлаб экилиши, баҳорги экин экиш олдидан ўсимлик қолдиқларини культивация асосида йўқ қилиш, ўсимлик чиққунгача ва чиққанидан

кейин ерни юмшатиш, эгатлараро ишлов бериш катта аҳамиятта эга. Бу услугни қўллашлик ерни бегона ўтлар билан ифлосланишидан керакли даражада сақлади ва ҳосилдорликка таъсир қилмайди. Кимёвий услуг билан бегона ўтларга қарши курашиб мутлақо заарсиз эмас, чунки у ўз навбатида тупроқ таркибига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади, шу билан бирга, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилдорликни тўғридан-тўғри йўқолишига олиб келади. Ўтларни механик услубда йўқотишида эгатлараро культивациядан фойдаланиш яхши натижа беради. Шу туфайли 95 фоиз ўтларни йўқотишига эришилади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, технологик тартибга риоя қилмаслик ҳосилдорликни икки бараварга камайтиради. Чунончи, етилмаган тупроққа дискли қурол билан ишлов берилса, гербицид бир текис сепилмаса, кучли шамол вақтида гербицид қўлланилиб ишлов берилса ва булар орасидаги вақт 15—20 дақиқадан ортса, жуда паст натижага эга бўлинган. Экиладиган бир

4-жадеъал

1 гектар ерга ишлов бериш учун ишлатиладиган гербицидлар миқдори

Гербицид	Миқдор	
	Препарат	Сув, л
Эмульсияли аралашма		
Эрадикан С,7Е 80 фоиз	7—8 л	300
Сутан С,7Е 80 фоиз	4—6 л	300
Намлантирувчи кукун		
Агелон 50 фоиз	4—6 кг	200—300
Атразин 50 фоиз	3—8 кг	300
Симазин 80 фоиз	4 кг	300
Минерал мойли эмульсия		
Зеапос 10—15 фоиз	5—8 л	500
Олегезаприм 40 фоиз	2—5 л	500
Сувда эрувчи		
Диалек 40 фоиз	1,9—3 л	300—400
2,4-Д амин тузи 40 фоиз	1,5—2,5 л	300—400

гектар ерга ишлов бериш учун ишлатиладиган гербицилар миқдори қуйидаги 22-жадвалда келтирилген. Агарда экиладиган маккажүхорига ишлов бериш учун керакли бўлган гербицид етарлича қўлланилмаса, бегона ўтлар пайдо бўлиб, экинни бир-икки барг чиқарган чоғидаёқ нимжон қилиб қўяди. Агар экилган экин кўп йиллик ўтлар билан қопланса, маккажүхори 3—4 барг чиқаргандга унга диален ёки 2,4-Д амин ва симазин тузини пуркаш лозим.

Эслатма: тупроққа сепилган ўғитнинг миқдори кам бўлса, унда бир йиллик вегетация даврда парчаланади. Шунинг учун келаси йилига хоҳлаган ўсимликни экиш мумкин. Агарда қўшилган минерал ўғитнинг миқдори кўп бўлса, келаси йилига фақат маккажүхори ёки бошқа гербициларга чидамли бўлган ўсимликни экиш мумкин.

Ерга ишлов кечикиб берилса ёки гербицид кўп миқдорда қўлланилган бўлса, маккажүхорини кескин зарралантириб, ҳосилдорликни пасайтиради. Ишлов учун 2,4-Д амин тузини диалени билан ёки 48 фоиз базагран (2—4 л/га) билан бир вақтда қўлланилишидан эҳтиёт бўлиши керак. Айниқса, тупроққа экин олдиндан культивация билан эрадикан ишлатиладиган бўлса, атроф-муҳит ифлосланиши камаяди. Кейинги пайтларда гербицилар лента ёки тасма услубида сепилмоқда. Бу тасма услубининг асосий мақсади шундан иборатки, у ёки бу гербициднинг бутун экин даласига сепилмасдан, маккажүхори экилган муҳофаза зonasида 25—30 см кенгликда қўлланилади. Алоҳида мослама ёрдамида ишлатилган гербицидни тасмасимон ҳолда экиладиган қатламигини сепилади. Шундан сўнг гербицилар билан ишончли равишда иш олиб борилади. Ундан кейин маккажүхори экилиб, эгатни тасма ёки лента ўртасида аралаштиради. Ишлатишга тайёрланган суюқликнинг концентрацияси меъеридан кўра 5 фоизга фарқли бўлиши мумкин. Сепиладиган дорини агрегат бакига (идишига) солишдан олдин унинг баки бўш бўлиши керак; тез парчаланадиган гербицилар (эрадикан, алирокс) ишлатилгандан сўнг кейингисини тайёрлаш учун кетадиган вақт 15 дақиқадан ошмаслиги керак; битта пуркалгичдан ишлатилган суюқлик меъердан кўра 10 фоизга кам ёки кўп бўлмаслиги керак; ишлатиладиган суюқликни нотекис равишда маълум

кенглика пуркашлик 30 фоизгача, шамол тезлиги 5 м/с гача; ҳаво ҳарорати 25°C гача бўлиши керак.

Экин экишдан олдин ерни ишлов

Экишдан олдин ерга ишлов бериш эрта баҳордан бошланади. Агарда тупроқ устидаги кесаклари йирик бўлиб қолса, зарур агротехник тадбирлар ўтказилади. Ер юзасини текислаш тупроқ намлигини сақлаб қолади, ҳамда экин экиш олдидан ишловни сифатли бўлишига ва ургуни бир текис чуқурлиқда экилишига ёрдам беради. Кузда ишлов берилган ерларнинг пуштаси ва ариғи ҳамда тупроқ юзаси текис бўлса, эрта баҳорда ерни текислаш учун оғир борона билан шлейфли агрегат ёрдамида ишлов беради. Бундан кейин ерга ҳеч қандай ишлов берилмайди. Шу давр ичидан кузда етарлича ўғитланмаган ерларга эрта баҳордаги ишлов гербицидлар билан бир вақтда олиб борилади. Гўнг сепиш, гербицидлардан фойдаланиш, экин экишдан олдин ишлов бериш, маккажӯхорини экиш, ерни ағдариш яъни ҳамма ишлар технологик тамойил асосида, маълум вақт ичидан бажарилади. Бу эса уруғликни бир хил чуқурлиқда экилишига, намликтинг сақланишига ва экилган маккажӯхорини бир хил униб-ўсишига ёрдам беради. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, экин экиладиган тупроқни бошидан-оёқ ишлов бериш давомида экинзорни, ернинг намлигини ва ундан олдинги экин турини ҳисобга олиш керак.

Ургуни экишга тайёрлаш. Ургуни экишга тайёрлаш ва ундан юқори ҳосил олиш шарти биринчи нав чатиштирилган ургуни экишга мўлжалланган далаларга экиш лозим. Уруғликни экишга тайёрлаш вақтида уни олий кондицияга етказиш, бир хил катталиқда саралаш ҳамда касал келтириб чиқарувчи зааркунандаларни йўқотиш керак.

Тайёрланган уруғ давлат томонидан тасдиқланган I-классдаги андоза талабига жавоб бериши лозим. Далада тайёрланган I-класс уруғлик лабораториядагидан 10—15 фоизга паст бўлади. Фермер хўжаликлариға юбориладиган уруғлик маҳсус заводларда 12—13 фоиз намлиқ ҳолига келгунча қуритилади, сараланади, дорилади ва алоҳида қофоз қопларига жойлаштирилади. Хўжаликларда уруғликни экишга тайёрлаганда макка-

жўхорининг сифатли уруғлари танлаб олинади. Экишдан 10—15 кун илгари уруғларга МКП-3,0 аппаратида ишлов берилади. Ҳамма уруғларнинг бир хил униб чиқишини таъминлаш учун дон тозаловчи машина ёрдамида бир катталикдаги уруғлар танланади ва маълум нусхаси текширув лабораторияларига сифатини аниқлаш учун юборилади. Агар уруғлик етарлича тайёр бўлса, экиш учун ҳозирланади. Уруғликни яхши униб чиқиши учун 12 см қалинликда куруқ ерга қўйилади ва қуёш нурида 4—6 кун қиздирилади. Қуёшда қиздириш давомида эҳтиёткорлик билан аралаштирилади. Кечасига эса устига бризент ёпилади ёки куруқ хонага олиб кирилади. Уруғликни фаол равишда вентиляция қилиш ҳам яхши натижা беради, бунинг учун уруғликни қуритадиган машиналардан фойдаланилади. Уруғликни замбуруғ касаллигидан ва зааркунандалардан сақлаш учун экиш олдидан 80 фоизгача фентиурам, гексатиурам, тигамдан фойдаланилади. Экинзорда ўргимчаккана ва симкурт бўлса, махсус кимёвий воситалар билан уруғга ишлов берилади.

Уруғни дорилаш. Уруғ қобиғида поливинил спирти сувли эритмаси ёрдамида парда ёки ниқоб ташкил қилинади. Эритмага уруғликни униб, пишиб ўсишига ёрдам берадиган моддалар ҳам киритилган. Уруғликка ишлов бериш учун ПВС 0,5—1 кг, биологик моддалар ва меъёрда пестициддан фойдаланилади. Гидрофили плёнка ичига фентиурам ва микроэлементларни киритилиши қаттиқ жароҳатланган уруғларни парваришини оширади. Уруғларни дорилаш уруғ тозалаш машиналари учун осон, хавфсиз ва қулайдир. Унинг кенг қўлланилиши уруғларининг тузалишига ва ҳосилдорликни ошишига ёрдам қиласи. Дала шароитларида плёнка ҳосил қилувчи заарловчилар ҳар хил экиш вақтларига қарамай катта натижা беради. Бу усуслар замбуруғли касалликлардан сақлайди ва 5—10 кун илгари экишга, шу билан бирга меҳнат шароитини яхшилашга ёрдам беради.

Уруғни экиш. Уруғ бир текисда униб чиқиши учун экилган худудларда тупроқ 10°C — 12°C да чукур қатламигача иссиқликни таъминлаши зарур. Шимолий минтақаларда салқин бўлғанлиги туфайли уруғлик вегетация даврида иссиқлик ресурсларидан оқилона фойдаланиши учун экин экиши оптималь муддатларда ўткалиши муҳим. Кечикиб экилган маккажӯхори кузнинг

совуқ кунларидан заарланиши мүмкін. Эрта ва ўртапишар дурагайли уруғліклар совуққа чидамли турларга киради. Шунинг учун уларни эрта әкиш мүмкін. Кечпишар тишсімон дурагайлар бироз кечроқ әкілса ҳам бўлади. Ер қатлами 8°C — 10°C гача қизиган даврда совуққа чидамли. Эрта ва ўртапишар дурагайларни әкилиши мақсадга мувофиқдир. Ер қатламига яхши ишлов берилган бўлса, заҳарланган уруғларини оптималь муддатдан 5—10 кун илгари әкиш мүмкін. Мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида маккажўхорини әкиш март ойи ўрталарида, марказларида эса март ойи 3 декадасининг бошида, шимолий ҳудудларида апрелнинг 2 декадаси бошида бошланади. Уруғнинг экилган чуқурлиги маккажўхорининг униб чиқишига, бўйига, ривожланишига ва ҳосилдорлигига таъсир қиласи. Яхши, текис униб чиқиши учун уруғни намлик, ҳаво ва иссиқлик етарли бўладиган чуқурликка әкиш лозим. Уруғлар намлик 18—20 фоиздан кам бўлмаган чуқурликда яхши ўсади. Маккажўхори уруғларини чуқур әкиш мүмкін. Уруғликни әкиш чуқурлиги 5—7 см ва туп орасидаги масофа 12—15 мм бўлиши керак. Бу маккажўхорини ўсишига яхши шароит яратади ва индивидуал ҳосилдорликка таъсир кўрсатади.

Жадал технология маккажўхорини бир хил әкилишини кўзда тутади. Бу усул қаторларга уруғларни бирбиридан маълум масофада әкилишини таъминлайди. Маккажўхори қатор ораси 70 см масофада әкілади, лекин намлик юқори бўлган ва сугориладиган ерларida қатор ораси 60 ҳамда 45 см бўлиши мүмкін. 45 см. лилар эрта ва ўрта-эрта пишадиган дурагайларга тўғри келади. Бунда ўсимликлар орасидаги масофа 15—16 см бўлиб, «Днепровский 247-ТВ» дурагайи ҳосили 70 тонна бўлган. 70 см қатор ораси әкилган дурагайларнинг сугорилиш ва намлик шароитига қараб барглари 18—38 см бўлиши мүмкін.

Экин әкиш учун пневматик сеялкалар қўлланилади. Универсал русумдаги сеялкаларни қўллаш янада яхшироқ. Улар нафақат ўсимликлар орасидаги масофани, балки қаторлар орасидаги масофани бир хил бўлишини таъминлайди. Сеялкада уруғни әкишда бир хил масофада ва чуқурликда әкиладиган доннинг сони назорат қилинади. Бу эса уруғларни бир вақтда ва бир текис униб чиқишига ёрдам беради. Сеялканинг

ишли органлари эса алоҳида жойларда назорат қилинади.

Маккажӯхори экишнинг агротехник талаблари. Ҳўжаликда экин экишнинг 3—4 кун давом этиши, битта дала бир-икки кун, экиш чуқурлиги 1 см фарқлиги, уруғларни 0,2—5 фоизгача экиш меъёрини оширишини, эгатлараро экиннинг орасидаги оралиқнинг 5 см. гача ўзгариши мумкин, сеялка агрегатининг ҳаракати 20 кг/с. гача, СПЧ-8 сеялкасида тезлик 15 км/с. гача бўлади.

Жадал технологияни агротехник комплексда қўлланилишининг асосий вазифаси уруғликнинг зич экилишидадир. Бу эса ўсимликнинг ўсиш тезлигига, унинг вегетациясига ва вегетация даврининг давомига таъсир кўрсатади. Уруғликнинг экилиш зичлигини тўғри таъминланиши жадал технологиядан фойдаланган ҳолда ҳосилдорликни 20—30 ва ундан ортиқ фоизга ошишига олиб келади. Алоҳида ажратилган экинзорларда ҳосилдорликнинг юқори бўлиши ҳар бир гектарга экилган ўсимликнинг зичлиги билан боғлиқдир. Оптимал зичлиқда уруғликни экилган ерига қараб навлари ва дурагайлар турига ҳамда минерал озуқаларнинг миқдорига қараб ўсимлик 50—60 то 90—120 минггача экилади.

Эртапишар дурагайлар 70—80 минг, эртапишар дон учун экиладиган навлар 60—65 минг, силосбоп нав ва дурагайлар 90—100 минг туп қалинликда экилади.

Маккажӯхорининг генетик имкониятидан фойдаланиш учун агротехникани қўлланиш реакциясини аниқлаш зарур. Уруғни зич экилиши асосан тупроқдаги озуқага боғлиқдир. Озуқа қанчалик кўп бўлса, шунчалик уруғ зич унади ва юқори ҳосил беради.

Ўсимликнинг оптимал зичлиги экин экишга тўғри риоя қилишиликдир. Экин экилаётган вақтда об-ҳаво салқин ҳамда ҳарорат паст бўлса ёки уруғлик касалланиб зааркунандаларга ем бўлса, униб чиқмаслик миқдори кўпаяди. Ўсимликнинг бир текисда, зич ўсиб чиқиши учун экиладиган уруғликнинг вазни бир хил бўлиши зарур.

Экинни парваришлаш. Маккажӯхорига жадал технология услубида ишлов беришда механик ишлов — бороналаш ва эгатлараро юмшатиш тадбирлари гербциздлардан, 2,4 дон гуруҳидаги препаратлардан мукаммал фойдаланиш орқали олиб борилади. Қатор орасига

ишлов бериш ёввойи ўтларни ўлдирибгина қолмасдан, тупроқ қатлами микрофлорасини ҳам яхшилайди. Шу билан бирга бу услуб ер қатламини қатқалоқдан, емирилишдан ҳамда ҳаво, сув, озуқа билан таъминланишини яхшилайди, айниқса, берч лойга айланадиган тупроқ қатламларига яхши таъсир кўрсатади. Қатор орасига агротехник ишлов беришнинг талаблари қуидагилар: муҳофаза зонасининг кенглиги 13 см, уруғ экиш чуқурлигининг хатоси 1 см, муҳофаза минтақаси кенглиги бўйича 10 ± 12 см. Тупроқнинг пастки қатламларини ишчи органлар юзага чиқармаслиги керак, ёввойи ўтлар тўла-тўқис ўлдирилиши шарт. Алоҳида ажратилган майдонларда ишлов беришда культиватор ишчи органнинг орқа қисмига жойлаштирилади. Бунда культиваторни горизонтал ҳолатда ўрнатиб, унинг ишчи органлари ишлов беришни бир текисда олиб бориши учун мўлжалланган ўқсимон ҳамда бир томонлама кесувчи куракчалари, майдалайдиган борона ёки айланадиган дисклари бўлади.

Маккажўхори заараркунандалари ва қасалликларига қарши курашиш. Маккажўхорига жадал технология асосида ишлов беришда унинг вегетация даврида заараркунандалар ва қасалликларга қарши курашиш кўзда тутилган. Швед пашласига қарши курашиш учун уруғниш уриш олдидан маккажўхорига 16 фоизли минерал мойли эмульсиянинг гама изомери ГХЦГ (1,5 л/га) ёки 80 фоизли хлорофос (1,5 кг/га) ёрдамида қайта ишлов беради. Агарда яйлов капалагининг курти экинзорда пайдо бўлса, 7 фоизли ЛИК гранулирли хлорофос (20 кг/га) ёки 80 фоизли хлорофос (1,5 г/га) сепилади. Мабодо капалак куртлари янада кўпайса, 7—8 кундан кейин қайта ишлов берилади. Хлорофос билан экинзорга ишлов бериш икки мартадан кўп олиб борилмайди. Капалак куртининг ёш вақтида экинзорга 16 фоизли гама изомер ГХЦГ (1,5 л/га) эмульсияси сепилади. Капалак куртининг йириклишган вақтида 10 фоиз базодил грануласи (50 кг/га) ишлатилади. Меъёрдаги ишлатиладиган суюқликлар ерда аппарат ёрдамида 300—500 л/га, авиация ёрдамида эса 250—500 л/га микдорида ишлатилади.

Сугориш. Маккажўхоридан унумли ҳосил олишда сугориладиган ерлардан самарали фойдаланиш катта

аҳамиятга эгадир. Экинларни вегетация даврларида сув билан оптималь равиша таъминланиши ҳам юқори самира беради. Маккажўхорининг ривожланиш даври ва сувга бўлган талаби ҳар хил вақтларда ҳар хилдир. Маккажўхори поясидан 7—8 та барг чиққунича умумий истеъмол қиласиган сувининг 9—13 фоизи билан таъминланиши шарт. Бир сонияда эса 20—25 м³/га миқдорида сув талаб қиласи. Бу даврда намлика бўлган эҳтиёжи табиий намлик йифиндиси ҳисобига қондирилади. Шунинг учун бу даврда экинлар суфорилмайди. Кейинчалик эса маккажўхори поясида 15—16 та барг ҳосил бўлиши билан, умумий сувнинг 18—25 фоиз миқдори билан таъминланиши керак. Бир кечакундузда эса сув миқдори 32—43 м³/га. ни ташкил қиласи. Агарда ёғингарчилик етарли даражада бўлмаса, бу даврда бир марта суфорилади.

Маккажўхори 15—16 та барг чиқаргандан кейин уруғи шакллангунча бўлган даврида тезлик билан ўсади ҳамда органик моддалар тўплайди. Ўртача бир кунлик ўсиши 5—6 см. ни ташкил қиласи. Куруқ моддаларининг йифилиши эса 0,3—0,5 т ни ташкил этади. Вегетациянинг бу фазаси асосан ёзниг иссиқ кунларига тўғри келади. Ўсимликнинг жадал равиша ўсиши билан ёзниг иссиқ ҳарорати таъсири остида маккажўхори намлигининг йўқолиши кўпаяди. Бир кечакундузлик сувга талаби 69—75 м³/га. Шунинг учун бу даврда намликнинг йўқолиши ҳисобга олган ҳолда, экинларнинг суфорилиш меъёри белгиланади. Маккажўхори дони тўклиб пишиш даврида танасининг бўйига ўсиши тўхтайди, аммо қуруқ моддаларнинг йифилиши етарли даражада юқори бўлади. Шунинг учун ҳам бу даврда сувга бўлган талаб 32—44 м³/га. ча этади. Сув билан етарли даражада таъминланмаслик ўсимлик ҳосилдорлигини кескин пасайтиради. Бу даврда экинларни шароитга қараб суфориш керак. Жанубий ҳудудларда эса қурғоқчилик йилларида маккажўхори 4—6 маротаба суфорилади. Ёғингарчилик кўпроқ бўлса, икки марта гача суфорилади. Суфориш вақтида тупроқнинг намланиш чуқурлиги 70 см, дала нам сифими 70—80 фоиз, суфориш меъёри эса гектарига 400—600 м³ бўлиши керак. Суфориш вақтида маълум миқдорда намликнинг йўқолиши кўзда тутилиши шарт. Суфориладиган кун ва кейинги 1—2 кун ичидаги тупроқ намлигининг парланиши

1,5 маротабагача күпроқ кузатилади. Бунда суғориш агрегатини, дала рельефини, ҳавонинг нисбий намлигиги ҳисобга олиш керак. Шу туфайли суғориш меъёри 20 фоизга оширилади.

Маккажӯхори вегетация даврининг иккинчи қисмida сувни кўп талаб қилиши туфайли экин экиш олдидаги суғориш кейинги даврга амалий равищда таъсир кўрсатмайди. Лекин қурғоқчилик йиллари кузатилса, экин экиш олдидан суғориш меъёри $350-400 \text{ м}^3/\text{га}$ миқдорида таъминланиши зарурлиги маълум бўлади. Бу ўз навбатида экинларни бир текисда ўсиб чиқишига ва юқори ҳосил олишга асос бўлади. Маккажӯхори ни суғориш тартибини оптимал муддатларида олиб бориши катта аҳамиятга эга. Суғориш муддатини аниқлашнинг биофизик услуби билан ишлаб чиқилган. Бу услугуб алоҳида формула асосида ишлаб чиқилган бўлиб, умумий парланишни, бир кеча-кундузлик ҳароратни ва нисбий намлигини ҳисобга олган ҳолда тузилган.

$$E = \sum t_0 \cdot \left(0, t \cdot \frac{a}{100} \right)$$

$$E = \sum t_0 \cdot \left(0, t_0 + \frac{a}{100} \right)$$

бунда: E — ҳисоблаш даври суюқлик парланишининг умумий ҳисоби; $\text{м}^3/\text{га} \sum t_0$ — ҳисоблаш давридаги кечада ҳаво ҳароратининг миқдори, $^{\circ}\text{C}$; t_0 — ҳисоблаш давридаги ўртacha бир кеча-кундузлик ҳаво ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$; a — ҳисоблаш давридаги ўртacha ҳавонинг нисбий намлиги, фоиз.

Биринчи формула уругланиш унгандан бошлаб, тупроқ юзасидани тўлиқ бекитгунгача бўлган даврдаги намнинг умумий парланишини ҳисоблаш учун ишлатилади (10—12 та барг ҳосил бўлгунча). Иккинчи формула эса ўсимликнинг вегетация даврида қўлланилади. Қатор орасида пайдо бўлган тупроқнинг ёриқлари ва тешикларига КРН-4,2 культиваторининг ерни юмшатувчи асблоблари ёрдамида 25—30 см чукурликда ишлов берилади. Бу услугуда ишлов бериш намгарчиликларни тупроқда кўпроқ сақланиши ва тупроқнинг намланиш чукурлигини ошириш ҳисобига бўлади.

Ҳосилни йигиб олиш. Маккажӯхори донини йигиб олиш иккى хил усул билан амалга оширилади. Биринчи,

сұталарап билан донини янчиш усули. Їзда сербарт навлар бўлса, улар сұталарап билан янчиб-майдалаб олинади, иккинчи, силос учун кўкпояси билан ўриб олинади.

Сўтаси билан йигиб олинаётганда намлик 35—40 фоиз, донини янчиб олаётганда 25—30 фоиз бўлади. Ишлатиладиган комбайнлар ҳам икки хил бўлади, сўтаси билан йифиштирадиган, ўзиюрар 6 қаторли «Херсонец-200», 3 қаторли «ККП-3-Херсонец-9» русумли комбайнлар, дони бирданига янчиб олинаётганда «ППК-4» русумли кўшимча мослама «НИВА» ва «КОЛОС» комбайнларига тиркалиб ишлатилади.

Маккажўхори сўталаридаги дон маҳсус хирмонларда қуритилиши керак. Кўк поялари силос учун экилган бўлса, улар сўталарининг сут ёки мум пишиш фазаларида ўриб олинади. Кўк поядада намлик 75—80 фоиз миқдорда бўлгани учун ҳам сомон кўшиб силос қилиш мумкин. Шунингдек, лавлаги, тарвуз ва турли хил ўсимлик палаклари билан кўшиб силос қилиш яхши натижада беради. Маккажўхори силоси жуда тезлик билан бостирилиши лозим, ана шунда тўйимлилиги юқори бўлади ва қишида чорва молларининг ҳамма тури хуш кўриб истеъмол қиласи.

Назорат саволлари:

1. Маккажўхоридан қандан озиқ-овқат маҳсулотлари олинади?
2. Маккажўхорининг ватани қайси мамлакат?
3. Маккажўхорининг кенжга турларини баён этинг.
4. Уруғлари тупроқ ҳарорати неча даражада бўлганда униб чиқали?
5. Нав ва дурагай ўртасидаги фарқлар нимадан иборат?

ЖЎХОРИ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Жўхори хилма-хил мақсадларда фойдаланиладиган дон экинлари қаторига киради. Унинг дони чорва моллари учун тўйимли озука ва омиҳта ем, крахмал-патока ҳамда спирт ишлаб чиқариш саноатлари учун қимматли хом ашё ҳисобланади. Унидан ёрма ҳам олинади. Африка, Ҳиндистон ва Шарқий Осиё мамлакатларида жўхори асосий экин сифатида экилади. Марказий Осиё республикаларида жўхори озиқ-овқат мақсадларида ишлатилади. Жўхори озиқ-овқат экини сифатида дунёда буғдой ва шолидан кейин учинчи ўринда туради.

Жўхорининг кўк пояси молларга берилади ёки силос бостирилади. Унинг силоси таркиби жиҳатидан ма-каждўхори силосига яқин туради. Жўхори пояси дағаллашгунча ўрилса, яхши пичан бўлади. Жўхори яна қайта қўкаради. Жўхори 100 кг дони 119, кўк массаси 23,5, силоси 22,0, пичани 49,2 озиқ бирлигига teng. Дони таркибида 15 фоиз протеин бўлиб, лизинга бой. Ширин жўхори навлари поясида 10—15 фоиз шакар бўлиб, шарбат тайёрлаш учун ишлатилади. Жўхори рўвагидан супурги ва чўтка тайёрланади. Жўхорини қор тўсишчи ҳамда гармсeldан ҳимояловчи ихота экин сифатида экиш мумкин.

Ҳосилдорлиги ва экиладиган туманлари. Маълумотларга кўра, жўхорининг дон ҳосилдорлиги гектарига 30—50 центнергача, силосланадиган кўк поя ҳосили 400 дан 650 центнергача етади. Илғор хўжаликлар гектаридан 800—1000 центнергача кўк поя ўриб олиши мумкин.

Ер куррасида жўхори асосан қурғоқ жойларда экилиб, деҳқончилик қилиб келинади. Жами экин майдони 44 миллион гектар, ўртacha ҳосилдорлиги 1,39 т бўлиб, шундан асосий қисми Африкада, 21,5 миллиони Ҳиндистонда, 12,8 миллиони АҚШда, 3,63 миллиони Марказий Осиё мамлакатларида. Жўхори жуда қадимдан экилиб келинган ва қурғоқчиликка чидамли бўлгани учун озиқ-овқат тайёрлашда ишлатилган. Аммо жўхори майдонлари 50-йилларда қисқариб кетди.

Ботаник таърифи. Жўхори авлоди *Sorghum Moench* (pers)нинг 4 та маданий тури: ем-хашак, техникавий озиқ-овқат мақсадларида экиладиган жўхори-S *Vulgar* Кўқонжўхори-S сегити *Host*, Гаолян (япон жўхориси) -S *chinenzi*, ем-хашак экини сифатида экиладиган суванўти-S *Sudanense* тарқалган.

Илдизи попук илдиз бўлиб, тупроқقا 2 м чуқур кириб ва атрофга 90 см. гача тарқалиб ўсади. Поясининг бўйи 2,5—3,5 м, тропик мамлакатларда 6—7 м. гача етади. Барглари энли, туксимон губор билан қопланган, ҳар туп ўсимликда 10—25 та ва ундан кўп бўлади. Тўп гули рўвак, рўвагининг ҳар бир шохчаси учida 2 тадан бошоқча жойлашган. Жўхори асосан четдан чангланади. Дони пўстли ва пўстсиз, юмалоқ, тухумсимон, оқ-жигарранг, сариқ-қўнгир тусида бўлади, 1000 донасининг вазни 25—40 г келади. Ҳар бир

рўвагида 1600 дан 3500 тагача дон бўлади. Эндосперма кўнғир ёки қизғиши бўлган дони таркибида танин гурӯҳига кирадиган ишловчи моддалар бор. Бу моддаларнинг бўлиши унинг озуқалик жиҳатидан камчилиги бўлса, лекин спирт ва малтоза ишлаб чиқариш саноатлари учун муҳим роль йўнайди. Жўхори рўваги шаклига кўра 3 та турга бўлинади: ёйилиб ўсуви (супурги), рўваги узун, шохи сийрак бўлади. Рўваги тифиз (рўваксимон), қисқа поясининг униб чиқади, эгилган, фуж (экилган). Асосан фуж рўвакли жўхори кўп экиласди. Навлари: чиллаки, 3 ойлик оқ жўхори.

Биологик хусусиятлари, иссиққа талаби. Жўхори энг кургоқчил ўсимлик ҳисобланади, унинг транспирация коэффициенти 200 га яқин, у иссиққа энг чидамли дон экинларидан биридир. Жўхори уруғлари тупроқ ҳарорати 12°C — 14°C да яхши униб чиқади, 16°C — 18°C ҳароратда уруғлар тез униб чиқади. Ёш ва етилган ўсимликлари мутлақо совукқа чидамсиз. Ҳаво ҳарорати 35°C — 40°C да ҳам ўса олади. Уруғи экилгандан то пишиб етгунча 2250°C — 2500°C фойдали ҳарорат йигиндиши зарур. Ёргулликка талабчан, қисқа кун ўсимлиги. Булут кам бўлган қуёшли туманларда юқори ҳосил беради.

Намга талаби. Жўхорининг транспирация коэффициенти бошқа дон экинларига қараганда паст, илдизлари тупроққа чуқур кирганлигидан тупроқда бор намликтан фойдаланади, намга талабчан эмас.

Тупроққа талаби. Ҳосилдор, унумдорлиги юқори бўз, ўтлоқ бўз, қора, каштан тупроқларда яхши ўсиб юқори ҳосил беради. Жўхори тупроққа унчалик талабчан эмас, шўр ерларда ҳам яхши ўсади. Лекин сув ва ҳавони яхши ўтказадиган тупроқлар унинг учун жуда мос келади. Баҳорги кечки экинлар сингари жўхори ҳам дастлабки пайтда секин ўсади ва далани ўт босишига чидамсиз бўлади. Жўхори экилганидан 10—15 кун ўтгандан кейин майсалайди, 25—30 кундан кейин тупланиш фазасига киради. Майсалагандан 40—50 кундан кейин най ўрайди, 55—65 кундан кейин рўвак чиқаради. Рўвак чиқаргандан кейин 5—6 кун ўтгач гуллайди. Навларнинг тез пишарлигига қараб ўсиш даври 90—145 кун давом этади.



6-расм:

А-жўхори ўсимлиги;
Б-униб чиқиши;
В-гули;
Г-уруғи.



7-расм.

Жўхори рўваклари:
А-тарқоқ рўвак;
Б-сиқиқ рўвак.

Жўхори навлари

7201311 «ҚАНТЛИ ЖЎХОРИ» — Ўзбекистон дончилик илмий-текшириш институти («Дон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси)нинг селекцион нави.

«Оранжевое — 160» навини 698 дуррагайи билан чатиштириб, яккараб ва кўплаб танлаш йўли билан яратилган. Муаллифлари: П. П. Олейник, Н. К. Камолова. 1981 йилдан Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд вилоятларининг лалмикор ерларида силос учун Давлат реестрига киритилган.

Ўсимликнинг бўйи 140—160 см, кучли тупланади, қаттиқ шамолга бардошли. Пояси синишга чидамли,

пояси йўғон, ширали ва ширин. Асосий пояда 15—16 та бўғин, 14—15 та барг пайдо бўлади. Барги хира яшил рангли, туксиз. Ўсиш даврининг ҳамма фазаларида барги ва пояси ширасини ва яшил рангини сақлаб қолади.

Супургиси тик турувчан, овал-цилиндрсимон, ийғиқ, тўқилишга бардошли, узунлиги 22—24 см, яхши чиқиб туради, оёғининг узунлиги 27—28 см, бошоқчаси интичка тухумсимон, қилтиқсиз. Бошоқ қипиқи қора, териси қалин, доннинг 1/3 қисмигача. Дони тухумсимон-узунчоқ, қўнғир, ярим пўстлоқли, янчилиши яхши.

Яшил озуқасининг ўртача ҳосили лалмикорликда 70,0—165,0 центнер, қуруқ маддаси 33,0—55,0 центнер. Эртапишар, вегетация даври 100 кунгacha. Яшил озуқасидаги қуруқ маддасининг оқсил миқдори 10,8—11,4 фоиз, поя шарбатидаги қанд миқдори 18,0—20,0 фоиз. Қурғоқчиликка бардошли, механизм билан ўришга яроқли. Қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротларига чидамли.

6800270 «ЎЗБЕКИСТОН ПАКАНАСИ» — Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институтининг селекцион нави. Маҳаллий кечки паканадан яккалаб ташлаш йўли билан яратилган. Муаллифлари: С. К. Қадамов, И. В. Массино.

1974 йилдан Андижон, Бухоро, Жиззах, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятларининг сугориладиган ерларида дон ва силос учун экила бошланган ва Давлат реестрига киритилган.

9200039 «ШИРИН-91» — Ўзбекистон дончилик илмий-текшириш институти («Дон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси)нинг селекцион нави. «Чилляки улучшенное» x «Оранжевое-160» дурагай комбинациясидан кўп маротаба танлаш йўли билан яратилган. Муаллифлари: П. П. Олейкин, Н. Э. Эргашев.

1998 йилда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича дон ва силос учун Давлат реестрига киритилган. Нав Жанубий Африка жўхори гуруҳига мансуб, тури контрактум, қанд жўхори. Усимлик баланд бўйли, 300 см. гача ўсади. Супургиси тик турувчан, шакли пирамида-симон, қизил-сарғиш. Супурги поясининг узунлиги 32—36 см. Дони чўзинчоқ овалсимон, қўнғир, янчилиши яхши.

Куруқ поясининг ўртача ҳосилдорлиги (1994—1996) синов йилларида Қорақалпоғистон Республикасидаги Чимбой комплекс нав синаш шохобчасида гектарига 268,5 центнерни, дон ҳосили 62,4 центнерни ташкил этган.

Нав кечпишар, өгетация даври силос (яшил озуқа) учун 117—120 кун, тўла пишгунга қадар 138—140 кун ўтади. Навнинг шохланиши ва баргининг кўплиги ҳисобига ҳосилдорлиги юқори, навнинг озуқабоплиги яхши: хом протеин миқдори 6,4 фоиз, поя шарбатидаги ширинлик 18,7—19,0 фоиз.

Курғоқчиликка ва шўрга чидамли. Ҳосили механизм билан ўришга яроқли. Синов йилларида қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротлари билан заарланмади. Поя шарбатидаги ширинликнинг кўплиги, навни шакарли озуқабоп маҳсулотлар олиш учун ишлатиш мумкинлигини кўрсатади.

Етиштириш технологияси

Алмашлаб экишдаги ўрни. Жўхори пахта, кузги фалла, дуккакли дон экинлари, маккажўхори ва бошқа экинлардан бўшаган ерларга экилади. Жўхорининг ўзи баҳорги ва кузги фалла экинлари учун энг яхши ўтмишдош экин бўлади. Жўхори экиладиган ерларни асосий ишлаш — кузда чукур (25—30 см) шудгорлашдан иборат. Ер шундай чукурликда ишланганда жўхори кўк поя ҳосили гектарига 22—25 фоизга ошади. Эрта баҳорда ерлар 5—6 см чукурликда 2 марта культивация ва борона қилинади.

Жўхори органик ва минерал ўғитларга талабчан бўлади. Кузги шудгорлаш олдидан гектарига 8—10 т гўнг, 90—120 кг фосфорли ва 100 кг азотли ўғит солинади. Экиш олдидан уруғ сараланади, дориланади.

Экиш усуслари. Жўхоридан дон олиш мақсадида қаторлаб, 60—70 см кенгликда экилади. Кўк поя ёки пичан учун экилганда қатор орасини 15—30 см қилиб экиш мумкин. Бу ўсимлик ўтоқ қилинади, шунинг учун уни сийракроқ қилиб экиш зарур ва ўрилгандан сўнг қайта ўсиб чиқади.

Экиш меъёри. Кенг қаторлаб экилганда гектарига 12—16 кг, тор қаторлаб экилганда эса 20—25 кг, уруғлар тупроқнинг механик таркиби ва нам миқдорига

қараб 3—5 см чуқурликка ташланади. Енгил қумоқ тупроқларда экиш чуқурлиги 5—6 см бўлади. СПЧ-6 русумли румин сеялкаларида экилади.

Экини парвариш қилиш. Агар ер юзасини қатқалоқ босиб бегона ўтлар ўсиб кетса, экин майсаланганча ёки майсалагандан кейин ўсимлик узунасига ва кўндалангига бороналанади. Кўчатлар қалин ва яхши илдиз отган бўлса, бороналаш яхши натижа беради. Майсалар 3—4 тадан барг чиқарганда қатор ораларига ишлов берилади. Тупроқнинг зичлилига ва бегона ўтларнинг ўсишига қараб қатор оралари 2—3 марта юмшатилади ва озиқлантирилади.

Бегона ўтларга қарши кураш учун тупланиш фазасида жўхорига гербициллар пуркалади. Биринчи культивациядан кейин жўхори минерал ўғитлар ($N=30$, $P_2O_5=45$ кг) билан озиқлантирилади. Бунда гўнг шалтоғи, паррандалар ахлати, кулидан фойдаланиш мумкин.

Ҳосил ўрим-терими. Дон учун экилган жўхорининг дони тўкилмайди, шунга кўра, тўлиқ етилганда барабанлар айланиши камайтирилган ҳолда комбайнда ўрилади. Комбайнлар маҳсус мослаштирилган бўлиши керак. Ширин жўхорининг дони мум пишиқлик даврида пастдан ўрилади. Супурги жўхорининг дони одатда, тўлиқ етилиши бошларида қўлда, кейин комбайнда ўрилади, лекин рўвагининг банди яшил бўлиши керак. Пояси кейин ўроқ машинада ўрилади. Рўвакдаги дони маҳсус асбоб ёрдамида тароқлаб олинади. Силос учун экилганда мум пишиқлик даври бошларида, пастки барглари қуриб тўкилгунча ўриб йигиб олинади. Кўкатини пичан қилиш учун пояси дағаллашгунча, яъни рўвак чиқаргунча 10—12 см баланддан ўрилади. Шундан кейин жўхори қайта кўклайди ва яхши кўкат поя олинади. Жўхорига ўсиш даврида фосфорли ўғит кўп солинса таркибидаги синил кислота миқдори камаяди, азотли ўғит эса аксинча ортирилади. Ўриб кўйилса, 2 соатдан кейин синил кислота парчаланиб кетади. Синил кислота судан ўти пояларида кўп учрайди.

Назорат саволлари:

1. Жўхорининг ватани қаер?
2. Жўхорининг маккажўхоридан фарқи нимада?
3. Жўхори турларини санант.

4. Шўр тупроқларда жўхори ўсадими?
5. Экиш меъёри ва муддатини сўзлаб беринг.

ШОЛИ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Шоли озиқ-овқатга ишлатиладиган қимматли дон экинларидан бири ҳисобланади. У экин майдонининг катталиги жиҳатидан (145 миллион гектардан кўпроқ) иккинчи ўринда, ялпи ҳосили бўйича эса буғдойдан кейинда туради.

Шоли 60 дан ортиқ мамлакатда экилади, ер курраси аҳолисининг ярмидан кўпроғи гуруч истеъмол қилади. Янчилганда 60—65 фоиз гуруч, 10—15 фоиз кепак ва гуруч муртаги, 20—25 фоиз қилтиқ ва бошқалар чиқади. Оқланган шоли хуштаъм, енгил ҳазм бўлади, парҳез овқат ҳисобланади. Қайнатилган гуруч эса шифобахш хусусиятга эга. Шоли крахмали тўқимачилик, атторлик ва тиббиёт саноатида хом ашёдир. Гуруч муртагидан совун ва шам ишлаб чиқариладиган мой олиниади. Шоли похоли сифатли қофоз ва картон, арқон ва қоп-қанор ишлаб чиқариш, шунингдек, уй-рўзгор буюмлари (сават, шляпа ва бошқалар) тўқиши учун ишлатилади. Тўйимлилиги бўйича буғдой сомонидан устун туради. 1 кг похоли 0,24 озиқ бирлигига тенг бўлиб, таркибида 22 г протеин бор.

Шоли дон экинлари ичидаги энг серҳосил ҳисобланади. Ер юзида ўртача ҳосилдорлиги гектарига 38,4 центнерга, мамлакатимизда эса 33,6 центнерга тенг. Энг юқори ҳосил ер юзида АҚШда бўлиб, ўртача ҳосилдорлик 55 центнерни ташкил қиласи. Ўзбекистонда шоли асосан Хоразм ва Қорақалпоғистонда экилиб келинади, унинг майдони 170 минг гектар ерни эгаллайди. Дунёning барча ривожланган мамлакатларида шоли экилади. Ўртача бир гектардан АҚШ да 55 ц/га, Осиёда 29 ц/га Европада 47,6 ц/га шоли дони етиширилади. Шолийнинг ватани Жануби-Шарқий Осиёning тропик ва субтропик миintaқаси ҳисобланади. Осиё мамлакатларида жуда қадимдан, яъни 5—6 минг йиллар бурун экила бошланган.

Ботаник таърифи. Шолининг *Oryza sativa* L. деб аталадиган маданий нави 2 та кенжа турга бўлинади: оддий шоли *Oryza sativa indica* ва калта донли шоли *Oryza sativa sino taponica*. Биринчи донининг бўйи 5—7 мм,

иккинчисиники 4 мм. гача бўлади. Мамлакатимизда, асосан, оддий шоли экилади. У икки тармоқча бўлинади: дони узун ва ингичка (бўйининг энига нисбати 3:3, 5:1 бўлган). Ҳинд шолиси (*indica*) ва дони қисқа, йўғон (бўйининг энига нисбати 1,4—9,1 бўлган) бўлиб, Хитой-Япония шолиси (*Japonica*) бизда кўп тарқалган.

Илдизи. Илдизи попук илдиз бўлиб, тупроқнинг 60 см. ли юза қатламида таралиб ўсади, ҳаво ўтказувчи тўқима (аэренихима) яхши ривожланган. Бу хилдаги тўқима барглари ва пояларида ҳам бўлади. Шунга кўра шолида кислород керакли миқдорда сақланади. Илдизида бостириб сугорилганлиги учун илдиз тукчалари бирмунча кам бўлади.

Поясининг бўйи 80—120 см, жуда сертуп бўлади. Юқори қисмидан ўрта ҳисобида 3—5 тагача унумдор пая чиқаради. Юқори қисмидан анча узун, бўғим оралиқларнинг ичи бўш, пастлариники тўла бўлади. Барглари узун наштасимон, томирлари қиррали, чети ўткир арра тишли бўлади.

Тўпгули, кўп шохчали, рўваги 10—30 см узунликда. 80—200 тагача бошоқча бўлади. Бошоқчалари бир гулли. Гулнинг олти чангловчиси ва битта узунчоқ тутунчаси бўлади. Шоли ўзидан чантланадиган ўсимлик. Дони пўстли, янчилганда гул ва бошоқ қобиқлари билан бирга бутун бошоқчалари ажралади. 1000 донасининг вазни 27 дан 40 г. гача, муртаги 2—5 фоиз, қобиқлари 17—22 фоизга етади.

Биологик ҳусусиятлари, иссиқча талаби. Шоли иссиқча талабчан бўлиб, уруғлари 11°C — 12°C да уна бошлайди, аммо униб чиқиш чўзилиб кетади. 14°C — 15°C майсалар тез ҳосил бўлади. Туплаш фазасида ҳарорат 15°C — 18°C да юқори бўлиши керак. Гуллашда 20°C — 22°C , дастлабки пишиш даврида ҳарорат 23°C — 25°C дан юқори бўлиши лозим.

Ривожланиш учун энг юқори ҳарорат 40°C — 42°C , мақбули 30°C — 32°C ҳисобланади. Шоли совуқча чидамсиз ўсимлик. Фойдали ҳарорат йигиндиси эртапишар навларга 2200°C , ўргапишар навларга 2700°C , кечпишар навлар учун эса 3200°C , ўсиш даври 90—140 кун ҳисобланади.

Ёруғликка талаби. Шоли ёруғга талабчан қисқа кунлик ўсимлик. Эртапишар навлари кун узунилигига қараб ўзгармайди, айниқса, бошоқ тортгандан сўнг ҳавода

булутлар кўп бўлса, ҳосилдорлиги камайиб кетади. Дони кичик бўлиб етишади.

Намга талаби. Сувга бўлган талабига кўра шоли гигрофит ўсимлик ҳисобланади. Шоли ўсимлиги ўсиш даврида 10—15 см қалинликда сув билан бостириб қўйилади. Транспирация коэффициенти юқори ўсимликлардан бири бўлиб, 500—800 транспирация коэффициентига эга, айниқса, рўваклаш фазасида сувга талаби катта бўлади. Илдизларида ҳаво йўллари ёки аэренихима тўқимаси бор. Илдиз ва баргининг сўриш кучи паст, тукчалари йўқ, навларига қараб, иккига: узоқ муддат сув босиб туришни талаб қиласидиган ва вақт-вақти билан сув бостиришни талаб қиласидиган навларга бўлиниди. Ёғин-сочин кўп (200 мм. гача) бўласидиган мамлакатларда (Индонезия, Вьетнамда) шоли баъзан суфорилмасдан ҳам етиштирилади. Ҳаво намлиги 70—80 фоиз бўлиши шоли учун мақбул ҳисобланади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда олимлар томонидан (Е. П. Горелов ва Р. Худойназарова) сувга кам талабчан навлари ўрганилди. Тажрибалар натижасидан шу нарса маълум бўладики, шоли навларини сув билан бостириб суформасдан маккажӯхорини сугоргандек тез-тез сугориб ҳам ҳосил олиш мумкин. Бу борада бизнинг Жомбой туманида олиб борган тажрибаларимиз ҳам сув билан бостирмай туриб, ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатди.

Шоли бостириб сугорилганда бир гектарга 35—40 минг m^3 сув сарфланади, сув билан бостирмай, оддий усулда сугориб ўстирилганда сув сарфи гектарига 12—13 минг m^3 ни ташкил қиласиди. Ўзбекистондек сув танқис мамлакатда шолининг сувга кам талабчан навларни экиб ўстириб, уларнинг селекцияси ва технологияси устида илмий ишлар олиб бориш керак.

Дунёning кўпгина мамлакатларида, хусусан, Хитой, Бирма, Японияда ана шундай шоли навлари экилади.

Тупроқча талаби. Шолининг ўсиши учун дарё водийлардаги оқизиқлар, сувнинг яхши тутиб қоласидиган ва таркибида органик моддалар кўп бўлган ботқоқланган, оғир, соз тупроқли ерлар энг қулай ҳисобланади. Жуда ботқоқлашган, шунингдек, енгил қум тупроқли ерлар шоли экиш учун ярамайди. Шоли тузлар концентрацияси 0,5 фоизгача бўлган ўргача шўрланган туп-

роқлик ерларда яхши ўсади. Шоли учун тупроқнинг мақбул таъсири pH-5—6,6 бўлиш керак, лекин у кислотали таъсирга ҳам чидайди. Оғир, соз тупроқларда одатда кислород кам бўлади, шунга қарамай шоли илдизлари яхши ривожланади. Бунга сабаб илдизларида ҳаво аэренихимаси борлигидир.

Шолида еттита ривожланиш фазаси бўлади: уна бошлаш, униб чиқиш, туплаш, найга тортиш, рўвак тортиш, гуллаш, пишиш. Уна бошлаш даври 10—12 кунга чўзилади. Униб чиқиш фазаси 3—4 барг ҳосил бўлгунча, 120—200 кунга чўзилади. Туплаш фазаси 3—4 баргидан 8—9 барг ҳосил бўлгунча, 25—30 кун давом этади. Найга тортиш фазасида бўғим оралиқлари чўзилади, ҳамма органлар тез ўса бошлайди. Рўвак чиқиш фазасида юқориги барглар ҳосил бўлади. Гуллаш фазаси рўвак тортиш билан бир вақтда бошланиб, 5—7 кун давом этади. Пишиш фазаси ўз навбатида сут пишиш, мум ва тўлиқ пишишга бўлинади ҳамда 30—40 кун давом этади.

ШОЛИ НАВЛАРИ

7901860 «АВАНГАРД» — Ўзбекистон шоличилик илмий-текшириш институтининг селекцион нави. «ВИР 4679 (Лабораториз)» х «Узбекский-5» навларини чатиштириш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: П. А. Пулина, С. Рихсиева, А. Очилдиев. 1982 йилдан Андижон, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилган.

Субвулгарис турига мансуб. Рўваги ўртача тупланган, ярим қилтиқли. Қилтиғи кучсиз эгилган, оч-сарик, дони тухумсимон, тиник. Пўстлоқлилиги 17,0—18,0 фоиз. 1000 та донининг вазни 31,5—33,5 г. Ўртача дон ҳосилдорлиги гектарига (1992—1996) синов йилларида Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ нав синаш шоҳобчасида 42,0 центнер, Хоразм вилояти Гурлан нав синаш шоҳобчасида 82,4 центнерга тенг бўлган.

Ўртапишар. Вегетация даври 86—110 кун. Нав паст бўйли бўлганлиги учун ётиб қолмайди. Технологик ва ёрма сифати юқори: тиниклиги 92—93 фоиз, гуруч чиқиши 69,0—70,0 фоиз, бутун гуруч миқдори 65,0—76,4

фоиз. Гуручнинг ранги оқ, айрим ҳолларда очсариқ. Озиқ-овқат сифатида ишлатилиши яхши. Табиий шароитда пирикуляриоз билан заарланмайди. Кучли шоли навлари гуруҳига мансуб.

3803714 «АЛАНГА» — Ўзбекистон шоличилик илмий-текшириш институтида яратилган. Келиб чиқиши бўйича дурагай нав.

Муаллифлари: П. А. Пулина, С. Рихсиева, 1993 йилдан Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Субвулгарис турига мансуб. Рўваги қилтиқли, кучли эгилган, тарқоқ. Қилтиғи кучсиз тўлқинли, пастдан юқорига қараб чўзилади. Қилтиқли дони 85,0—90,0 фоиз, дони ярим юмалоқ, ўртача катталикда, тиник, оқ. 1000 та донининг вазни 29,0—31,0 г. 1992—1996 синов йилларида ўртача ҳосилдорлик гектарига Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ нав синаш шохобчасида 65,0 центнер, Хоразм вилояти Гурлан нав синаш шохобчасида 79,1 центнерни ташкил этган.

Нав ўртапишар, вегетация даври 100—118 кун. Навнинг технологик ва ёрма сифати яхши: тиниқлиги 71,0—79,0 фоиз, гуруч чиқиши 67,0—68,0 фоиз, бутун гуруч миқдори 81,0 фоизгача. Озиқ-овқат сифатида ишлатилиши, яхши, нав ётиб қолиш ва тўкилишга бардошли. Синов йилларида пирикуляриоз билан заарланмади.

3800105 «АРПА-ШОЛИ МЕСТНЫЙ» — Ўзбекистон Республикаси маҳаллий селекцион нави. 1993 йилдан Андижон, Наманган, Самарқанд, Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Ўртача дон ҳосилдорлиги гектарига 70,0—76,0 центнерга тенг. Дони йирик. 1000 та донининг вазни 32,8 г. Нав тезпишар, вегетация даври 79—85 кун. Нав тўкилишга бардошли, лекин ётиб қолади.

Ўсимликнинг бўйи 85—102 см. Технологик ва ёрма сифати ўртача. Прикуляриоз билан заарланмади.

9100806 «ГУЛЗОР» — Қорақалпоғистон «Шоли» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбекистон шоличилик илмий-текшириш институтининг селекцион нави.

«УзНИИР 1775-76» x «ВНИИР 3942» намуналарини чатиштириш ва учинчи (F3) авлодида танлаш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: Т. Бобониёзов, У. Абдуллаев, П. Пулина, С. Рихсиева, Т. Асилов. Донининг вазни 29,7—30,1 г. Ўртacha дон ҳосилдорлиги (1996—2000) синов йилларида Хоразм вилояти Гурлан нав синаш шохобчасида 81,3 центнерни ташкил этди.

Кечпишар, вегетация даври 90—110 кун. Ўсимликнинг бўйи 112 см. гача, нав асосан униб чиқиш даврида сувга талабчан. Технологик ва ёрма сифати юқори: тиниқлиги 91,0—92,0 фоиз, ёрма чиқиши 69,2 фоиз, бутун гуруч миқдори 69,0—74,0 фоиз. Таъм сифати яхши, синов йилларида пирикуляриоз билан заарланмади.

8101388 «ЛАЗЕРНЫЙ» — Ўзбекистон шоличилик илмий-текшириш институтининг селекцион нави. Чатиштириш ва кейинчалик кўп маротаба танлаш йўли билан яратилган. Чатиштириш ишлари Кубада олиб борилган. Чатиштиришда (гилянка-келиб чиқиши но маълум) намуна «ВИР 4977» x «УзРОС 59» дурагай формалар иштирок этган. Муаллифлари: Т. Исҳоқов, П. А. Пулина. 1986 йилдан Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Биринчи ўзбек узун донли нави. Индика кенжা тури, тури-хили гилянка. Рӯваги тарқоқ, кучли эгилган. Дони тиник, узун. Ўртacha дон ҳосилдорлиги гектарига (1996—2000) синов йилларида шоличилик нав синаш шохобчаларидан 50,0—65,5 центнерга teng.

Кечпишар, вегетация даври 98—120 кун. Навнинг технологик ёрма ва таъм сифати яхши: тиниқлиги 98,0—99,0 фоиз, бутун гуруч миқдори 85 фоизгача. Навнинг «палов» сифати аъло. Дон сифати бўйича қимматли навлар қаторига киради. Синов йилларида пирикуляриоз билан заарланмади.

8305510 «НУКУС-2» — Ўзбекистон шоличилик илмий-текшириш институтининг селекцион нави. «ВИР 499969» Италиядан келтирилган «Корбетта» ва «Карлик Шиловский» билан чатиштириш орқали яратилган. Муаллифлари: П. А. Пулина, Т. Бобониёзов, С. Рихсиева.

1986 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилган. Дихроа турига мансуб. Супургиси кам эгилган, қилтиқли. Қилтиғи эгри-буғри, сомонсимон-сарик. Гул қипиғи икки рангли: қовурғаси сомонсимон-сарик, қирраси қўнғир.

Дони тиник, думалоқ, тухумсимон. 1000 та донининг вазни 28,2—28,8 г., ўртача дон ҳосилдорлиги (1996—2000) синов йилларида шоличилик нав синаш шохобчаларида 73,3—46,1 центнерга тенг. Ўртапишар, вегетация даври 81—95 кун. Нав калта пояли (70—77 см), жадал ўсади. Униб чиқишида суғориши катта аҳамият бериш керак. Ётиб қолиш ва тўкилиши бардошли. Технологик, ёрма ва пиширишлик сифати яхши: тиниқлиги 91,0 фоиз, бутун.

Етиштириш технологияси

Шолини суғориши. Мамлакатимизда шоли сув бостириб етиштирилади. Шунинг учун бир текис сув бостириш ва сув оқиши учун суғориладиган картага поллар яхшилаб текисланган муҳандислик турдаги замонавий суғориши тизими рельефи ва нишаблиги кўп билан 0,0003—0,005°C бўлган масивларда қурилади. Бунда кўндаланг ўқ ариқли майдонлар суғориладиган ва ташлама каналлар ёрдамида қуритиладиган карталарга бўлинади. Эни 200—300 м, бўйи 600—1500 м бўлган суғориши карталари баландлиги 35 см ва эни 20 см бўлган, юзаси текисланган (горизонтал 5 см фарқ қиласидиган) тўғри конфигурацияли, катталиги 3—5 га ажратилади.

Кейинги йилларда поллар майдони 10—20 га, суғориши кўлами кенг бўлган шоли карталарига ажратиш русум бўлди. Бу ҳол техникадан анча самарали фойдаланишига, айни бир каналдан суғориши ва ортиқча сувни ташлаб юборишини тез амалга оширишига имкон беради.

Шолининг алмашлаб экишдағи ўрни. Бу экин кўп ўсимликларга қараганда ўзига хос агро-



8-расм:
А — шоли ўсимлиги.
Б — униб чиқиши.

техникага эга. Сувга бостириб сүфорилиши, алмашлаб экишга муҳтож эмаслиги, ер танламаслиги каби хусусиятлари бор. Аммо шоли ўстирилган майдонларда, шоли такрорий экилса ер тез ботқоқлашади. Ёки шўрланади, аэроб микробларининг чала оксидланган бирикмалари тўпланади. Буларнинг ҳаммаси ерда бегона ўтлар кўпайиб, органик моддалар ва ҳосилнинг кескин камайиб кетишига сабаб бўлади. Шоли бир жойга 3—4 йил узлуксиз экилиши мумкин. Кейин бу ерда экин турини алмаштириш лозим. Ўзбекистон шоличилик илмий-тадқиқот институти маълумотига кўра, шоли бир майдонга сурункасига экилганда гектарига 25 центнердан, алмашлаб экилганда 55—60 центнердан ҳосил олинган. Бинобарин, шолини ҳар 2—3 йилда ерини органик моддаларга бойитадиган ва бегона ўтларни ўстирмай қўядиган экинлар билан алмашлаб экиш керак. Беда, дуккакли дон экинлари (соя, кўк нўхат, мош, вика ва бошқалар), шунингдек, экинлардан маккажўхори, соя, жўхори, картошка ва бошқалар шоли билан алмашлаб экиладиган энг яхши экинлардандир. Дуккакли дон экинларидан ва кўп йиллик ўтлардан кейин шолини 2—3 йил узлуксиз экиш мумкин.

Ўзбекистонда шоли учун алоҳида алмашлаб экиш тизими қабул қилинган, бу тизим Тошкент, Хоразм, Қорақалпоғистонда қўлланилади. Сув мўл жойларда Амударё, Сирдарё бўйларида барча жойларда шоли экилиб келинади.

Шоличилик илмий-тадқиқот институти маълумотларига кўра, алмашлаб экилган далаларда ҳосилдорлик икки баробар юқори бўлиб, узлуксиз экилган далаларда 22—25 центнер ҳосил олинган бўлса, алмашлаб экилган далаларда 55—60 центнердан ҳосил олинган.

Республикада 4 далали шоли алмашлаб экиш тизими мавжуд. Бу тизимда банд шудгор билан шоли иштирок этади, шолининг улуши 75 фоиз 6 далали 1, 2, 3, 4 дала шоли, 5—6 дала дуккакли ўтлар. Бунда шоли 66,6 фоиз майдонни эгаллайди.

9 далали — 1, 2, 3 дала тола, 4 дала банд шудгор, 5, 6, 7 дала шоли ва 8, 9 дала ўтлар, 10 далали — 1, 2, 3, 4 дала шоли, 5 дала банд шудгор, 6, 7, 8 дала шоли, 9, 10 дала ўтлар умумий майдоннинг 70 фоиз шоли бўлади.

7 далали (уругчилик хўжаликларида) 1,2 — дала ўтлар; 3,4 дала шоли, 5 дала банд шудгор, 6,7 дала шоли, бу ерда шоли 57 фоизни ташкил қиласди.

Ерни ишлаш. Шолипояларга доимий сув бостириб қўйилиши натижасида ер ости сувларининг юза бўлиши туфайли тупроқда кўп микдорда оксидли бирикмалар тўпланади. Бу эса ҳайдалма қават ости тупроғининг физикавий хоссаларини ёмонлашувига ва ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади. Шунга кўра, щоликор хўжаликларда шолипояларни вақт-вақти билан қуритиш ва шамоллатиб туришга алоҳида аҳамият берилади. Бу ернинг унумдорлигини оширади, тупроқнинг физикавий хоссаларини яхшилайди ва мўл ҳосил етиштириш учун қулай шароит яратади. Ушбу тадбирлар алмашлаб экишда шолини қуруқда ўсадиган экинлар билан навбатлаб экишдан ташқари, ерни тўғри ишлаш тизимини қўллашдан аҳамиятлидир. Ерни бундай ишлаш тизимини фақат тупроқнинг сув-ҳаво ва бошқа хоссаларини яхшилаб қолмай, балки шолининг асосий кушандаси бўлган бегона ўтларни йўқотишга ҳам имкон беради. Шолипояларни текислаш тадбирлари ҳам ерни ишлаш тизимиға киради.

Илгаридан экин экиб келинган ва янгидан ўзлаштирилган шолипояларда ерни ҳайдалма қават чукурлигига кузги шудгорлашдан иборат. Кузги шудгорлаш натижасида тупроқда органик моддаларнинг парчаланиши кучаяди ва улар ўсимликлар осон ўзлаштирадиган ҳолга келади.

Шоли асосан оғир тупроқли ерларга экилади. Сув бостирилган ерда парчалана олмайдиган ва кислород бўлмаса, озиқ элементларини акратада олмайдиган, эримайдиган бирикмалар тўпланади. Ерни яхши ишлаш ҳам тупроқ аэрациясига ва оксидланишига ёрдам беради. Ана шунинг учун ҳам шоли далаларининг бегона ўтлардан тоза бўлишига ва ер чуқур ҳамда пухта ишлов берилишига талабчан бўлади. Ўзбекистон шоличилик илмий-тадқиқот институти олимлари маълумотига кўра ернинг бегона ўтлар кўп ўсан юқори қатламини иложи борича плут билан 30—32 см чуқурликда кузда шудгорлаш анча афзалликка эга. Кузда ҳайдаб қўйилган ер яхши шамоллаши ва қуриши учун марза олинган ҳолда қолдирилса, баҳорда ишнинг бориши тезлашади. Чуқур шудгорда бегона ўтлар қишки совуқлардан ҳалок

бўлади. Баҳорда шоли экиш олдидан ер чизелланади, культивация ва борона қилинади. Баҳорда 12—16 см чукурликда чизелланади.

Ўғитлаш. Шоли ўғитларга жуда таъсирчан бўлади. Шоли 1 т дон ва шунга мувофиқ похол тўплаши учун ердан 19,3 кг азот, 2,6 кг фосфор ва 25 кг. га яқин калий ўзлаштиради. Аммо бу даврда унга озиқ элементлари, айниқса, фосфор ва азот етишмаса ўсишдан орқада қолади. Органик ўғитлар ҳам ҳосилни оширишга катта ёрдам қилади. Гумус тупроқда эрувчан озиқ моддаларни ювилиб кетишдан сақлайди, 20—25 т гўнг солиш керак. Озиқ моддаларнинг асосий қисмини 70 фоиздан кўпроқ азотни, 90 фоиз фосфор ва 80 фоиз калийни бошоқлашдан гуллашгача бўлган даврда ўзлаштиради. Шоли ўсиб турганда минерал ўғитлар самолётлар билан сепилганда, ижобий натижада беради. Бир тонна шоли дони учун 20—24 кг азот, 8—13 кг фосфор, 25—32 кг калий сарф бўлади.

Қорақалпоғистон Республикасидаги ўртacha шўрланган ўѓлоқ-тақир қурук ерларни биринчи ва иккинчи йили ўзлаштиришда ориқ тупроқли ерларда ҳар гектарга 180 кг азот, 60—90 кг фосфор ва 60 кг калий, унумдорлиги бироз юқори бўлган ерларга эса 120—150 кг азот, 60 кг фосфор ва 60 кг калий солинади. Янгидан ўзлаштирилган шўр ерларда (Мирзачўл, Марказий Фарғона ва бошқа ҳудудларда) фосфорли ўғит солиш меъёри шўрланмаган ерлардагига қараганда икки баравар оширилади. Курукда ўсадиган экинлар ўрнига экиладиган шоли ўғитланиши керак. Ўтмишдош экинлар ҳосили кам бўлган вақтда унинг ўрнига экилган шолининг ҳар гектарига 90—100 кг. дан азот ва фосфор солиш керак. Иккинчи ва учинчи йили шоли экилганда эса азот ва фосфор меъёри оширилгани ҳолда яна гектар бошига 90—120 кг. дан калийли ўғит ҳам солинади.

Агар шолидан олдинги экиндан юқори ҳосил олинган бўлса, шолига бериладиган азотли ва фосфорли ўғитлар меъёри камайтирилади. Шоли дуккакли ўтлар ва дуккакли дон экинлари ўрнига экилганда эса азот меъёри ярмигача камайтирилади.

Минерал ўғитларни ерга бўлиб-бўлиб солиш керак. Фосфорли ўғитнинг ҳаммаси, азотли ўғитнинг 30—40 фоизи ва калийнинг 50 фоизи ерни экин экиш олди-

дан ишлаш вақтида солинади. Ўсимликлар 3—4 та барг чиқарганда, яни биринчи озиқлантиришда азотнинг 30—35 фоизи, тупланиш даврида, яни иккинчи озиқлантиришда қолган 30—35 фоизи ва калийнинг қолган қисми солинади. Калий кичик мөъерда (гектарига 30—60 кг) солинадиган бўлса, унинг қолган қисми иккинчи озиқлантиришда солинади. Ерга экин экиш олдидан солинадиган ўғитларни культиватор билан 10—12 см чуқурликка кўмилади. Асосий ўғитлар — органик ва қисман фосфорли ҳамда калийли ўғитларни кузги шудгорлаш олдидан, азотли ўғитларни эса экиш олдидан ва культивациялаш вақтида солиш лозим. Шоли уругини чукур экиш билан бир вақтда қаторларга аммиакли селитра (гектарига 0,5—1, ц) ва фосфорли ўғитлар (гектарига 1—1,5 ц) солинади.

Экиш. Шоли уруғларини экишдан олдин бир қатор агротехник тадбирлар ўтказилади. Майсалар чиқишини тезлаштириш учун шоли уруғи экиш олдидан ивитида ёки ундирилади. Бунда уруғ сувда (18°C — 20°Сда) 2—3 кун сақланади, кейин сочиладиган бўлгунча қуритилади. Уруғни ундириш учун 24°C — 26°C ҳароратли сувда 24 соат сақлаб, кейин ниш ургунча 24—28 соат давомида сақланади. Сўнгра сочиладиган бўлгунча қуритиш учун салқин соя жойга юпқа қилиб ёйиб қўйилади, чунки очиқ жойда қуёш нурлари ниш оттан уруғни нобуд қиласди. Уруғни ундиришга формалин эритмаси билан ярим қуруқ дорилаш (1 тонна уруқقا 30 л 0,5 фоизли эритма ҳисобидан) усули қўлланилади.

Иккинчи тадбир қуйидагича: уруғнинг сифатини яхшилаш ва биологик жиҳатдан тўла қимматли ҳамда вазнили шоли фракциясини ажратиб олиш учун шоли уруғи аммоний сульфатнинг тўйинган эритмасига солиниб, солиштирма оғирлиги бўйича сараланади. Нимжон дон ва бегона ўтлар уруғи эритма юзига чиқади, шолининг бўлиқ дони эса (солиштирма оғирлиги 1,16 ва ундан ортиқ) чўкади.

Шоли энг кеч экиладиган экинлардан бири ҳисобланади ва тупроқ ҳарорати 14° — 15°C гача бўлганда экишга киришилади. Экишдан олдин уруғлар дориланади. Бу пайт бизда апрелнинг охири, май ойининг бошларига тўгри келади. Шоли уруғлари 0,5—1 см чуқурликка ташланади ва дарҳол 6—8 см қалинликда сув билан бостирилади. Майсалар униб чиққандан сўнг гербицид

билин ишланади. Томорқа хўжаликлари ва деҳқон-фермер хўжаликларида шоли сув бостирилган полларга сочиб экиласди.

Экиш меъёри. Гектарига 5—6 миллион дона уруғ ташланади, яъни 180—220 кг. Кейинги пайтларда республикада шолининг кўчатлар орқали экилиши жорий этилмоқда. Бу усулни кузги буғдойдан кейин анфизга экиш пайтида қўллаш яхши самара беради.

Кўчат усулида етиштириш кўпчилик Осиё мамлакатларида қўлланилади ёки дунёда экиладиган шолининг 80—85 фоизи шу усулда экиласди. Ўзбекистонда ҳам кузги арпа ва эртапишар буғдойлардан сўнг шолини кўчат усулида ўстириб ҳосил олиш тажрибада исботланди. Бунинг учун аввал, уруғлар махсус кўчатхоналарда ўстирилади. Кўчатхоналарга 20—25 майларда шоли уруғлари экиласди ва 25—30 июнгача парвариш қилинади. Кўчатхоналарда кўчат шолилар туплаш фазасида далага ўтказилади. Бунинг учун бир гектарга 20—22 миллион дона ёки 650—750 кг шоли уруги сепилади. Кўчатхонада тупроқ озиқа билан тўлиқ таъминланган бўлиши ва шоли экилгандан сўнг ҳам суғорилиб, озиқлантирилиб турилиши лозим.

Анғиз майдонлар тезлик билан суғорилиб, экишга тайёрланади. Кўчатхонадан олинган шоли майсаларининг барги ва илдизи бироз қирқиб ташланади ва қўлда ёки кўчат экиладиган машина билан экиласди. Кўчатлар далада сувга солиб кўйилади. Майдон 5—7 см сув билан бостирилади. Бир уяга 1—2 дона кўчат экиласди, уя ораси 10—15 см бўлиб, бир гектарга 65—100 минг дона кўчат сарфланади. Экилгандан сўнг дарҳол ўғит берилади, орадан яна 30—35 кун ўтганда иккинчи ўғит берилади. Бу усулда ер тежалади, уруғ ҳосилдорлиги ошади, аммо қўл меҳнати кўпроқ сарфланади.

Шолини суғориш ва парвариш қилиш. Шолини турли суғориш режимида етиштириш мумкин. Одатда, доимий, қисқа муддатли бўлиб, вақт-вақти билан сув бостириб суғориш усули бор.

Доимий сув бостириш. Бунда сув қатлами шолининг бутун ўсиш даври мобайнида ҳосил қилинади ва сақланади. Майсалар тўлиқ чиққунча полларга 8—10 см қалинликла сув қўйилмайди, шоли тўлиқ ўсганда сув қалинлиги аста-секин 12—15 см. гача ошириб бо-

рилади ва шоли етилгунча шу ҳолда сақланади, шундан кейин пишиш олдидан чиқариб юборилади.

Курмакка қарши курашиш учун поллардаги сув қалинлиги 7—8 кунгача 12—15 см баландликка оширилади, кейин аста-секин камайтирилади. Натижада кислородсиз қолган күрмак ўсимлиги нобуд бўлади. Агарда сув қалинлиги жуда кўп сақланса, шоли тули сийраклашиб қолади. Шоли уруғи муттасил сув бостириб кўйишга чидамайди. Чунки майсалаш фазасида узоқ сув бостирилса, барглари ингичкалашиб кетади, тупланиш фазасида эса кўшимча илдизлар ҳосил қиласди, шунинг учун бир қатор тадқиқотчилар қисқа муддатли сув бостиришни таклиф этади.

Шолини парвариш қилишдаги энг муҳим тадбирлардан бири бегона ўтларга қарши курашишдан иборат. Бунда самарали ва жуда маъқул тушадиган усул гербицидлардан фойдаланишдир. Улар бўлмаса, экинни қўлда ўтоқ қилишга тўғри келади.

Шоли экилгандан кейин 20—25 кун ўтгач, яъни ўсимлигининг бўйи 10—15 см. га етганда (туплана бошланганда) биринчи марта қўлда ўтоқ қилинади. Бунда шолидан кескин ажralиб турадиган баланд бўйли бегона ўтлар, асосан, тарик юлиб ташланади. Шундан кейин тез орада (тупланиш даврида) иккинчи марта ўтоқ қилинади ва барча бегона ўтлар юлиб олинади. Зарур бўлса, ўсимликлар най чиқаришигача учинчи марта ўтоқ қилинади.

Бегона ўтларни кимёвий воситалар ёрдамида йўқотиша уларнинг таркибига қараб турли гербицидлар ишлатилади. Энг хавфли бегона ўтлардан ботқоқ қамиши, ҳилол, якан, кўфа каби илдизпояли кўп йиллик бегона ўтлар 2,4-Д ва 2М-4Х нинг натрийли тузи, 2,4-Д нинг аминли тузи, 2,4-Д нинг бутил ва хлортротил эфири таъсиридан нобуд бўлади. Тарик ва бошоқли бошқа бегона ўтларга бу гербицидлар таъсир этмайди. Бу гербицидлар сувда эритилиб, сўнг шолипояларга пуркалади. Шолининг тупланиш даври гербицидлар билан ишлаш учун энг қулай муддат ҳисобланади, чунки шоли бу даврда турли таъсирларга анча чидамли бўлади. 2,4-Днинг натрийли тузи соғ модда ҳисобида гектарига 1—2 кг. дан сарфланади. Қўл аппаратлари билан пуркашда ишчи суюқлик сарфи гектарига 300—400 л. ни, самолётда пуркашда 100—150 л. ни ташкил қиласди.

Бегона ўтлар унчалик тарқалмаган далалар шоли тупланиши фазаси бошларида 2,4-Д нинг натрийли тузидан гектарига 2 кг сарфлаб, кучли даражада ўт босган далалар эса шу препарат билан 2 марта тупланиш фазаси бошларида гектарига 1 кг ва тўла тупланиши даврида 2 кг сарфлаб дориланди.

Гербицидлар паст бўйли бегона ўтларга яхши таъсир қилиши учун уларни пуркаш вақтида поллардаги сувнинг сатҳи 3—5 см., гача пасайтирилади. Шолини сугориш меъёридан юқори бўлиб, ерни ҳайдалма қаватининг ости сув ўтказмайдиган оғир тупроқларда гектарига 10000-12000 м³ ни, бир оз енгил тупроқли ерларда 18000—20000 м³ ва ундан ҳам кўпроқни ташкил этади.

Қисқа муддатли сув бостириш. Ерда нам етарли бўладиган туманларда шоли 4—5 см чуқурликка экиласди ва ёппасига майсаланиб, гербицидлар билан ишлов берилгандан кейин далага 6—8 см қалинликда сув бостирилади. Ҳамма ўсимликлар ер юзасига чиққанда, сув қатламининг қалинлиги аста-секин 12—15 см. гача оширилади.

Бўлиб-бўлиб сув бостириш. Бундай сув бостиришда уруғнинг униб чиқиши учун яхши шароит яратилади ва сугориладиган сувдан тежамли фойдаланилади. Бунда вақти-вақти билан сув бостирилиб, кейин чиқариб юборилади.

Бўлиб-бўлиб сув бостириш тартиби шолининг биологик хусусиятларига энг кўп мос келади. Вақт-вақти билан намиқтириб туриш майсалар чиққунча тупроқ намлигини 65—70 фоиз, кейинчалик эса дала нам сифимининг 75—80 фоиз миқдорида сақлаб туришдан иборат. Ер турлича: сугорилиб, ёмғирлатиб намиқтирилади. Далага 12 марта гача сув қуйилади, умумий сув сарфи гектарига 8—10 минг м³. гача камайтирилади. Вақт-вақти билан намиқтириш усулидан шолининг сувсиз ёки сувга кам талабчан навларини етиштиришда фойдаланиш мумкин.

Шоли рўвак чиқариши ва гуллаши даврида полларга тўхтовсиз равишда сув қуйиш сатҳи 12—15 см бўлиши керак. Ана шу даврда шоли сугорилмаса ёки узоқ оралатиб сугорилса, тўла чангланмасдан ҳосилсиз, бошоқлари сийрак донли бўлиб қолади.

Сут пишиқлик даврининг охири ва мум пишиқлик

даврининг бошида шолининг сувга бўлган талаби кескин камайди, шунинг учун полларда сув бўлиши шарт эмас. Рўвакларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва уларда ён бошоқчалар ҳосил бўлиши учун шоли 7—9 та барг чиқаргандан кейин поллардаги сувнинг қалинлигини ошириш ёки сув оқиб кириб-чиқиш йўли билан унинг ҳароратини пасайтириш керак. Шолини ўғитлашдан 2—3 кун олдин полларга сув қуйилмайди. Ўғит солингач ва поллардаги сув сингиб кетгандан кейин яна сув бостирилади.

Суфориш муҳандисли тизимда ташкил этилмаган, яъни занжирли усулда (бир полдаги сув иккинчиси, ундан учинчисига оқиб ўтадиган ва ҳоказо) суфоришда шолипояларга сувни доимий равищда оқизиб қўйиш талаб этилади.

Лекин шоли полларда доимо сув оқиб туришини талаб этмайди. Шунга кўра полларга кириб турадиган сув шолининг транспирация жараёнида табиий йўқоладиган ва тупроққа сингиб кетадиган сув микдорига тўғри келиши керак. Бу хилда суфориш муҳандисли тизимида суфориладиган шолипояларга мос келади.

Шоли зараркундалари ва касалликлари. Майса зараркунданаси сақлаш жараёнида донни, ўсиш даврининг бошида эса майсани зарарлайди. Пирикуляриоз энг хавфли ва зарарли касаллик бўлиб, бунда шолининг 40—45 фоиз ҳосили нобуд бўлади. Фузариоз касаллиги натижасида туп сони сийрак бўлиб қолади, майсалари сарғайиб, чирийди, туплаш фазасида пояси ва туплаш бўғинлари кўнғир рангта киради, барглари буришиб, кейин курийди. Рўвакларида уруғлар пуч ҳолда бўлади.

Шунингдек, гелминтоспориоз билан ҳам ҳамма фазаларда касалланади. Алтернаспориоз билан асосан вояга етган ўсимликлар зарарланади. Рўваклаш ва пишиш фазаларида касаллик намоён бўлади.

Экиладиган уруғлар экишдан олдин фундазол (50 фоиз 2—3 кг/га) билан дориланади. Ўсиб турган пайтда фундазол билан ҳар 10—12 кунда экин майдонлари 3 марта гача дориланиши мумкин. Бир гектарга 100 л эритма тайёрлаб пуркалади.

Ҳосилини йигиши. Шоли рўвагида дастлаб юқориги бошоқчалар етилади. Шоли асосий пояси рўвагининг ўрта қисми бошоқларидаги дон тўлиқ етила бошлаган-

да ўрилади. Бу вақтда 60—70 фоиз дон түлиқ етилган бўлади. Шоли дони тўғридан-тўғри комбайнлар билан йиғиб олинади, баъзан аввал шолилар ўриб ётқизилиб, қуригандан кейин янчиб олинади. Биринчи янчишда олинган дон анча йирик етилган ва кам шикастланган бўлади. Иккинчи янчишда олинган дон товар сифатида ишлатилади. Шоли дони комбайнларда янчиб олинади. Шолининг намлиги юқори (15 фоиздан ортиқ) бўлса, унувчанлигини тез йўқотади, шунинг учун янчилгандан кейин дарҳол яхшилаб тозалаб, намлиги 11—12 фоизга келгунча қуритиш керак.

Назорат саволлари:

1. Ер юзининг қаерларида шоли кўпроқ экилади?
2. Нега шолини доимо сувга бостириб экиш керак?
3. Бир гектарга неча м³ сув талаб қиласи?
4. Шоли уруғлари қачон экилади?
5. Экиш меъёри ва ўсимликни таърифланг.
6. Шоли етиштириш учун навларини баён этинг.

ТАРИҚ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Тариқ энг кўп тарқалган ёрма берувчи экинлардан бири. Тариқ ёрмаси ёки «сўки» ўта тўйимлилиги ва ширин таъми билан бошқа ёрмалардан ажralиб туради.

Тариқ дони барча паррандалар учун тўйимли озуқа ҳисобланади, 100 кг донида 97 озуқа бирлиги бор. Сомони ва ёрмадан чиқсан чиқиндилар ҳам чорва моллари учун яхши озуқадир.

Тариқ ер куррасидаги энг қадимги экинлардан бири ҳисобланади ва тахминан эрамиздан 2700 йил бурун экила бошлаган. Келиб чиқиш ватани Хитой. Европага Осиёдан, Америкага эса Европадан келтирилган.

Дунёдаги тариқ экин майдони 37,7 миллион гектарни ташкил қиласи ва ўртacha ҳосилдорлиги гектарига 28,1 центнер. Тариқ ва бошқа экинларнинг ёрмаси, уларнинг кимёвий таркиби ва пишиши (П. П. Вавилов маълумоти бўйича) 25-жадвалда келтирилган.

Ботаник таърифи. Тариқ (*Panicum miliaceum* L.) *Panicum* туркумига оид ўсимлик. Бундан ташқари, бу туркумга итқўноқ (*Setaria*) ҳам киради. Тариқнинг тўп


Дон экинлари ёрмасининг кимёвий таркиби

Ёрма тури	Таркиби					Пишиш вақти
	Оқсил	ЕF	Крахмал	Қанд	Еғочлик	
Сүк	12,0	3,5	81	0,15	1,04	25
Гуруч	6,0	0,5	81	0,50	0,30	40
Арпа	9,6	1,2	85	0,50	1,25	80
Маржумак	10,0	3,0	82	0,30	2,00	35
Сули	16,0	6,0	72	0,25	2,87	25
Маккажұхори	12,5	0,6	86	0,25	0,25	45
Бұғдой	12,7	0,9	84	0,96	0,24	15

гули рўвак, чўмиза, итқўноқники бошоқсимон рўвак бўлади. Итқўноқ туркуми *Хитой тарифи* ҳам деб аталади. У Хитой қўноғи (*S. italicica*) ва мөгор, яъни Венгрия қўноғи (*S. italicica mogaricum*)ни ўз ичига олади. Хитой қўноғи, яъни чўмиза рўвагининг узунлиги (15—30 см) ва бўғимлари борлиги мөгордан фарқ қиласади. У Ўрта Осиё республикаларида, Приморье ўлкасида ва Кавказортида озиқ-овқатга ишлатиладиган дони учун (ёрма ун олинади) кичикроқ майдонларга экилади. Тарикнинг илдизи попук илдизлар. У битта муртак илдиз билан ривожланади, кейин тупланиш бўғимидан иккинчи тартиб илдизлар чиқаради. Илдизнинг қанчалик ривожланганлиги унинг ерга чуқур кириб боришга қараб эмас, балки атрофга таралиши (115 см. гача) ва илдизпоялари сонига қараб (120 тагача) аниқланади. Тарик рўвак чиқаргунча илдиз тизимини шакллантириб улгурди ва бошқа ғалла экинларига қараганда намдан тўла фойдаланади. Лекин об-ҳаво қурғоқчил келган ҳолларда бўғимлардан ҳосил бўлиши кечикади ва ярим эгилган майсалар узок вақтгача муртак илдизлар ҳисобига яшайди. Тарик илдизининг ўзлаштириш хусусияти сули ва арпа илдизнига қараганда паст бўлади.

Оддий тарикнинг пояси тик ўсади, бўйи 75—100 см. У тупланиш бўғимдан ер усти пояси бўғимларидан новда чиқаради. Ҳар бир туп ўсимликда 5 тага, озиқланиш майдони катта бўлганда 20 тагача поя шаклланади. Тарикни кенг қаторлаб ва анғизга экишда шу хусусиятидан фойдаланилади.

Тариқнинг барглари узун (65 см. гача) ланцетсимон, анча энли ва сертук, тилчаси қисқа, киприкли, кулоқчаси бўлмайди. Тўпгули узунлиги 15—25 см. келадиган сершоҳ (10—40 та ва ундан ҳам кўп) рўвакдан иборат. Ҳар қайси шохчанинг устида биттадан оғирлиги 5—10 г келади. 15—25 фоиз қобиқ чиқади. Уруғи битта муртак илдиз билан униб чиқади.



9-расм. Тариқ рўваклари.

Биологик хусусиятлари. Ўсиш даврининг бошида суст ривожланади, шунинг учун бегона ўтлар кўпайиб кетади. Униб чиққанига 15—25 кун бўлгандан сўнг тупланиш фазаси бошланади ва 10—15 кун давом этади. Ҳарорат 18°C—20°C бўлса яхши тупланади.

Рўвак тортиш фазаси эртапишар навларда 30—35 кунда, 42—45 кунда эса кечпишар навларда бошланади. Рўваклаш 18—20 кунга чўзилади ва кейин гуллайди. Бу фаза жуда тез ўтади ёки 8—10 кунда бир рўвак тўлиқ гуллайди. Рўвакда уруғлари юқоридан пастга ва четдан ўртасига қараб пишади, шунинг учун энг юқори уруғлари пишган бўлса, ўртадагилари мум пишиш даврида, пасткилари эса суст пишиш даврида бўлади.

Иссиқда талаби. Тариқ уруғи 8°C—10°C да уна бошлиди, 12°C—15°C да қийғос майса чиқаради. —2°C, —3°C да майсалари қаттиқ зарарланади, —3°C дан паст совуқда бутунлай нобуд бўлади. Тариқ кейинги фаза-

ларда ҳам иссиқни кўп талаб қиласи. 16°C гуллаши учун, $28^{\circ}\text{C}—34^{\circ}\text{C}$ ўсиши учун энг қулай ҳарорат ҳисобланади. Униб чиққандан то уруғи пишиб етилгунча $1700^{\circ}\text{C}—2000^{\circ}\text{C}$ ҳаво ҳарорати йигиндисини талаб қиласиди.

Тариқ бошқа дон экинларига қараганда юқори ҳароратга яхши чидайди. Чунки унинт баргларидаги оғизча ҳужайралари ҳатто $38^{\circ}\text{C}—40^{\circ}\text{C}$ да ҳам 48 соат давомида ҳароратни ростлаб туриш хусусиятига эга. Кузги буфдойда эса бундай юқори ҳароратда оғизча ҳужайраси 15—25 соат очиқ турса, тариқда 48 соат давомида очиқ туради.

Намга ва ёргуликка талаби. Тариқ бошқа дон экинларига қараганда намга унчалик талабчан эмас. Шунга кўра, уруғи униб чиқиши учун ўз вазнига нисбатан 25 фоиз сув талаб этади. Транспирация қоэффициенти 200—250 га тенг. Тариқнинг илдизи тупроқдаги сув захирасини яхши ўзлаштириш хусусиятига эга. Тариқ қурғоқчиликка ўта чидамли эканлигидан Африкада кўп экилади ва ҳатто йилига 4—5 марта ҳосил олиш мумкин.

Тариқ қурғоқчиликка чидамли бўлишига қарамай, суфоришга таъсирчан экин. Тупроқнинг оптимал намлиги дала нам сифимига нисбатан 60—80 фоиз бўлиши керак. Тариқ ёргуғевар кун ўсимлигидир. У шимолий ҳудудларга кириб борган сари вегетация даври ҳам узайиб боради. Ангизга экиладиган бўлса, ўшиш даври анча (15—20 кунга) қисқаради.

Тупроққа талаби. Тариқ унумдор ерларга экилса юқори ҳосил беради. Ўтлоқ, бўз тупроқларда ҳам тариқдан юқори ҳосил олиш мумкин. Ангизга экиш ёки ўзидан кейин экиш ҳам иқтисодий жиҳатдан самаралидир. Навлари: «Саратовское-853», «Мироновская-51» ва бошқалар. Ўзбекистонда яратилган навлари йўқ. Тариқ устида илмий ишлар олиб борилиши зарур.

Тариқ навлари

Ўзбекистоннинг суфориладиган ерларида оддий тариқнинг битта — «Саратовское-853» нави экилади.

«Саратовское-853» нави собиқ Иттифоқнинг Жануби-Шарқдаги қишлоқ ҳўжалиги институтидан яратилган. Бу тариқ узун, сийрак, фуж ва эгик рўвак чиқара-

ди, ён шохчаларининг асосида «ётиқчалар» бўлмайди ёки суст ривожланган бўлади. Дони тўқ қизил. 1000 донасининг вазни 6,1—7,0 г келади, пўстлилиги 16—18 фоиз, ўртача янчилади, 77—80 фоиз сўк чиқади. Сўки яхши пишади. Таъми жуда яхши. Бу нав ётиб қолишга чидамли. Дони тўкилмайди. Ўсиш даври униб чиққанидан мум пишиш давригача 65—67 кун, қурғоқчиликка чидамли. Галлаоролда гектарига ўртача 4,4—4,5 центнердан ҳосил беради. Такрорий экишга ҳам яроқли.

Етиштириш технологияси

Алмашлаб экишдаги ўрни. Тариқ ўтмишдош экинга жуда ҳам талабчан бўлади. Юқори агротехника қўлланилганда, бегона ўтлардан тоза бўлганда, лавлаги, картошка, дуккакли дон экинларидан бўшаган ва яхши ўғитланган майдонларда ҳам тариқдан мўл ҳосил олиниади. Маккажўхоридан кейин экиш мумкин эмас, чунки иккаласи ҳам қоракуя билан заарланади.

Тариқ экиладиган майдонлар яхшилаб тайёрланиши керак, чунки уруғлар майда кесакли, нотекис далаларга ташланса, майсаларнинг камайиб кетишига сабаб бўлади. Майсалар униб чиққандан сўнг дарҳол бороналаш ёки культивация ўтказиш лозим.

Ўғитлаш. Тариқнинг 30 центнер дон ҳосили ва 60 центнер похоли ўрта ҳисобда 90 кг азот, 42 кг фосфор, 106 кг калий ва 31 кг кальцийни ўзлаштиради. Азот ўзлаштириш бўйича у баҳорги буғдойга яқин турди ва қолган ўғитларга бўлган талабига кўра кузги дон экинларига қараганда устун, айниқса, тупроқдан калий, кальций ва фосфорни кўп ўзлаштиради.

Экиннинг ҳосилдорлиги — экиш муддати, усули ва меъёрига кўп жиҳатдан боғлиқ. Уруғлар экишдан оддин 75 фоизли беклат билан (2 кг/т) ишланиб экилиши керак. Агар далада бегона ўтлар кўп бўлса, у ҳолда уруғлар 2,4 Д гербициди билан ишланади.

Экиш усули: тор қаторли 15 см кенгликда, кенг қаторли 30,45 ва 60 см кенгликда экилиши мумкин. Кенг қаторлаб экилганда қатор ораларга ишлов бериш мумкин.

Тариқ майсалари одатда, бир текис чиқмайди, униши анчага чўзилади, уруғнинг унувчанлиги паст (ўрта

ҳисобда 52 фоиз) бўлади. Шунга кўра, унувчанлиги юқори бўлган уруғларни танлаб экиш керак. Шунда ўсиш даври бошларида тариқ тез ривожланади.

Тариқ оптимал муддатда, яъни тупроқнинг уруғ, экиладиган қатламида нам етарли ва ҳарорат 18°C — 20°C га етганда экилади. Уруғлари 3—4 см чуқурликка ташланади.

Ўзбекистонда тариқни анғизга экиш ижобий натижা беради. Донли экинлардан кейин далалар бегона ўтларга нисбатан тоза бўлиб, ердан икки марта ҳосил олиш имкони бор. Ўсиш даврида 2—3 марта суфорилади. Узоқ вақт сувсиз қолганда тариқ деярли сўлиб қолади, аммо суфорилгандан сўнг дарҳол яшнаб кетади.

Ҳосил ўрим-терими даврида ҳам пояси ҳали серсувва кўк (намлиги 50—60 фоиз) бўлади. Дастлаб рўвакларнинг учки қисмидаги дони етилган пайтда юқоридагилари ерга тўкила бошлайди. Шунга кўра, ҳосилни яхши пишмасдан олдин ўриб, кейин янчиб олиш усули энг самарали ҳисобланади, бунда уруғ ерга кам тўкилади, дон ва похолнинг сифати яхшиланади, шуннингдек, ҳосил ўрим-теримида фойдаланиладиган машиналарнинг иш унумдорлиги ортади. Тариқ дони мум пишиш даврида 3—4 кун ичida олдин ўриб, кейин йигиштириб олиш нобудгарчиликка чек қўяди. Поялари қуригандан сўнг янчиб олинади.

Назорат саволлари:

1. Тариқдан нима олинади?
2. Кўноқ ва тариқнинг бир-биридан фарқи борми?
3. Тариқ уруғлари неча даража ҳароратда униб чиқади?
4. Дон экинлари ичida тариқ қурғоқчиликка чидамлими?
5. Экиш муддати ва меъёрини айтинг.

МАРЖУМАК

(ГРЕЧИХА)

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Маржумак энг қиммат баҳо ёрма экинлардан ҳисобланади. Унинг тез ҳазм бўлиши, таркибидаги оқсилни қимматлиги билан бошка дон экинларидан ажralиб туради. У энг яхши асал берувчи экин саналади. Бир гектар маржумак майдонидан 70—80 кг хушбўй асал олиш мумкин. Бунда асал-

арилар ёрдамида чангланиш натижасида дон ҳосили ҳам ортади. Ўзбекистонда бу экин кенг тарқалмаган. Маржумак унидан нон ёпиш ва турли хил печенъелар пиширишда фойдаланиш мумкин. Маржумак ёрмаси олингандан сўнг қипиги молларга берилади. 1 кг маржумак похолида 23 г протеин ва 0,3 озуқа бирлиги бор. Молларга кўп бериш мумкин эмас. Кўк поясини моллар кўк ва силос ҳолида истеъмол қиласи. Келиб чиқиш ватани Ҳимолай тоги этаклари ҳисобланади. 2,5 минг йиллар бурун ўсимлик сифатида шаклланган. Ҳозир ҳам ёввойи турлари учрайди. Ўзбекистонда бу ўсимлик XX аср ўрталаридан бошлаб экиласи, аммо жуда нозик экин бўлгани учун кенг тарқалиб кетмаган.

Маржумак ер куррасида 4 миллион гектар майдонга экиласа, шундан 2,4 миллион гектари Европа мамлакатлари, Канада, Япония, АҚШ, Хитой ва Ҳиндистонга тўғри келади. Биргина Россияда 1,4 миллион гектарга экиласи. Ҳосилдорлиги гектарига 2,5—3,0 тонна.

Ботаник таърифи. Маржумак торонгулдошлар *Poligoneaeae* оиласига киради ва бир неча турдан иборат. Улардан энг муҳими маданий маржумак (*Fagopyrum esculentum* S) бўлиб, у 2 та кенжа турга бўлинади: оддий маржумак (*Ssp vulgare* S), бизда энг кўп экиласи ва сербарг маржумак (*multiplicifolium* S), баланд ва жуда сербарг бўлиб, Узоқ Шарқда етиштирилади. Мамлакатимизда маржумакнинг бошқа тури —экинлар орасида ўсадиган бир йиллик ёввойи ўсимлик — татар маржумаги (*Fagopyrum tataricum* L.) ҳам тарқалган. Оддий маржумак поясининг ичи ковак қиррали ва шохлайдиган (10—12 тагача шохли), бўйи 50—120 см бўлган, айrim ҳолларда 2—2,5 м. гача етадиган бир йиллик ўсимлик.

Маржумак пояси уч қисмга: илдиз чиқарувчи пастки, яъни остки пояга, биринчи навбатда шохлар чиқарадиган, ўрта, яъни шохланиш қисмига (сийрак экилгандан улардан иккинчи, учинчи ва ундан юқори навбатли шохлар чиқади, қалин экилганда шохламайди ва гул пояси фақат поянинг учидаги бўлади), юқориги ёки генератив органлари бўлган юқориги, яъни ҳосил берадиган қисмга бўлинади.

Илдиз тизими ўқ илдиз бўлиб, муртак илдиз ва иккиламчи илдизлардан иборат, ерга 1 см. гача киради. Илдизларнинг асосий қисми 25—30 см. гача чуқурликда жойлашади. Улар суст ривожланган бўлади.

Маржумак илдизлари чумоли-сирка, лимон, шо-вул кислоталарини ажратади, бу эса қийин эрийдиган моддаларни ўзлаштиришга ёрдам беради. Гуллай бошлаганды илдизларнинг 50 фоизи, тўлиқ гуллаш даврида 75 фоизи қўнгир рангта киради, бу уларнинг эрта етилишига сабаб бўлади.

Барглари бандли, юраксимон-учбурчак бўлиб, пояси ва шохларининг учидаги бандсиз, ўқсимон баргга айланади. Маржумак барг юзаси анча яхши ривожланади, лекин битта гулнинг барг билан таъминланганлиги ($0,56-0,62 \text{ см}^2$) баҳорги буғдойникига қараганда 1,5—2 марта кам бўлади. Бинобарин, маржумак ҳосили гулларнинг барг билан таъминланганлиги ва ёритилганлигига, бу эса ўз навбатида озиқланиш майдонига боғлиқ.

Гули икки жинсли бўлиб, тўпгулга йигилган, ҳашаротларни жалб қилувчи ўткир ҳидли. Яхши ривожланган ўсимликларда 500 дан 1500 гача гул бўлади. Улар диморф, гетеростил (ҳар хил уруғчили), яъни бавззи ўсимликларнинг гули қисқа уруғчи ва узун чангчиси, бошқаларида аксинча, уруғчининг бўйи чангчиникадан таҳминан 2 марта узун бўлади.


Меваси уч қиррали ёнғоқча бўлиб, кулранг, жигарранг ёки қора тусда бўлади. Меваси ер юзасига кўтарилиб чиқадиган 2 та уруғпалла, илдизча ва эндоспермдан иборат.

Маржумак сугориладиган ерларда экилганда икки марта ҳосил бериши мумкинлигини кўрсатмоқда. Тажрибаларнинг кўрсатишича, ёзда анфизига экилган маржумак навлари 75—80 кунда пишиб етилади. Тезпишар навлари эса 60—70 кунда, фойдали ҳарорат йифиндиши $800^{\circ}-1000^{\circ}\text{C}$ бўлганда тўла етилади.

Ўртacha бир кечакундузлик ҳарорат $15^{\circ}\text{C}-18^{\circ}\text{C}$ бўлганда уруғлар жуда тез, 4—6 кунда униб чиқади. Ўсимлик $-2^{\circ}\text{C}-2,5^{\circ}\text{C}$ совукда сезиларли даражада зарранади. Маржумак юқори ҳароратга ҳам жуда сезгир. Гуллаш ва меваларни ҳосил бўлиш даврида ҳаво қуруқ ва ҳарорат 25°C дан юқори бўлса, рўвакдаги донлар маҳсулдорлиги кескин камаяди. Генератив органлар, мева ҳосил бўлиш, пишиш даврида оптималь ҳарорат $17^{\circ}\text{C}-20^{\circ}\text{C}$ ҳисобланади. Бу даврда ҳароратни $10^{\circ}\text{C}-12^{\circ}\text{C}$ га пасайиши ҳосилга салбий таъсир кўрсатмайди.

Тупроққа жуда талабчан ўсимлик ҳисобланади. 1 т

дон ва 2,5—3 т поя бериши учун маржумак тупроқдан 40—44 кг азот, 30 кг фосфор, 70—75 кг калий ўзлаштириб олади. Ўсиш даврининг биринчи 45 кунида 61 фоиз азот, 48 фоиз фосфор ва 62 фоиз калийни ўзлаштиради. Фосфорли ўгитга асосан гуллаш ва уругининг



10-расм: А-маржумак ўсимлиги; Б-униб чиқиши;
В-новдасининг кўриниши.

тұлишиш пайтида талабчан бўлади. Азотта кам талабчан, тупроқда азот кўп бўлса фовлаб кетади ва кам ҳосил беради. Ёруғликка талабчан ўсимлик, узун кунда ҳам, қисқа кунда ҳам бемалол ўсиб ривожланади ва яхши ҳосил беради.

Маржумак ангизга экилганда нав хусусиятлари ҳам катта аҳамиятта эга. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда маржумакнинг иқлимлаштирилган навлари йўқ. Лекин тажрибаларда тез пишарлиги, маҳсулдорлиги, сифатига кўра қуидаги навларни экишни тавсия қилиш мумкин: «Богатырь», «Большевик-4», «Шатиловская-4», «Калининская».

Етиштириш технологияси

Алмашлаб экишдаги ўрини. Экишга тайёрланган уруғлар йирик, тоза ёки касаллик ва заараркунандалар билан заарарланган бўлиб, аммо унувчанлиги юқори бўлиши мумкин. Экишга яроқли 1 кг уруғдаги бошқа ўсимликлар уруғи 20—120 тадан кўп бўлмаслиги керак.

Буғдой, арпадан бўшаган майдонларга маржумакни 15—20 июлгача экиш мумкин. Далани экишга тайёрлаща ер 22—24 см чуқурликда ҳайдалиб, борона қилиниб, мола босилади. Бу ишларни агрегат бир юришда бажарса маҳсадга мувоғиқ бўлади. Туроқда намлик етарли бўлмаса ҳайдашдан олдин гектарига 600 м³ меъёрда суғорилади. Далани суғориш буғдой ёки арпа ҳосили йиғиштириб олинганда ўтказилса ҳам бўлади. Ҳосил бундай усулда жуда тез йиғиштириб олиниши зарур. Суғориш пайтида бошоқли дон экинлари жўяклардан фойдаланилади.

Ўсиш даврида суғориш-тўпгуллар шаклланишида, гуллащда ва дон шаклланиши даврида гектарига 400—600 м³ меъёрда ўтказилади. Тупроқ иқлим шароитига кўра айрим ҳолларда тўртинчи суғориш дон пишиш олдидан ўтказилиши мумкин.

Экиш қаторлаб (15 см), тор қаторлаб (7—8 см) ёки кенг қаторлаб (60 см) С3-3, 6, С3Т-3,6 сеялкаларида ўтказилади. Лента ёки қўш қаторлаб экилганда ўсимлик қаторлари юзаси 15 см, қатор оралари 45 ёки 60 см бўлади. Анғизда энг кўп тарқалган экиш усули — қаторлаб (15 см) экишdir.

Экишда йирик уруғлардан фойдаланилади. Экиш-

дан олдин дориланади. Фузариоз, пероноспориоз, церкоспориоз, кулранг чириш ва бошқаларга қарши кимёвий ишланади.

Анғизда уруғлар гектарига 3,5—4 миллион дона унувчан уруг ёки 100—110 кг ҳисобида экилади. Қаторлаб экишда мөъёри 25 фоизга камаяди. Экиш чуқурлиги 4—5 см, тупроқ юзаси тез қурийдиган енгил тупроқларда 7 см. Анғизга экилган маржумак майдонига асалари уяларини келтириш жуда маъқул. Бунда 1 га майдонга 2—3 уя асалари етарли. Асаларилар келтирган майдонларда ҳосилдорлик 1,5—2 баробар ортади.

Маржумак ёзда экилганда N, P₂O₅ ва K₂O ўғитлари солингандага яхши натижалар олинган. Бунда гектарига P₂O₅—45 кг ерни ҳайдаш олдидан, шоҳланиш фазасида N—157 P₂O₅—15, K₂O—15 кг ва гуллаш фазасида N—30, P₂O₅—20, K₂O—30 кг солинади. Маржумак уруғлари 25—30 кун давомида шаклланади ва пишади. Меваларнинг 80—90 фоиз қисми қўнғир тусга кирганда ҳосил йигиб-теришга киришилади. Бунда дон намлиги 14—16 поя ва баргники эса 35—40 фоиз бўлади. Ҳосил икки поғонада, олдин ўроқ-машиналарда ўрилиб, кейин комбайнларда янчиб олинади. Ҳосил ўрилганда бир йўла хирмонларга келтирилиб, куритилиши ҳам мумкин. Ўроқ-машиналаридан ДСК-4А, ЖРБ-4,2 ЖВН-6 ва бошқалардан фойдаланилади. Комбайнлар билан дасталар янчиб олинганда, барабанлар ҳаракат тезлиги минутига 500—600 гача камайтирилади. Ҳосил айрим ҳоллардагина (ўсимлик сийрак бўлса, кам дон ҳосил қиласа) бевосита комбайнлар ёрдамида ўриб, янчиб олинади. Ҳосилдорлиги гектарига 15—17 центнер бўлади. Уруғлари 25—30 кунда пишади ва тез ўрилмаса тўкилиб кетади (13-расм).

Назорат саволлари:

1. Маржумакдан нима олинади?
2. Маржумак илдизлари қайси кислоталарни сақлайди?
3. Анғизга экиш мумкинми?
4. Бир гектарга неча кг уруг экилади?
5. Ўсиш даври неча кунни ташкил қиласи?

Учинчи бўлим

ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Дуккакли дон экинлардан дон, озуқа, ем-хашак, техник ва бошқа мақсадларда фойдаланилади. Дуккакли дон экинлари деҳқончиликда учта асосий вазифани: ўсимлик оқсили масаласини, дон етиштиришни кўпайтириш ва тупроқ унумдорлигини оширишни ҳал этишга ёрдам беради ва экологик тоза маҳсулотлар беради.

Ўсимлик оқсили одам организмини таркибида зарур аминокислоталар бўлган оқсилилар билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳайвонот оқсилиларини истеъмол қилиш физиологик нормаларга тўлиқ жавоб бермайди. Шу билан бирга уларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш даставвал ем-хашак (озиқ) базасининг ҳолатига боғлиқ. Ҳайвонлар озуқасида бир озиқ бирлигига 105—110 г ҳазм бўладиган протеин ўрнига ҳозирги вақтда 75—76 г тўғри келади.

Молларга кўплаб дағал хашак, озиқ, ширали ва силос бериб боқилганда уларни тез семиртириш учун оқсили озиқ жуда ҳам зарур бўлади.

Дуккаклиларнинг дони моллар учун жуда қимматли концентрат озиқ ҳисобланади. Дуккаклиларнинг пичани, силоси ва кўкати жуда тўйимли бўлади. Уларнинг похол ва тўпони ҳам бирмунча озиқлик қимматига эга. Дуккакли дон экинларининг уруғи, пояси ва баргига экинлариникига қараганда 2—3 баравар кўп оқсили бўлади. Шунинг учун ҳам ем-хашакларнинг оқсилиларини яхшилаш мақсадида дуккакли дон экинлари бошқа экинларга аралаштириб ҳам экилади. Соя ва люпин уруғига оқсили айниқса кўп (30—50 фоиз) бўлади. Дуккакли дон экинларининг похоли ва тўпонида 8—14 фоизгача, галла экинлари похолида эса фақат 3—4 фоиз оқсили бўлади. Баъзи дуккакли дон экинларининг уруғига одам ва ҳайвонлар учун зарур

барча аминокислоталар (лизин, метионин, триптофан ва бошқалар) бўлади. Улар етишмай қолганда, организм оқсилнинг фақат бир қисмини ўзлаштиради, қолган қисми эса энергия материали бўлиб хизмат қиласди. Масалан, бугдойдаги 12 фоиз оқсилдан фақат 7 фоизини, арпадагининг эса 6 фоизини ўзлаштиради. Ловияда метионин етишмаса, 25 фоиз оқсилдан фақат 11 фоиз, нўхатда 23 фоиздан фақат 10 фоиз, сояда оқсилнинг деярли ҳаммаси ўзлаштирилади. Уруғи таркибидаги алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарнинг миқдорига ва уларнинг нисбатига кўра, соя биринчи ўринда туради (1 кг қуруқ моддага 170 мг), кейин люпин (156 мг), хашаки дуккаклилари (150 мг) ва улардан анча кейин нўхат (87 мг) келади. Дуккакли дон ўсимликлари таркибидаги оқсил миқдори уларнинг навига, тупроқ иқлим шароитига ва агротехникавий хусусиятларига жуда боғлиқ бўлади.

Дуккаклиларнинг агротехникавий аҳамияти шундаки, улар кўп миқдорда ерда органик моддалар тўплайди, деҳқончиликдаги азот балансини яхшилайди ва уларнинг айримлари (люпин, нўхат, хашаки дуккаклилар) қийин эрийдиган фосфатларни ўзлаштириладиган шаклга айлантиради.

6-жадвал

Дуккакли эквивалентларнинг симёйий таркиби (фоиз ҳисобида)

Ёрма тури	Оқсил	Азотсиз моддалар	ЕF	Ёғочлик	Кул
Нўхат	28	52	1,5	3,5	2,5
Хашаки дуккак	30	45	1,5	6,0	3,5
Ясмиқ	30	50	2,0	3,0	3,0
Бурчоқ	29	48	2,0	6,0	3,0
Нўхат	25	49	4,5	4,0	3,5
Ловия	24	49	2,0	4,0	3,0
Соя	39	24	24,0	4,0	5,0
Люпин (ингичка баргли)	38	24	5,0	12,5	4,6

Дуккакли ўсимликлар илдиздаги тўгунакларда ва ризосферада бўлган тутунак бактериялар (*Rizobiun*) ёрдамида атмосфера азотини бириктириб олиб, улар билан тупроқни бойитади.

М. В. Федоров маълумотларига кўра, люпин 400 кг гача, беда қарийб 140 кг, соя 150 кг атмосфера азотини ўзлаштирас экан.

Ана шу азотнинг кўп қисми ҳосил билан чиқиб кетади, 25—40 фоизгача бўлган қисми илдиз ва анфиз қолдиқлари билан ерда қолиб кетади.

Дуккакли дон экинлари майдони ва ҳосилдорлиги

Бугунги кунда ер куррасида дуккакли дон экинларининг майдони 135 миллион гектар ёки дон экинлари майдонининг 14 фоиздан зиёдрогини ташкил қиласди.

Бизнинг мамлакатимизда дуккакли дон экинлари жуда кичкина майдонни эгаллади. Маълумотларга кўра, энг катта майдонни нўхат ва соя ўсимликлари эгаллади. Ловия, мош, фасоль экинлари ҳам шахсий хўжаликларда узлуксиз экилиб келинади, аммо, улар ҳисобда йўқ. Шунингдек, бурчоқ, ясмиқ, адас, вика, кўк нўхат экинлари ҳам оралиқ экин, чорва молларига озуқа сифатида экилиб келинади. Фақатгина люпин ўсимлиги бизда мутлақо экилмайди. Дуккакли дон экинлари жуда қадимдан марказий Осиё мамлакатларида экилиб келинган. Нўхат қурғоқчиликка чидамли бўлгани учун ҳам лалми минтақаларда катта майдонни эгаллаб келади.

Бизнинг мамлакатимизда дуккаклилар ичida энг юқори ҳосил берувчи экинларга соя киради. Самарқанд, Қашқадарё, Андижон вилоятларида соядан 40—50 ц гача дон олиш мумкин. Сояни тақрорий экин сифатида экканда ҳосилдорлик 15—17 центнерни ташкил қиласди. Мош Ўзбекистонда тақрорий экин сифатида экиладиган экин ҳисобланади, мөшдан ҳам ўртача 20—22 центнергача дон олинади. Нўхат катта майдонларга экилгани билан, у асосан лалми минтақаларга экилади ва ўртача ҳосилдорлиги нам билан таъминланган лалми жойларда 9—10 ц, нам билан таъминланмаган ерларда 4—5 ц ни ташкил этади.

Дүккәсіли дон экзинләри таркибында алмаштырып бүлмайдын аминокислоталар мәндері (г/кг күрүк мөддә)
(Посипанов)

Аминокислота	Соя	Фасоль	Ясмик	Күк нүхат	Сарик люпин	Хашаки дүккәс	Бурчок	Нүхат
Лизин	24,0	23,3	22,3	22,7	16,2	14,5	18,4	20,7
Метеонин	5,0	1,5	4,0	1,0	4,1	3,3	4,5	5,2
Цистин	4,6	6,2	6,3	2,8	4,4	4,2	3,0	4,8
Аргинин	25,6	16,5	21,6	19,7	28,3	17,0	23,1	24,4
Лейцин	41,6	44,0	38,8	31,8	37,5	24,8	33,5	39,5
Фенилаланин	16,0	14,6	13,0	11,6	15,5	6,2	10,0	11,3
Тreonин	13,0	11,0	10,8	11,9	14,0	9,8	12,0	10,5
Валин	16,5	16,0	15,8	11,0	11,2	9,6	12,5	11,5
Триптолайн	3,6	4,6	5,3	1,8	1,8	1,6	2,9	3,0
Гистидин	8,0	6,5	9,0	4,9	11,0	7,0	6,1	6,0
Алмаштаб бүлмайдын аминокислоталар йигиндили	158	144	147	120	144	98	126	128

ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИНГ БОТАНИК БЕЛГИЛАРИ

Дуккакли дон экинларининг барги тузилишига кўра 3 та кичик гуруҳга бўлинади: биринчиси — патсимон баргли ўсимликлар (кўк нўхат, ясмиқ, бурчоқ, нўхат, дуккаклар); иккинчиси — учталик баргли ўсимликлар (ловия, соя, фасол, мош) ва учинчиси — панжасимон баргли ўсимликлар (люпин).

Ушбу гуруҳ ўсимликлари дастлабки ўсиш ва агротехникавий хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Биринчи гуруҳга кирадиган ўсимликлар уруғпалла устки бўлими (экипотиль) ҳисобига ўсади ва шунинг учун уруғпаллани тупроқ юзига олиб чиқмайди. Улар уруғини анча чуқур экиш ва майсалар пайдо бўлгунча ҳамда пайдо бўлгандан кейин бороналаш мумкин.

Дуккакли дон экинларининг илдизи ерга 2 метрга ча чуқур кириб борадиган асосий ўқ илдиздан ва тупроқнинг катта ҳажмини қамраб оладиган, тармоқланган ён илдизчалардан иборат. Дуккаклилар илдизизда сезиладиган шиш, яъни туганаклар бўлиб, уларда ҳаво азотини ўзлаштирувчи бактериялар жойлашади. Дуккакли дон экинлари айrim турларининг азот тўплаш хусусияти туганакларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб, туганак бактерияларнинг ривожланиши учун кулаги шароит яратиш керак.

Дуккакли дон экинлари поясининг механикавий тузилиши турлича бўлади. Нўхат, дуккаклилар, ловия ва соянинг бута шаклидаги формаларининг пояси вертикаль ҳолатда бўлади.

Кўк нўхат, вика, бурчоқ, ясмиқ ва ловиянинг пояси етилиш вақтига келиб ётиб қолади. Бундай ҳол содир бўлмаслиги учун дуккакли дон экинлари кўпинча пояси пишиқ бошқа экинлар билан қўшиб экилади, шунда улар гажаклари билан бошқа экинларга тирмашиб ўсади.

Дуккакли дон экинларининг гули нотўғри шаклда, кўш гулкўрғонли бўлади. Гултожиси йирик-майда ва турли шаклдаги барглардан иборат (қайиқча, елкан ва қанотчали бўлади). Гулида 10 та чангчи ва бир уяли тутунча ҳамда бир нечта уруг куртакли 1 та уругчи бор. Гултожининг ранги оқдан очиқ қизил ва гунафша ранг-

гача. Дуккакли дон экинларининг кўпчилигида гул асоси поя ва ён новдалар ичидаги тўпгулларда жойлашган.

Дуккакли дон экинларининг меваси йирик-майда ва ҳар хил шаклдаги дуккак. У икки тавақага очилади ва ичидаги бир нечта уруғи бўлади.

Уруғи турли шакл ва рангда, йирик-майда бўлади. Дуккаклиларнинг уруғи уруг қобигидан ва муртакдан тузилган. Уруг мевага бирикадиган жойдан уруг чоки, ловияда эса, халаза ва микропиле дўнгчалар сақланади. Муртак серэт 2 та уруг-палладан ва улар орасида жойлашган муртак илдиҷаси ҳамда куртакчадан иборат, ўсимликнинг ер усти қисми ана шулардан шаклланади. Уругпаллалари муртак баргларидан иборат, уларда ўсимликлар ўсаётганда фойдаланиладиган озиқ моддалар тўпланади.

Биологик хусусиятлари. Дуккакли дон экинлари вегетация даврининг узоқлигига қараб икки гуруҳли: вегетация даври қисқа ва узоқ бўлган ўсимликларга бўлинади. Биринчи гуруҳга кўк нўхат, ясмиқ ва бурчоқ, иккинчи гуруҳга хашаки дуккакли ловия ва соя киради. Ҳар қайси экиннинг эртапишар ва кечпишар навлари ҳам бўлади. Барвақт экилган эртапишар ўсимликлар йифим-терим давридаги иш тифизлигини камайтиришга ва банд шудгорда улардан фойдаланишга; мамлакатимизнинг жанубий туманларида эса, улардан кейин такрорий экин (маккажўхори, жўхори ва бошқалар) экишга имкон беради.

Иссиқда талаби. Дуккакли дон экинларидан кўк нўхат, ясмиқ ва бурчоқ совуққа бирмунча чидамли бўлади. Уларнинг майсаси $4-5^{\circ}\text{C}$ даёқ пайдо бўлади. Улар эрта экиладиган экинлардир. Ингичка баргли люпин, хашаки дуккак ва нўхатга (булар ўрта муддатда экиладиган экинлар) иссиқ ниҳоятда зарур. Соя билан ловия ҳам иссиқсевар ўсимликлардандир. Уларнинг майсалалини учун ҳарорат $10-13^{\circ}\text{C}$ бўлиши керак. Булар кеч экиладиган экинлардир.

Уругларнинг униб чиқиши ҳароратига қараб майсаларининг музлаши ҳам шунча бўлади. Масалан, кўк нўхат ва ясмиқ майсалаш фазасида 8°C гача, люпин ва хашаки дуккаклар 6°C гача, соя — $3,4^{\circ}\text{C}$ гача совуққа чидайди. Ловия совуққа ўта таъсирчан бўлиб, унинг майсалари — 1°C да тезда нобуд бўлади. Дуккакли дон

экинлари уруғининг тўлиши айниқса муҳимдир, чунки бу ургни кеч муддатларда экишга имкон бермайди ва баъзи дуккак экинларнинг бирмунча шимолий майдонларга экилишини чеклади.

Намга талаби. Дуккакли дон экинлари бошқа ғалла экинларига қараганда намни кўп талаб қиласди. Масалан, уруғи униб чиқиш учун ўз вазнига нисбатан 110—140% намни талаб қиласди, транспирация коэффициенти 400 ва 800 гача ўзгариб туради. Улар сизот сувлар юза жойлашган ерларда яхши ўсмайди. Соя, хашаки дуккак ва люпин намга талабчан бўлади. Шунинг учун улар нам етарли бўлган туманларда экиласди. Нўхат ва бурчоқ қурғоқчиликка чидамли экинлар гуруҳига киради. Ясмиқ, кўк нўхат ва ловиянинг баъзи навлари ҳам қурғоқчиликка чидамли бўлади.

Ёруғлика талаби. Дуккакли дон экинлари ана шу белгисига кўра уч гуруҳга бўлинади: 1) узун кун ўсимликлари — кўк нўхат, ясмиқ, бурчоқ, люпин ва дуккаклар. Ёруғ кун узайиши билан уларнинг вегетация даври қисқаради; 2) қисқа кун ўсимликлари — соя ва ловия (мош)нинг баъзи турлари. Ёруғ кун қисқариши билан уларнинг вегетация даври қисқаради; 3) нейтрал ўсимликлар гуруҳи — ловия ва нўхатнинг кўп навлари киради.

Тупроқда ва озиқ моддаларга талаби. Таркибida фосфор, калий, кальций бўлган ўрта бириккан, кучсиз кислотали ёки нейтрал соз ва қумоқ тупроқли ерлар ҳамда бўз, ўтлоқ бўз тупроқлар дуккакли дон экинлари учун жуда қулай ҳисобланади.

Улар кислотали ерларда яхши ўсмайди ва оҳак солинган муҳитни хоҳлайди, чунки ердан кўп кальций ўзлаштиради.

Жуда сернам сизот сувлар юза жойлашган ва енгил кўп тармоқли ерлар дуккакли дон экинлари экиш учун яроқсиз бўлади. Люпин бундан мустасно, у кислотали ва қум тупроқли ерларда яхши ўсади, лекин тупроқда оҳак кўп бўлса унга кўк нўхат экиш ҳам мумкин. Асосий ўғит сифатида дуккакли дон экинларига фосфор ва калий солинади. Улар ўсимликларнинг ривожланишини яхшилаш билан бирга, азот тўпловчи бактериялар фаолиятини кучайтиради ҳам. Баъзи дуккакли дон экинлари (люпин, кўк нўхат) тупроқдаги қийин эрийдиган фосфатлар таркибидаги фосфорни яхши ўзлаш-

тиришини ҳисобға олиб, уларға фосфорит куқунини солиш мүмкін.

Азотли ўғитлар масаласига келсак, дастлаб уларни дуккакли дон әқинларига солиш мүмкін зemas, чунки уларнинг ўзи ҳаво азотини ўзлаштиради, солинган азотли ўғитлар эса азот фиксациясини бўшаштиради, деб ҳисобланар эди. Лекин кейинги вақтда кўпгина тадқиқотчилар (М. В. Федоров, В. В. Бернард, Г. Шмидт, Л. М. Доросинский ва Н. М. Лазерев) дуккакли дон әқинлари азотни фиксациялаш хусусиятига қарамай, илдизда туганаклар ҳосил бўлгунига қадар дастлабки ўсиш даврида кичикроқ дозадаги азотга (гектарига 30 кг) талабчан бўлади деб ҳисоблайдилар.

Силос учун маккажўхорини дуккакли әқинларга кўшиб әкиш мамлакатимизнинг барча зоналарида катта аҳамиятга эга. АРАЛАШ әкишда баъзан биологик хоссалари турлича (қурғоқчиликка, сояга чидамли, намсевар, ёруғсевар ва ҳоказо) бўлган 3—5 хил әкин кўшиб экиласди.

Дуккакли дон әқинларини бошқа дон әқинларига кўшиб әкишда, ўсиш шароитига талаби бир хил, ўсиш ва ривожланиш суръати ўхшаш бўлган әқинларни танлаш муҳим аҳамиятга эга.

Әқинларни бу хилда аралаштириб әкишдан мақсад пояси тик ўсмайдиган дуккакли дон әқинларини ётиб қолишининг олдини олишдан, бир ўсимликнинг иккинчисига ижобий таъсирини кучайтиришдан, бир хил ўсимликлар фиксацияси ҳисобига бошқаларни азотга бойитишдан иборат. Ем-хашак илмий текшириш институтида бу хусусда ажойиб маълумотлар олинди: соф ҳолда экилган сули илдизида 1,41% азот бўлган.

Мамлакатимизда пояси ётиб қолишига мойил дуккакли дон әқинларини пояси пишиқ ғалла әқинларига кўшиб әкиш усули кенг тарқалган. Улар соф ҳолда экилган әқинларга қараганда анча серҳосил, механизация ёрдамида йигиб олиш кулай бўлиб, намгарчиллик йиллари кўпда чириб кетмайди. Ёрдамчи әкин сифатида кўпинча сули экиласди, у кўк нўхатта нисбатан 3:1 миқдорида олинади. Нўхат, арпа ва бугдойга кўшиб экилганда унча яхши натижка бермайди.

Кўк нўхатни оқ ҳантал (горчица)га кўшиб әкиш катта аҳамиятта эга. Бунда нўхатта 4—5 кг ҳантал кўшиб әкиш етарли ҳисобланади. Ҳантал кўк нўхатни сиқиб

қўймайди ва ҳосили кам бўлмайди, баъзан эса соф ҳолда экилган нўхат ҳосилидан ортиб ҳам кетади. Аралаш экинлар протеин тўпланишини оширади ва унинг сифатини яхшилади. Шунинг учун мамлакатимизда кейинги йилларда дуккакли дон экинларининг силос-боп экинлар — маккажўхори ва кунгабоқарга қўшиб экиш кенг расм бўлди. Маккажўхорини дуккакли экинларга қўшиб экиш ҳосилдорлигини ўрганиш юзасидан бизнинг тажрибаларимиз бўлган. Булар маккажўхорини дуккакли экинларга қўшиб экилганда ҳазм бўладиган протеин миқдорининг ортиши гектарига ўртacha қарийб 40% ни ташкил этишини кўрсатади.

Аралаш экинлар намгарчилиги етарли бўлган туманларда жуда яхши ўсади. Чўл ва даштга сурилган сари бундай аралаш экинларнинг самараадорлиги сезиларли даражада пасаяди. Намлик етишмайдиган туманларда аралаш экилган экинлар ҳосили соф ҳолдаги экинлар ҳосилига қараганда кам бўлади. Аммо, бу ерда ҳам аралаш экинлар бўйича протеин тўпланиши анча юқори.

Тупроқ иқлим шароитига боғлиқ бўлган компонентлар таркиби аралаш экинлар ҳосилдорлигига кучли таъсир этади. Дуккакли дон экинларининг энг қимматлиси соя, люпин, хашаки дуккаклар ҳисобланади, чунки уларнинг пояси ётиб қолмайди.

Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигига энг яхши аралаш экиладиган экинлар соя ва маккажўхори ҳисобланади. Соя билан маккажўхорини аралаш экиш қўидагича бўлади: Улар бир қаторга ҳам экилади, ҳар бири алоҳида бир қаторга ёки икки қатор соя, икки қатор маккажўхори қилиб ҳам экилади.

Кўк нўхатни жавдар ёки сули билан, викани ҳам дошли экинлар билан аралаш экиш чорва молларини тўйимли озуқа билан таъминлаш имконини беради.

Аралаш экилганда экинларни экиш нормаси тенг ярмига қисқаради. Экинлар экиш турига қараб кенг ёки тор қаторлаб экилади. Аралаш экиш ҳайвонларни оқсилли озуқа билан таъминлаш ва ерни органик моддалар билан бойитиш демакдир.

Маккажўхори қатор оралари 60—70 см. бўлиб дуккакли экинлар билан бирга экилади.

Ер нам билан яхши таъминланганда аралаш экилган экинларни оптималь қалинлиги қўидагича: гектарига 60—80 минг маккажўхори 80—100 минг туп дук-

каклилар ва соя. Агар намлик етишмаса, ўсимликлар қалинлиги 20—30 фоиз камайтирилади.

Дуккакли дон экинларини ўриб-йигиб олиш хусусиятлари. Пояси ётиб қоладиган ўсимликлар (күк нўхат, вика, бурчок) дастлаб ўриб йигиб олиниб, бевосита комбайнда янчиб олингани маъқул. Сернам туманларда бевосита комбайнларда янчишда яхши натижалар олиниади.

Дуккакли дон экинлари фалла экинларига қараганда пастдан ўрилади. Янчишда эса уруғи майдаланиб кетмаслиги учун барабаннинг айланиш сони минутига 450—650 мартагача камайтирилади.

Назорат саволлари:

1. Дуккакли дон экинларининг аҳамияти.
2. Ботаник белгиларига қараб фарқларни айтинг.
3. Қайси дуккакли экинларни кузда экиш мумкин?
4. Хашаки ва озиқ-овқатга экиладиган дуккакли экинлар.

НЎХАТ

Ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти. Бу ўсимлик Марказий Осиёда кенг тарқалган бўлиб, жуда қадимдан экилиб келинади. Нўхатдан суюқ овқатлар, консервалар тайёрлашда фойдаланилади. Буғдои унига 10—15% нўхат уни қўшиб нон, макарон ва кондитер маҳсулотлари тайёрлаганда уларнинг тўйимлилиги ортади.

Нўхат унидан ёш болаларга сутли овқатлар тайёрлаш мумкин. Ҳали пишиб етилмаган нўхат уруғларини сабзавот маҳсулотлари сифатида истеъмол қилиш мумкин.

Нўхат чорвачиликда, айниқса чўчқачиликда оқсилли омихта ем сифатида ишлатилади. Овқатларга нўхат донидан қўшиш натижасида уларнинг сутлари кўпайди, ёш бузоқ ва чўчқа болалари тез етилади, товуқларнинг эса тухум қилиши ортади. Ем учун нўхатнинг қўнғир рангли уруғлари ишлатилади, улар майдаланиб, ёрма ҳолатида омихта емларга қўшилади.

Ботаник тузилиши. Нўхатнинг 27 та тури бўлиб, шулардан фақат биттаси Марказий Осиёда кенг тарқалган. *Cicer arietinum L* нўхатнинг ушбу маданийлашган тури бир йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, ўқ илдизи тупроққа 1—1,5 м гача кириб боради. Марказий

Осиё миңтақасыда жуда қадимдан экиб келингани учун тупроқда туганак бактериялари ҳам учрайди.

Пояси түғри тирсаксимон, баландлиги 25—95 см бўлиб, шохлаган, майда сарғиш рангли туклар билан қопланган. Нўхат лалми ерларда экилганда баландлиги 25—55 см гача, шохлаб ўсади. Бир туп ўсимликда ён шохлар сони 3—6 тагача.

Барглари калта бандли, тоқ патсимон бўлиб, барг бандида жуфт баргларининг сони 5—8 тагача. Барг бандининг учида битта тоқ барг жойлашган. Баргчалари майда арра тишли ва тукли бўлади.

Гули майда, барг кўлтиқларида якка-якка жойлашади. Гулларнинг ранги навларига қараб ҳар хил бўлади. Оқ, пушти ва бинафша ранг бўлиши мумкин. Бошқа дуккаклилардан фарқи шуки, нўхатнинг гуллари алоҳида жойлашади. Гули тузилишига кўра бешта гултожи барги йирик, уни елкан, ён томондаги иккита кичикроги қанотча ва пастки чети билан бир-бирига туташиб ўсган иккита пастгиси қайиқча деб аталади. Оталик чангчилари ўнта, шулардан тўққизтаси қўшилиб, биттаси алоҳида ўсади. Чангчилари эгилган калта устунчаси бўлган чўзиқ ва икки томони сиқиқ, оналик тутунчасини ўраб туради. Нўхат ўзидан чангланади.

Дуккаклилар овалсимон ёки қавариқ шакл-



11-расм.
Нўхат ўсимлиги ва дуккаги.

Ўзбекистонда дарракатга дош эканаларини эмчи усул, муддати, экиш чукурлуги ва чукурлуги

Экинлар	1000 дона урганинг важни	Экиш нормаси млн. дона	Экиш усули	Экиш муддати	Экиш чукурлуги		Ўсиш даври, кун.
					ентил	оғиз	
Нұхат	160—220	0,8—1,0	тор каторлаб	тупр. ҳарорати 3—4° С	6—8	5—6	70—100
Соя	125—150	0,4—0,7	кент каторлаб 60—70 см	тупр. ҳарорати 10—12° С	4—6	3—4	75—130
Олдий фасоль	200—40	0,3—0,5	кент каторлаб	тупр. ҳарорати эртаги 3—4° С	3—5	3—4	90—95
Экма нұхат	150—250	1,0—1,2	тор каторлаб	эртаги 3—4° С	6—8	4—5	75—100
Хашаки нұхат	150—170	1,0—1,2	тор каторлаб	эртаги 3—4° С	5—6	3—5	75—100
Бурчок	160—300	0,9—1,1	тор каторлаб	эртаги 3—4° С	5—6	3—4	80—120
Ясмик	55—65	2,0—2,5	тор каторлаб	эртаги 6—8° С	5—6	4—5	80—120
Молл	35—45	1,1—2,0	кент каторлаб	кечки 12—14° С	4—5	3—4	75—100

да. Сарғиш түкли бўлади. Дуккагида асосан 1—2 та уруғ бўлади. Бақувват, сершоҳ ривожланган нўхат дуккакларида баъзан учта уруғ ҳосил бўлади. Дуккакнинг узунлиги 1,5—3,5 см гача етади.

Уруғи думбоқчали ёки ғадир-будир, тумшуқчаси яққол кўринади, баъзан тумшуқчаси катта, алоҳида ажралган бўлса, баъзан уруғдан салгина ажралган кичкина тумшуқчаси бўлади.

1000 дона нўхат уруғининг оғирлиги ўртача 220—300 гр., йирик уруғларида 600 гр. гача бўлса, майда уруғларда 60 гр гача бўлади. Ўсиш даври 60—90 кунгacha.

Биологик хусусиятлари. Нўхат иссиққа талабчан ўсимликлар гуруҳига киради, аммо уруғлари 3—4°C ҳароратда уна бошлайди, 5—6°C ҳароратда эса униб чиқади. Ҳаво ҳарорати 25—26°C бўлса 5—6 кунда униб чиқади.

Нўхатнинг ёш майсалари 5—6°C совуққа ҳам эрта баҳорги совуқларга ҳам чидамли. Униб чиққанидан сўнг нўхат майсалари иссиққа талабчан бўлади. Айниқса гуллаш ва мева ҳосил қилиш даврида ҳаво ҳарорати 20°C дан паст бўлмаслиги керак. Ўсимлик униб чиққанидан ҳосил бергунича фойдали ҳарорат йигиндиси 1800—2000°C дан кам бўлмаслиги зарур. Ҳаво ҳарорати нисбатан паст бўлган йилларда ҳам нўхат уруғлари пишиб етилади.

Дуккаклилар ичида нўхат ҳаво ва тупроқ қурғоқчилигига энг чидамли ўсимлик ҳисобланади. Марказий Осиё шароитида нўхат фақатгина лалми зоналарда экилади. Уруғлари униб чиқиш ўртача 106%, намни сингдириб олгандан кейин униб чиқади. Уруғининг ўзи эса 13,2—13,5°C нам сақлади. Униб чиқиши учун ҳам намни кўп талаб қиласи. Униб чиқиши кўп нам талаб қилгани учун ҳам бу ўсимлик эрта баҳорда, тупроқда нам юқори бўлганда экилади.

Нўхат ёруғликка талабчан узун кун ўсимлигидир. Қисқа кунда ўстирилган барча турларининг гуллашга-ча даври 40—60 кунга, баъзилари 20—30 кунгacha чўзилади.

Дуккакли ўсимликлар ичида нўхат нисбатан тупроққа талабчан эмас, деярли барча тупроқларда ўса олади. Қора, қўнғир, қумоқ, қумлок, бўз, ўтлоқ бўз, соҳ тупроқларда нўхатни етишириш мумкин. Тупроқларда хлорли тузлар бўлса ёки ўта ботқоқланган бўлсангина нўхат ўсмайди.

Нўхатнинг гуллаш даври 20—30 кунгача чўзилади. Гуллаш фазаси даврида ёмғирлар кўп бўлса, гуллари чангланмай қолиб, янги гул ҳосил қиласди. Бир дона гулнинг фунча ҳолидан очилгунича уч кечакундуз вақт ўтади. Ўз-ўзидан чангланиб бўлгандан кейингина гулгунчалари очилади. Очилиш даври эрталаб соат 7 00 дан кечқурун соат 17 00 гача давом этади. Гули 12 соат мобайнинда узлуксиз очилиб тургандан кейингина сўлий бошлади. Чангланганининг 4-куни уруғ тугунчалари кўзга ташланади, 20 кун ўтгандан кейин батамом дукак ҳолига киради.

Экиладиган навлари. «Лаззат», «Узбекистанский», «Зимистони» — Тожикистон деҳқончилик илмий текшириш институти томонидан, «Душанбинский»-78, «Таджикский-10» навлари дурагайлаш йўли билан яратилган. Қашқадарё вилоятининг лалми майдонларида иқлимлаштирилган. Ўсимлик пояси тик туради, баландлиги 24,4 см, баргларининг чети тишли, тўқ яшил рангли, ўртacha йирик баргчалардан иборат. Гуллари оқ рангда. Дуккакларининг узунилиги 1,5—2 см, эни 0,9—1 см бўлиб, 1—2 та, баъзи ҳолларда 3 та уруғли бўлади. Уруғлари оч пушти рангда, буришган майда, уруғ паллалари сариқ рангда. Сифати ва таъми жиҳатидан ўртacha ва яхши. Сувда шишиши бир текис, уруғидаги оқсил миқдори 23,6—26,9% ни ташкил этади. Уртапишар нав бўлиб, тўла униб чиқишидан хўжалик техник етилишгача давр 72—78 кунни ташкил қиласди.

«Милютинский-6» — Ўзбекистон Дон Илмий Текшириш Институтида К-372 ни якка танлаш йўли билан яратилган. Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент вилоятларининг суборилмайдиган ерлари учун иқлимлаштирилган. Пояси ётиб қолмайди, механизация билан йиғиб олишга яроқли, тўкилишга мойил.

Ўсимлик узунилиги 30—35 см, 1000 дона уругининг оғирлиги 384 г. Протеин миқдори 23,7 фоиз ўсиш даври тўла униб чиққанидан техник етилишигача бўлган 79 кунни ташкил этади.

«Юлдуз» — Ўзбекистон Дон Илмий Текшириш институти томонидан кўп марта якка танлаш йўли билан яратилган. Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент, Сурхондарё вилоятларининг суборилмайдиган ерлари учун иқлимлаштирилган. Гуллари оқ, йирик,

дукқаклари 1—2 уругли, уруғлари буришган, оқ рангли. 1000 та уруғининг оғирлиги 372—305 г. Ўртапишар нав бўлиб тўлиқ униб чиққанидан техник етилишгача бўлган давр 78—79 кунни ташкил этади. Протеин миқдори 24,3—26 фоиз. Аскахитоз билан касалланмайди. Курғоқчиликка чидамли, дукқаклари ёрилмайди.

Етишириш усули. Нўхат учун дон экинлари, полиз экинлари ва кунгабоқар энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Нўхатнинг ўзи ҳам бу экинлар учун яхши ўтмишдош экинлардан биридир. Алмашлаб экишда нўхат дон ёки полиз экинидан кейин экилса, ҳосилдорлиги 2—3 ц га юқори бўлади, ва зааркунанда ҳашаротлардан кам заарланади. Агарда лалми ерга беда ёки нўхатдан кейин экилса касаллик ва зааркунанда кўп бўлади. Лалмикор ерларда тупроқнинг ёғингарчиликдан етарлича намиқиши ҳамиша содир бўлавермайди. Шу сабабли агротехника тадбирларига амал қилган ҳолда асосий эътиборни курсоқчиликка қарши кураш, яъни тупроқда кўп миқдорда нам тўплаш ва уни сақлашга қаратмоқ лозим. Шунингдек алмашлаб экиш тизимига ҳам риоя қилиш мақсадга мувофиқ. Агар буғдойдан кейин узлуксиз буғдой экилаверса ҳам тупроқда бегона ўтлар кўпайиб, ер кучсизланиб кетади.

Эгатларни культиваторларда олиш ҳам мумкин. Бунинг учун культиваторга кенглиги 60—70 см бўлган окучник (жўяқ торғич) ўрнатиб, 12—15 см чукурликда эгат олиш лозим. Максус плутларда ҳам бу ишни бажариш мумкин.

Нўхат экиладиган далаларга эрта баҳорда 30 кг азот, 60 кг фосфор аралаштириб солиниши керак. Азот билан фосфор аралаш солинган майдонларда албатта ҳосилдорлик сезиларли даражада ошади.

Нўхат экиладиган майдонлар кузда чуқур шудгорланиши лозим, чунки илдизлар 1 м ва ундан чукурроқ кириб бориб, озиқ модда ва намни ўзлаштириб олади. Нўхат ҳам бошқа дукқаклilar каби илдизларидаги туганак бактериялар орқали ҳаводан соф азотни синтез қилиб олади ва азот тўплайди.

Марказий Осиё шароитида нўхат лалми зонага экилганда, уруғлар албатта нитрагин билан ишланиши шарт, бўлмаса илдизларда жуда кам туганак тўпланади.

Нўхат бошқа дукқаклilarга қараганда азотни жуда кам миқдорда тўплайди, бунга сабаб унинг нам кам

бўлган тупроқда ўсиб ривожланишидир. Маълумки, тупроқ қуруқ бўлса туганак бактериялар азот тўпламайди.

Республикамизнинг жанубий туманларида нўхатни кеч кузда (тўқсонбосди қилиб) экиш ҳам яхши натижа беради. Нўхатнинг майсалари бемалол қишлоаб чиқади. Бизнинг лалми шароитимизда нўхат тор қаторлаб, буғдой экадиган сеялкаларда ёки сочма қилиб экилади. Лалми шароитда нўхат кенг қаторлаб экилса ернинг нами тез қочади. Маълумки, ўсимлик ерни соялагандан кейин маълум миқдорда намлини сақладайди. Тупсони эвазига ҳам ҳосилдорлик ошади.

Нўхат экиш меъёри навига, экиш усулига ва экиш муддатига боғлиқ. Баъзи навларининг уруглари йирик бўлади. Айниқса оқиш рангли уруг навларида 1000 дона доннинг оғирлиги 380—400 гр га тўғри келади. Экиш нормаси, йирик уругларда юқори, майда уругларда кам бўлади. Нўхат тор қаторлаб ёки сочма қилиб экилса, экиш нормаси кенг қаторлаб экилганига қараганда 15—20 фоиз кўпаяди. Нўхат суғориладиган далаларга экилганда ҳам экиш нормаси ошади. Кенг қаторлаб экилганда гектарига 400—500 минг дона, тор қаторлаб экилганда эса 700—800 минг дона уруг ташланиши керак. Масалан, 1000 дона уругнинг оғирлиги 200 гр бўлса, 500 минг дона уруг ташланса $0,2 \times 500 + 100$ кг. га ни ташкил этади. Экиш нормаси лалми шароитда 50—60 кг. дан кам бўлмаслиги шарт. Экиш нормасини бундан камайтириш ҳосилдорликнинг камайишига олиб кела-ди. Оғир, соз тупроқларда уруглар юза ташланади. Нўхат уругларини 4—6 см чукурликда ташлаш лозим. Экиш чукурлиги тупроқнинг намлиги ва физик хоссаларига ҳамда экиш муддатига боғлиқ. Нўхат уруглари 5—6 см чукурликка ташланганда деярли 100 фоиз униб чиқади. Нўхатни дон сеялкалари ва СПЧ — 8 маркали сеялкаларда экиш мумкин. Қатқалоқ ҳосил бўлишига йўл қўймаслик керак, акс ҳолда намлик қочиб кетади. Майсалар тўлиқ униб чиққанидан кейин албатта борона қилинади. Натижада бегона ўтлар йўқотилиб, тупроқда нам сақланиб қолишига эришилади. Бу тадбир бегона ўтлар энди томир отаётганда ўтказилиши лозим, томирлари кўчган бегона ўтлар қуриб қолади.

Нўхат кенг қаторлаб экилган бўлса, албатта 2 марта культивация қилинади. Биринчи культивация ни-

ҳоллар ёш пайтида ўтказилса, иккинчи культивация гунчалаш ва гуллаш даврида ўтказилади.

Иккинчи культивациядан кейин ўсимлик қаторла-ри қўшилиб бирлашиб кетади, бегона ўтларни сиқиб қўяди. Кенг қаторлаб сугориладиган майдонларга эки-ладиган бўлса, иккинчи культивациядан кейин жўяк олиб, нўхат бир марта сугорилади, бунда ҳосилдорлик 2,5—3 баравар ошади.

Нам кўп бўлган йиллари гектаридан 5—6 ц. дан дон олинади. Нўхатни бошқа дуккакли ўсимликлардан фар-қи шуки уни ҳеч қийинчиликсиз механизация ёрдами-да йиғишириб олиш мумкин. Нўхатнинг поялари тик, дуккаклилар поясининг юкори қисмида жойлашган. Поялари ётиб қолмайди, ана шу хусусиятлари ҳосил-ни тўғридан тўғри комбайнларда йиғишириш имко-нини беради.

Нўхатнинг пишиш даври бошқа дуккаклиларга қара-ганда қисқа, биринчи дуккаги сарфая бошлагандан 3—4 кун ўтгач, дуккаклар пишиб етилади. Нўхат уруғлари тамоман пишиб етилгандан кейингина йиғишириб олинади.

Пишган дуккаклар узоқ вақт туриб қолса, ҳосил-нинг бир қисми йиғишириш даврида тўқилиб кета-ди.

Дон комбайнлари ўришга тушишидан олдин, ал-батта нўхат уруғарини янчишга мослаштириш лозим. Бунинг учун барабанларнинг айланиши минутига 500—600 марта бўлиши керак. Юқоридаги тадбирларга амал қилинганда нўхат уруғларини нест-нобуд қилмай йи-гишириб олиш мумкин.

Нўхат узоқ йиллардан бери хусусий томорқаларда экилиб келинади. Бунда ҳосил қўлда, ўроқлар ёрдами-да йиғишириб олинади, майда уй хирмонларида эса оддий усулда янчиб, тозалаб олинади. Бу усулда нўхат донлари янчилиб кетмай балки бутунлигича қолади.

Назорат саволлари:

1. Нўхатнинг кимёвий таркибини таърифланг.
2. Барглари қанақа барг ҳисобланади?
3. Гулларининг ранги ва жойлашишини айтинг.
4. Лалми нўхат ва сугорилган ердаги нўхат ўсимлигининг фарқи.
5. 1000 дона ургнинг вазни неча грамм келади?

МОШ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Марказий Осиё ва Кавказ орти республикаларида мошдан озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланилади. Мошдан тайёрланган ун ма-каронга қўшилса, унинг тўйимлилиги янада ортади. Мошнинг кўк пояси ҳам, қуриган пояси ҳам, ҳайвонлар учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Мошни макка-жўхори билан аралаш экиб, оқсилга бой кўк поя ва силос тайёрлаш мумкин. Уруғи таркибида 25—27 фоиз оқсил бор.

Ботаник — морфологик белгилари. (*Phaseolus aureus* Ripeg). Мош бир йиллик ўтсимон ўсимлик. Илдизлари ўқ илдиз бўлиб, бакувват ривожланган. Илдизларидаги туганак бактериялар орқали ўсимлик ўзини азот билан таъминлайди. Пояси думалоқ кўринса-да, қиррали. Ўсиш даврининг бошидан шоналашгача тик, сўнг чирмасиб ёки ярим ётиб ўсади. Бўйи 30—130 см гача бўлиб, ўртacha 50—60 см, яхши шохланади. Ён шохлар ёйиқ ёки тарвақайлаган ҳолда бўлади. Пояси катта майдонни эгаллаши туфайли механизация ёрдамида йифиштириш оғир. Пояси қорамтири тук билан қопланган. Барглари учталик (уч қўшалоқ), майда қорамтири сарғиш туклар билан қопланган, барг бандлари йирик ва узун. Барг банди ва баргининг орқа томонида туклар кўп. Мошнинг барги ташқи кўринишидан ловиянинг баргларига ўхшайди. Гуллари йирик, бинафша ва сариқ рангларда. Гули тўп бўлиб жойлашган. Гулининг 10—20 таси бир тупга бириккан. Шингилида гулнинг бир қисми ривожланмай қуриб қолади. Гулнинг умумий тузилиши бошқа дуккаклilarникига ўхшаш.

Дуккаги тўғри, эгилган ёки чўзиқ ингичка дуккак, учи ўткир майда қорамтири тук билан қопланган. Туклар дуккакка қора тус беради, узунлиги 5—18 см га етади ва бир дона дуккакнинг ичиди 6—15 тагача уруғ бўлади. Пишиб етилган дуккаклари жигарранг, деярли қора бўлади. Ўсимлик поясидан осилиб туради, пишгандан кейин тез йифиштирилмаса чатнайди.

Уруғи майда, сал чўзинчоқ, ҳажми 3—5 мм, ранги сарғимтири, яшил, қора бўлади. Уруғ кертигининг ранги қора, баъзан оқ рангда. 1000 дома уругининг вазни 50—80 г келади.

Биологик хусусиятлари. Мош иссиқقا талабчан ўсимлик бўлиб, уруғлари 10—12°C да уна бошлайди.

Муқобил униш ҳарорати 12—14⁰С ҳисобланади. Ҳаво ҳарорати паст бўлса ниҳолларнинг униб чиқиши чўзи-либ кетади ва уруғларининг бир қисми чирийди.

Мошнинг уруғлари 20—22⁰С да 4—5 кунда униб чиқади. Баҳорги совуқларга чидамсиз. Ёш майсалари ҳам, катта вояга етган ўсимликлари ҳам 1—2⁰С совуқда ҳалок бўлади. Ловияга қараганда қурғоқчиликка чидамли.

Мош ёруғликка талабчан ўсимлик ҳисобланади. Мош ҳам узун, ҳам қисқа кунли ўсимлик ҳисобланади. Ўсиш даврининг биринчи, яъни гуллагунга қадар даври анча чўзиқ ҳисобланади. Намга бўлган талабига қараб мезофит ўсимликлар гуруҳига киради. Қурғоқчил шароитда ўса олмайди. Ўсиш даврининг иккинчи гуллагандан кейинги даврида намга талаб бирмунча ортади, агарда тупроқда нам миқдори 65 фоиздан кам бўлса, ҳосилдорлик сусайиб кетади. Пастки дуккаклари сарғая бошлагандан кейин суғориш тўхтатилади.

Мош биологик хусусиятларига кўра тупроқда нисбатан талабчан эмас. Қора, бўз, ўтлоқ бўз, қумоқ, соз, сал шўрланган тупроқларда яхши ўсиб ривожланади. Ўтлоқ бўз тупроқлар Ўзбекистонда мош учун энг яхши тупроқ ҳисобланади. Тупроқ таркибида озиқ моддалар кам бўлса ҳам мош илдизидаги туганак бактериялар ёрдамида ўзини ўзи азот билан таъминлайди. Барча тупроқларда мошнинг муҳим туганак бактериялари учрайди.

Мош ўз-ўзидан чангланувчи ўсимлик. Ўсиш даври 80—120 кун. Такрорий экилган пайтида ўсиш даври баҳоригига қараганда 15—10 кунга қисқаради.

Экиладиган навлар «Радость» — Ўзбекистон шоли-чилик илмий текшириш институти томонидан ВИР намунаси, катологларнинг № 4730x22450 чатиштириш натижасида яратилган. 1984 йилдан мамлакатнинг суғориладиган ерлари учун иқлимлаштирилган, рангли, силлиқ, кам ҳолларда эгилган, 10—14 уруғли бўлади. Уруғлари ўртача йирик, узунчоқ, яшил рангли, силлиқ, ялтироқ уруғ палласи оқ рангда. Уруғида оқсил миқдори 27 фоиз, 1000 дона донининг оғирлиги 47,8 г. Тошкент вилоятидаги Ўрта Чирчик туманида гектарига 14,5 ц. ни ташкил қилган.

«Победа-104» — Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг Ўрта Осиё тажриба станциясида Хитой намуналари танлаш йўли билан яратилган. 1948 йилдан мамлакатда иқлимлаштирилган. Шоҳлари тарва-

қайлаган, асосий пояси тик ўсади. Баландлиги 30—50 см. Дуккакларининг узунлиги 10—15 см, цилиндрсизмон, тўқ жигар рангли. Уруглари анча йирик, яшил рангли, 1000 дона уруфининг оғирлиги 50—54 г. Тошкент вилоятидаги Ўрга Чирчиқ нав синаш участкасида гектаридан ўртача 18,4 ц. дон ҳосил олинган.

Етиштириш усули. Мош ўзининг биологик хусусиятларига кўра кўпгина ўсимликлар учун энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Чунки ўзининг илдизлари орқали ўзлаштирган азот билан ўзини ўзи таъминлайди, келгуси йил ҳосили учун тупроқда кўп миқдорда соф ҳолдаги азот қолдиради.

Мош учун қатор оралари ишланадиган ўсимликлар ва дон экинлари яхши ўтмишдош ҳисобланади. Ўзбекистонда мошни, асосан такорий экин сифатида ёки анғизга (буғдой, арпадан бўшаган далаларга) экилади. Мош анғизга экиладиган бўлса, дон экинлари сомони олиб кетилгандан сўнг дарҳол далага сув қуилади. Ер тобига келгач, чизелланади. 20—22 см чуқурликда, борона босилади ва мола қилинади.

Ер яхшилаб тайёрлангандан кейин мошни экишга киришилади. Экин мослаштирилган дон сеялкаси СЗТ-3,6, сабзавот СОН-2,8 ёки СПЧ-6 маккажӯхори сеялкаларида кенг қаторлаб экилади. Экиш билан бир вақт-да окучниклар ёрдамида жўяклар олиб кетилади. Экиш муддатини кечикириб юбориш ярамайди. Чунки экин қанча кеч экилса, ҳосилдорлик шунчага камайиб кетади. Мошни энг кечи билан 15-июлгача экиб бўлиш керак.

Экиш меъёри кенг қаторлаб экилганда 20—25 кг, тор қаторлаб экилганда 35—40 кг ни ташкил этади. Мош эрта баҳорда экилганда экиш меъёри такорий экилганга қараганда кўп бўлади. Бунда гектарига 25—30 кг уруғ сарфланади. Тупроқда нам етарли бўлган пайтда уруғлар 3—4 см чуқурликда, тупроқ қуруқ ва қумоқ бўлса ёки ёзда такорий экилса, уруғлар 5—6 см чуқурликда ташланади.

Мошнинг майсалари униб чиққанидан кейин қатор оралари ишланиладиган ўсимликлар каби барча агротехник тадбирлар бажарилади. Уруғлар бехато униб чиқиши учун ер дастлаб дала бегона ўтлардан тозаланади. Бунинг учун мошнинг биринчи учталик барглари ҳосил бўлиши билан қаторлар оралиғида 5—7 см чуқурликда биринчи культивация ўтказилади. Бу билан бегона ўтлар-

ни йўқотиб, мош илдизларининг нормал ривожланишига эришилади. Тупроқда етарли даражада нам ғовак бўлса, барча микробиологик жараёнлар жадаллашади. Мошнинг илдизларида тутанак бактерияларнинг ҳосил бўлиши сезиларли даражада фаоллашади.

Мош минерал ўғитларга нисбатан талабчан. Фосфорли ва азотли ўғитлар икки марта берилади. Биринчиси ҳайдов, иккинчиси культивация даврида солинади. Агарда мош экиладиган пайтда уруғ нитрагинланниб экилган бўлса, азотли ўғитларни культивация билан бир марта солиш кифоя. Гектарига 60 кг азотли ва 60 кг фосфорли ўғитлар солинади. Уруғ нитрагинланган бўлса 30 кг азотли ва 60 кг фосфорли ўғитлар берилади. Мош органик ўғитларга жуда талабчан. Мош экилиши режалаштирилган далаларга куздаёқ гектар бошига 10—12 тонна гўнг солинади. Солинадиган гўнг чириган, 2—3 йиллик бўлиши лозим. Янги гўнгда бегона ўтлар уруғи кўп бўлади. Шунингдек, гўнгнинг чириши натижасида ҳосил бўлган карбонат ангидрид ёш майсаларни нобуд қилиши мумкин.

Суғориладиган шароитда минерал ўғитлар билан озиқлантиришни суғориш билан биргаликда олиб бориш керак. Ҳар галги суғорищдан сўнг ер етилиши билан қатор ораси ишланса, тупроқда нам узоқ сақланади ва бегона ўтларни йўқотиш осонлашади. Культивация билан бир йўла суғориш учун эгатлар олиниб кетилади. Мошнинг ўсиш даврида 3—4 марта суғориш ишлари олиб борилади. Такрорий экин сифатида ер ости сувлари 1—1,5 м бўлган далаларга экилса, у ҳолда 2 марта суғориш ҳам мумкин.

Мош дуккакларининг пишиш даври унчалик узоққа бормайди. Бунда дастлаб пастки дуккаклар пишади ва поянинг пастки қисмидаги барглари сарғайиб, тўкила бошлайди.

Мош уруғлари пишгани билан дуккакнинг ранги ўзгармайди (дуккаклари қора рангда бўлади), фақат ушлаб кўриб, уруғининг қотганини билиш мумкин. Мошни дуккаклари 70—75 фоиз пишгандан кейин йиғишириб олиш мумкин. Агарда тўлиқ пишиш даври кутилса ўриб олинаётган маҳалда пастки дуккаклар чатнаб ёрилиб кетиши мумкин. Мошни фақат эрта тонгда ўриб олиш зарур. Кўпинча хўжаликларда такроран ёки анғизга экилган мош қўлда ўрилади ва хир-

монга ташланади, сўнгра янчилади. Ўроқ билан ўраётган пайтда ва ташиш давомида бир қисм дуккаклар ёрилиб, урутлар нобуд бўлади. Мош қўл билан ўринганда уюмлари намдан чириб кетади. Ўсимлик ўз жойида турса унинг шамоллаши ёки пояларниң қуриши тезроқ кечади.

Назорат саволлари:

1. Мошдан нималар тайёрланади?
2. Мошни қачон экиш яхши натижа беради?
3. Мош ургулалла баргини ер тагида қолдириб униб чиқадими?
4. Экиш усули қандай?
5. Мош дуккакларида қанча уруғ жойлашган бўлади?

ЛОВИЯ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Марказий Осиё аҳолиси ловияни жуда қадимдан озиқ-овқат учун ишлатиб келган. Ловия суюқ овқатларга: мастава, гўжа, угра ошларга ишлатилади. Ловия солиниб, бўтқа ва ширин қулчалар тайёрланади. Ловия донидан ун тайёрлаб жавдар ёки буфдой унига қўшиб, нон тайёрлаш мумкин. Тоза пишиб етилмаган дуккаклардан консерва саноатида фойдаланилади. Ловия ўта калорияли озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади, 1 кг ловия уруғида 3300 калория бор.

Ловиядан фақатгина озиқ-овқат саноатида эмас, балки ем-хашак саноатида ҳам фойдаланиш мумкин. Кўп миқдорда пичан кўк поя беради.

Ботаник-морфологик тузилиши. Ловия (*Vigna sinensis*) бир йиллик ўтсимон ўсимликдир. Ловиянинг илдизи ўқ илдиз, 1,5—2 м чуқурликка кириб боради. Илдизларда тутанак бактериялар учрайди. Ловияда ён илдизчалар ҳам кучли ривожланган, илдизнинг асосий масаси тупроқнинг 40 см чуқурлигига жойлашади. Ловиянинг барглари учталик ё уч қўшалоқ, аникроғи бир барг бандида учта барг жойлашган бўлади. Барг банди барг ҳажмидан калтароқ, баъзан унга teng бўлади, барг бандидаги баргчалари йирик, тўқ яшил рангда.

Ловиянинг гуллари шингил ҳолатида бўлиб, бир қўлтиқда 2—12 тагача гул жойлашади. Гуллари йирик оқ ёки бинафша рангда бўлади.

Ловиянинг дуккаги бошқа ўсимликлар дуккагига қарангандага энг йириги ҳисобланади. Бир дона дуккагининг

ицида 5—12 тагача уруғлар узунасига жойлашади. Дуккагининг ташқи кўринишидан унинг ичидаги уруғлар сонини билиш мумкин. Дуккагининг сирти текис, бироз ялтироқ, уни ингичка илмоқли бўлади. Дуккаклар ранги оқ ва сарфиш. Ловия дуккаклари пишгандан кейин поясида узоқ туриб қолса (15—20 кун) чатнаши мумкин.

Уругининг шакли буйраксимон, овалсимон, эллипссимон, яссироқ бўлиб, ҳажми — 15 мм гача етади, ранги оқ, уруғ кертиги ёки чоки яхши кўриниб туради. 1000 дона уругининг вазни 150—210 г келади.

Экиладиган навлар. «Вигна штамбовая» — 661 нави. Поялари тўғри тик ўсади, баландлиги 80—90 см, гули йирик, бинафша рангда, дуккаклари ўртача 10 см узунликда, эни 5—6 мм, тўғри шаклда, юқорига қараб ўсади, ёрилиб кетмайди. Бир дона дуккакда 8—10 дона уруғ бўлади, ранги ҳар хил тусда, оқ сариқдан қорамтиргача. 1000 дона уругининг оғирлиги 90—100 г.

«Ловия Гибридная-7». Ўзбекистон ўсимлиқшунослик институтида яратилган. Поялари тик ўсади, ба-ландлиги 80—90 см. Гулининг катталиги ўртача, бинафша рангда, дуккагининг узунлиги 8—10 см, эни 6—7 мм, бир дона дуккакда 8—11 донагача уруғ бўлади. Ранги оқиши-сарфиш, қаймоқранг, дони йирик, буйрак шаклига ўхшайди. 1000 дона уругининг оғирлиги 115—130 г келади. Дуккаклари пишгандан кейин ёрилиб кетмайди.

Биологик ҳусусиятлари. Ловия ўз биологиясига кўра иссиқсевар ўсимлик ҳисобланади, ривожланиши учун катта микдорда иссиқлик талаб қилинади. Уруғлари 10°C да униб чиқади, майсалари $12-15^{\circ}\text{C}$ да шакланади. Уругининг униши учун етарли ҳарорат $15-20^{\circ}\text{C}$. Совуқ тушиши билан вояга етган ўсимликлар нобуд бўлади.

Ёш майсалари катта ўсимликка нисбатан совуқдан кўп зарарланади. Ловия ҳаво қурғоқчилигига қараганда, тупроқ қурғоқчилигига кескин камайиб кетади.

Тошкент вилоятида эрта ва ўртапишар ловия навлари яхши ўсиб ривожланиши учун ўсиш даврида камида уч марта, кечпишар навлари эса 4—5 марта суғорилади. Ловиянинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 28—30 ц.

Ловия ёруққа талабчан, қисқа кунлик ўсимлик ҳисобланади. Соя жойларда ҳам яхши ўсади. Экиш муддати кечиккан сари ўсимликтин ўсиш даври қисқарип боради.

Ловия бошқа дуккакли ўсимликларға қараганда тупроққа унчалик талабчан әмас. Турли хил қора, қумоқ, соз, бўз ва бошқа хил тупроқларда яхши ўсади.

Етиштиринш усули. Ловия дуккаклилар оиласига мансуб бўлганлиги учун кўп ўсимликларга яхши ўтмишдош ҳисобланади. Ловиянинг ўзи учун қатор оралари ишланадиган ўсимликлар энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Масалан, пахта, картошка, кунгабоқар кейин экилганда далалар бегона ўтлардан тоза бўлади ва ўсимликнинг ўсиб ривожланиши учун қулай шароит вуждуга келади.

Ловия минерал ўғитлардан фосфорли ўғитларга талабчан, азотли ўғитларнинг маълум бир қисмини ўзи тўплайди. Бизнинг мамлакатимиздаги тупроқларда калий миқдори нисбатан юқори. Фосфорга бўлган талабни эса фақат тупроққа солинган ўғит орқали қондириш мумкин. Фосфорли ўғитларни гектарига 45—60 кг (соғ ҳолда), калийли ўғитларни 30—45 кг, азотли ўғитларни 15—25 кг миқдорда солиш мумкин. Ловия илдизларида туганак бактериялар ҳосил қилишга қарамасдан, албатта экишдан олдин уруғлар нитрагин билан аралаштириб экилади, бу вақтда олинадиган ҳосил 20—25 фоиз ортиқча бўлади.

Ловиянинг яна бир хусусияти шундаки, у кулга талабчан бўлади. Агарда экиладиган майдонларга гектарига 4—6 ц кул солинса, ҳосилдорлик сезиларли даражада ошади. Ловия экиладиган тупроқлар сифатли ишланиши лозим. Агарда ловия эрта баҳорда экиладиган бўлса, кузги шудгорни имкони борича барвақт ўтказиш ва фосфорли ҳамда органик ўғитлар билан ўғитлаш лозим.

Экишдан олдин ерни бороналаш, мола босиш ва зарур бўлса культивация қилиш керак. Такрорий экин сифатида экилганда чизеллаб, бегона ўтлар кўпайган бўлса культивация қилинади.

Ловия бизнинг шароитимизда фақат сугориладиган майдонларда ўстирилади, ўсиб ривожланиши ва ҳосил бериши учун бир ўсиш даврида 3000 м^3 сувни талаб қиласи. Такрорий экилганда экишдан олдин албатта сугориб экилади. Шунда ниҳоллар тўлиқ униб чиқади. Иккинчи сугориш гунчалаш, учинчиси гуллаш даврида ўтказилади. Ловия ҳар 15—20 кунда сугорилади. Баҳорда экилган ловия майдонлари тўрт марта, анғизга ёки такрорий экилган пайтда уч марта сугорилади.

Ловия уруғлари экишдан олдин сараланади. Синган, бужмайган яхши пишмаганлари ажратилади.

Уруғлар қиши билан нам тортган бўлса, экишдан олдин қиздирилиши керак. Ловия уруғлари далага барча баҳори совуқлар ўтиб кетганидан кейин экиласди.

Ловияни Жаңубий туманларда апрель ойининг иккинчи ярми, шимолий туманларда эса май ойининг бошларида экиш мумкин. Ловия кенг қаторлаб экиласди. Бунда қатор оралари 60—70 см кенгликда бўлиши керак. Ловия уруғлари СПЧ-6 маркали сеялкаларда экиласди. Экиш меъёри урганинг ҳажмига, навига ва усуглига қараб ўзгариб туради. Экиш меъёри гектарига 40—50 кг. Бир метр узунликка 6—8 дона уруғ тушиши лозим. Ловия уруғ палла баргларини ер бетига кўтариб чиққанлиги учун албатта юзароқ экилиши керак (4—5 см). Агарда тупроқ ғовак, қумоқ бўлса, у ҳолда уруғлар 6—8 см чуқурликка экиласди.

Ловия майсалари униб чиққанидан кейин юқори агротехника қоидаларига асосан парвариш қилиниши керак. Ҳамма уруғлар тўлиқ униб чиққанидан сўнг, қаторлар ҳосил бўлганидан кейин биринчи культивация ўтказилади. Культивация чуқурлиги 5—7 см бўлиши лозим. Ўсиш даврида 3 марта культивация ўтказилади. Культивация оралиғи 12—15 кун бўлиши ёки ҳар галги суфорищдан сўнг культивация қилиниши керак. Иккичи культивация билан гектарига 30—35 кг фосфорли ва 20—22 кг калийли ўғитлар берилади. Ниҳоллар бир-бiringa туташиб кетганда культивация қилинмайди.

Ловиянинг пастки барглари сарғая бошлаб, дуккаклари 60 фоизга етилганда, йифиширишга киришилади.

КЎҚ НЎХАТ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Кўқ нўхат оқсилга бой қимматли озиқ-овқат маҳсулотидир. Пишган уруғлари бутунлигича ва майдалангандан ҳолда ишлатилади, баъзан ҳар хил овқатларга ҳам солинади. Кўқ нўхат уни макаронларга ҳам қўшилади. Одатда озиқ-овқатга ишлатиш мақсадида оқ донли, сариқ донли, сариқ-қизғиши рангдаги, баъзан кўқ рангдаги уруғлари етиширилади. Қорамтири рангдагилари ёмон пишади ва ранги чиқиб кетиб овқатнинг таъмини ҳамда рангини бузади.

Кўк нўхатдан консерва саноатида ҳам жуда кенг фойдаланилади. Кўк ҳолида донлари йигиб олинганидан сўнг қолган пояларидан пичан ва силос олишда фойдаланиш мумкин. Йигиштириб олингандан сўнг 1 га тупроқда 100 кг соф азот қолдиради, буни 20 т гўнг билан тенглаштириш мумкин. Кўк нўхатнинг илдизи пастки қатламларга кириб боради. Тупроқда қийин эрийдиган тузларни ўсимлик ўзлаштириш учун қулагай ҳолга етказиб беради.

Кўк нўхат кўкат озиқ ва силос бостириш усули ҳам экилади. 100 кг нўхат донида 117 озуқа бирлиги бор, унинг 1 кг да 180—240 г ҳазм бўладиган протеин, 12,5 г лизин, похолида 31 озуқа бирлиги бор.


Экин майдони ва ҳосилдорлиги. Бу ўсимлик ер юзида қарийб 8 млн. гектар майдонни эгаллайди. Дунё бўйича кўпгина мамлакатларда, хусусан АҚШ, Канада, Хитой, Европада экилган. Иттифоқимизнинг Европа қисмидаги қарийб 3,2 млн. гектарига кўк нўхат экиб келинган. Ўзбекистонда бу ўсимлик асосан оралиқ экин ва кўкат ўғит сифатида узоқ йиллардан бери экилиб келинади. Ўзбекистоннинг суғориладиган майдонларида кўк поясидан 320—350 ц. га, донидан 25—28 ц га ҳосил олинган. Кузда асосан қўнғир донли хашаки кўк нўхатнинг қишлоғчи навлари экилади.

Ботаник белгилари. Кўк нўхат — *Pisum L* нинг бир қанча тури бўлиб, шундан полиморф тури экма нўхат (*Pisum Sativum L*) кўп экилади. Унинг бир қанча кенжатури бор. Шундан асосийси: (1. *SSH Sativum* — оқ гулли ва бир тусдаги (оқ уруғлари) ва 2 *SSP. arvnse* — қизғиши бинафша ранг турли ва кўпгина хол-хол бўлган дала ёки хашаки нўхат, қизил антоциан доғли ёнбаргчаси бўлади.

Экма нўхат дони озиқ-овқатта ишлатилади. У қобиқларига қараб арчиладиган ва ширин донли навларга ажратилади. Қобиқли нўхат дуккаги деворларида пишиқ пергамент қават бўлади. Бу нўхат дон учун экилади.

Кўк нўхат бир йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, поялари ўсиш даврининг бошида тик ўсади. Поясининг ўртаси бўш, осон ётиб қолади. Поя узунлиги навига қараб 30—300 см.

Кўк нўхатнинг гул тўплами бўғимларида ҳосил бўлади. Гули оқ, қизғиши ёки бинафша рангларда. Кўк нўхат гулида 10 та чангчиси бўлиб, шундан 9 таси қўшилиб ўсган, 1 таси алоҳида бўлади.



12-расм:

А-экма күк нүхат ўсимлиги; Б-гули ва барглари;
В-дуккагининг кесилган холдаги кўриниши.

Меваси дуккак, навига қараб ҳар бир дуккак ичида 3—9 тагача дон бўлади. Дуккагининг тузилишига қараб ёриладиган ва ширин кўк нўхат шакллари мавжуд.

Кўк нўхат дуккаги қаттиқ парда билан қопланган. У 2—3 қават ёғочланган ҳужайралардан ташкил топган.

Ширин кўк нўхат дуккаги қалин парда билан қопланган шунинг учун озиқ-овқатда кўк ҳолида истеъмол қилиниши мумкин. Кўк нўхатнинг ширин навлари сабзавот сифатида озиқ-овқат, консерва саноатида ишлатилади. Ширин ва ярим ширин кўк нўхат дуккаклари қуруқ ҳавода чатнаб кетади, уларни янчидан олиш анча қийин.

Кўк нўхат донлари шарсимон, чўзинчоқ, устки қисми текис, баъзан бўртган бўлади. Кўк нўхатнинг оқ рангисининг устки қисмидаги парда рангсиз бўлади. Ургининг ранги уруғ палласининг рангига боғлиқ. Кўк нўхат уруғи сариқ, сариқ-қизғиш, кўк, кулранг, баъзан қора бўлади.

1000 дона ургининг оғирлиги навига ва ўстириш шароитига қараб 40—400 г гача бўлади. 1000 дона ургининг ўртача оғирлиги 200—270 г.

Биологик хусусиятлари. Кўк нўхатнинг кўпчилик турлари қисқа шаклларда бўлиб, яровизация даврига эга. Биринчи ўсиш даври -2° , $+20^{\circ}\text{C}$ ҳароратда 10—20 кун ичида кечади. Яровизация ўтиши учун энг қулай ҳарорат -3°C , -5°C ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, кўк нўхатнинг яхши ўсиб ривожланиши учун уни эртароқ экиш керак.

Умумий ўсиш даврининг давомийлигини гуллаш вақтида аниқлаш мумкин, одатда тез гуллаб бўладиган нав тезпишар, кеч гуллайдиган кечпишар бўлади.

Гуллаш даври билан пишиш даврининг давомийлиги ҳарорат ва намлика жуда боғлиқ. Ортиқча намлиқ ва паст ҳароратда гуллаш билан пишиш даври чўзилиб кетади, натижада уруғи замбуруғ касалликлари билан касалланиб, ҳосилдорлик кескин пасайиб кетади. Шунинг учун уруғни ўз вақтида экиш зарур.

Кўк нўхат иссиқликка кам талабчан. Уруғи 1°C , 2°C ҳароратда униб чиқа бошлайди. Қисқа муддатда -5°C совуққа чидайди. Шунинг учун кўк нўхатни эртаги муддатларда экиш мумкин. Кўк нўхатнинг усти буришган навларининг кўкариши учун бирмунча (4 — 8°C) юқори ҳарорат талаб қилинади, намлика талабчан экин. Гул-

лашгача жуда кўп миқдорда кўк масса тўплайди, бу даврда қурғоқчиликка чидамсиз бўлади.

Экиладиган нави. «Восток-55 — Ўзбекистон Республикаси Лалми деҳқончилик илмий текшириш институти томонидан Тожикистон Республикасидан олингандаган № 141 кўк нўхатининг кўп мартали таңлаш йўли билан яратилган. Ўсимликнинг баландлиги 30—89 см бўлиб, бўғим оралиқлари сони 15—18 та пояни ташкил этади. Барглари кўп. Барг қўлтиқлари йирик, барглари эллипс шаклида 2—3 жуфтар баргчалардан иборат. Гуллари оч пушти рангда. Уруғлари юмaloқ, қиррали, майда, силлиқ, яшил кўнғир рангларда. 1000 дона уруғининг оғирлиги 70—79 г. Гулининг униб чиқишидан пишиб етилгунигача бўлган ўсиш даври — 155 кун, тўла униб чиқишидан йигиштириб олингунигача бўлган давр — 139 кун.

Етиштириш усули

Кўк нўхат, фалла экинларидан сифатли уруғ олиш учун энг яхши ўтмишдошdir. Кўк нўхатдан бўшаган майдонларга фалладош экинлар экилганда дондаги оқсилнинг миқдори ортади.

Ҳосилдорликни ошириш мақсадида кўк нўхат йиғиб олингандан сўнг, кузги шудгор қилинади.

Кўк нўхатдан юқори ҳосил олиш мақсадида ерни кузда чуқур ҳайдаш керак. Асосий ишловда П-5-35 М маркали передплужникли плуглардан фойдаланилади. Кўк нўхат тупроқни чуқур юмшатишга талабчан, илдизи тупроққа чуқур кириб боради. Агар кўк нўхат кузги ва баҳорги фалла экинлардан кейин экиладиган бўлса, тупроқ 13—15 см юза юмшатилади. Бегона ўт уруғлари чиққанидан сўнг ҳайдаб юборилади.

Кўк нўхат экилган тупроқ қуриб қолмаслиги учун 6—8 см чуқурликда юмшатилади. Кейин секинлик билан бороналанади.

Кўк нўхатни фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиқлантириш ҳосилдорликни кескин ошириб, уруғининг пишиш ва касалликлар билан заарланишини камайтиради. Бошқа дуккакли дон экинларидан фарқ қилиб, кўк нўхатининг ҳар гектарига 15—20 тонна ва илгари ўғитланмаган ерларга 30 тоннагача органик ўғитлар солинади.

Органик ўғит ўсимликнинг ривожланишини тезлаштиради ва дон етилишини яхшилайди. Фосфорли ўғитларнинг бир қисми экиш билан бир вақтда қаторларга солинади, 90—120 кг Р₂O₅ берилади.

Кам миқдорда азотли ўғитларни солиш ҳам ўсимликка яхши таъсир этади. Органик ўғитларни минерал ўғитлар билан аралаштириб бериш юқори самара беради.

Юқори ҳосил олиш учун донадор, зааррланмаган уруғ олинади. Дуккаклар бир текис етилмагани ҳамда уруғнинг униб чиқиши энергияси ва унувчанлигини ошириш учун уларга экиш олдидан иссиқ ҳавода ишлов берилади.

Кўк нўхатнинг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида экишдан олдин уруғлар нитрагин билан ишланади. Нитрагин маҳсус ўғитдир. Унинг туганак бактериялар ҳосил бўлишида роли катта. Азот тўпловчи маҳсус туганак бактериялар ҳосилдорликни оширади. 0,5 л банка ёки шишадаги нитрагин 1 га ча кетадиган уруғни ишлашга этади. Шишадаги нитрагин бир литр сув билан аралаштирилиб, сўнг урукқа солинади.

Кўк нўхат уруғи қаторлаб экиладиган сеялкаларда экилади. Бунда ғалла экиш сеялкаларидан фойдаланилади. Ҳосилнинг бир текис етилишида, ёппасига экиш юқори самара беради. Кенг қаторлаб экиш уруғчилик хўжаликларида олиб борилади. Кенг қаторлаб экилганда қатор орасига механизация ёрдамида ишлов бериш осонлашади.

Майда уруғли навлар экилаётганда гектарига 1,6—2,2 ц, йирик уруғли навларида эса 2,2—2,5 ц уруғ сараланади. Кенг қаторлаб ёки лентасимон усулда экилганда экиш меъёри 25—30 фоизга камаяди. Экиш меъёри 1000 дона уруғнинг оғирлигига қараб аниқланади.

Кўк нўхат уруғи 6—8 см га ташланади. Уруғлар юза ташланганда намлик етарли миқдорда бўлмайди. Куруқ ҳавода тупроқнинг юза қисми куриб қолади, оқибатда уруғ ҳар хил таъсирларга учрайди. Тупроқнинг механик таркибиға қараб енгил тупроқларда уруғ 8—10 см чукурликда ташланади, оғир тупроқларда эса юзароқ ташланади.

Экинга ишлов бериш. Ниҳоллар бўйи 5—6 см га етгандан кейин бороналаш мумкин эмас. Ўсиш даврининг кейинги пайтларида қатор оралари юмшатилади, бегона ўтлар йўқотилади ва озиқлантирилади.

Дуккаклари ҳар хил муддатларда етилгани учун ҳам унинг очилиб кетишининг олдини олиш асосий ишлардан бири ҳисобланади. Ҳосилни йигиштириш ўсимлик пояси курий бошлаганда ва 75 фоиз уруғлар сарғайганда бошланади. Йигиштириш ишлари эрталаб ёки кечки соатларда олиб борилса ҳосил кам нобуд бўлади. Кўк нўхатни йигиштириб олиш учун маҳсус универсал комбайнлардан фойдаланиш мумкин. Кўк нўхат икки хил усул билан йигиштирилади. Марказий Осиё шароитида бирданига дон комбайнлари билан янчид ёки ХБА-3,5; ХБА-3,2 жаткалар билан ўриб ётқизилади, кейин СК-5 «Сибиряк» комбайнлар билан янчид, тозалаб олинади. Дуккаклари энди қўнғир рангта кирганда жатка ёки пичан ўргичлар билан ўрилади. Ана шу вақтда дон нобудгарчилиги 1,5—2 фоиздан ошмайди. Олиш эни катта бўлган жаткалардан фойдаланилганда нобудгарчилик 9—12 фоизга етади.

Назорат саволлари:

1. Кўк нўхат турларининг фарқини айтинг.
2. Ўзбекистонда кўк нўхатни экиш яхши натижга берадими?
3. Кўк нўхатнинг кимёвий таркибини таърифланг.
4. Унинг кенъжа турларини таърифланг.
5. Кўк нўхат бир гектарга неча килограмм экиласди?

СОЯ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Соя ўсимлиги донидан халқ хўжалигининг барча соҳаларида фойдаланилади, ундан 300 га яқин турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари, техника хом-ашёси ва ҳайвонлар, ипак қурти ҳамда қушлар учун озуқалар тайёрланади. Дон таркибида оқсил миқдори 40—50 фоиз, 23—25 фоиз мой ва кам миқдорда углеводлар бор. Ҳеч қайси ўсимлик донида оқсил ва мой миқдори биргаликда шунча миқдорда сақланмайди. Донидан сут, қатик, пишлоқ, ун, гўшт ўрнини босувчи ёки гўшт таъмини берувчи маҳсулотлар; колбаса, масалан АҚШ, Япония ва Ҳиндистонда тайёрланадиган колбасаларга 40 фоиз соя уни қўшилади. Бундан ташқари тайёрланадиган хамирли ва унли маҳсулотларга 10—20 фоиз соя уни қўшимча қилиб қўшилган вақтда ундан тайёрланган маҳсулотнинг тўйимлилиги янада ортади.

Соя дуккакли ўсимлик бўлиши билан бир қаторда, мой берувчи экин ҳам ҳисобланади. Мойида инсон организми учун заарли моддалар йўқ.

Соя донидан линолиумлар, пишиқ ва чидамли пластмассалар, совун хом-ашёси, бўёқ, алиф, лак ва елим ҳамда сунъий жун газламалар олинади. Олинган бўёқлардан машиналар ва техник асбоблар учун фойдаланилади.

Дуккаклилар оиласига мансуб ўсимлик бўлгани учун ҳам соя дони ва поясида оқсил моддаси жуда кўп, 100 кг соя донидан 138, 100 кг куруқ пичанида 52, кўк поясида 22; силосида 20 кг озуқа бирлиги бор. Донида ҳазм бўладиган протеин миқдори бошқа донли ва дуккакли экинларнинг протеинига қараганда юқори, 1 кг соя дони 278 г ҳазм бўладиган протеин бўлса, вика донида бу кўрсаткич 200, гороҳда 175, сулида 77 ни ташкил қиласи.

Соя пояларини ҳўл ва куруқ, силосланган ҳолларда чорва моллари хуш кўриб истеъмол қиласи. Соя дони ёки поялари ҳайвон озуқасига қўшиб берилганда моллар вазнининг, сути ва мой миқдорининг ошганлиги кузатилади. Тажрибаларга кўра Узоқ Шарқда бузоқчаларга соя ва маккажўхори кўк пояси бериб боқилганда уларнинг кунлик ўсиши 756 г бўлган бўлса, фақатгина маккажўхори бериб боқилганда 656 г ни ташкил қиласи.

Ҳосилдорлиги, экин майдонлари. Соя асосий экин сифатида экилганда гектаридан 25–30, мамлакатимизнинг илфор хўжаликларида 30 ц, такрорий экилганда эса 15–20 ц дон олинади.

Соя майдонлари ҳажми жиҳатидан дуккакли экинлар ичida энг катта майдон, яъни 62 млн гектарни эгаллайди.

Ер юзасида деҳқончиликда соя энг кўп экиладиган минтаقا АҚШ ҳисобланади. Экин майдонлари АҚШ да 25,6 млн, Хитойда 11 млн, Японияда 3 млн, Канада, Бразилияда 10 млн гектарни ташкил қиласи. Шунингдек Ҳиндистон, Корея, Вьетнам, Индонезия, Европа давлатларида, Шимолий Африка, Австралия ва кўлгина мамлакатларда экилади.

Биологик ҳусусиятлари. Иссиқликка талаби. Бу ўсимлик иссиқликка талабчан бўлиб, уруғларининг униб чиқиши учун 15–18°C, майса ҳосил бўлиши учун 20–22°C ҳарорат муқобил ҳисобланади. Ўсимлик ҳаво ҳарорати 38–40°C гача бўлганда яхши ўсади. Эртапишар


навлар учун 1600—1700°C, ўрта пишар навлар учун 2000—2200°C, кечпишар навлар учун эса 2800—3000°C ҳарорат зарурдир. Кузда кўпи билан ҳарорат 2—2,5°C бўлганда ўсимлик зарар кўрмайди, 4—5°C даражада ўсимлик ва уруғлар совуқдан заарланиши мумкин.

Намга талаби. Соя намга жуда талабчан ўсимлик, шунинг учун ҳам Ўзбекистонда асосан суюриладиган майдонларда экилади. Ўсиш даврининг бошида илдизлари жадал ўсади, ернинг устки қисми эса суст ривожланади.

Соя сувга талабчан бўлса-да, уни меъеридан ортиқ суюриб бўлмайди. Сизот сувлари ўта яқин бўлса, поялари нимжон, ингичка, кам ҳосилли бўлади.

Ёрглийка талаби. Соя ёрглийка талабчан, қисқа кунлик ўсимлик ҳисобланади, аммо эртапишар навлар куннинг узайишидан унчалик таъсирланмайди. Ўсимлик қисқа кунда етиштирилганда гуллаш фазаси тез бошланади.

Ўзбекистонда соя ўсимлиги учун зарур бўлган ёрглийк етарли бўлганилиги учун ҳосилдорлик юқори бўлади.



13-расм:
А — соя ўсимлигининг кўринниши;
Б — дуккаклари; В — пиштан дони.

Тупроққа талаби. Соя унумдорлиги турлича бўлган тупроқларда ўсиши мумкин. Механик таркиби оғир бўлган, соз тупроқларда уруғларининг униб чиқиши бирмунча кечикади.

Соя турли тупроқларда ўса олишидан қатъий назар уни механик таркиби енгил, унумдор, говак чиринди-ларига бой тупроққа экилганда ҳосилдорлиги албатта юқори бўлади.

Бир центнер соя дони олиш учун 4—5 кг азот 2,3—2,5 кг фосфор ва 3,5—3,7 кг калий сарф бўлади. Соя Ўзбекистоннинг шўри ювиладиган ҳамма тупроқла-рида яхши ўсиб, ҳосил беради.

Навлари. Соянинг Дўстлик, Орзу, Узбекская-2, Узбекская-6 навлари иқлимлаштирилган. Узбекская-2 Ўзбекистон шолиҷилик илмий-тадқиқот институтида М. М. Сальтас ва О. В. Буригиналар томонидан яратил-ган. Республикаиз шароитида гектаридан ўртача 28—30 ц дон ҳосил беради. У ўртапишар нав бўлиб, маҳал-лий яшил уруғли навдан танлаш йўли билан олинган, дони учун экилади. Ўсиш даври 125—130 кун. Пастки дуккаклари 12—16 см баландликда жойлашган. Шохла-ниши ўртача, барглари жуда кўп, гули оқ, дуккаклари япалоқ, цилиндрический, учи ўтқир, дони сариқ бўлиб, унда қора дөвларни кузатиш мумкин. Минг донаси 130—160 грамм келади. Пишган вақтида дуккаклари ёрилиб кетмайди. Донининг таркбида 38 фоиз оқсил ва 24 фоиз мой бор.

Етиштириш усули

Алмашлаб экишдаги ўрни. Бу ўсимлик дуккаклилар оиласига мансуб бўлганлиги учун ўзи ва кўпгина ўсимликларга ўтмишдош ҳисобланади. Маълумки ҳамма минтақаларда соя кечи билан сентябрнинг охи-рида пишиб етилади, октябрь ойида эса кузги дон экинларини экиш муддати бошланади. Соя учун куз-ги дон экинлари, гўза, картошка, жўхори, шоли ва бошқа қатор ораси ишланадиган экинлар энг яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Соя майдонларига уруғлар нитратиниаб экилган бўлса, гектарига соф ҳолда 60—90 кг фосфорли, 90—100 кг калийли ўғитлар солиш лозим. Ўрта ҳисобда 15—20 тонна органик ўғит берилади. Уруғлар нитра-

гинсиз экилса, 40—50 кг миқдорда соф азот ҳам берилади.

Андижон вилоятида соя ва буғдой бир-бири учун энг яхши ўтмишдош экинлар эканлиги исботланди. Ёза, шоли, буғдой, маккажүхори ва бошқалар соя учун яхши ўтмишдош бўлади. Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманида ўтказилган тажрибаларга кўра соядан кейин экилган шолининг ҳосилдорлиги гектарига 20—30 фоиз га ошганлиги кузатилди. Наманганда соядан кейин пахта ҳосили 12—14 ц га ошди.

Соя экилган майдонларга фосфорли, калийли ўғитларни албатта бериш лозим. Фосфорли ўғит тупроқ шароитига қараб 60—90 кг (соф) калийли ўғитлар 90—100 кг миқдорда берилади. Азотга бўлган талабини бу ўсимлик асосан илдизидаги туганак бактериялар эвазига қондиради. Аммо дастлабки ўсиш даврида соя майсалари учун азот керак бўлади. Бир гектаридан олинган 20 ц соя дони ва шунга мувофиқ поя таркибидан 142 кг азот, 32 кг Р₂O₅ ва 35 кг К₂O олиб чиқиб кетади.

Ерни ишлашдан мақсад, тупроқнинг юза қисмини begona ўтлардан тозалаш, бутун ўсиш даврида ўсимликнинг асосий илдизлари жойлашган қисмини ғовак ҳолда ушлаб туриш ва тупроқнинг ҳаво, намлик, иссиқлик ва озиқ тизимини яхшилашдир.

Соя экиладиган ерга асосий ишлов бериш учун ерни кузда чукур (25—27 см) шудгорлаш лозим, ўша вақтда гектарига 45 кг фосфор ва 12—15 т органик ўғит берилиши лозим. Ана шу ишлар бажарилганда тупроқ мөъёрида юмшайди ва илдизларнинг тупроққа кириши осонлашади, бундан ташқари озиқ моддалар ҳамда намликни яхши ўзлаштиради. Баҳорда экишдан олдин begona ўтларга қарши курашиб учун ер албатта культивация қилиниши керак. Намликни сақлаш учун борона ва мола қилинади. Экишга қадар прометрин, трефлан ёки базагран каби гербицидларни пуркаш яхши самара беради.

Экиш муддати. Юқори ҳосил олишда муҳим агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда экишнинг қулай муддатларини белгилаб олиш кўзда тутилади. Бу муддатда соя уруғларининг униб чиқиши учун тупроқда иссиқлик, намлик, ҳаво режимлари қулай бўлиши керак. Ўтказиладиган тажрибаларга кўра сояни экиш учун республикада тупроқ ҳарорати 14—16 даражада бўлиши энг

кулай муддат ҳисобланади. Бироқ сояни тупроқ ҳарорати 10—12°С бўлганида экишга киришиш лозим. Экишдан олдин уруғлар нитрагинланиши шарт. Бунинг учун бир гектарига 200 г нитрагин кукуни қўлланилади.

Тупроқ ҳарорати энг асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Тупроқ яхши қизимаган бўлса, уруғлар чириб кетиши ёки замбуруғли касалликлар пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда унувчанлик сусайиб, майсалар сийраклашади, бегона ўтлар кўпаяди.

Сояни бизда такрорий экин сифатида ҳам экиш мумкин, бу вақтда июль ойининг 10 кунигача эртапишар навларни танлаб экиш мумкин. Соя асосан кенг қаторлаб 60—70 см кенглиқда экилади. Қатор оралари ишланган ва суғоришга мосланган бўлиши керак. Озуқа учун тор қаторлаб экилганда экиш нормаси кўпаяди. Бунда гектарда туп сони юқори бўлиши керак.

Экиш меъёри. Ўсимлиknинг экиш нормаси нав хусусиятига, фойдаланиш мақсадига боғлиқ. Кечпишар навларнинг озиқланиши майдони катта бўлгани учун экиш нормаси камроқ 350—370 минг дона, эртапишар навлари учун эса 450—470 минг дона уруғ ташланади. Экиш чукурлиги 4—5 см дан ошмаслиги керак, уруғлар жуда чукур ташланса уруғ палла баргларини кўтариб чиқиш қийинлашади. Экин асосан СПЧ-6 маркали румин, СОН-2,8 сабзавот сеялкалари билан бажарилади. Парвариш қилишда майсалар ҳосил бўлгунча ерни қатқалоқ босса дарҳол борона қилинади. Бороналаш икки марта ўтказилиши керак.

Ўсимликлар иккинчи ёки учинчи чинбарг ҳосил қилинганда биринчи культивация ўтказилади, кейинчалик бу иш.2 ёки 3 марта такрорланади. Тупроқиқлим шароити ва нав хусусиятларига қараб 3—5 марта суғорилади. Суғориш меъёри 800—900 м³ бўлади, ёмғирлатиб ҳам суғориш мумкин. Бу ерда суғориш меъёри 500—700 м³ ни ташкил қиласи.

Ҳосилни ўриб-йигиб олиш. Уруғлар тўлиқ пишиб етилганда дуккаклар қўнғир тусга кириб, донлар қотиб қолади, бу вақтда барглар табиий равишда тўкила бошлияди.

Соя дони бевосита СК-4, СК-5 ёки Кейс комбайнларида йиғиштириб олинади. Дон тушувчи ва чиқувчи зазорлар кенгайтирилади ва комбайн соя ўриш учун мослаштирилади.

Назорат саволлари:

1. Соя Ўзбекистонда қачондан бошлаб экилади?
2. Нега уни «камбағалнинг сигири» дейишилади?
3. Соядан нималар тайёрлаш мумкин?
4. Сояни экиш усулі ва муддатини айтинг.
5. Сояниң қайси навларини биласиз?

ЯСМИҚ

Халқ хўжалиги аҳамияти. Ясмиқ экилиб келинаётган ўсимликлар ичидаги энг қадимгиларидан ҳисобланади. Бу ўсимлик инсониятга бундан 4—5 минг йиллар муқаддам ҳам маълум эди. Ясмиқ жанубий-тарбий Осиёда жуда қадим замонлардан экилиб келинган. Археологик қазилмалардан маълум бўлишича ясмиқ ўтмишда Италия, Швейцария, Германия ва Венгрия мамлакатларида озиқ-овқат учун ишлатилган.

Ишлатилиши. Ясмиқ ўз дони таркибидаги оқсил миқдори билан дон-дуккакли ўсимликлар ичидаги биринчилар қаторидан ўрин олади. Шунинг учун халқ хўжалигига катта аҳамиятга эга. Таркибидаги оқсил бўлгани учун фақатгина озиқ-овқат сифатида эмас, балки ем-хашак сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Ясмиқ таркибидаги озиқ элементлари ва калорияси жиҳатидан гўштга teng келади. Ясмиқдан турли хил қуюқ овқатлар тайёрланади. Колбаса тайёрлаш саноатида энг яхши қўшимча ҳисобланади, чунки таркибидаги оқсил кўп. Ясмиқ уруғининг озиқ-овқат сифатида ишлатилишига сабаб шуки, улар тез пишади. Биронта дуккакли ўсимлик ясмиқ каби эзилиб пишмайди. Ҳозиргача ясмиқнинг эзилмайдиган нави яратилгани йўқ. Ҳосилдорлиги гектарига ўртacha 20—22 центнерни ташкил этади (15-расм).

Илфор хўжаликларда ҳосилдорлик 30—35 центнергача этади.

Ботаник морфологик тузилиши. (*Eruvum Yens Y. Yems esueenta Moen*). Ер юрда ясмиқнинг бешта тури учрайди, улардан асосан биттаси, яъни овқатга ишлатиладиган хўраки ясмиқ кўпроқ экилади. Хўраки ясмиқнинг республикамиизда катта ва кичикили уруғли тури учрайди. Йирик уруғли ясмиқ (SSP *macrosperma*) баланд бўйли бўлиб, 60—70 см га этади. Дуккаклари ҳам йирик, уруғ-

ларининг ранги сал яшил бўлиб, 6—9 мм гача бўлади. 1000 дона уругининг вазни 55—65 г келади, ўсиш даври навларига қараб 80—120 кун.



14-расм:

А — ясмиқ — адас ўсимлигининг кўриниши; Б — дуккаклари.

Майдада уруғли ясмиқ паст бўйли бўлиб, баландлиги 40—50 см га етади, уруғларининг диаметри 2—5 мм келади, ранги кўпроқ жигарранг тусда бўлади.

Ўсиш даври қисқа, 65—70 кунда пишиб етилади. Курғоқчиликка чидамли. 1000 дона уругининг вазни 25—30 г келади.

Ясмиқнинг илдизи ўқ илдизли бўлиб 50—100 см чуқурликкача кириб боради. Илдизларида туганаклар ҳосил бўлади. Хўраки ясмиқ бир йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, бўйи 30—80 см гача етади. Пояси бошқа дуккаклilarга қараганда ингичка, тўрт қиррали, поядга тўртта эгатчали кўриниб туради. Ўсиш даврининг бошида поялари тик ўсади, гуллаб дуккак ҳосил қила бошландан кейин ярми ётиб қолади ва бошқа ўсимликларга чирманиб ўсади.

Барглари жуфт патсимон барғ бандида ўртача 5—7 жуфт барглари жойлашади. Баргининг учида ингичка мўйловчалари бор. Барглари овалсимон, бакувват ривожланган, ўсимликда 8—10 та жуфт учрайди. Гулнинг морфологик тузилиши бошида дуккаклиларнинг гулига ўхшаш, майда, оқ, пушти ва бинафша рангларда, гул тўплами барг қўлтиғида 2—5 тагача тўп бўлиб жойлашган. Дуккаклари бошқа дуккаклиларга қараганда майда, ясси бўлиб, овал ёки ромбик шаклида. Дуккакда уруғлар сони 1—3 тагача бўлади. Дуккакларининг учи тўмтоқроқ. Уруғлари ясси, юмaloқ ясси, ёки ялпoқ, катталиги 3—9 мм, ранги жигарранг-қўнғир, қорамтири, баъзиси сариқ ва яшил бўлиб, йирик ва майда уруғли ясмиққа бўлинади. Йирик донли ясмиқ бирмунча бўйдор бўлиб, барглари, дуккаклари ҳамда уруғлари йирик. Майда донли ясмиқнинг бўйи бирмунча паст, барглари майда, одатдагидек овалсимон эмас, балки чизиқсимон ёки наштарсимон. Дуккаклари ҳам, уруғлари ҳам майда қавариқ, ўтмас қиррали.

Ҳосилдорлиги нисбатан паст бўлганлиги сабабли ўсимликка эътибор тобора сусайиб, кейинги йилларда унинг экилиш майдони камайиб кетди.

Биологик хусусиятлари. Ясмиқнинг иссиққа талабчанлиги ўртача, ўсиб ривожланиши учун 1500—1800°C даража ҳароратни талаб қилади. Ўсиб чиқаётганда кўк нўхатга қараганда кўпроқ иссиқлик талаб қилади. Майсалари 4—5°C да униб чиқади. Ҳаво ҳароратига қараб униб чиққунча 8—12 кун вақт кетади. Ниҳолларнинг муқобил ўсиш ҳарорати 23°—25°C ҳисобланади. Майсалари қисқа муддатли, совуқларга чидамли, катта ўсимликлари ҳам совуқдан унча зарарланмайди. Ҳарорат ҳатто -8°C бўлганда ҳам зарарланмайди.

Ёруғликка талаби. Ясмиқ қисқа кунли ва узун кунли ўсимлик ҳисобланади. Экин майдонлари шимолдан жанубга қараб боргани сари ўсиш даври тобора қисқариб боради. Ясмиқ намга талабчан ўсимлик, айниқса ўса бошлаганда ва унганда ҳамда гуллаш пайтида, ўзининг оғирлигига қараганда 120 фоиз сувни ўзлаштириб олади. Ясмиқнинг илдизи ернинг энг пастки қисмларидаги намликни ҳам ўзлаштириб олиш хусусиятига эга. Катта уруғли ясмиқ майда уруғлига қараганда қурғоқчиликка чидамлироқ. Дуккагининг тўлиш ва пи-

шиш даврида гармсельнинг бўлиши ҳосилдорликни кескин пасайтиради. Бу вақтда уруғлар майда, ҳажми ўзгарган бўлади. Узоқ вақт қурғоқчилик бўлиб ёмғир ёғса, ўсимлик қайтадан гуллаб, ҳосилга киради.

Ясмиқ тупроққа талабчан ўсимликдир. Унумдорлиги юқори, қора ва енгил соз тупроқда яхши ҳосил беради. Ясмиқ қумоқ ва оғир тупроқларда яхши ҳосил бермайди. Ўсиш даврининг бошида суст ўғсанлиги учун дала бегона ўтлардан тоза бўлиши керак. Акс ҳолда бегона ўтлар ясмиқни сийраклатиб қўяди. Нормал ўсиб ривожланиши учун тупроқда минерал ва органик моддалар миқдори етарли бўлиши зарур. Айниқса калий ва фосфорга талабчан, ўтлоқ бўз тупроқларда жуда катта кўп поя ҳосил қилиб, уруғ кам беради. Демак, бу тупроқлар ясмиқ учун яроқсиз ҳисобланади. Ўсиш даври 70—105 кун. Ўзидан чангланади. Ясмиқнинг уруғлари узоқ вақт сақланади. Кўпгина дуккакли ўсимликлар уруғи унувчанлигини тез йўқотади. Ясмиқ уруғлари унувчанлигини узоқ сақлайди ҳатто ўн йилдан вақт ўтганда, кейин ҳам экилса униб чиқаверади.

Етиштириш усули. Ясмиқ эрта баҳорда экилган бўлса гектарига 30 кг, P_2O_5 —N 60 кг; K₂O 30 кг миқдорда ўғит бериш лозим. Экилгандан кейин иккинчи культивация билан 15 кг азотли, 30 кг фосфорли ўғитлар берилади. Нитрагинланган бўлса азот миқдори икки баравар оширилади. Экиладиган уруғлар албатта сараланади, бегона ўт ва бошқа қўшимчалардан тозалана-ди. Уруғнинг унувчанлиги ва тозалиги назорат талабларига жавоб бериши лозим.

Ясмиқни имкони борича эрта баҳорда экиш лозим. Тажрибаларга кўра, фақат эрта баҳорда экилган ясмиқларгина юқори ҳосил берар экан. Баҳорда экилган ясмиқ ўсимлигининг тури бақувват, уруғлари йирик бўлади. Ясмиқнинг экиш муддатини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Баҳордан 10 кун кейин экилгандага ҳам ҳосилдорлик 4—5 центнерга камаяди.

Ясмиқ экишнинг энг яхши усули кенг қаторлаб экиштирилар. Тажрибалар ясмиқнинг қатор орасини 33—45 см кенглигда экиш яхши натижада беришини тасдиқлайди. Қатор оралари 60 см бўлганда ўсимлик учун зарур бўлган намлик озуқа моддалари, фотосинтез жараёни нормал шароитда кечади. Қатор оралари 2—3 марта культивация қилинади, зарур бўлган минерал

моддалар билан құшымча озиқлантириләди натижада, бегона ўтлар камаяди.

Ясмиңнинг экиш мөъёри, уругининг йириклиги, тупроқ иқлим шароитига боғлиқ. Йирик уруғли турларига гектарига 100—140 кг, майда уруғлигига эса 70—100 кг сарфлаб экилади. Экиш чуқурлиги тупроқдаги нам миқдори ва ҳаво ҳароратига қараб 4—5 см бўлади. Енгил, қумоқ ва қуруқ тупроқларда уруғлар 6—7 см чуқурликка ташланади.

Ясмиқ уруғи сабзовот ва маккажӯхори уруғлари эгадиган сеялкаларда экилади.

Ясмиқни ривожланиши давомида 3—4 марта суғорилиш лозим. Суғориш мөъёри гектарига 300—400 м³, сув чуқур бўлса, ундан ҳам кўпроқ талаб қилинади.

Поянинг пастки барглари сарғайиб тўқилиб, дук-каклари қота бошлаганидан сўнг ясмиқ ўсимлиги йиғишириб олинади. СК-5 НИВА ва Кейс комбайнларида тўғридан тўғри йиғишириб олинаверади.

БУРЧОҚ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Бурчоқ озиқ-овқат, ем-хашак ва техникавий экин сифатида экилади. Кўк нўхатга қараганда унинг таркибида оқсил моддаси кўпроқ. Уруғи таркибидаги оқсил миқдори 26,4—34,3 фоизни ташкил этади. Бурчоқнинг баъзи турларида оқсил миқдори 47 фоизгача бўлади. Хозирги кунда Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва Туркияда кўплаб экилади. Шу қаторда Украина, Бошқирдистон, Чувашистон ва Татаристон, Кавказорти ва Марказий Осиё республикаларида ҳам экилади.

Ботаник-морфологик тузилиши. (*Yathivus sativis L.*). Бурчоқнинг ер куррасида 200 дан ортиқ тури учрайди, шундан фақат биттасигина маданий ўсимлик сифатида экилади. Бир йиллик баҳорги ўсимлик бўлиб, илдизлари ўқ илдиз, илдизларida туганаклар ҳосил бўлади ва 90—100 см чуқурликка кириб боради. Пояси тўрт қирвали, бироз тукланган.

Ўсимлик дастлабки пайтда ён шохлар чиқарганча тик ўсади, ён шохлар чиқариб пояси узун бўлганидан кейин, поясини тутолмайди ва поя ярим ётиб, ёки ётиб ўсади. Барглари мураккаб, патсимон бўлиб, шакли ланцетсимон. Бошқа патсимон баргларга қараганда

сони ҳам кам, учида жингалаклари жойлашган. Барг банди нисбатан узун, баргининг шакли ланцетсимон бўлиб, томири яққол кўриниб туради.

Гуллари калта, ранги оқ, бинафша ва ҳаво рангли бўлиб, кўпинча алоҳида ёки гулбандларида 2 тадан жойлашган. Барг қўлтиқларидан гул бандлари ўсиб чиқади. Ўзидан ва четдан чангланади. Дуккаклари унча катта бўлмайди, уруғлари 1—3 тадан жойлашади. Дуккакларининг баъзилари чўзинчоқ бўлади, дуккагининг уни баъзан илмоқли, баъзан ўткир. Дуккагининг пояга қўшилган жойи дағал, ғадир-будир. Дуккаклар узунлиги 22—45 мм, эни 7,5—19,5 мм бўлади. Ичиди 1—7 донагача уруғ жойлашади, улар ўртасида парда бор. (16-расм).

Биологик хусусияти. Бурчоқ уруғлари 2—3⁰С да униб чиқа бошлайди. 5—7⁰С да батамом униб чиқади. Униб чиқиши учун оптимал ҳарорат 20⁰С ҳисобланади. Ёш майсалари куни билан 8—11⁰С гача бўлган ҳароратга чидайди. Поясининг юқори қисмини совуқ урса ҳам қулай шароитда тез қайта униб чиқади. Бурчоқ ривожланиши учун нўхатга қараганда кўпроқ ҳарорат талаб қиласди. Бурчоқ уруғларининг пишиш даврида ўртача бир кечакундузлик ҳарорат 16—17⁰С дан кам бўлса дуккаклари пишиб етилмайди. Уруғларининг муқобил пишиб етилиши учун бир кечакундузлик ҳарорат 20—22⁰С дан кам бўлмаслиги керак. Бурчоқ қурғоқчиликка чидамли ўсимлик, агарда ҳаво ҳарорати паст бўлиб, намлик юқори бўлса, бурчоқнинг кўк поялари турли замбуруғ касаллигига чалинади.

Етиштириш усули. Бурчоқ учун кузги дон экинлари ва қатор оралари ишланадиган ўсимликлар энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Бурчоқнинг ўзи эса дуккаклилардан ташқари бошқа экинлар учун яхши ўтмишдош ҳисобланади. Бизда бурчоқни кузги ёки баҳорги дон экинларидан сўнг такорий экин сифатида анғизга жойлаштирган маъқулдир. Бурчоқ дон экинларидан кейин экилиб йиғиштириб олинса, келгуси йилги пахта учун энг яхши ўтмишдош ўсимлик ҳисобланади. Бурчоқ уруғларига нитрагин билан ишлов берилса, жуда кўплаб туганаклар ҳосил қиласди. Бурчоқ калийли ўғитларга талабчанлиги туфайли ҳам гектарига 60—70 кг калийли ўғитлардан фойдаланилади. Минерал ўғит тўлиқ берилганда, ҳосилдорлик ўғит солинмаган далаларга қара-

гандада 9—10 ц га ортиқ бўлади. Бурчоқ бошқа дуккаклилар ичида ўзининг нитрагинга осон мослашиши билан ажralиб туради. Агарда тупроқда муқим туганак бактериялар бўлса, ўсимлик ана шу бактерияларни ўзлаштириб олади ва тупроқда азот миқдорини оширади. Бурчоқ ана шу хусусиятларига кўра ҳам қўпгина ўсимликлар учун яхши ўтмишдош ҳисобланади. Тупроқ ва ҳаво ҳарорати қуруқ бўлганда туганак бактерияларнинг фаолияти сустлашади. Сугориладиган шароитда туганак бактерияларнинг фаолияти янада ортади.

Экиладиган уруғларнинг унувчанлиги 90—95 фоиздан кам бўлмаслиги, тозалиги эса 97—99 фоиз, намлиги 14 фоиз бўлиши керак. Унувчанлиги юқори бўлган уруғларни экиш қисқа муддатларда яхши ниҳол олиш имконини беради. Бурчоқ кузда, баҳорда тез ва қисқа муддатда экилиши лозим. Такрорий экилганда дон ҳосили нисбатан камроқ бўлади. Бурчоқ уруғи СЗТ—3,2 дон сеялкасида тор қаторлаб экилади. Уруғ олиш учун қаторлаб экилганда ҳосилдорлик бирмунча юқори бўлади.

Бурчоқни қайси усулда экиш, тупроқнинг иқлим шароитига боғлиқ. Уруғнинг майдо-йириклигига қараб, экиш меъёри гектарига 170—250 кг ни ташкил этади.

Сувни жуда секин шимдириб, қатор ташлаб оқизилади. Гуллаган пайтда икки марта сув бериш лозим. Бурчоқ униб чиққанидан сўнг ёмғир кўп бўлса, қатқалоқни юмшатиш учун культивация қилиш лозим. Ўсиш даврида икки марта, бегона ўтлар кўп бўлса уч марта культивация қилинади. Иккинчи культивация билан бир қаторда фосфорли ва калийли ўғитлар берилади. Бурчоқнинг пастки дуккаклари сарғайиб пиша бошлагандан сўнг йиғиширишга киришилади. Дуккаклари кўк нўхатга қараганда тез ёрилмайди лекин шунга қарамай тезроқ йиғишириб олиш зарур. Пишган дуккаклари узоқ вақт ўрилмаса, чатнаб ёрилиб тўкилади. Бурчоқ экилган майдонлар эрталаб ёки кечкурун СК-5 НИВА ва КЕЙС комбайнлари билан ўриб олиниши лозим.

Донни ўришдан олдин комбайнларга маҳсус ўзгариши киритиш лозим, бунинг учун бороналарнинг айланиши минутига 400—500 марта тушарилиши керак. Дон киравчи ва тушувчи зазорлар кенгайтирилиб, ўрувчи ўроқлар энг пастки нуқтага тушрилади.

Тұртىнчи бўлим

МОЙЛИ ЭКИНЛАР

Мойли экинлар деб, уруғлари ёки мевалари истеъмол учун яроқли, ўсимлик мойи берадиган ўсимликларга айтилади. Мойли экинларга канакунжут, ерёнгоқ, маҳсар, кунгабоқар, хантал, рапс, перилла, ляллеманция, кунжут, зигир, соя киради.

Бу ўсимликлардан ташқари тола берувчи зигир, наша, пахта, каноп ва бошқа ўсимликлардан ҳам истеъмол учун фойдаланиладиган мой олинади.

Маълумки, кундалик истеъмол учун фақат икки хил мой ишлатилади, шундан ўсимлик мойи ва ҳайвон мойи. Аммо иқлим, агротехник тадбирларга қараб ўсимлик мойи 10 дан 20 мартағача ҳайвон мойини етиштиришга қараганда арzonга тушади. Ҳайвонлардан олинадиган мойларнинг таннархи ҳамма вақт юқори бўлади. Ўсимлик мойи ҳазм бўлиш жиҳатидан ҳам ҳайвон мойига қараганда бирмунча енгил ҳисобланади, шунингдек унинг таркибида холестерин моддаси бўлмайди. Ўсимлик мойидан маргарин ва турли ширинликлар тайёрлашда фойдаланилади.

Бундан ташқари ёғ-мой саноатида, совун олишда, лак бўёқ ишлаб чиқаришда, теричилик, табобат, тўқимачилик, упа-элик олиш ва бошқа соҳаларда хом-ашё сифатида ишлатилиб келинади.

Ер курраси бўйича ўсимлик мойи етиштирилишини олиб қарайдиган бўлсак, АҚШ да жон бошига 26 кг, Германияда 22 кг, Англияда 19 кг, Канадада 13 кг, Россия ва Ўзбекистонда 10 кг ўсимлик мойи ишлаб чиқарилар экан. Бу эса ўрта ҳисобда бир йилда 215800 минг тоннадан зиёд мой ишлаб чиқарилишини ва шунинг 104800 минг тоннаси биргина соя ўсимлигидан олининини билдиради.

Куйидаги жадвалда асосий мой берувчи ўсимликлар ва улардан олинадиган мой миқдорлари билан танишамиз.

Мойли экинлар гектар ҳисобига энг сердаромад ўсимликлар бўлиб, жуда катта миқдорда оқсил манбаи ҳисобланади. Кўпгина ўсимлик мойлари ҳаводан

Мойни экинлар ва улардан олиндиган мой миқдори

Экинлар	Жаъми ишлаб чиқарилган мой млн тонна			
	1987—1988	1988—1989	1989—1990	1990—1991
ЖАЪМИ	209070	202110	210970	215800
Соя	103666	96550	107120	104800
Кунгабоқар	21070	20640	21560	21550
Рапс	23603	22872	21858	24686
Зигир	2783	2127	2296	2780
Пахта	31684	32575	31176	34146
Канадона	884	1034	1086	1334
Пальма магизи	2674	3111	3241	3331
Ер ёнғоқ	15176	17324	15590	15867

кислородни бириктириб олиб, куриб, қаттиқ эластиксимон моддага айланади. Мойнинг қуриш миқдори унинг асосий сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Бу кўрсаткич йод сони билан аниқланади. Ўсимлик мойида йод сони қанча юқори бўлса унинг қуриш миқдори ҳам шунча юқори бўлади. Ўсимлик мойи қуриш миқдорига қараб уч гуруҳга бўлинади.

Курийдиган йод сонига 130 дан зиёд зигир, перилла, рижик ва бошқалар киради.

Ярим қурийдиган йод сонига 85 дан 130 гача бўлган кунгабоқар, рапс, хантал, маҳсар, кунжут, соя киради.

Куримайдиган йод сонига 85 дан кам, канакунжут ва ерёнғоқ ўсимликлари мойи киради.

Ўзбекистонда, лалми шароитда зигир, кунжут ва маҳсар экилиб келинмоқда. Суфориладиган майдонларда такрорий экин сифатида кунжут, ер ёнғоқ ва сояни экиш мумкин. Мамлакатда асосий мой берувчи хом ашё чигит ҳисобланади. Гарчанд чигит мой учун экилмаса-да, тола учун 1,5 млн гектарга экилади, толаси ажратиб олинган чигитлар республика аҳолисининг мой билан таъминловчи асосий хомашё ҳисобланади.

Мойли экинлар уругидаги мойининг миқдори ва сифати

Экинлар	Мой миқдори% абсолют, құруқ оғир, нисбатан	Йод сони	Кислота сони	Совунлашиш сони
Кунгабоқар	39—57,0	119—114	0,1—2,4	183—196
Махсар	25—37,0	115—155	0,8—5,8	194—203
Хантал	35,2—47,0	92—119	0,0—3,0	182—183
Кузги рапс	54,0—49,6	94—112	0,1—11,0	167—185
Рижик	25,6—46,0	132—53	0,2—13,2	181—188
Канакунжут	47,2—582	81—86	1,0—6,8	182—187
Куңжут	48,0—63,0	103—112	0,2—2,3	186—195
Перилла	26,1—49,6	181—206	0,6—3,9	189—197
Ляллеманция	29,3—37,6	162—203	0,8—4,4	181—185
Ер ёнғоқ	41,2—55,2	90—103	0,03—2,27	182—207
Соя	24,1—30,1	107—137	0,0—5,7	190—121
Мойли зигир	30,0—47,8	165—192	0,5—3,5	186—195

Назорат саволлари:

1. Мойли экинлар деб қайси экинларга айтилади?
2. Дүнёдаги асосий мой берувчи экин қайси? Қайси ўсимлик уруги таркибида мой күп сақланади?
3. Толали зигирнинг бошқа зигирлардан фарқи борми?
4. Зигирни қаерга экиш мумкин?

МОЙЛИ ЗИГИР

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Мойли зигир қадимги экинлардан бири бўлиб, поясидан тола, уруғларидан қимматбаҳо истеъмол мойи олинади.

Уруғи таркибида 30—47,8 фоиз мой бор. Зигир мойининг бир қисми техникада лакбўёқ саноатида, ли-нолиум, клеёнка, ёмғир ўтмайдиган материаллар ишлаб чиқаришда ишлатилади. Бундан ташқари зигир мойи совун ишлаб чиқаришда ҳам ишлатилади. Мойи сиқиб олингандан кейин қолган кунжараси чорва моллари учун энг тўйимли озуқа ҳисобланади, таркибида 33,5 фоиз оқсил ва бошқа тўйимли озуқа моддалар сақлайди. Зигир кунжарасининг 100 килограммида 185 озуқа бирлиги бор. Бу кунжара ўз тўйимлилиги билан бошқа

кунжара турларидан ажралиб туради. Аммо, шуни би-лиш лозимки, яхши пишиб етилмаган зигир уруғлари кунжараси таркибида захарли синил кислотаси бўлади. Уруғи яхши пишмаган кунжараларни чорва молларига димлаб, қиздириб бериш лозим.

Зигир пояларидан ўта сифатли қимматбаҳо қоғоз тайёрланади, шунингдек поясидан тола олинади. Кўп шохлайдиган навларининг толалари калта бўлиб, си-фатсиз ҳисобланади.

Мойли зигир ҳосилдорлиги табиий иқлим шароитларига қараб турлича бўлади. Марказий Осиёning лалми шароитида ҳосилдорлик жуда паст бўлиб гектарига ўртача 4—5 ц га етади. Шартли суғориладиган ерларда ҳосилдорлик 15—20 ц ни ташкил этади.

Мойли зигир жуда қадимги экинлардан бўлиб, Марказий Осиё минтақасида пахтадан олдин етиштирила бошлаган. Келиб чиқиш ватани Ўрта ер денгизи мамлакатлари ва Осиё ҳисобланади.

Ботаник-морфологик тузилиши. Авлоди *Linum*, оиласи зигирдошлар (*Linaceae*). 200 зиёд турни ўз атрофига бирлаштиради, асосан мўътадил иқлим ва субтропик мамлакатларда ўсиб, ривожланади. Ер куррасида қишлоқ хўжалик экинлари ичиди оддий зигир яъни — *Linum usitatissimum L* илдизлари ўқ илдиз бўлиб, тупроқнинг 1—1,5 м чукурлигига кириб боради. Кунгабоқар ва маҳсарга қараганда илдизлари суст ривожланган, кўплаб ён шохлар ҳосил қиласи. Зигир илдизлари тупроқдан озуқа моддаларини суст равишда ўзлаштиради. Поясининг узунлиги лалми зонада 40—50 см гача бўлса, шартли суғориладиган жойларда 60—70 см га етади, поялари ингичка, шохланиш микдори нав хусусиятларига боғлиқ. Ён шохлари тўрттадан саккизтагача бўлади.

Поядаги пўстининг тагида луб толалари бор. Толанинг узунлиги зигир поясининг бўйи, ён шохларининг кўп ёки камлигига боғлиқ. Ён шох пайдо бўлган жойда толалар узилади. Сифатли толани фақат баланд бўйли, толали зигирдан олиш мумкин.

Зигирнинг барглари майда, барг банди йўқ, ингичка лентасимон шаклда, ҳаворанг ёки бинафша рангларда, бешта гулбарги бор. Кўриниши чиройли, гуллари шингилсимон. Меваси думалоқ беш хонали кўсакчча, мойли зигирнинг бир тупида 40—50 дона кўсакчаси бўлади.

Күсакчалар пишганда ҳам тұқилиб кетмайды. Узоқ вақт иишиштирилмаса, шохчалари синишга келади (15-расм).



15-расм.

Зигирнинг турлари:

А-толали зигир; Б-оралиқ зигир;
В-мойли зигир; Г-гули; Д-күсак-
часи; Е-уруғлари.

нича бир кече-кундузда 15—17°C, гуллаш ва пишиш даврида эса 19—22°C ҳароратни талаб қылади. Ёш майсалари — 6°C дан паст ҳароратта ҳам, ҳатто вояга еттан ўсимликлари эса ундан ҳам пастроқ ҳароратта бардош беради. Зигирнинг турлери навлари униб чиққанидан пишгүнига қадар бўлган давр давомида турли иқлим шароитларида 1600—1800°C даражага ҳарорат йиғиндисини талаб қылади.

Мойли зигир қурғоқчиликка чидамли бўлиши билан бирга намга талабчан экин ҳисобланади. Мойли зигирнинг илдизлари 2 м га боради. Зигир тупроққа талабчан ўсимлик.

Зигир уруғлари майда, тухумсимон, ялпоқ, учи салгина букилган, пўсти ялтироқ-қўнғир рангда, баъзан оч ёки тўқ жигарранг бўлиши мумкин.

1000 дона урганинг оғирлиги 3—6 г келади. Уруғлари таркибидағи мойнинг миқдори ўртача 42—44 фоиз бўлиб, яхшиланган навларида 47—50 фоизга етади.

Зигир ўзидан ҳам, четдан ҳам чангланади. Етиштириладиган жой қуруқ бўлса кўпроқ четдан, нам етарли бўлса асосан ўзидан чангланадиган ўсимлик.

Биологик хусусиятлари. Мойли зигир иссиқлиқка талабчан эмас. Уруғлари 5°C да уна бошлайди. Униб чиққанидан гуллагу-

Соз, зич, тошли, шўрланган ва оғир тупроқларда ҳосил пасайиб кетади. Лалми зонадаги оч, тўқ тусли, тоғли зоналардаги бўз тупроқлар мойли зигир учун энг қулагай ҳисобланади. Фақат зигир экиладиган майдонлар бегона ўтлардан ҳоли бўлиши керак. Чунки зигирни ўсиш даврида суст ривожланганилиги учун ҳам бегона ўтлар қисиб қўяди. Ўзбекистоннинг сугориладиган туманларидаги бўз ва типик бўз тупроқлар зигир учун энг соз тупроқ ҳисобланади. Зигир ўсимлиги гуллаш фазаси бошлангунига қадар жуда тез ўсади.

Экиладиган навлари. Ўзбекистонда қадимдан фақатгина мойли зигир экилиб келинади. Бизда толали зигир етиштирилмайди.

Бахмал 2

Ўзбекистон дончилик илмий текшириш институти («Дон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси)да, Бахмал—1056 навидан танлаш йўли билан яратилган.

Муаллифлар А. И. Ковалев, М. Б. Бекбўтаев, А. М. Федосеева.

1986 йилдан Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг лалмикор ерларида, Давлат реестрига киритилган.

Нижоллари яшил, пояси тик ўсади, йифиқ. Барги наштарсимон. Гули ҳаворанг. Уруғи жигарранг. 1000 та донининг вазни 5,9 г. Ўртacha ҳосилдорлик (1997—1999) синов йилларида Фаллаорол нав синаш шохобчасида гектаридан 4,4 центнерни ташкил этди. Лалмикорликда об-ҳаво қулагай келган йиллари ўртacha ҳосилдорлик 6,8—8,4 центнерга тенг келади.

Эртапишар, 78—85 кунда пишади. Қурғоқчиликка, тўкилишга ва ётиб қолишга бардошли. Донидаги ёғ миқдори 40,9 фоиз. Нав қишлоқ хўжалик касалликлари ва ҳашаротларига бардошли.

Зигир 1988 йилдан бошлаб лалми ва сугориладиган зоналарга экила бошлади. Шу туфайли зигир селекцияси билан жиддий шуғулланиш ва унинг ҳосилдор навларини яратиш буғунги кунда муҳим аҳамиятга эга.

Етиштириш усули. Мойли зигир, ўтмишдош экинларга жуда талабчан. Агар қатор ораларига ишлов берилмаса ва далалар бегона ўтлардан тозаланмаса, ўсиш даврининг бошида суст ўсгани учун ўт босиб кетади ва туплар сони камайиб, ўсимлик нимжон бўлиб қолади.

Минерал ўғитлар бериш натижасида ҳосилдорлик 22 фоиз, тоғ олди зоналарида 63 фоизга ортади. Зигир учун энг яхши ўғит органик ўғит ҳисобланади. Шунинг учун кузги шудгор билан ҳар гектар ерга 10—15 тоннадан гүнг солиниши лозим. Тупроқ иқлим шароитлариға қараб бир гектар ерга 30—40 кг азотли, 50—60 кг фосфорли, 40—50 кг калийли ўғитлар берилади. Фосфорли ўғитларнинг ҳаммаси кузги шудгор пайтида гүнг билан биргаликда солинади. Азотли ўғитларни экиш билан бирга ёки эрта баҳорда озиқлантириш даврида бериш лозим. Суғориладиган майдонларга экилган зигирни минерал ўғитлар билан озиқлантириш катта самара беради. Лалми зоналарга экилган зигирпояларга минерал ўғит жуда эрта, тупроқда нам борлигиде берилиши зарур. Юқорида айтиб ўтганимиздек, зигирнинг ўсиш даври қисқа, ана шу хусусиятларига кўра уни минерал ўғитлар билан эрта озиқлантириш мақсадга мувофиқ.

Бороналашдан кейин 5—6 см чуқурлиқда культивация қилиниб, устидан мола босилади, мола босиш натижасида дала текисланиб, ундаги намни яхши сақлаб қолишга эришилади. Экиладиган уруғларни тозалаб, зарур бўлган кимёвий дорилар билан ишлангач, сўнг экилади. Экин турли хил касалликлар билан зарарланмаслиги учун фентиурам молибдат (бир центнер уруққа 300 г) кўлланилади. Экиш нормаси адир зоналарида 20—22 кг, тоғли зоналарда 25—30 кг уруғ сепилади. Суғориладиган зоналарида зигир уруғлари кўпроқ сарф бўлади. Бунда экиш нормаси, гектарига 40—50 кг ни ташкил этади. Уруғ 4—5 см чуқурликка ташланади.

Дала яхши тайёрланган, тупроқнинг намлиги ва ҳаво ҳарорати мўътадил бўлса уруғлар 6—12 кундан кейин униб чиқади. Агарда уруғлар униб чиқмай, қатқалоқ юзага келган бўлса борона қилиш зарур. Лалми зоналарда қатқалоқдан тупроқдаги нам жуда тез парланиб кетади. Ўсиш даврининг 20—25-кунларида бегона ўтлар тез ўсиб, тупроқдаги нам ва озиқ моддаларни ўзлаштириб олади. Шунда даладаги бегона ўтлар 2—3 марта тозаланади. Бегона ўтлар ичida бўзтикан, қўшқўнмас, ажриқ, ундов, какра, буғдойиқ ва бошқалар кўп учрашиди.

Ўсиш даврининг бошида зигирнинг минерал мод-

даларга талаби турлича бўлади. Бу пайтда фосфорли ўғитга, азотли ўғитта талаб кучли бўлиб, калийли ўғитларни гунчалаш ва гуллаш фазасида ўзлаштиради. Ана шунда ер бегона ўтлардан тозаланиши ва қуруқ бўлса сугорилиши керак. Сугориш натижасида ўсимлик баланд бўлиб ўсади, ён шохлари ва кўсакчалари кўпаяди. Ўғитни эса сув билан кечки маҳалда бериш лозим. Гўнг шарбати бериш ҳосилни янада оширади.

Зигир уруғлари пишганидан сўнг кўсакчалари сарғаяди, баргчалари сўлийди, пояларда ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди ва кўсакчалар очилиб кетмайди. Кўсакчалар фақатгина ташки таъсир ёрдамида очилиб кетиши мумкин. Барглар тўкилиб кетади, уруғлари эса кўнғир рангга киради, кўсакча ўз деворидан ажралади. Силкитиб кўрилганда уруғларнинг қуруқлиги билинади.

Ҳосил дон комбайнлари билан йигиб олинади. Комбайн барабанларининг айланиши (800—1200 марта бўлади), ҳамда ўроқлари энг пастки нуқтага (15—20 см ердан баландликда) туширилиб, зигир поялари хирмонга тўпланади, кейин янчиб олинади.

КУНЖУТ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Кунжут ўсимлиги энг қимматбаҳо мой беради. Уруғлари таркибида 60—65 фоиз мой, 16—22 фоиз оқсил ва 18 фоиз эрийдиган углевод мавжуд. Кунжут мойи ҳатто зайдун мойига нисбатан афзал бўлиб, озиқ-овқат саноатида, табобатда ва упа-элик ишлаб чиқаришда муҳим хом-ащё ҳисобланади.

Кунжутдан совуқ сиқиши йўли билан мой олинганда, мойнинг ранги оч-сариқ, таъми хушхўр ва ҳидсиз бўлади. Бу мой кондитер маҳсулотлари, консерва, маргарин олишда ишлатилади. Уруғлари қобиқларидан ажратилиб, таҳин ҳолвалари тайёрланади. Жувозда кунжут мойи олинади ва бу мой тўғридан-тўғри озиқ-овқат саноатида ишлатилади.

Иссиқ сиқиши йўли билан олинган кунжут мойи асосан техникада ишлатилади, бу мой қорамтири рангда бўлади, сурат кўчирувчи қофоз, совун ишлаб чиқаришда ва ҳар хил техник мақсадларда фойдаланилади. Кунжут гуллари ва пояси хушбўй атиrlар олиш учун упа-элик фабрикаларида ишлатилади. Юқори сифатли қора қаламлар тайёрланади.

Марказий Осиёда кунжут эрамизгача Александр Македонский юришларидан кейин экила бошлаган. Лалми ва сугориладиган туманларда бу ўсимлик 5—6 ц дан 20—23 ц гача ҳосил беради. Шартли сугориладиган майдонларда 10—12 ц дан уруғ беради.

Кунжут ўсимлиги Осиё ва Африка мамлакатларида энг қадимги экинлардан бири ҳисобланади. Ер курраси бўйича кунжут майдонлари 5 млн. га ни ташкил этади.

Ботаник морфологик тузилиши. Кунжут — *Sesamum indicum* бир йиллик ўсимлик бўлиб, кунжутдошлар Pedaliaceae оиласига мансубдир.

Кунжутнинг 19 та тури бўлиб, шулардан маданий кунжут ёки Ҳинд кунжути энг кўп аҳамиятга эга, бизда ҳам ана шу кунжут тури экилади. Кунжут илдизи ўқ илдиз, 120 см чуқурликкача кириб боради. Поясининг узунлиги сугориладиган зоналарда 100—150 см бўлиб, лалми зоналарда 50—80 см ни ташкил этади. Тўрт ёки саккиз қиррали пояси яшил тук билан қопланган. Бир туп ўсимлик 4—12 тагача шох ҳосил қилиши мумкин, баъзан мутлақо шохланмайдиган шакллари ҳам учрайди. Барглари бандли, қара-ма-қарши ёки алоҳида жойлашган, бир туп ўсимлика бир неча шаклга эга бўлган барглар бор. Поянинг пастки барглари бутун, унинг ўрта қисмидаги барглар бўлакларга бўлинган ёки кертилган, юқори қисмидаги барглар бўлакларга бўлинган ёки кертилган, уни ланцетсимон.

Гули йирик, барг қўлтифидан битта ёки учтадан чиқади. Гулбанди калта, гулларининг жойлашишига қараб бир гулли ва уч гулли шакллари бор. Гултоjisining ранги пушти ва бинафша, ҳамда оқиш бўлади. Тугунчасининг узун устунчаси ва тўрт бўлакли тугунчаси бор. Гули ўзидан ва четдан чангланади, баъзи йиллари гулининг 30—50 фоизи четдан чангланади. Меваси яшил рангли, тукли, чўзинчоқ кўсакча. Кўсаги 2 ёки 4 та мева баргидан ташкил топган бўлиб, четлари ичкарига қайрилган ҳолда сохта пўст ҳосил қилади. Кўсаклари тўрт ва саккиз уяли, бўйи ўртача 4 см, эни 0,9 см атрофида. Бир туп ўсимлика 20 тадан 300 тагача кўсакча бўлади. Кунжутнинг уруғи майда, тухумсимон шаклда, бўйи 2,74 мм, эни 1,7—1,0 мм, 1000 донасининг оғирлиги 2—5 г гача келади. Уруғларининг ранги оқ қўнғир, жигарранг, қора тусда бўлади.

Биологик ҳусусиятлари. Кунжут иссиқсевар ўсимликлар гуруҳига киради ва фақат иқлими иссиқ мамлакатларда ўстирилади. Кунжутнинг уруғлари 15°C ҳароратда уна бошлайди, қийғос униб чиқиши учун $18-20^{\circ}\text{C}$ ҳарорат зарур. Ҳаво ҳарорати $23-25^{\circ}\text{C}$ бўлганда униши тезлашади. Салгина совуқ ҳаво бўлса майсалари ҳам, вояга етган ўсимлик ҳам нобуд бўлади.

Ҳарорат 2°C бўлганда гуллари сўлиб қолади, 3°C бўлганда катта ўсимликлар ҳам совуқдан ҳалок бўлади. Ўсимлик униб чиқанидан уруғлари пишгунича $22-35^{\circ}\text{C}$ даража ҳарорат лозим. Тупроқда нам етарли бўлиб, ҳаво ҳарорати 20°C бўлса, уруғлар экиланган куниёқ униб чиқиши мумкин. Кунжут ҳам ўсиш даврининг бошида суст ривожлансанда, гуллашига $10-12$ кун қолганда тез ўса бошлайди. Гуллаш даври тез ўтади.

Кунжут ёруғликка талабчан, қисқа кунлик ўсимлиkdir. Шимолда экилса ўсиш даври чўзилиб кетиб пишмайди, ўсимлик ўзи учун лозим бўлган ҳарорат йигиндисини олмас экан уруғлари пишмайди. Кунжут қурғоқчиликка чидамли бўлгани билан намга ҳам талабчан ҳисобланади. Айниқса униб чиқиш ва гуллаш даврида тупроқда намнинг етарли бўлиши ҳосилдорликни сезиларли даражада оширади. Нам етарли бўлган пайтда ўсиш даври қисқаради.



16-расм.
Кунжут ўсимлигининг
умумий кўрининиши.

Кунжут ҳам зигирга ўхшаб тупроққа талабчан ҳисобланади. Таркибида органик моддалар миқдори юқори, бегона ўтлардан тоза, унумдор ва ғовак бўлган тупроқлар кунжут етишириш учун энг қулай муҳит ҳисобланади. Оғир соз тупроқлар кунжут экиш учун ярамайди. Шўрланган тупроқларда ўсимлик ўсмайди. Ўсиш даврининг узунлигига қараб кунжут навлари уч хилга бўлинади. Булар: *эртапишар*, *ўртапишар*, *кечпишар* навлардир. Эртапишар навлари тупроқ иқлим шароитига қараб 75—78 кунда, ўртапишар навлари 95—110 кунда, кечпишарлари эса 120—150 кунда пишиб етилади.

Экиладиган навлари. «Ташкентский-122» 1942 йилдан республика бўйича иқлимлаштирилган. Юқори ҳосилли нав. Баланд бўйли, сугорилган туманларда экиланда 150 см ва шартли сугориладиган туманларда 100 см бўлади. 1000 дона уруғининг оғирлиги 3—3,5 г. Ўртапишар нав. Ўсиш даври сугориладиган ерларда 109—125 кун, сугориладиган ўртача ҳосилдорлиги гектарига 8—9,5 ц, уруғидаги мой миқдори 56—61 фоиз.

Зигир каби кунжут ҳам кўп йиллардан бери Ўзбекистоннинг катта майдонларида ўстирилмайди. 1990 йилдан бошлаб бу экинларга қайтадан эътибор берила бошланди.

Етишириш усули. Кунжут ўтмишдош экинларга жуда талабчан. Уни албатта бегона ўтлардан тоза бўлган далаларга экиш лозим, бунинг учун қора шудгор полиз экинлари, дукқакли дон экинлари ва йўнгичқа энг яхши ўтмишдош бўлади. Дошли экинлардан сўнг далага минерал ва органик ўғитлар бериб сўнг кунжут экиш мумкин.

Кунжут минерал ўғитларга нисбатан жуда талабчан бўлади. У ориқ, унумсиз ерларда жуда паст ҳосил беради. Шунинг учун ерга кузда 15—20 тонна гўнг ва 30—35 кг фосфорли ўғит солинади. Азотли ўғитларни, албатта баҳорда қатор ораларини ишлаш пайтида бериш лозим. Биринчи озиқлантириш гуллаш фазасининг бошида, иккинчи озиқлантирилган пайтда тупроқда нам миқдори етарли бўлиши лозим. Акс ҳолда берилган ўғитлар бефойда бўлади. .

Сугориладиган ерда кунжут экиладиган бўлса, экишдан олдин ер сугорилиши лозим. Лалми зонада ҳам ёмғирдан сўнг кунжут экилади. Экиладиган уруғларнинг тозалиги ва унувчанлиги класс талабларига жа-

воб бериши керак. 1-класс уруғларининг тозалиги 98 фоиз бўлса, унувчанлиги 90 фоиз, 2-класс уруғининг тозалиги 95 фоиз бўлса, унувчанлиги 85 фоиз бўлиши мумкин. Юқори сифатли уруғлар экилганда ҳосилдорлик юқори бўлади..

Кунжут баҳорда, ҳамма совуклар ўтиб кетгандан кейин, тупроқ 18—20°C қизиган пайтда экилади. Тошкент, Самарқанд, Хоразм ва Қорақалпоғистондаги кунжутни 20 майларда, жанубий вилоятларда эса май ойининг боши ва ўртасида экиш мумкин. Эрта муддатда экиш турли қасалликларни кучайтириб, ҳосилни камайтиради.

Кунжут уруғи кенг қаторлаб (70 см кенглиқда) экилади, унинг поялари бақувват ривожлангани учун ҳам тор қаторлаб экиш мумкин эмас. Ўт, дон ва маккажӯҳори сеялкаларида экилади. Уруғлар ерга кенг қаторлаб экилганда гектарига 5—6 кг миқдорда ташланади. Уруғларни ташлаш чуқурлиги 2,5—3 см, қатор оралари 60 см кенглиқда ҳам экилиши мумкин. Лалми зонада уруғлар чуқурлиги 4—5 см, экиш нормаси гектарига 3—4 кг.

Ўсимлик қаторлари кўзга ташланиши билан қатор оралари юмшатилади. Ҳар 6—7 см да бир туп ўсимлик қолиши зарур.

Суғориладиган майдонларда кунжут 1—4 марта гача суғорилади. Грунт сувлари паст жойлашган бўлса, 3—4 марта, ер ости сувлари юза жойлашган ерларда эса, 1—2 марта суғориш мумкин. Гуллаган пайтида ўсимлик сувга талабчан бўлади, ана шу вақтда сув бериш чангланиш миқдорини янада оширади. Суғориш нормаси гектарига 600—700 см³ ни ташкил этади.

Кунжут ўсимлиги аввал ўрилиб, кейин йиғиб олилади. Ўрилган кунжутлар шу заҳоти боғ-боғ қилиб боғланади. Сўнг қуритиш учун олдидан тайёрлаб қўйилган хирмонга териб қўйилади ва 8—12 кун ўтгандан кейин, яъни барабанлар айланиши секинлаштирилиб тозаланади. Лалми зоналардаги кунжутларни йиғиштириб олишга эътибор бериш лозим. Кўсакчалар очилиб, уруғлар тўкилиб кетмаслиги керак.

Назорат саволлари:

1. Кунжут ўсимлигининг ватани қаер?
2. Кунжутнинг ботаник тузилишини таърифланг.

3. Лалмода ҳам кунокут ўсадими?
4. Уруғларида энг күп мой сақловчи ўсимликларни сананг.
5. Нега кунокут пишганда тескари қўйиб куритилади?

ЕР ЁНГОҚ

Халиқ хўжалигидаги аҳамияти. Ер ёнгоқ уруғлари таркибида 40—57 фоиз қимматбаҳо, яъни қуrimайдиган мой мавжуд. Унинг мойи озиқ-овқат саноатида консервалар ва упа-эликлар тайёрлашда ишлатилади. Ер ёнгоқ мойи қуrimайдиган ёғ бўлиб, ундан сифатли маргаринлар ва турли шириналклар тайёрлашда фойдаланилади. Уруг мағзидан ҳолва, конфет, торт ва печеньелар тайёрлашда фойдаланилади. Бундан ташқари қовуриб ҳам истеъмол қилинади. Мойи сиқиб олингандан сўнг, кунжараси моллар учун омихта ем ҳисобланади.

Кунжарасида 45 фоиз мой ва 8 фоиз оқсил бор. Ер ёнгоқнинг кўк пояси ҳам оқсил сақловчи ҳисобланади. Уруги ўзида 40—50 фоиз мой билан 20—36 фоиз оқсил сақлайди. Шу хусусияти билан у қимматбаҳо ўсимлик ҳисобланади.

Ер ёнгоқнинг кўк пояси ва курук пояси чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Тўйимлилиги жиҳатидан беда пичанидан қолишмайди.

Ботаник-морфологик тузилиши. Ер ёнгоқ — *Arachis pурогaea ss vulgaris* бир йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, дуккаклилар — *Fabaceae* оиласига мансуб. Илдизлари ўқ илдиз, 150—190 см гача боради. Жуда кўп азот тўпловчи туганаклар ҳосил қиласди.

Пояси тик ўсуви, бўйи 20—80 см гача етади. Поялари тўрт қиррали, кўплаб ён шохлар чиқаради, ён шохлар сони 4—20 тагача бўлади. Поясидан чиққан шохлари бақувват, ҳатто асосий поядан кўра узунроқ, тўрт қиррали, тукли.

Ён шохлари поядан деярли тик ёки ётиқ ҳолда чиқиб, ер бағирлаб ўсади. Баъзи шаклларининг бўйи тик бўлса, баъзилари тарқоқ ва ярим ўсувчан бўлади. Тик ўсувчиларнинг бўйи 30—45 см бўлса, ярим ўсувчи шакллари 20—30 см га етади. Ён шохлари кўп бўлиб, бир тупининг айланаси 80—100 см гача бўлади. Барглари мураккаб патсимон, овал ёки тухумсимон ва барг банди ҳам тукли.



17-расм. Ёр ёнғоқ ўсимлиги.

Гули битта ёки икki-учтадан барг құлтиғида жойлашган, шакли капалаксимон, ер усти ва ер ости гуллари бор. Ер усти гуллари четдан ва ўзидан чангланади. Поянинг ер ости гуллари (клейстогам) майда, күримсиз бўлиб, очилмайди ва ўзидан-ўзи чангланади. Гули уруғлангандан сўнг кўп ўтмай, учи бирмунча ўткирлашган кичикроқ, найча шаклидаги тутунчаси ўса бошлиди. Бу найча гинофор дейилади. Гинофор дастлаб юқорига кейин пастга қараб ўсади, тупроққа 8—10 см

кириб боргач, ўсишдан тұхтайди. Шундан кейин туғунчасидан мева ривожлана бошлайди. Гинофор тұғунчаси горизонтал қолатда жойлашиб дүккак ҳосил қилаади, тупроққа кирмай қолған гинофор қуриб қолади ва мева тұгмайди.

Ер ёнғоқ гуллари бир кун давомида очилиб туради, яғни әрталаб очилади, тушгача сўлийди. Учинчи кун гул тұғунчаси мутлақо қурийди. Гинофор аввал юқорига ўсиб, тахминан олтинчи куни (урұғланғач) пастга қараб ўса бошлайди. Ер ёнғоқнинг чангланиши учун ташқи омиллар муқобил бўлиши керак. Бунинг учун энг аввали тупроқ намлиги етарли бўлиши керак. Ҳаво ва тупроқ куруқ бўлса, ҳосил бўлган 1000—2000 дона гул деярли уруғланмайди.

Меваси найсимон ёки пилласимон дүккак бўлиб, бир неча жойидан қаттиқ ёки сал бўғилган бўлади. Дүккакнинг узунлиги 1,5—2 см га етади. Ранги сомон ранг, усти тўрсимон бўлади. Дүккаклар пўстининг қалин ва юпқалиги ҳамда майда ва катталиги навга боғлиқ. Майда дүккаклар ичиде 1—2, ўртача дүккакларда 2—3, катта дүккакларда 4—7 донагача мағиз бўлади. Дүккаклар тик ўсадиган шаклларида асосий илдиз атрофика зич жойлашади. 1000 дона дүккакнинг вазни 500 г дан 1900 г гача боради, дүккаклари ҳар қандай ҳолларда ҳам чатнамайди, фақатгина қўл ва бошқа таъсир кучи билан ёрилиши мумкин.

Биологик хусусиятлари. Ер ёнғоқ бошқа дүккакли ўсимликларга ўхшаб иссиққа талабчан ҳисобланади. Уруғлари уна бошлагандан пишгунча, яғни бутун ўсиш даври давомида ҳарорат юқори бўлиши керак. Ер ёнғоқ уруғлари тупроқ ҳарорати 12°C дан ошганда уна бошлайди, агарда ҳарорат 12°C дан паст бўлса, уруғлар чириб кетади ва униб чиқмайди. Совуққа чидамсиз майсалари $1-1,5^{\circ}\text{C}$ совуққа бардош беради, вояга етган ўсимликлари дарҳол паст ҳароратда ҳалок бўлади. $0-5^{\circ}\text{C}$ ҳароратда ўсимликни дарҳол совуқ уради. Ҳарорат 3°C дан паст бўлганда дүккаклари ҳам заарланиб, экин униб чиқмайди.

Бу ўсимлик ёруғликка талабчан бўлиб, ҳаво ҳарорати иссиқ бўлганда юқори ҳосил беради, тупроқда нам кўп бўлиб, булутли кунлар кўп бўлса, ҳосили камайиб кетади.

Ер ёнғоқ намга талабчан ўсимлик. Гуллаш ва мева

ҳосил қилиш даврида тупроқда нам 70 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Гуллай бошлаганидан кейин суғориш лозим. Бу вақтда гуллар чангланиши учун қулай шароит вужудга келиши билан бирга гинофорнинг ерга тушиши ҳам осонлашади. Бизнинг шароитда ҳаво ҳарорати қуруқ бўлади, шунинг учун ҳам тупроқ намлигининг етарли бўлишига эътибор бериш лозим. Ер ёнғоқ унумдор озуқа моддаларига бой тупроқларда авж билан ўсади. Айниқса енгил қумоқ ва ғовак тупроқлар яхши намиққанидан сўнг ўсимлик ўсиши ва уруғлар ҳосил қилиши учун жуда қулай бўлади. Ўзбекистоннинг ўтлоқ, бўз тупроқлари етарли даражада озуқа моддалари билан таъминланганидан сўнг яхши ҳосил беради. Ер ёнғоқ ўсиш даврининг иккинчи ярмида азотли ўғитга ўта талабчан бўлади. Ўсиш даврида дастлаб у ўзини илдизларида тўпланган азот билан таъминлайди. Ориқ, шўрхок ва ботқоқлашган ерларда ер ёнғоқ паст ҳосил беради. Шундай тупроқларга ер ёнғоқ экиш ярамайди. Ер ёнғоқнинг ўсиш даври 120—150 кун.

Етиштириш усули. Ер ёнғоқ ўсимлиги ўтмишдош ўсимликларга талабчан бўлади. Унинг учун энг яхши ўтмишдош ўсимлик ораси ишланадиган ўсимликлар: пахта, сабзавот ва дон экинларидир.

Ер ёнғоқ экиладиган майдонлар кузда 29—30 см чукурликда шудгор қилинади. Шудгор пайтида ҳар гектар майдонга имкон қадар 10—15 т дан гўнг солиш зарур. Солинадиган гўнг яхши чириган, 2—3 йиллик бўлиши шарт. Янги, чиrimаган гўнгда бегона ўтлар уруғи кўп бўлиб далани ифлослантириб юборади.

Эрта баҳорда ер ёнғоқ экиладиган ерларга борона ва мола босилади, 1—2 марта культивация қилинади. Натижада ер ўсиб келаётган бегона ўтлардан тозаланади ва намни сақлаб қолишга ёрдам беради. Гуллаш фазасида, қатор ораларига ишлов берилаётган маҳалда 1—2 марта азотли ўғит бериш лозим. Бўз тупроқларда минерал ўғитларнинг самараси тез сезилади. Бериладиган ўғит меъёри гектарига 60—90 кг азот, 15—16 кг фосфордан иборат. Тупроқнинг кимёвий таркибиغا қараб ўғитни жуда кўп бериш ҳам ярамайди, чунки азотли ўғитларнинг кўп бўлиши туганак бактерияларнинг ҳаракатини сусайтиради. Баҳорда тупроққа яхшилаб ишлов берилади ва бегона ўтлардан тозаланади, ернинг намлиги ва ғоваклигини сақлаган ҳолда тупроқ

ҳарорати 14—16°C бўлгандан кейин экишга киришилади. Утказилган қатор тажрибалар шуни кўрсатадики, экиладиган уруғнинг унувчанлиги 97 фоиз ва 1000 дона уругининг оғирлиги 270 г. бўлганда ҳосилдорлик юқори бўлар экан.

Ер ёнғоқ маккажўхори ёки лавлаги экадиган сеялкалар билан экилади. Қатор ораси 70 см кенгликда бўлиши лозим, агарда қатор ораси 60 см кенгликда бўлса ўсимлик туплари тагида уйладиган тупроқ миқдори кам бўлиб қолади. Мабодо қатор ораси 90 см кенгликда экилса туп сони камайиб кетиб, олинадиган ҳосил камаяди. Қатор ораси 70 см бўлиб, ҳар 10—14 см га биттадан уруғ ташланса, бир гектарда ўртacha 100 минг дона ўсимлик бўлади.

Ер ёнғоқни квадрат уялаб экиш яхши натижа беради (70x70 см ҳар уяда 7—8 дона ўсимлик), аммо бизда техника воситалари уруғларни қаторлаб экишга мослашган, квадрат уялаб экадиган агрегатлар йўқ. Хўжаликларда чигит, маккажўхори ва бошқа экинлар асосан қаторлаб экишга мослашган. Экиш меъёри уруғи билан экилганда гектарига 50—80 кг, дуккаклари билан экилса бу кўрсаткич 25 фоизга ортади. Ер ёнғоқ уруғлари 6—8 см чуқурликка ташланади. Ўсимлик 2 ривожланиш даврини ўз ичига олади: *биринчи давр* туннинг шаклланиши, *иккинчи давр* ҳосилнинг тўпланиши. Биринчи давр табиий иқлим шароитларига қараб асосан 65—80, ҳосил тўплаш даври эса 70—75 кунга чўзилади. Экинни парвариш қилиш энг аҳамиятли давр ҳисобланади. Ниҳоллар униб чиққанидан сўнг қатор оралари 2—3 марта ишланади. Гуллаш фазаси бошланганидан сўнг туплар тагига минерал ўғитлар бериш билан тупроқ яхшилаб тортилади. Ўсимлик тагига яхшилаб тупроқ уюлса, ҳосилдорлик юқори бўлади. Ер ёнғоқ ўсимлиги совуқ тушгунча ҳосил тугади, биринчи дуккаклари гуллаганидан сўнг 50—60 кунда пишади. Биринчи дуккаги пишганидан сўнг узлуксиз равиша пиша бошлайди.

Ҳосил етилгач уни йигиштиришни кечиктирмаслик керак, узоқ вақт тупроқда қолиб кетган ҳосилда гинофорлар чириб, узилиб кетади. Дуккаклари яхши тўлишган даврда ҳосил йигила бошланади. Ўсимлик туплари АП—70 ер ёнғоқ йигадиган 2 қаторли машина билан ковлаб олинади. Машина ер ёнғоқ илдизини

кесиб, тупроқдан олиб бир жойга түплайди, ҳосили хирмонга келтирилиб 3—4 кун куритилади, сұнгра махсус МА-1,5 мослама билан СК-4 комбайнида яңчылади.

· Назорат саволлари:

1. Ер ёнғоқнинг ватани қаер?
2. Ёр ёнғоқнинг таркибида С витамини күпми ёки холестерин?
3. Унинг биологиясини таърифланг.
4. Енгил құмоқ тупроқларда у қандай ҳосил беради?
5. Унинг гуллашига таъриф беринг.

КУНГАБОҚАР

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Бу ўсимлик ер юзи-даги асосий мойли экинлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда яратилган дурагай навлари уруғида 56 фоиз оч сариқ тусли мой бўлиб, истеъмол мойлари ичидаги таъми яхшилиги билан ажralиб туради.

Кунгабоқар мойи озиқ-овқат саноатининг барча: маргарин, нон ва ширина кулчалар ва бошқа соҳаларида ишлатилади. Бундан ташқари мойи ярим қурийдиган бўлгани учун, олиф, бўёқ, лак, совун пиширишда, линолиум клеёнкалар олишда ҳам ишлатилади.

Кунгабоқар пояси қофоз ишлаб чиқариш учун хом ашё ҳисобланади. Кўпгина туманларда у ёқилғи сифатида ҳам ишлатилади. Пояси ёқилганда қоладиган кул таркибида 35 фоизга яқин калий оксид бўлади. Ундан совун пиширишда, шиша саноатида ва бошқа соҳаларда ишлатиладиган поташ олинади.

Кунгабоқарнинг баланд бўйли навлари силос бостириш учун экилади. Кунгабоқар кўпинча қор тўсувчи экин сифатида ҳам ўстирилади. Шунингдек, кунгабоқар қимматли асалчил ўсимликлардан ҳисобланади.

Ер куррасидаги экин майдони 18,33 млн га teng бўлиб Аргентина, АҚШ, Канада, Хитой, Испания, Туркия, Болгария, Венгрия, Франция, Россия, Украина ва Молдавияда катта майдонларда экилади. 100 кг уруғидан мой чиқиш даражаси заводларда 50—56 фоизни ташкил қиласи. Ҳосилдорлиги 2—3 т/га, юқори ҳосил бериш даражаси 5 т/гача бўлади.

Ботаник таърифи. Кунгабоқар бир йиллик ўсимлик.

Унинг илдизи ўқилдиз бўлиб, ерга 3—4 м ва ундан ҳам чуқур кириб ўсади. Атрофга 120 см гача ёйлади. Илдиз тизимининг бунчалик бақувват ривожланганлиги уни мамлакатимизнинг намгарчилик кам бўладиган қурғоқчил туманларида ўстиришга имкон беради. Пояси тик ўсади, ёғочланган, ичи ғовак ўзак билан тўла, шохламайди, бўйи 0,6—2,5 м гача ётади (силос бостириш учун экиладиган навлариники 3—4 м ва ундан баланд бўлади). Барглари узун барг бандида жойлашган, йирик, овал-юраксимон, учли, чети арра тишли, тук билан қалин қопланган. Эртапишар навларининг ҳар тупида 15—25 та, кечпишар навларида 30—35 та барг бўлади.

Тўпгули — ясси доира шаклидаги саватча бўлиб, диаметри мойли навларида 20—40 см гача, пистаси чақиладиган навларида 40 см ва унинг асосини гул ўрин ташкил қиласи, четки қисмида тилчасимон, ўртасида найсимон гуллар жойлашади. Тилчасимон гуллари йирик, зарғалдоқсариқ, мевасиз, баъзан яхши ривожланмаган уруғчиси бўлади. Улар ўзига ёввойи асалари ва бошқа ҳашаротларни жалб қиласи.

Ёввойи асаларилар ўсимликнинг чангланишида жуда муҳим аҳамиятга эга. Найсимон гуллари икки жинсли бўлиб, деярли гулўриннинг ҳаммасини эгаллайди. Битта саватчада 600—1200 тагача ва ундан кўп найсимон гул бўлади. Ҳар қайси гул бир уяли, паст тугунчали ва устунчали уруғидан, шунингдек, 5 та тишчали қўшилиб ўсган гулбаргли гултоҷдан иборат. Гултоҗининг ранги оч сариқдан тўқ зарғалдоқ тусгача. Чангчиси 5 та эркин ипчали, лекин чангдонлари қўшилиб ўсган.

Кунгабоқарнинг фойдаланишга қараб учта тури мавжуд: чақиладиган, мойли ва оралиқ.

Чақиладиган кунгабоқарнинг пояси йўғон бўлиб, бўйи 4 м гача етади, барглари йирик ва саватчаси катта (диаметри 25—40 см). Пистасининг бўйи 11—23 мм, мева пўсти (пўчоғи) қалин, қиррали. Мағзи пистаси ички қисмининг фақат ярмини эгаллайди. 1000 дона пистасининг вазни 170 г келади, пўчоғининг чиқиши 46—56 фоизни, мойлилиги 20—35 фоизни ташкил этади.

Мойли кунгабоқарнинг пояси нисбатан ингичка бўлиб, бўйи 1,5—2,5 м гача етади, барглари ҳам унчалик йирик эмас ва саватчаси ўртача (диаметри 20—40

см). Пистаси майда (бўйи 7–13 мм), мағзи пистанинг ички қисмини тўлик эгаллайди. 1000 дона пистасининг вазни 35–80 г келади, пўчоғининг чиқиши 25–35 фоизни, мойлиги 38–56 фоизни ташкил этади.

Биологик хусусиятлари.

Иссиққа талаби. Уруғи нам тупроқда 4–6°C ҳароратда уна бошлайди. 8–10°Cда тез униб, экилганидан 15–20 кундан кейин майса чиқаради. Ҳарорат 15–16°C га кўтарилиганда уруғи 9–10 кунда, 20°Cда 6–8 кунда униб чиқади. Кунгабоқар майсалари 5–6°C қисқа муддатли совуққа бемалол чидайди. Ўсимлик униб чиққанидан гуллашигача бўлган давр давомида иссиққа бўлган талаби тобора ортиб боради. Гуллаш фазасида ва кейинги даврда ҳароратнинг 25–27°C бўлиши кунгабоқарнинг ўсиши ва ривожланиши ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Намга талаби. Кунгабоқар қурғоқчиликка чидамли ўсимлик ҳисоблансанда, нисбатан кўп сув истеъмол қилади. Ўшиш даврида сувни бир хил истеъмол қилмайди. Саватча ҳосил қилишдан гуллаш даврининг охиригача энг кўп сувни (унинг учун зарур сувнинг 60 фоизи) ўзлаштиради. Ана шу даврда сув этишмаса, саватчасининг ўртасида жойлашган уруғлари пуч бўлиб қолади. Транспирация коэффициенти



18-расм:

А-кунгабоқар ўсимлиги; Б-мойли кунгабоқар уруғи; В-оралиқ кунгабоқар уруғи; Г-чақиласиган кунгабоқар уруғи.

470—570 га тенг. Лалми шароитда бу ўсимлик яхши ўсиб, ривожланади.

Ёруеликка талаби. Кунгабоқар ёруққа талабчан ўсимлик. Бошқа ўсимликлар билан сояланиб қолса, унинг ўсиши ва ривожланиши сусайди. Кунгабоқар қисқа кун ўсимлигидир. Шимолга томон интилган сари ўшиш даври узайиб боради.

Тупроққа талаби. Бўз, ўтлоқ бўз, қўнғир ва қора тупроқлар кунгабоқар учун энг яхши тупроқ ҳисобланади. Қумли, шўр, ботқоқ тупроқларда кунгабоқар ўсмайди.

Кунгабоқарда қуйидаги ривожланиш фазалари бор: майсалаш; саватча ҳосил қилиш; гуллаш; етилиш. Ўшиш даври эртапишар навларда 70—90, ўртапишар навларда 90—120 ва кечки навларда 120 кундан зиёд бўлади.

Навлари. Силособоп Чкалов гиганти, ВНИИМК-8931 мой берадиган навларни ўрганиб, иқлимлаштириш, Ўзбекистонда мой берувчи навлар устида ишлаш лозим.

ВНИИМК-8931

Бутуниттифоқ мойли ўсимликлар илмий текшириш институтининг селекцион нави. Мураккаб чатишириш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: Пустовойт В.С., Пустовойт Г.В., Миронов К., Чуприна В. Ф., Суровикин В. Н., Губин И. А., Илатовский В. П.

1971 йилдан Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Пояси шохламайди, тик турувчан. Ўсимликнинг баландлиги 180 см гача. Яхши янчилади. Дони йирик, чўзинчоқ, ўткир қовурғали, тўқ қора рангда. 1000 та донининг вазни 60,0—80,0 г. Ўртacha ҳосилдорлиги гектаридан 18,0—20,0 центнер, об-ҳаво қулай қелган йиллари 25,0—28,0 центнергача.

Нав ўртакечпишар, ўшиш даври 95—120 кун. Нави шумфия, занг, склеротин ва кулранг, чиришга бардошли. Навининг мойлилиги юқори, ёғ микдори 43,4 фоиз.

Чкаловский гигант

Бутуниттифоқ гүштдор қорамолчиллик илмий текшириш институти томонидан Гигант-549 ва Саратов-169 навлари табиий дурагайидан, яккалаб танлаш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: Катков Б. П., Чиркова Т. В.

1954 йилдан Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент вилоятлари бўйича силос учун Давлат реестрига киритилган.

Нави баланд, яхши баргланади. Яшил озуқа ҳосили гектаридан 132,0 центнер, куруқ моддаси 40,5 центнер. Яшил озуқасининг намлилиги юқори. Вегетация даври яшил озуқа учун 84 кун.

Қишлоқ хўжалик касалликлари ва ҳашаротларига бардошли.

Етиштириш усули. Кузги дон экинлари, дуккакли экинлар, маккажўхори кунгабоқар учун яхши ўтмишдош ҳисобланади. Ўсимликнинг ўзи донли экинлар ва қатор ораси ишланадиган кўпгина экинлар учун яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Кунгабоқар тупроқдан кўп озиқ моддаларни ўзлаштиради. 1 т кунгабоқар пистаси учун тупроқдан 50—60 кг N, 20—25 кг P₂O₅ ва 120—160 кг K₂O ўзлаштиради.

Экиш учун йирик 1000 донаси оғирлиги 80—100 г келадиган уруғлардан фойдаланилади. Ҳозирги нав ва дурагайлар иссиққа жуда чидамли. 1999 йил республикага Украинадан Юбилейный дурагайи уруғи келтирилди ва такрорий экин сифатида экилди. Бу дурагай, Қорақалпоғистон ва Тошкент вилоятида яхши ўсиб ривожланди.

Экиш муддати. Кунгабоқарни экиш муддати ҳаво ҳароратига, тупроқдаги намликка ва бошқа шарт-шароитга боғлиқ. Ҳавонинг ўртача ҳарорати 15°C бўлганда ва ер етарлича қизигандан кейин экилганда (ўртача муддат) майсалари бир текис қийгос униб чиқади. Одатда бу ўсимлик тупроқ ҳарорати 3—4°C бўлганда экилади, такрорий экин сифатида кузги арпа ва буғдой ҳам экиш мумкин.

Экиш усули. Кенг қаторлаб СПЧ-6 маркали сеялкалар билан экилади. Қатор ораларини 60—70 см, туп орасини 25—30 см қилиб экиш яхши натижа беради. Силос учун туп оралари 15—20 см дан олинади.

Экиш мөъёри. Ҳар 1000 дона уруғининг абсолют оғирлигига ва ҳар қайси уяга экиладиган уруғ сонига ёки қатордаги кўчатлар оралигига қараб белгиланади. Умуман ҳар гектар майдонга 6 кг дан 10 кг гача уруғ сарфланади. Кунгабоқар силос бостириш учун экиладиган бўлса, экиш нормаси 35—40 кг гача оширилади (1 гектарга 0,7—0,8 млн дона уруғ экилади).

Экинни парвариш қилиш. Кунгабоқар майсалари чиқишидан тахминан 4—5 кун олдин қатқалоқни бузиш ва униб чиққан бегона ўтларни йўқотиш учун далалар бороналанади.

Кунгабоқар майсалари 1—2 жуфт чин барг ёзганда далалар эрталабки соатларда эмас, балки бироз кечроқ, яъни ўсимликларнинг тургор ҳолати сусайганда, тракторни кичик тезликда юргизиб қаторларга нисбатан кўндалангига бороналанади. Бир гектарда 50—55 минг туп ўсимлик қолдирилади.

Қатор ораларини ишлаш экин майдонларининг қатқалоқ босишига ва бегона ўғитлар ўсиб чиқишига қараб амалга оширилади. Одатда қатор оралари 2 марта узунасига ва 1—2 марта кўндалангига культивация қилинади.

Кунгабоқар пистасининг пуч бўлиб қолишини камайтириш учун асалари ёрдамида чанглантирилади.

Суғориш мөъёри 800—900 м³ миқдорда бўлиб, тупроқда сувнинг жойланиш чуқурлигига қараб суғорилади. Саватча ҳосил қилиш даврида сувни жуда кўп ўзластиради.

Ҳосилни йиғиб олиш писталар тўла етилганда бошланади, бу вақтда уругда мой тўплаш жараёни тўхтаган бўлади ва мағзи қотган бўлади. Саватчалар қўнғир тусда бўлади.

Ҳосил маҳсус мослама ёрдамида комбайнларда йиғиб олинади.

Назорат саволлари:

1. 100 кг пистадан неча килограмм мой олиш мумкин?
2. Пистани нега кунгабоқар дейишади?
3. Чақиладиган кунгабоқардан мой олиш мумкинми?
4. Экиш муддати ва мөъёрини таърифланг.

КАНАКУНЖУТ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Канакунжут уруғлари ўзида 47—59 фоиз куримайдиган мой сақлайди. Канакунжут уруғларидан мой икки хил усулда иссиқ ва совуқ ҳолда сиқиш йўли билан ажратиб олинади. Канакунжут уруғларини қиздириш ва сиқиш йўли билан техника мақсадларида ишлатиладиган мой олинади. Ургуни совуқ ҳолда зичлаб сиқиш йўли билан кенг тарқалган костер мойи олинади. Канакунжут мойидан алиф тайёрланса, унинг сақланиш муддати 4 йилга боради. Оддий алиф бор-йўғи 1,5 йилда кучини йўқотади. Бундан ташқари ундан пластмасса буюмлар олишда фойдаланилади.

Ботаник-морфологик тузилиши. Канакунжут — *Ricinus* авлодига мансуб, сутламадошлар — *Euphorbiaceae* оиласига кириб, учта турни ўз ичига олади: майда уруғли канакунжут, йирик уруғли канакунжут (*Ricinus macrocarpus*), занзибар канакунжут. Канакунжут Ўзбекистонда манзарали гул сифатида экилиб келинади. Собиқ Иттифоқда икки: майда ва йирик турлари экилиб келинган. Бу турлар ўз навбатида турли хилларга бўлинади (19-расм).

Пояси тик ўсади, бўғимлари салғовак ва ён шохлари кўп бўлиб, гултўпламлари билан тугайди. Поясининг ўрта-



19-расм.
А — канакунжут ўсимлиги;
Б — уруги.

ча йўғонлиги 2,5—5 см гача етади. Пояси мумсимон тубор билан қолланган. Асосий пояси ён шоҳларига нисбатан калтароқ бўлади. Барглари йирик қалқонсимон паллали, кўтарилиган ёзиқ қўлга ўхшайди. Узунлиги 25—70 см бўлади. Паллалари орасида каттагина чуқурча бор. Ялтироқ, туксиз банди йўғон ва узун (25—60 см) бўлади.

Тўпгулининг узунлиги 10—30 см келади, баъзан 70 см гача етадиган овалсимон ёки конуссимон шингилдир. Гуллари ярим соябон шаклда тўпланган, бир жинсли. Эркак ва урғочи гули битта тўпгулда бўлади. Урғочи гуллари узун гулбандли, эркак гулларининг гулқўрғони атрофида бир тўп чангчи жойлашган. Урғочи гули тугунча билан иккинчи паллали учта тумшуқчадан ташкил топган, тугунчаси ҳар қайси уядга биттадан уруғ куртак бўлади. Меваси ёки кўсакчасининг уч уяли кўсакчанинг ҳар қайси уясида биттадан уруғи бўлади. Кўсакчаларининг шакли шарсимон, юзаси тиканли ва тикансиз бўлади. Кўсакчанинг ранги ҳар хил: яшил, пушти, жигарранг, қизил. Кўпгина канакунжут навларининг кўсакчаси чатнаб, ичидан уруғлари тўкилиб кетади.

Уруғи тухумсимон, икки ёнидан бироз сиқилган, ялтироқ, мўрт пўстли бўлади. Уруғининг ичидаги сўргичсимон ўсимта бор, у уруғ ўсимтаси деб аталади. Уруғлари жуда йирик 1000 донасининг оғирлиги 150—200 г дан 300—500 г гача етади. Уруғ қобиги силилиқ ялтироқ.

Ер куррасида канакунжутнинг бир неча турлари экилади. Ушбу ўсимликнинг ўсиш даври навига, тупроқ-иқлим шароитига кўра 100—145 кунни ташкил этади. Канакунжут четдан чангланадиган ўсимлик, асосан шамол ёрдамида чангланади, лекин унинг чангланишида ҳашаротлар ҳам катта аҳамиятга эга.

Совуқ сиқиши йўли билан канакунжут мойи ажратиб олингач, қолган кунжараси заҳарли бўлади. Шунинг учун бу кунжарани молга бериб бўлмайди. Марказий Осиё шароитидаги иссиқ ҳарорат ва тупроқда намнинг кам бўлиши канакунжут уруғи таркибида оқсилда алколоид миқдорининг камайишига қулай шароит яратиб беради. Агарда тез-тез сугориб турилса, алколоид миқдори ортиб кетади. Оқсил миқдори билан алколоид ўртасида ҳам тескари боғланиш бор. Оқсил қанча кўп бўлса, шунча канакунжут уруғидаги алколоид рицитин миқдори (иссиқ ҳаво ва нам кам бўлишидан) камайиб боради.

Биологик хусусиятлари. Канакунжут иссиққа талабчан ўсимлик, чунки унинг ўсиш даври кўп ўсимликларга нисбатан бирмунча давомли. Ҳарорат 10°C дан паст бўлганда канакунжут уруғлари унмайди, 10°C да жуда кам миқдорда униб чиқади. Ҳарорат 15°C бўлганда 8 кунда 70 фоиз, 20°C бўлганда 4 кунда, 25°C бўлганда эса 3 кунда тўлиқ униб чиқади. Ҳарорат 35°C дан юқори бўлганда мутлақо унмайди. 15 — 20°C ҳарорат канакунжут уруғларининг униши учун қулай ҳисобланади. Ёш ниҳоллари совуққа жуда таъсирчандир, — 1°C ҳароратда унинг барча майсалари ҳалок бўлади. Канакунжутнинг кейинги ривожланиш фазаларида ҳарорат 20°C дан паст бўлмаслиги керак. Акс ҳолда ўсимлик пишиб етилмайди. Ёки пишиш муддати чўзилиб таркибидаги мой миқдори камайиб кетади. Ҳарорат ўта юқори бўлганда канакунжутнинг пишиш даври нисбатан қисқаради.

Ўсимликнинг бутунлай ўсиб ривожланиши учун 2000 — 3500°C ўртача бир кечакундузлик ҳарорат лозим. Ўсиш даври нав ва тупроқ иқлим шароитларига қараб 115 — 140 кунга боради. Канакунжут ёруғликка талабчан, қисқа кунлик ўсимлик ҳисобланади. Қуёшли кунда ўсиш даври қисқариб боради. Ёмғирли булути кунлар кўп бўлса, уруғлари пишиб етилмайди. Канакунжут яхши ўсиб ривожланиши учун тупроқда нам миқдори етарли бўлиши керак. Ўсиш даврининг бошида ва пишиш маҳалида намнинг кам бўлиши ўсимлик учун заарлидир. Ана шу даврларда ерда нам миқдори кам бўлса, бутунлай ҳосил бўлмайди. Ўсиш даврида ер 4 — 6 марта сугорилади, сугориш меъёри гектарига 400 — 500 m^3 , сугорилганда ҳосилдорлик гектарига 3 — 4 ц га тушиб қолади.

Канакунжут тупроққа талабчан ўсимлиkdir. Органик моддаларга бой тупроқларда унумдорлик жуда яхши бўлади. Бўз тупроқ ерга ўғит солинса, яхши самара беради. Шўрланган, грунт сувларига яқин тупроқларда канакунжут яхши ўスマйди, туп сони кам бўлади. Қатор оралари юмшатилиб, тупроқ ва сув режими яхшилангандан кейин ёзниг иккинчи ярмида бу ўсимлик жуда тезлик билан ўсади.

Экиладиган навлари: «Херсонская-10». Бу нав Херсон қишлоқ хўжалик институтида якка танлаш йўли билан чангланган, дурагай популяциядан ажратиб олин-

ган. 1981 йилдан Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг сурориладиган зоналари учун иқлимлаштирилган.

Мой миқдори юқори уруғида ўрта ҳисобда 64 фоизга етади. Механизация билан экишга яроқли.

Етиштириш усули. Алмашлаб экишда канакунжут учун кузги ва баҳорги дон экинлари маккажӯҳори дуккакли дон экинлари яхши ўтмишдош экинлар ҳисобланади. Канакунжут учун қатор оралари ишланадиган ўсимликлар ҳам энг яхши ўтмишдош бўлади. Канакунжутнинг ўзи донли экинлар ва лавлаги учун яхши ўтмишдош, канакунжутни такрор 2—3 йил бир далага экиш мумкин. Канакунжутдан кейин чорва моллари учун ўриб едириладиган силос бостириладиган ўсимликлар экилмаслиги керак. Чунки канакунжут уруғлари молга берилса, ёки силосга қўшилиб қолса заҳарланиши мумкин. Канакунжут экиладиган ерга кузда органик ва минерал ўғитлар солиниб, 28—30 см чукурликда шудгор қилинади. Ерни кузда ишлашдан мақсад нам тўплаш, тупроқдаги ҳаво режимини яхшилаб микроорганизмларнинг ҳаракатини кучайтириш, касаллик ва ҳашаротларни камайтириш, тупроқдаги озуқа моддаларни ўсимлик ўзлаштирилиши учун тайёр ҳолга келтириш ҳамда бегона ўтларга қарши курашишдир. Эрта баҳорда бегона ўтлар уруғи кўплаб уна бошласа, чизеллаш лозим, бир-икки марта культивация, борона қилинади.

Канакунжут азотли ва фосфорли ўғитларга ўта талабчан. Бу ўғитларни кам миқдорда қўллаш ҳам унинг ҳосилдорлигини сезиларли даражада оширади. Кузги шудгорда гектарига 15—20 тонна гўнг ва 30 кг фосфорли ўғит солиш мақсадга мувофиқ.

Баҳорда биринчи культивация билан биргаликда 30 кг азот ва 15 кг фосфор берилади. Учинчи культивация билан ҳам шу тартибда азотли ва фосфорли ўғитлар бериш лозим.

Канакунжут уруғларининг кимёвий таркиби минерал ўғитлар берилгандан сўнг мутлақо ўзгармайди, олинадиган мой миқдори гектар бошига минерал ўғитлар берилгандан кейин сезиларли даражада ошади. Минерал ўғитларни берган пайтда тупроқда нам миқдори етарли бўлиши лозим. Асосан қатор ораларига 70 ёки 90 см кенгликда қаторлаб экиш яхши натижа берди. Экиш нормаси жуда юқори бўлгандада ҳосилдорлик ка-

майиб кетади. Умуман кунжутнинг экиш нормаси уни комбайн билан йиғиштириб олишта ҳам таъсир этади. Шунинг учун экиш нормасини жуда аниқ билиш керак. Бир гектар ерда туп сони 45—55 мингдан ошмаслиги керак, жуда сийрак бўлса ўсимлик жуда кўплаб ён шохлар чиқаради ва уруғларнинг пишиш муддати ҳар хил бўлиб қолади. Кам шохлайдиган навларнинг гектарига 70—80 минг туп бўлиши мақсадга мувофиқ.

Экиш чуқурлиги энг муҳим агротехник тадбирлардан бири бўлиб, майсаларнинг қийғос униши учун муҳим аҳамиятга эга. Тупроқда нам етарли бўлса уруғлар 6—7 см чуқурга ташланади. Ҳавонинг ҳарорати 15°C дан юқори бўлганда уруғларни 5—6 см га ташлаш лозим. Уруғ чуқур ташланганда униб чиқиш муддати чўзилиб кетади.

Канакунжутни апрель ойининг иккинчи ўн кунлигига экиш энг қулай вақт ҳисобланади. Умуман канакунжутни совуқ тушиш хавфи тугагандан кейин, тупроқнинг 10 см гача бўлган қавати 12°C гача қизиганда экиласди. Ана шу муддатдан эрта ёки кеч экиласа, ҳосил сезиларли даражада камайиб кетади. Канакунжутдан яхши ҳосил олиш учун уруғни 2—3 соат давомида сувга солиб қўйиб, сувга чўйкан оғир уруғларни танлаб олиб экиш керак.

Назорат саволлари:

1. Канакунжут мойи нимага ишлатилади?
2. Гуллари неча уйли бўлади?
3. Уруғларида қандай алколоидлар бор?
4. Мойи қаерда ишлатилади?

ХАНТАЛ — (ГОРЧИЦА)

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Хантал энг қимматбаҳо ўсимликлардан ҳисобланади. Ханталнинг икки тури: сарапет ва оқ хантал экиласди.

Сарапет хантал кўпроқ тарқалган. Унинг уруғларида 35—47 фоиз мой бор. Оқ ханталда 30—40 фоиз мой бор. Сарапет хантали нисбатан мойни кўпроқ сақлайди. Хантал мойни озиқ-овқат саноатида энг қимматбаҳо мойлардан ҳисобланади. Таъми жиҳатидан кунгабоқар мойидан кейин туради. У озиқ-овқат саноатида, консерва ва кондитер маҳсулотлари олишда, тўқимачилик

ва дори-дармон ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Хантал мойи күшилган нонлар юмшоқ, сўлқилдоқ бўлади ва қотиб қолмайди. Хантал мойида эфир ҳам бўлиб, бу мой упа-элик олишда ишлатилади. Хантал кунжарасидан аччиқ, куйдирувчи таъмли хантал қукуни олинниб, хантал ва хантал қофозлари тайёрланади.

Оқ хантал, қўзоқча ҳосил қилгунча чорва моллари учун эртаги кўк поя беради. 100 кг кўк пояси 16 озиқ бирлиги сақлайди. Кўк нўхат, вика ва бошқа экинларга кўшилиб, кўкат ўғит сифатида экилади. Хантал кўп гуллагани учун асаларилар бу ўсимликка жуда ўч бўлади.

Ўзбекистонда хантал уруғ учун экилганда гектаридан 22—25 ц гача уруғ олинади.

Ботаник тузилиши. Хантал — *Brassica juncea* Crem. ва оқ *Sinapis alba* L Brassicaceae оиласига мансуб ўтсимон бир йиллик ўсимлик. Кўк ханталнинг илдизлари ўқ илдиз, ерга 120—150 см га кириб боради ён шохлари асосан ернинг ҳайдалма қатламида жойлашади. Пояси тик ўсади, бақувват, ён шохлари кўп, бўйининг баландлиги 60—110 см гача етади. Поясининг пастки қисмида озроқ сийрак тукчалари бор, юқори қисми туксиз, пастки қисми мумсимон губор билан қопланган.

Пастки бандларининг барг банди бор ва у бўлакларга бўлинган, юқори барг бўлаклари сезилар-сезилмас бутун, туксиз кам миқдорда мумсимон губор билан қопланган. Тўпгулли шингил. Гули икки жинсли, тўрт бўлакли, оч сариқ рангда гулёнбарглари йўқ, гулидан асалнинг ҳиди келади, ўзидан-ўзи чангланувчи ўсимлик, ҳаво иссиқ бўлганида четдан ҳам чангланади. Мевалари қўзоқча, ингичка, чўзинчоқ бўлиб, юзаси ғадир-будир, бўйи 2—3,5 см, туксиз бигизсимон, ингичка, қалта тукчаси бор. Пишган пайтда ташқи таъсир оқибатида уруғлари тўклиб кетади.

Уруғи майда думалоқ, юзаси турланадиган, айласиши 1,2—1,8 мм, қизғиши-қўнғир рангда баъзан сарғиши тусда бўлади, 1000 дона уругининг оғирлиги 2—4 г келади.

Биологик ҳусусиятлари. Хантақ иссиқча унча талабчан эмас, уруғлари 2—3°C да унда бошлайди, майсалари 8—10°C совуқча бардош беради. Майсалари қортагида бемалол қишлиб чиқади. Марказий Осиёда хантални кузги қилиб экиш мумкин. Қишки совуқлар ўсим-

ликка мутлақо таъсир қилмайди. Курғоқчиликка чидамли, ёруққа талабчан, узун кунлик ўсимлик. Эрозияга учраган ва шўрланган тупроқларда яхши ҳосил бермайди. Умуман олганда, тупроққа талабчан эмас. Курғоқчиликка чидамли бўлиши билан бир қаторда, тупроқда нам бўлса, гуркираб ўсади. Ўсиш даври 90—110 кун (20-расм).

Оқ хантал. Сарапет ёки кўк ханталга қараганда совуққа чидамли, қишки совуқларга бемалол бардош беради. Намга кўк ханталга нисбатан талабчан. Тупроқ танламайди. Илдизлари тупроқдаги барча озуқа моддаларни ўзлаштириб олиш хусусиятига эга, ўсиш даври 65—70 кун. Узун кунли ўсимлик. Экиладиган навлари: «Заря», «ВНИИМК-405», «Юбилейная», «Скороспелка-2». Ушбу навлар бизнинг шароитда юқори ҳосил беради. Ўзбекистонда ҳозирча ханталнинг янги навлари яратилмаган.

Етиштириш усули. Алмашлаб экишда хантал донли экинлар, пахта, дуккакли дон экинлари ва умуман қатор оралари ишланадиган экинлар учун энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Хантални фақат карамгуллилар оиласига мансуб ўсимликлардан кейин экиб бўлмайди.

Хантал илдизи ўзидан фитотоксинлар чиқариб зарарли микроорганизмларни ҳалок қиласди. Хантал илдизлари тупроқни тозаловчи



20-расм.

А — оқ хантал; Б — уруғи.

вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам муҳим ўтмиш-дош ҳисобланади.

Ўзбекистонда хантал асосан кузда экилади. Ўтка-зилган қатор тажрибалар хантални қишиги совуқлар урмаслигини кўрсатади. Ўсимликларни кузда экиш ижобий натижа беради. Хантал экиладиган майдонларнинг гектарига 25—30 кг азот, 45—60 кг фосфорли ўғит солинади. Ўғитлар баҳорда қатор ораларини ишлаш билан берилади. Ханталнинг илдизлари тупроқдан озиқ моддаларини юқори даражада ўзлаштиргани учун ўғитга кўп талабчан эмас. Ўғитларнинг бир қисми тупроқда ўзлаштирилмайдиган ҳолатга ўтиб қолади. Ана шу ўғитларнинг, айниқса қотиб қолган фосфорли бирикмаларни хантал илдизлари ўзлаштириш қобилиятига эга. Хантал илдизлари бир қисм фосфорли ўғитни ўзи ўзлаштириб, бир қисмини эса келгуси йилги ўсимлик учун тайёр ҳолга келтиради. Агар хантал эрта баҳорда экиладиган бўлса, ер худди дон экинларига тайёрлангандай тайёрланади ва қисқа мuddат ичида экилади. Хантал экиладиган ерларга фосфорли ўғитлар кўпроқ берилгани маъқул. Гектарига 15 кг соф фосфорли ўғит солинса, хантал ҳосили 2—3 ц ошади. Барча ўсимликлар уруғи каби хантал уруғлари ҳам сифатли, кондиция талабларига жавоб бериши керак. Сарапет хантали уруғларининг тозалиги 97 фоиз, унувчанлиги 90 фоиз, оқ уруғларининг тозалиги 97 фоиз, унувчанлиги 85 фоиз бўлиши лозим. Хантал кенг қаторлаб экилади, тор қаторлаб экиш ҳосилни пасайтириб юборади. Чунки унинг поялари бакувват бўлгани учун ён шохлари кўп бўлади. Демак, ана шу хусусиятларига қараб, фақатгина кенг қаторлаб, қатор орасини 60—70 см кенгликда экиш лозим. Экиш нормаси сарапет хантали учун гектарига 9—10, оқ хантал учун 12—14 кг уруғи СПЧ-6 маркали маккажӯхори сеялкаларида ва сабзавот сеялкаларида экиш мумкин. Хантал униб чиққандан сўнг қатор оралари 2—3 марта культивация қилинади. Икки марта минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Биринчи марта гектарига 30—35 кг азотли ва 20—25 кг фосфорли, иккинчи марта 20—25 кг фосфорли ўғит культивация қилинади ёки жўяқ олиш пайтида солинади.

Ер ости сувлари юза жойлашган майдонларга экилган бўлса, сугориш сонини камайтириш мумкин. Суғориш меъёри гектарига 400—500 м³. Ханталнинг чангла-

ниш даражасини ошириш учун хантал гуллаган майдонларга асалари уяларини қўйиш мақсадга мувофиқдир. Хантал тўла пишиб етилганда СК-5, НИВА комбайни, ИКК-5 мосламаси билан жиҳозлаб, ўриб олинади.

Ўзбекистонда ханталнинг ривожланиши учун энг кулий биологик шароит мавжуд, шунинг учун бу ўсимлик бизнинг шароитда энг юқори ҳосил беради. Самарқанд вилояти Иштихон туманида гектаридан ханталнинг 25—27 ц уруғи йиғиб олинди.

Назорат саволлари:

1. Ханталдан нималар олиш мумкин?
2. Хантални кузда ва баҳорда экиш мумкинми?
3. Унинг ботаник таърифини айтинг.
4. Хантал ерни касалликлардан тозалайдими?

РАПС

Халқ ҳўжалигидаги аҳамияти. Рапс ўсимлиги истиқболли мой берувчи ўсимликлардан биридир. Унинг уруғида 30—35 фоиз мой бор. Рапснинг дастлаб яратилган навлари уруғларида ҳайвон организмлари учун зарарли бўлган зуреук кислотаси бор бўлган. Ана шу модда рапс кунжарасига аччик, ёқимсиз таъм бериб туради. Ҳозирги кунда яратилган рапснинг навларида бу зарарли модда жуда кам миқдорда. Бир гектар ерга рапс экилганда 10 ц мой ва 5 ц оқсил олиш мумкин.

Рапснинг чала қурийдиган мойи озиқ-овқат, полиграфия ва тери ошлаш саноатида ишлатилади. Бундан ташқари рапс мойи лак бўёқ ва каучук олишда, тўқимачиликда сунъий матолар ишлаб чиқаришда қўлланилади (21-расм).

Ер куррасида рапс 5 млн гектар ерга экилади, шунинг учун 90 фоиздан ортиғи Ҳиндистон, Хитой, Япония ва Европада ҳам экилиб келинади. Қозогистон, Марказий Осиё республикаларида рапс ем-хашак учун экилади.

Ботаник тузилиши. Собиқ иттифоқда рапснинг икки: кузги ва баҳорги турлари экилади. Рапс бир йиллик ўсимлик бўлиб карамгуллилар — *Brassicaceae* оиласига киради. Илдизлари бақувват ривожланган ўқ илдиз. Тупроққа, айниқса, кузги тури чукур кириб боради. Рапс кузда экилганда 5—8 та барг ҳосил қиласида ва асосий

ўишини баҳор ойидан бошлайди. Рапс баҳорда экилганда ўсимлик даврини узлуксиз давом эттиради. Баҳорги рапс кузги рапсга қараганда сустроқ ривожланади ва уруг, кўк масса ҳосили камроқ бўлади. Рапснинг поялари баланд бўлиб, туксиз мумсимон губор билан қопланган, сершох, узунлиги 150—170 см га етади. Барглари бандли. Бир туп ўсимликда бир неча хил шаклга эга бўлган барглар бор, пастки барглари кертилган. Ўрта қисмдаги барглар деярли бутун, юқоридаги барглар чўзинчоқ, учи ўткир бўлади. Гул тўплами сийрак, шингил, гули тўрт бўлакли, оч сариқ тусда бўлиб, думалоқ, сирти текис эмас. 1000 дона уруғининг оғирлиги 2—7 г келади. Уруғининг диаметри 1,5—2,5 мм, чайнаб кўрилганда ўтнинг таъми келади. Сувга солса, шилимшиқланмайди.

Биологик хусусиятлари. Кузги рапснинг қишига чидамлилиги ханталга ўхшаш. Майсалари қор тагида совуқقا чидамли бўлади. Қорсиз пайтда майсалар $12-15^{\circ}\text{C}$ совуқда ҳалок бўлади. Баҳорда $2-3^{\circ}\text{C}$ да ўса бошлайди ва $8-10^{\circ}\text{C}$ совуқقا бардош беради.

•Рапс намга талабчан. Тупроқ ва ҳаво ҳарорати қуруқ бўлса, ўсимлик паст бўйли



21-расм.
А — кузги рапс; Б — уруги.

бўлиб, яхши ривожланмайди. 30—32°C ҳароратда нам етарли бўлганда яхши ўсади. Ёруққа талабчан, узун кунли ўсимлик.

Рапс нисбатан шўрланган ва қумоқ, оғир соз тупроқларда яхши ўсмайди. Ўзбекистоннинг ўтлоқ ва бўз тупроқларида жуда яхши ўсади. Суфориладиган шароитда ҳамиша ўсимлик талаб қилган намлиқ бор. Кузги рапснинг ўсиш даври 250—260, баҳорги рапснинг эса 150—170 кунни ташкил этади. Кузги рапс ҳаво ҳарорати 2°C бўлганда ўса бошлайди ва 2 ҳафтадан кейин поялари ҳосил бўлади, гуллаш даври 25—35 кунга чўзилади.

Рапс чорва моллари учун ем-хашак мақсадларида гуллаш фазасида ўрилади. Кейинчалик моллар уни яхши емайди.

Етиштириш усули. Алмашлаб экишда карамгуллилардан бошқа ўсимликлар, рапс учун ўтмишдош бўла олади. Рапс ўтмишдош ўсимликларга унча талабчан эмас. Рапсни ўзидан кейин 4—5 йилдан кейин қайтариб экиш мумкин, бўлмаса касаллик ва зааркунаңдалари кўпайиб кетади. Рапс экиладиган ерларни кузда 27—30 см чуқурликда ҳайдаб, гектарига 20—25 т гўнг ва 30—35 кг фосфорли ўғитлар солинади.

Кузги рапсни имкони борича эртароқ экиш лозим, чунки 7—10 та барг чиқарган пайтда қишки совуқларга чидамли бўлади. Агарда экиш муддати кечикса, ўсимлик ўзи учун зарур бўлган озуқа моддаларини хужайра ширасида тўплай олмагани учун ҳалок бўлади.

Кузги рапс асосан кенг қаторлаб экилади, тор қаторлаб экиш ҳосилнинг пасайишига олиб келади. Рапс қатор оралари ишланадиган ўсимлик, айниқса, мой олиш учун экилганда уни 2—3 марта культивация қилиб жўяқ тортилади, культивация билан бирга қатор оралари озиқлантирилади. Эрта баҳорда гектарига 30 кг азот, 45 кг фосфорли ўғит берилади. Озиқлантириш бир маротаба ўтказилади. 1 т уруғ учун N—50—60, P₂O₅—25—30, K₂O—40—60, CaO—40—70 кг талаб қилинади.

Кузги рапснинг экиш меъёри гектарига 10—12 кг. Уруғ яхши текисланган тупроқларга 2—3 см чуқурликда экилади. Октябрь ойи қуруқ келса, рапс уруугларини қуруқ тупроққа экмасдан, ерни аввал суфориб, сўнг экишга тайёрлаш керак.

Кузда ҳаво илиқ келиб, бегона ўтлар униб чиқса, албаттаги бир марта культивация қилиш зарур, бу билан

ҳам бегона ўтлардан далани тозалашга ҳамда ўсимлик-нинг ривожланиши учун қулай шароит яратишга эришлади. Умуман, рапс уругини Ўзбекистоннинг қуруқ иқлимида икки фазада йиғишириш лозим. Аввал унинг пишиб етилмаган уруғлари билан ўсимлик ўриб, хирмонга тўпланади ва кейин тоза пишиб етилгандан сўнг янчиб олинади.

Ургунинг намлиги 10—11 фоиздан ошмаслиги кепрак.

Баҳорги рапс жуда кам экилади. Ўзбекистонда рапс асосан кузда экилганда жуда яхши самара беради. Кўк поя ҳосилдорлиги гектарига 320—350 ц, уруғлари 25—27 ц ни ташкил этади.

Назорат саволлари:

1. Рапсдан нималар олинади?
2. Рапс мойи қайси соҳаларда ишлатилади?
3. Рапсни экиш муддатини айтинг.
4. 100 дона уругининг вазни қанча грамм келади?

МАХСАР

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Махсар уруғларида 27—35 фоиз қимматбаҳо мой бор. Бу ўсимлик мой олиш учун экилади. Мой озиқ-овқат саноати ва енгил саноат учун қимматбаҳо хом ашё ҳисобланади, махсарнинг мойи кунгабоқар мойидан мутлақо фарқ қилмайди. Та什қи кўриниши жиҳатидан оч-сариқ бўлиб, таъми кунгабоқар таъмига жуда ўштайди. Махсарнинг мойи чала қурийдиган мой бўлиб, олиф, лак бўёқ ишлаб чиқаришда кўплаб ишлатилади. Махсарнинг кунжараси чорва моллари учун ем-хашак ҳисобланади, аммо пўчоғи ва мағзининг пўсти ажратиб ташланиши керак, сабаби кунжараси аччиқ бўлади. Шу сабабли у ёқилғи сифатида ишлатилади.

Махсар жуда қадимдан Ҳиндистон, Афғонистон, Араб мамлакатлари, Марказий Осиё республикаларида экилиб келинган. Махсадан бутунги кунда ҳам мой олинади, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистонда экилади. Ўртacha ҳосилдорлик гектарига 10—12 ц ни ташкил этади, асосан лалми майдонларда ўстирилади.

Ботаник тузилиши. Махсар — *Cartamus tinctorius L.*, бир йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, астралдошлар

оиласига мансуб. Илдизи ўқ илдиз бўлиб, 2—3 м чуқурликка кириб боради. Тупроқнинг пастки қатламларидан намни ва озиқ моддаларни ўзлаштириб олади. Поялари тик ўсади, қиррали, оқ рангда, ялтироқ, шохланувчи, поясининг ичи оқ юмшоқ, бўйининг баландлиги ташқи иқлим шароитларига қараб 40—50 см дан 100—120 см гача келади. Махсар пояси баъзан пастдан учига томон, баъзан поясининг ярмигача шохлайди. Асосий пояси гулсаватчалари билан тугайди, ҳосил бўлган ён шохлари ва иккичи тартиб шохлар ҳам гул саватчаси билан тугайди (22-расм.)

Махсарнинг навлари шохланиш тартибига кўра икки гурухга бўлинади: биринчи гуруждаги навлар кам шохлайди, ён шохлари кичкина ва улар асосий пояга яқин жойлашган бўлади.

Иккичи гурух навлар тарвақайлаб шохлайди, ён шохлари кўп, асосий поядан узоқлашиб кетган бўлади. Барглари бандсиз, туксиз, дафал, турли хил шаклда ва рангда бўлиб, четлари тишли, кўпинча тиканли, барглари бутун ва барг банди йўқ. Пастки барглари чўзинчоқ, юқори баргларининг учи ўткир. Махсарнинг икки тури бор: тиканли ва тикансиз. Барг пластинкасининг четлари тишли бўлса тиканли бўлади, барг пластинкасининг четлари тишсиз бўлса, тикансиз бўлади.

Тўпгулининг диаметри 1,5—4,0 см. Саватчасида 20—70 тагача уруглари мавжуд. Саватчанинг чети ўрама барглар



22-расм. Махсар ўсимлита-нинг умумий кўриниши.

билин зич ўралган, ана шу барглар уругни тўкилишдан, қушлар чўқиб кетишидан сақлайди. Узоқ вақт йиғиширилмаса ҳам тўкилмайди. Гуллари найсимон бўлиб, юқори қисми сариқ бўлади, сўлиган пайтда қизғиш тусга кирали. Бир гектар майдондан доривор ёки бўёқ учун 50 дан 200 кг гача сариқ гул баргларини териб олиш мумкин. Меваси ташқи кўриниши жиҳатдан кунгабоқар пистасига ўхшаш, ранги оқ, туксиз, ялтироқ, тўрт қиррали бўлиб, уни ингичкалашган.

Гуллари жуда хушбўй ҳидли бўлиб, ўзида нектар сақлайди. Шунинг учун асаларилар бу ўсимликни хуш кўради. Хушманзара гул сифатида ҳам экиш мумкин (26-расм).

Уругининг йириклиги ташқи муҳитта боғлиқ. Пўчоги писта вазнининг 50—60 фойзини ташкил қиласди. 1000 дона уругининг вазни 20—50 г келади.

Биологик ҳусусиятлари. Махсар иссиққа талабчан ўсимлик. Худди дон экинларидек уруғлари 1—2°C да уна бошлайди. Майсалари 6—10°C совуққа бардош беради, шунинг учун ҳам уни кузда экиш мумкин. Бу ўсимлик ўсиб ривожланиш даврида иссиқ талаб қиласди. Кунгабоқар махсар каби қурғоқчиликка чидамли эмас, қурғоқчиликда ҳосилдорлиги кескин тушиб кетади. Махсарнинг илдизлари бақувват бўлгани учун тупроқнинг 2,5—3 м пастидан намни ўзлаштириб, ўсимликнинг ривожланиши учун шароит яратади, намни жуда тежаб сарфлайди. Ўсимлик гуллаган пайтда ҳаво нам бўлиб ёмғир кўп бўлса, унинг чангланиши пасайиб кетади.

Махсар паст ҳароратга бардош бергани билан иссиққа чидамли ўсимликдир.

Ҳаво қурғоқчил бўлиб, гармсел шамоллари бўлса, гуллари уруғланмайди ва оқибатда уруғлари пуч қолади. Ўсимлик сувга талабчан эмас, агарда у сугорилса, бит босиб кетади, шунинг учун махсар ривожланаётган пайтда мутлақо сугориш ярамайди (бир марта сугориш мумкин).

Махсар ёруғликка талабчан қисқа кунли ўсимлик, шимолга қараб борган сари унинг ўсиш даври унчалик ўзгармайди, яъни қисқармайди.

Махсар тупроққа талабчан эмас, махсар унумдор тупроқларда жуда юқори ҳосил беради. Ўзбекистондаги шўрланган тупроқларда махсар айниқса яхши ри-

вожланади. Бошқа ҳеч қандай ўсимлик ўсмайдиган шароитда ҳам махсар бемалол ўсиб ривожланаверади.

Ўзбекистоннинг лалми туманларида махсар униб чиққанидан токи уруғлари пишиб етилгунича 95—135 кун ўтади. Ўта қурғоқ регионларда ўсиш даври 110—116 кундан иборат бўлиши мумкин.

Экиладиган навлари. 1950 йилдан сўнг паст ҳосил берувчи навларидан танлаб янги серҳосил Милютинский-114 нави яратилди. Бу нав ҳозиргача ягона иқлимлаштирилган махсар нави ҳисобланади.

Милютинский-114. Бу навнинг тиканлари йўқ. Бўйи баҳорда экилганда 55—70 см гача етади. Кузда экилганда бўйининг баландлиги бирмунча баланд бўлади. Бир туп ўсимлик 6—7 донагача ён шохлари чиқаради, ён шохлари пояга ёпишиб жойлашган. Саватчаси йирик, думалоқ, айниқса 2,5—3,0 см ли бир туп ўсимликда 7—8 дона саватча бўлади. Четлари бутун, барг банди йўқ, пастки барглари чўзиқ, учи ингичка, юқори барглари йирик зич жойлашган. Барглари тикансиз. Гуллари сариқ, қизгиш ва зарғалдоқ рангда. Сўлиганда қизил рангга киради. Уруғи чўзинчоқ, иккита қирраси кўриниб туради, ичи мағиз билан тўла. Саватчасида 22—70 донагача уруғ бўлади. 1000 дона уруғининг оғирлиги ўртача 39—48 г. Уруғида пўчоқ миқдори 38—44 фоиз, бу унинг қимматбаҳо хусусиятларидан ҳисобланади.

Пистачаларида мой миқдори 33—38 фоиз. Ўртапишар нав турига киради. Тупроққа талабчан бўлмаганилиги учун ўтмишдош ўсимликка ҳам талабчан эмас. Уни турли хил экинлардан кейин ҳам экиш мумкин.

Етиштириш усули. Лалми зонада экилганда махсар донли экинлар учун энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, махсар экиладиган далаларни кузда чуқур ҳайдаб шудгор қилиш керак. Агарда ер кузда шудгор қилинмаса, баҳорда шудгор қилиш яхши натижга бермайди.

Махсар лалми зонада экилгани учун минерал ўғитлар кўп берилмайди. Бунга сабаб тупроқ қуруқ бўлганда минерал ўғитлар самара бермайди. Ўғитларни эрта баҳорда экиш билан бирга бериш лозим. Азотли ўғитлар гектарига 30 кг, фосфорли ўғитларнинг 30 кг экиш билан бирга берилса, 30 кг шудгор пайтида берилади. Органик ўғитга талабчан эмас. Экиш билан бирга ўғит беришга улгурмаган бўлса, кейин бериш ярамайди.

Сифатсиз уруғ экилганда ҳосилдорлик камайиб кетади. I класс уруғларининг тозалиги 98 фоиз, унувчанлиги 85 фоиз, II класс уруғларининг тозалиги 95 фоиз, унувчанлиги шундан паст бўлганда экишга рухсат этилмайди.

Махсар дечқончиликда энг эрта экиладиган ўсимликлар жумласига киради. Эрта баҳорда дон экинлари билан биргаликда экишни бошлиш мумкин. Ўзбекистоннинг жанубий туманларига «тўқсонбости» қилиб ҳам экиш мумкин.

Махсар эрта экилган пайтда уни ҳашаротлар кам зарарлайди, уруғларида мой миқдори юқори бўлади.

Махсарни қатор ораларини 60 см қилиб экиш унинг қатор ораларини механизация воситасида ишилашга имкон беради. Экиш нормаси уруғнинг сифати ва экиш усусларига қараб ўзгаради. Қатор оралари 30 см қилиб экилганда экиш меъёри гектарига 25 кг, қатор ораси 60 см қилиб экилганда эса 8—10 кг, қатор ораси 45 см қилиб экилганда эса 12—15 кг бўлади.

Экиш меъёри 8—10 кг бўлганда бир гектарда тахминан 125—175 минг туп ўсимлик ўсади. Тоголди зоналарида махсарни тор қаторлаб, гектарига 25 кг ўғит сарфлаб экиш мақсадга мувофиқ. Махсар уруғи 4—5 см чуқурликка ташланади, «тўқсонбосди» қилиб экилганда уруғни 6—7 см чуқурликка ташлаш лозим. Махсар эрта баҳорда экиладиган далаларда албатта, қишида қорни тўсиш яхши натижа беради. Тўқсонбосди қилиб экилган далаларда қорни тўсиш керак эмас, бу ҳолда уруғ чириб кетади. Махсар уруғлари ерга ташлаганда ҳарорат 4—5° даражага иссиқ бўлса, 10—15 кунда, агарда 1—2°C даражага иссиқ бўлса, 20—25 кундан кейин униб чиқади.

Ниҳоллар униб чиққандан сўнг албатта бир марта борона ва икки марта культивация қилинади. Бороналаш ҳамма майсалар униб чиқмасдан бажарилади. Агар ниҳоллар сони кўп бўлса, яганалаш мақсадида кўндалангига борона қилинади. Ўсимликнинг қатор ораси 60 см, кўчатлар оралиғи 10—15 см бўлганда озиқлашиш даражаси яхши бўлади.

Уруғлари пишиб кетса ҳам тўкилмайди, чунки саватча барглар билан маҳкам ўралган. Ана шу хусусияти махсар уруғларини нобуд қилмасдан механизация ёрдамида йиғишириб олишга имкон беради.

Махсарнинг пишганлиги дарҳол кўзга ташланмайди. Аввал барглари сарғаяди ва асосий пояси сал буришади. Ён шохларда барглари сарғаяди-ю, лекин улар тўкилиб кетмайди. Баргларнинг сарғайиши бу махсарнинг пишиши эмас, балки бу пайтда ўсимликда нам миқдори юқори бўлиб мой ҳосил бўлиш жараёни давом этаётган бўлади.

Махсар уруғларини аслида қушлар хуш кўриб истеъмол қиласди. Махсар уруғлари пишгандан кейин дон комбайнлар билан йиғишириб олинади. Комбайн барабанларининг айланиси минутига 750—800 мартага тўғри келади. Барабанлар тез айланса, уруғларни майдалаб юборади. Йиғишириш бир фазали. Ўриб ташлаб кейин янчилса, шохлар синиб саватчалар ерда қолиб кетади ва натижада ҳосил камаяди. Лалми зоналарида махсар экишни йўлга қўйиш лозим.

Назорат саволлари:

1. Махсар уруғидаги мойнинг миқдори қанча?
2. Махсар бизда қачондан бошлаб экилган?
3. Фақат лалми майдонида экиладими?
4. Махсар 100 дона уруғининг вазни қанча?
5. Уни экиш меъёри ва муддатини таърифланг.

ЭФИР МОЙЛИ ЭКИНЛАР

Эфир мойли ўсимликлар таркибида ёки барг, поя ва бошқа органларида учувчан ароматик моддалар, эфир мойлари (0,1 дан 6,7 фоизгача), турли хил органик бирикмалар: углевод, спирт, фенол, эфир, альдегид, кетон ва органик кислоталар аралашмаси бўлади.

Эфир мойлари упа-элик, фармакология, озиқ-овқат саноатларида ва бошқа соҳаларда ишлатилади.

Кўпчилик эфир мойли экинлар таркибида техника-вий мақсадларда ишлатиладиган мой ҳам (15 дан 24 фоизгача) бўлади.

Ҳозирги вақтда эфир мойли экинлар сони 28 тага етди. Улар 200 минг гектарли ерларга экилади. Собиқ иттифоқда Европа қисмининг ўрта минтақасида асан, кашнич, арпабодиён, қоразира ва ялпиз, жанубий туманларда эса кашничдан ташқари эфир, мойли атиргул, зигирак, ёронгул, бинафша ва хушбўй ўсимликлар экилади.

КАШНИЧ

Кашнич уругининг таркибида 0,5 дан — 3,0 фоизгача эфир мойи бўлиб, у асосан упа-элик саноатида ишлатилади. У бинафша, лимон, пиёзгул, атиргул, марваридгул ва бошқа хушбўй ҳидли моддалар тайёрлаш учун ишлатилади. Уруғи таркибида 18—22 фоиз мой бўлиб, у совун пиширишда, тўқимачилик ва полиграфия саноатида ишлатилади. Уруғи нон ёпишда шунингдек, килька (майда балиқ) ва сельд балигини мариандлашда ишлатилади.

Кимёвий усулда ҳайдаш йўли билан кашнич мева-сидан эфир мойи олингандан кейин қоладиган шрот чорва моллари учун тўйимли концентрат озиқ ҳисобланади (1-кг шрот 0,69 озиқ бирлигига тенг бўлади). Кашнич яхши асалчил ўсимлик.

Собиқ Иттифоқда кашнич экиладиган ерларнинг майдони 115 минг гектардан ортиқ эди. У марказий вилоятларда, Украина, Волгабўйи ва Шимолий Кавказда экилади. Уруғ ҳосили гектарида 10—12 ц ни ташкил этади.

Ботаник таърифи, навлари ва биологик ҳусусиятлари. Кашнич (*Coriandrum sativum L.*), бир йиллик ўт ўсимлик бўлиб, сельдерейлар оиласига киради (*Ariaceae*).

Илдизи ўқилдиз, поясининг юқори қисми шохланган, бўйи 50—100 см. Барглари пояда якка-якка жойлашган, пасткилари эса узун бандли, патсимон, юқоридагилари энсиз барг бўлмаларига қирқиған. Тўпгулли мураккаб соябон. Гули майда оқ, оч пушти, сарик, бешталик типда. Пастки тутунчаси икки учли. Четдан ва ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Меваси шарсимон бўлиб, бир уруғли, очилмайдиган иккита мевачадан иборат, ранги сариқ қўнғир. Эфир мойлари уругнинг иккала томонида жойлашган маҳсус каналчаларда тўпланади. 1000 дона мевачанинг оғирлиги 7—10 г келади. Етилган мевачалари ерга осон тўқилади.

Кашничнинг Алексеевский-247 ва Луч навларини айтиб ўтиш мумкин. Кашнич иссиққа нисбатан унча талабчи эмас. Уруғи 6—8° да уна бошлайди. Майсалари экилгандан кейин 2—3 ҳафта ичида унади. У 7—8° гача совуққа чидайди. Кашнич гуллаш ва етилиш фазаларида иссиқни ниҳоятда кўп талаб қиласади.

Кашнич ривожланиш даври бошларида намни кам талаб қиласы, лекин вегетатив органлари жадал ўса бошлаган даврда ва гуллаш фазасида сувга талабчан-лиги кескин ортади.

Ўсимликлар тұлық гуллаши даврида озиқ моддаларни айниңса күп ўзлаشتыради. Ана шу даврда тупроқда озиқ элементлари етишмай қолса, ҳосил камай-иб кетади.

Чиринді қавати чуқур жойлашган қоратупроқлар кашнич учун энг яхши тупроқ ҳисобланади. Оғир соз ва ботқоқлашган тупроқлар унинг ўсиши учун ярамайди.

Кашнич ривожланиши даврида суст ўсади ва уни бегона ўтлар босиб кетади. Қийғос гулламайди ва мөваси ҳар хил етилади. Ўсиш даври 90—100 кун.

Етиштириш усулы. Ўғитлаб экилган күзги ғалла экинлари, қатор ишланадиган ва дуккакли дон экинлари кашнич учун энг яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Кашнич ўғитларга нисбатан таъсирчан бўлади. Органик ўғитлар ўтмишдош экинга, минерал ўғитлар бевосита кашничнинг изига солинади. Кашничдан гектар бошига 15—18 ц уруғ ҳосил олиш учун гектарига 45—60 кг азот, фосфор ва калий солинади. Уруғ экиш билан бирга вақтида қаторларга гектарига 10 кг дан фосфор солиш яхши самара беради. Кашнич 4—5 та барг чиқарганда гектарига 20 кг дан азотли ва фосфорли ўғитлар билан озиқлантирилади. Микроўғитлар солинса ҳосилдорлик янада ортади.

Кашнич экиладиган майдонларни ишлаш ерни кузда 22—25 см чукурликда шудгорлаш (кашнич дон экинларидан кейин экиладиган бўлса, ерни олдин юза юмшатиш), эрта баҳорда бороналаш ҳамда экиш олдидан культивация қилиш билан бир вақтда яна бороналашдан иборат.

Кашничнинг йирик, бир текис уруғлари экилади. Экишдан олдин уруғ 1 ц уруққа 60 л сув сарфлаб намланади ва яхшилаб аралаштириб уюлган ҳолда (18—20°C да) 2—3 фоиз уруғ ниш оттунча 2—4 кечакундуз сақланади. Кейин юпқа қилиб ёйиб, 3—5 кун қуритилади. Бундай уруғлар 6—7 кун илгари униб чиқади, ҳосилни гектарига 2 ц гача оширади. Экишдан олдин улар 80 фоизли ТМДД препарати билан (ҳар 1 ц уруққа 400 г ҳисобида) ишланади. Кашнич эрта баҳорда, дала

ишилари бошлагандан дастлабки күнларда экилади. У ёппасига қаторлаб ёки қатор оралари 45 см дан қилиб кенг қаторлаб экилади. Бегона ўтлардан тоза майдонларга ёппасига қаторлаб экилади. Экиш мөйёри гектарига 20—22 кг ва кенг қаторлаб экишда 13—15 кг. Уруғ экиш чуқурлиги 2—3 см. Кашнич экилгандан кейин ерга каток (фалтак) бостирилади.

Кашнич ёппасига қаторлаб экилган майдонлар майсалар униб чиққунча қатқалоқни бузиш мақсадида ротацион мотига билан юмшатилади, кенг қаторлаб экилган майдонларда эса бундан ташқари қатор оралари 2—3 марта юмшатилади.

Кашнич уруғи бир вақтда етилмайди: аввал марказий соябонлардаги, кейин ён соябонлардаги уруғи етилади. Агар ҳосили йиғиб олинмаса, уруғи осон тўклиб кетади. Шунинг учун кашнич соябонларнинг 45 фоиз етилганда комбайнда ўриб олинади.

АРПАБОДИЁН

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Арпабодиён уруғининг таркибида 2,5—4 фоизгача эфир мойи бўлади (100 кг кунжарасида 85 кг озиқ бирлигига тенг).

Арпабодиённинг ватани кичик Осиё ҳисобланади. Арпабодиён Белград ва Воронеж вилоятларида, шунингдек, Марказий Осиё, Украина нинг ўрмондашт қисмида унча катта бўлмаган майдонларга экилади.

Уруғ ҳосили гектарига 6—8 ц ни ташкил этади.

Ботаник таърифи ва биологик ҳусусиятлари. Арпабодиён *Pimpinella anisum L.* соябонгулдошлар оиласига кирадиган бир йиллик ўсимлик.

Илдизи ўқилдиз, яхши ривожланган. Пояси тик ўсади, юқорисида шоҳлайди, бўйи 50 см га етади.

Барглари навбат билан жойлашади, пастки барглари бандли, юмалоқ ёки бўйраксимон, ўртадагилари ўртача узун бандли, учтали, юқоридагилари бандсиз, ингичка бўлакларга бўлинган. Тўпгулли мураккаб соябон, гули оқ (25-расм).

Меваси тухумсимон ёки ноксимон бўлиб, очилмайдиган оч-яшил кулранг бир уруғли иккита мевачадан иборат. Меваси қора қисқа тук билан қопланган узунасига кетган кўп қовурғалари бор, уларда эфир

мойли каналчалар жойлашган. Мазаси ширин зиравор таъмли, 1000 дона уругининг вазни 3,5—4 г келади.

Арпабодиённинг Алексеевский-38 нави Белград ва Воронеж вилоятларида иқлимлаштирилган. Бизда ана шу навлари экилади.

Арпабодиён иссиққа ва намга анча талабчан. Унинг уруғи 6—8 кунда униб чиқади. Уругининг униб чиқиши учун 22—25°C оптимал ҳарорат ҳисобланади.

Майсалари, 4—6°C га яқин қисқа муддатли совукқа бемалол чидайди. Ўсимлик гуллай бошлагандан уруғи етилгунича иссиқни кўп талаб қиласди. Вегетация даври 120—130 кун давом этади.

Арпабодиён тупроққа жуда талабчан ўсимлик. Унумдор қоратупроқли ерлар унинг учун энг яхши мухит ҳисобланади. Алмашлаб экишда арпабодиён кузги ва қатор оралари ишланадиган экинлардан кейин жойлаштирилади. У ўғитларга жуда талабчан. Бу экинга асосий ўғит сифатида гектарига 45—60 кг дан NPK солинади. Уруғ экиш билан бир вақтда фосфорли (гектарига 10 кг дан) ўғит солинади, тўпбарг ҳосил қилиш даврида эса гектарига 15—20 кг дан соғ модда ҳисобида азотли ўғитлар билан озиқлантирилади.

Арпабодиён экиладиган майдонлар худди қашнич экиладиган ерлар сингари ишланади. Уруғи экиш олдидан иссиқ ҳавода иситилади ва ферментация қилинади. Арпабодиён баҳори фалла экинлари билан бирга, агар майдонлар бегона ўтлардан тоза бўлса, ёппасига қаторлаб экилади. Бегона ўт босган майдонларда арпабодиённи қатор ораларини 45 см дан қилиб кенг қаторлаб экиш маъқул. Экиш меъёри ёппасига қаторлаб экишда 12—14 кг ҳисобланади. Уруғ экиш чукурлиги 2—3 см. Уруғ экилгандан кейин далага каток (фалтак) бостирилади. Арпабодиён кенг қаторлаб экилганда майдонларда экин қатор оралари камида уч марта: биринчи марта майса чиқа бошлаганда, кейингилари бегона ўт босишига ҳамда қатқалоқ босишига қараб юмшатилилади.

Арпабодиён ҳосили соябонларининг марказий қисмидаги мевалари етила бошлиши билан олдин ўриб, кейин йигиб олинади ёки соябонларнинг 60 фоизи етилганда қайта жиҳозланган комбайн билан ўриб олинади.

ҚОРАЗИРА

Қоразира уруғининг таркибида 4—7 фоиз эфир мойи бўлиб, у қандолатчилик саноатида, тиббиётда упа-элик ишлаб чиқариш, ликёр ва ароқ тайёрлашда ишлатилади. Қоразира уруғидан 14—16 фоиз техникавий ёғ ҳам олинади. Уруғи турли хил тузлашларда, нон пиширишда хушбўй зиравор сифатида ишлатилади. Қоразира қимматли зиравор ўсимлик ҳамдир.

Қоразира Фарбий Украина (Хмельницк, Львов ва бошқа вилоятларда) унчалик катта бўлмаган майдонларга экиласди. Қоразиранинг ўртача ҳосили гектарига 8—10 ц ни ташкил этади. Илғор хўжаликларда қоразирадан гектарига 16—18 ц гача ҳосил олинади.

Ботаник таърифи ва биологик хусусиятлари. Қоразира — *Carum carvi L.* соябонгулдошлар оиласига мансуб икки йиллик ўсимлик. У биринчи йили бирмунча йирик бўлган ўқилдиз ва тўпбарг ҳосил қиласди. Лекин иккинчи йили ҳосил беради. Пояси тик ўсади, бўйи 50—70 см, ичи бўш, сершох (29-расм).

Барглари навбат билан жойлашган, уч карра патсимон қирқилган. Тўпгулли мураккаб соябон. Гули оқ бўлиб, узун гулбандда жойлашган. Меваси бир уруғли иккита мевачадан иборат бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси юзасида узунасига кетган 10 тадан қовурғалари бор (уруғларда эфир мойи каналчалари жойлашган бўлади). 1000 дона мевасининг вазни 2,3—2,5 г келади.

Қоразира иссиққа талабчан эмас. У нам етарли бўлган унумдор тупроқда яхши ўсади.

Қоразира учун кузги фалла экинлари энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Қоразирага солинадиган ўғитлар ва ерни ишлаш тизими эрта баҳорда, қатор ораларини 45 см дан қилиб кенг қаторлаб экиласди. Уруғ экиш нормаси 10—12 кг ни ташкил этади. Уруғ экиш чуқурлиги 2 см.

Қоразирани парвариш қилиш ишлари бегона ўтларни йўқотиш мақсадида қатор ораларини юмшатишдан иборат. Қоразирани қишида совуқ урмаслиги учун биринчи йили кузда юза чопиқ қилиниб, иккинчи йили эрта баҳорда қаторлар кўндаланг қилиб бороналанади. Қоразира соябонларидағи мевалар 60 фоиз кўнғир рангга кирганидан сўнг комбайнда ўриб олинади.

ЯЛПИЗ

Ялпиз таркибида 1,5—5,3 фоиз эфир мойи бўлган барглари учун экилади, бу мой асосан қимматли хўшбўй модда — ментолдан иборат. Ялпиз мойи тиббиёт, упа-элик, қандолатчилик саноатида ва ликёр, ароқ ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Ялпиз асосан, Украинанинг ўрмон — дашт қисмидаги (Киев, Полтава, Чернигов, Черкасси ва бошқа вилоятларда), Молдавияда ва Краснодар ўлкасида экилади, Собиқ Иттифоқда ялпиз экин майдони 10 минг гектарни ташкил этади. Унинг қуруқ барг ҳосили гектарига 8—10 ц ни ташкил этади.

Ботаник таърифи, навлари ва биологик ҳусусиятлари. Ялпиз — *Mentha piperita L.*, лабгулдошлар оиласига мансуб илдизпояли кўп йиллик ўсимлик. Ялпизнинг илдизпояси тупроқса 15—16 см чукур кириб боради. Пояси тик ўсади, сершоҳ, бўйи 80 см гача этади. Барглари қарама-қарши жойлашган, майда, чўзиқ, оваллентасимон, чети ўткир арра тишли. Барг томирлари бўйлаб жуда кўп безчалар жойлашган бўлиб, уларда эфир мойи ҳосил бўлади. Гулининг кўпчилиги ургочи гуллардан иборат майда, оч пушти, тўп-тўп бўлиб бошоқсимон сийрак тупгулда жойлашган.

Ўсимлиги яхши гуллашига қарамай, уруғ ҳосил қилмайди. Шунга кўра ялпиз илдиз поясидан қўпайтирилади. Ялпизнинг: Краснодарская-2 нави Краснодар, Чернигов ва Молдавия ўлкасида 6°C гача бемалол чидайди. Ялпиз ёругликка талабчан. Ўсимликлари соялануб қолса, таркибидаги мойи ҳам камайиб кетади.

Ялпиз намсевар ўсимлик. Тупроқнинг дала нам сифими 80 фоиз бўлганда ер усти пояси жуда авж олиб ривожланади. Бўз ва унумдор қоратупроқли ерларда яхши ҳосил беради.

Етиштириш усули. Алмашлаб экишда ялпиз кузги дон экинларидан кейин жойлаштирилади ва маҳсус майдонларга экилади. Унга гектар бошига 15—20 т дан гўнг ва минерал ўғитларнинг тўлиқ нормаси (NPK 60 кг) солинади. Гўнг ва минерал ўғитларнинг бир қисми культивация олдидан, илдизпоясини экиш билан бир вақтда ва озиқлантиришда солинади.

Ерни ишлаш 25—27 см чуқурликда кузда шудгорлашдан (аввал кузги дон экинлари дони йигиб олин-

гандан кейин юза юмшатилади), эрта баҳорда бороналашдан ва культивациялашдан, чизеллашдан сўнг бороналашдан иборат.

Ялпиз кузда плантацияларда тайёрлаб қўйилган илдизпоясидан экиласди. Бунинг учун плантациялар отвали (ағдаргичи) олиб қўйилган плугда 12—15 см чукурликда ишланади, кейин ялпиз илдизпояси трактор хаскашда тирмашлаб йигиб олинади. Шу йўл билан гектаридан 40—50 ц гача илдизпоя йифилади. Қишида улар чукурга кўмиб қўйиб сақланади.

Ялпиз илдизпояси эрта баҳорда СКМ-3 маркали маҳсус қўчат ўтказгич машинада қаторлар орасини 45 см дан ва илдизпоялар орасини 10—12 см дан қилиб экиласди. Экиш меъёри гектарига 5—8 ц. Илдизпояларини экиш чукурлиги 7—8 см.

Ялпиз экилган майдонларни парвариш қилиш ишлари баҳорги бороналашдан, қатор ораларини 4—5 марта ишлашдан ва биринчи ёки иккинчи культивацияда минерал ўғитлар (N30, K30) билан озиқлантиришдан иборат.

Ялпиз туллаш фазасида қайта жиҳозланган ўроқ машинада ўриб олинади. Бу даврда ундан энг кўп барг ҳосили олинади, унинг таркибида эфир мойи ҳам жуда мўл бўлади. Ўрилган ялпиз уюмда бироз сўлитилади ва кейин яхшилаб қуритиш учун бостирмага ташиб келтирилади. Ялпизнинг намлиги кўпи билан 11 фоиз бўлган куруқ барглари қайта ишлаш учун топширилади.

МАВРАК (ЗИФИРАК)

Маврақдан олинадиган эфир мойи упа-элик, озиқовқат саноатида ва виночиликда кўп ишлатилади. Бу мой унинг тўпгули таркибида 0,24 дан 0,35 фоизгacha бўлади.

Маврак ёввойи ҳолда Ўрта дengизда, Кримда, Марказий Осиёда ва Кавказда ўсади. Бундан ташқари маврак Крим, Молдавия, Шимолий Кавказ ва Қирғизистонда экиласди. Бу ерларда у 20 минг гектарга яқин майдонни эгаллайди.

Тўпгуларининг ҳосили гектарига 35—40 ц га етади.

Ботаник таърифи ва биологик ҳусусиятлари. Маврак — *Salvia sclareal. L.*, лабгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Мавракнинг пояси сершоҳ,

түрт қиррали, бўйи 100—120 см гача бўлади. Барглари қарама-қарши жойлашган, йирик, чўзиқ-тухумсимон, буришган, тук билан қалин қопланган. Гули оч пушти-бинафша ранг ёки оч кўк, гултожли бўлиб, ярим доира га йигилган. Улар ўсимлик шохлари учидаги гултўп-шингил ҳосил қиласи. Меваси қуруқ бўлиб, юзаси силлиқ бўлган тўртта ёнгоқчадан иборат.

Мавракнинг: Вознесенский-24 нави Молдавия, Украина, Краснодар ўлкасида, С-785 нави Кримда экилади.

Маврак иссиқقا ва намга унчалик талабчан эмас. Уруги 10—10°C да унади. Майсалари 6°C совуққа чидайди. Катта ёшдаги ўсимлиги қурғоқчиликка чидамли бўлади. Маврак ёруғсевар ўсимлик.

Унумдор ва структурали тупроқли ерлар унинг учун энг яхши мухит ҳисобланади. Маврак учун алмашиб экишга кирмайдиган маҳсус майдон ажратилади, бу ерга у 2—3 йил давомида экилади. Биринчи йили у тўлбарг ҳосил қиласи, иккинчи йили поя чиқаради. Тўпгул ва мева ҳосил қиласи.

Маврак органик ва минерал ўғитларга нисбатан таъсирчан. Унинг ҳар гектарига 20 т дан гўнг ва минерал ўғитларнинг тўла нормаси (N 30—40, P_2O_5 —50 ва K_2O —40 кг) солинади.

Маврак экиладиган майдонларни ишлаш кузда 25—30 см чуқурликда шудгорлашдан ва қультивация қилиш билан бир йўла бороналашдан иборат. Мавракни яхшиси кеч кузда қатор ораларини 45—60 см дан қилиб, кенг қаторлаб экиш маъқул. Уруг экиш нормаси гектарига 7 кг. Экиш чуқурлиги 2—3 см. Экинни парвариш қилиш ишлари майсалари чиқиши билан бороналашдан ва қатор ораларини 3—4 марта юмшатишдан иборат. Плантациялардан иккинчи йили фойдаланишда эрта баҳорда бороналанади, кейин қатор оралари ишланади.

Тўпгули таркибидаги эфир мойи миқдори 0,10—1,2 фоизга етганда СК-4 маркали комбайнда ёки ўроқ машинада ўрилади, бу машиналар ҳосилни тележка ёки автомашиналарга юклаш учун мосламалар билан жиҳозланган бўлади.

Б е ш и н ч и б ў л и м

ИЛДИЗ ВА ТУТАНАК МЕВАЛИЛАР. ҚАНДЛАВЛАГИ

Халиқ хўжалигидаги аҳамияти. Лавлаги энг муҳим техника экинларидан бири бўлиб, шакар ҳамда чорва молларига тўйимли озуқа сифатида ишлатилади. Ер куррасида инсонлар эҳтиёжи учун зарур бўлган шакар қандлавлаги ва шакар қамишдан олинади. Қандлавлаги асосан шакар берувчи экин бўлиб, ундан яхши агротехника ёрдамида бир гектардан 100 центнергача қанд олиш мумкин. Қандлавлаги ер юзида 44, шакар қамиш эса 70 дан ортиқ мамлакатда экилади. Бу ўсимликларнинг таркибида қанднинг устунлиги шундаки, уларнинг таркибидаги углевод кристаллашади. Шакар қамишда қанд миқдори нисбатан камрок, 100 кг шакар қамишидан 6—9, лавлагидан 11—13 кг шакар олинади.

Чорва моллари озуқаси учун энг яхши сут ҳайдовчи озиқаларидан бири лавлаги ҳисобланади.


Ботаник белгилари. Қандлавлаги — *Beta vulgaris L.*, Шўрадошлар — *Chenopodiaceae* оиласига мансуб. Шу турга хашаки (*v crassa*) баргли (*v cicla*) ва ошхона ёки қизил (*V esculenta*) лавлагилар ҳам киради. Лавлагининг илдиз меваси йўғонлашган илдиз мевадир. Илдизлар тупроққа 2—2,5 метргача ён томонига 40—50 см кириб боради. Илдизмеваси конуссимон кўринишда бўлиб, ён томонлари бироз сиқиқ, барглари ер устида жойлашган, пояси қисқариб келган. Илдизмева уч қисмга бўлинган. Бош қисми — бўйин қисм ва шахсий илдиз. Бош ва бўйин қисмига илдизмеванинг 20—30 фоиз қисми киради, қолгани шахсий илдиз.

Лавлаги барглари йирик, бутун ва юраксимон шаклда, барглари ёш пайтида катта, думалоқ шаклда бўлади, кейинчалик узунлашиб, юраксимон шаклга киради. Юза қисми силлиқ бўлиб, иккинчи йили поя чиқаридиган барглари қиррали тус олади, поясининг бўйи 150—170 см га етади (28-расм). Гули бешталик типда, ранги яшилроқ ёки оч яшил рўвак типида, гулқўрғонида уруғчаси 5 та, тумшуқчаси 3 бўлмали, гуллаш даври 20—40 кунга чўзилади, четдан чангланади. 4,5

км масофагача четдан чангланади (23-расм).

Меваси ёнғоқча, түп-түп гуллари күшилиб ўсан 2—6 дона түп мева ҳосил қилади. Бир дона уруғдан 3—6 тача майса ўсиб чиқади. Ҳозирги кунда лавлагининг бир уруғли навлари яратилган бўлиб, бундай уруғларни экиш меҳнат сарфини камайтиради, лавлагичиликда энг оғир меҳнат яганалаш ҳисобланади. Бундан ташқари лавлагининг тетраплоид, диплоид шаклдаги дурагайлари кўплаб экилмоқда.

Етиштириш усули. Кузда ҳайдалган ерлар баҳорда обтобига келиши билан текисланади. Устки қатлами юмшатилади ва нам сақлаш мақсадида, бир йўла 1—2 қатор борона босилади. Агар ер қишки ёғин-сочиндан кейин зичланиб қолган бўлса 10—12 см чукурликда культивация қилинади ва изма-из борона босилади. Агар кўклам жуда қуруқ келса, бундай ҳолларда ерни экиш олдидан бороналанади ва бир марта культивация қилиб, орқасидан мола бостириш билан кифояланиш ҳам мумкин. Шўр ерларда қишида тупроқ шўри яхшилаб ювилиб, баҳорда тупроқ етилиши билан ҳайдалган ерларни бороналаш ва бир йўла мола бостириш лозим.



23-расм:

А — қандлавлаги; Б — илдиз меванинг кесилган кўриниши.

Ўғитлаш. Лавлаги озиқ моддаларга ниҳоятда талабчан ўсимлик. Лавлаги экилган ерларда, бошқа экинлар майдонига нисбатан тупроқда озиқ моддалар миқдори жуда камайиб кетади, чунки тўйимли моддаларнинг асосий қисмини лавлаги сўриб олган бўлади. Гектарига 20—25 тонна чириган гўнг ва N150—180; P₂O₅ 140—180; K₂O 190—200 бўлганда юқори ҳосил беради. Озиқланиш хусусиятига ҳам боғлиқ. Лавлаги ўсиш даври давомида асосий ўғит сифатида солиш керак. Фосфор ўсимликнинг ривожланиши ва етилишини тезлаштиради, шунингдек, унинг замбуруғ касалликларига ва совуққа чидамлилигини оширади.

Азотли ўғитлар лавлаги палагининг ўсишини тезлаштиради, илдиз меванинг жадал ўсишига таъсир қиласди.

Органик ва минерал ўғитларининг умумий миқдори ҳар бир хўжаликда тупроқнинг картограммаси ва лавлагидан олинадиган экилган экининг ўғитланиш даражасига қараб ўзгариши мумкин.

Лавлаги ўсиш даврида тупроқда (жой) сув жойлашишига қараб 8—10 марта сугорилади. Ҳаво исиши билан сугориш тезлашади. Бўз тупроқларда гектарига 700—800 м³, ўтлоқ бўз тупроқларда 500—700 м³, меъёрда 8—10 марта сув бериш лозим.

Уруғ экиш. Уруғлик лавлаги яхши тозаланган, ҳажми бўйича сараланган бўлиши керак. Ундан ташқари, мазкур шароитта ўқлимлаштирилган, серҳосил, униб чиқиши қобилияти юқори ва давлат стандарти талблари га жавоб берадиган навлардан фойдаланиш лозим. Биринчи класс лавлаги уруғининг тозалиги камида 97 фоиз униб чиқиши қобилияти 80 фоиз ва хўжалик жиҳатидан яроқлиги 78 фоиз бўлиши зарур.

Уруғлар тупроққа 4—5 см чукурликда ташланади. Кенг қаторлаб экилади, экишда СОН—2,8 русумли сабзавот, пахта ва маҳсус CCT-12A ва CCT-12B лавлаги сеялкаларида амалга оширилади. Экишдан олдин уруғларни ивitiш мумкин. Экиш эрта баҳорда ўтказилиши уруғларнинг тупроқдаги намдан униб чиқишига ёрдам беради.

Экиш меъёри 15—16 кг бўлиб, бир метр узуњликка 8—10 та уруғ тушиш лозим. Лавлаги уруғларининг унувчанлиги жуда паст, АҚШ, Германия ва Англияда бир уруғли навлари хатосиз экадиган сеялкаларда 3—5—4

кг миқдорида экилади. Бир гектарида 75—80 минг ўсимлик ҳосил бўлади.

Лавлагини парваришлаш. Майса қатор оралари 6—8 см чуқурлиқда юмшатилиб, бегона ўтлар йўқотилади. Бунда культиваторнинг чеккадаги ишчи органларига пичоқ, ўртадагиларга эса стрелкасимон панжалар ўрнатилади.

Биринчи культивация тугалланиб, майсалар баланд бўлганда, дарҳол яганалашга киришилади. Яганалашда трактор культиваторга пичоқлар ўрнатилиб, дала кўндалангига кесилади ва 18—20 см кенглиқда маълум миқдорда ниҳол олдириб, ундаги ортиқча ўсимликлар қўл билан юлиниб чиқилади. Охирги яганалашни жуда эҳтиёткорлик билан ўтказиш керак. Қўл билан ягана қилганда, ҳар 20 см да соғлом ва энг яхши ривожланган майсалар қолдирилади. Шунда ҳар гектарда 75—80 минг туп ўсимлик бўлади. Ўсиш даврида экин қатор оралари 3—4 марта юмшатилади. Лекин қатор орасини неча марта юмшатиш тупроқ ҳолатига ва даланинг ўт босишига қараб ўзгариши мумкин. Ҳар галги суфоришдан кейин қатор ораларини ишлаш лозим бўлади. Биринчи культивацияда қатор оралари 6—8 кейингиларида эса 12—14 см чуқурлиқда юмшатилади. Июль ойларидан кейин қатор ораларига ишлов бериб бўлмайди.

Ҳосилни йифиб олиш. Ўзбекистоннинг суфориладиган туманларида лавлаги ҳосилини йифишта одатда октябрь ойларида киришилади. Лавлаги ҳосили ўсимлик ўсишдан бутунлай тўхтагандан сўнг йифиб олинади. Ҳозирча Республикаизда лавлаги ковладиган машиналар йўқ. Шунинг учун асосий ковлаш ишлари қўлда бажарилади. Бу эса навбатида меҳнат сарфини ва маҳсулотнинг таннархини ошириб юборади.

Савол ва топширикчлар.

1. Қандлавлагининг келиб чиқиш ватанини айтинг.
2. Қандлавлаги илдизмевасининг қайси қисмида шакар кўпроқ?
3. Ўзбекистонда бу экиннинг ривожланиш истиқболи борми?
4. Қандлавлаги қайси оиласа мансуб?

ХАШАКИ САБЗИ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Бу ўсимлик икки йиллик илдизмевали экинлар гуруҳига киради. Чорва молларининг ҳамма тури томонидан севиб истеъмол қилинади, илдиз мевасининг 1 килограммида 80—85 мг каротин сақлайди, сабзи илдиз мевасида қуруқ модда 12—15 фоиз бўлиб, хашаки лавлаги, турнепс ва брюквага қараганда кўпроқдир. 100 кг илдиз мевасида 13,7—14 озиқ бирлиги ва 0,4 кг ҳазм бўладиган протеин бор. Сабзи барглари илдиз мевасига қараганда кўпроқ, яни 100 кг да 16,5—17 озиқ бирлиги ва 1,5 кг ҳазм бўладиган протеин бор.

Хашаки сабзи илдиз меваси ёш чорва молларига зарур бўлган каротин модасини етказиб беради. Шунингдек витамишли озуқа манбаи ҳам ҳисобланади.

Хашаки сабзи майдонлари республикада деярли учрамайди, Россия республикасининг кўпгина вилоятларида экиласди. Ўзбекистонда ҳам чорвачилик бўйича фаолият кўрсатаётган фермерлар албатта бу ўсимлини экиши лозим, арzon витамишли, каротинли озуқа ҳисобланади.

Хашаки сабзидан бир гектар майдондан 400—500 ц илдизпоя олинади. Илфор хўжаликларда 1000 центнердан зиёд ҳосил олиш мумкин.

Ботаник белгилари. Бу ўсимлик икки йиллик бўлиб, сельдерейдошлар оиласига мансуб. Сабзи униб чиқаётганда уруғ палла баргларини кўтариб чиқади. Поялари жуда ингичка бўлиб бинафша тус, яшил рангда, уруғ палла баргларидан сўнг ҳақиқий иккиталик чин барглари пайдо бўлади. Кейинчалик ҳақиқий 3—5 карра бўлакларга бўлинган барглари ҳосил бўлади. Биринчи йили барг бандида қирқилган 10—15 та барг ҳосил бўлиб, улар тўқ яшил тусда бўлади. Ўсиш даврининг иккинчи йили эса поя бериб, гуллар ҳосил қиласди. Поя-сининг баландлиги 70—100 см баландликда бўлиб ичи ғовак, поясида узунасига оқ томирлар яхши кўриниб туради. Поянинг ичида оқ паренхима қавати бор. Тўп гули мураккаб, оқ рангдаги кўп сонли гулчалардан иборат бўлиб соябонни эслатади. Гуллари четдан ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Уруғи ёки меваси кўп уруғли бўлиб, икки бўлакка ажралади. Сабзи уруғининг орқа томонида қовурғалар ёки 3—4 қатор йўллар

бўлиб, ичида тўлиқ эфир мойлари ва майдада тиканчалар кўзга ташланади. Экишдан олдин уруг кўлда ёки маҳсус воситалар ёрдамида ишқаланиб, тиканларсиз экиласди. 1000 дона уруғининг вазни 1,6—2 г келади.

Илдизмеваси сариқ ва зарғалдоқ рангли бўлиб ко-нуссимон, цилиндрсимон кўринишларда бўлади. Кўлчилик навларда эти зарғалдоқ рангли бўлади.

Биологик хусусиятлари. Хашаки сабзи уруғлари 2—3°C да уна бошлайди, аммо жуда суст ривожланади, уруғининг тез униб чиқиши учун 10—12°C даражадаги ҳарорат лозим. 16—18°C даражадаги ҳароратда униб чиқиш 3—5 кун давомида кузатилади. Сабзи биологик хусусиятига кўра совуқча чидамли ўсимликдир, эрта баҳорда майсалари — 5—6°C даражадаги ҳароратга чидайди, ўсиш даврининг охирида ҳам 10—14°C гача паст ҳароратда яхши сақланади. Агарда ер устки барглари бўлса ҳам эрта баҳорда яна навбатдаги барглар ҳосил бўлади. Бунга сабаб шуки, сабзи илдизмеваси тупроққа тўлиқ кўмилиб туради.

Намга талаби. Сабзи илдизмевалилар ичидага ўрта талабчан бўлиб, курғоқчиликка ҳам чидамлидир, аммо тупроқда нам кам бўлса илдизмева қурук, таъмсиз ва ёғочсимон бўлиб қолади. Натижада илдизмеваси ёрилиб кетади. Эти сувли бўлмайди. Курғоқчил шароитда ҳам ўсади, бироқ кам ҳосил беради. Шунинг учун сабзини тез-тез сугориб туриш зарур. Сабзига ўсиш даврининг бошида, майсалари энди ҳосил бўлаётганда ва илдизмевалари тўлишаётган пайтда намлик жуда зарур. Ана шу пайтда намлик етарли миқдорда бўлмаса, майса қуриб (халқ тили билан айтилганда куйиб, қуриб кетади) ёки майдада бўлиб қолади.

Ёруғликка талаби. Хашаки сабзи узун кун ўсимлиги эрта баҳорда экилиб, ёзниг энг узун кунлари даврида пишиб етилади. Шунингдек уни такрорий экин сифатида экиб октябрь ойларида йиғиштириб олиш ҳам мумкин. Навларига қараб ўсиш даври 120—160 кунга чўзилади.

Тупроққа талаби. Бу ўсимлик енгил қумоқ тупроқларда яхши ўсиб ривожланади. Оғир зич тупроқда илдизмеваси нотекис, кичик бўлиб қолади. Чунки сабзи илдизмеваси асосан ер остида етилгани учун тупроқ юмшоқ, қумоқ, енгил ва нам билан таъминланган бўлиши лозим. Минерал ўғитларга талабчан, ўсиш дав-

рининг бошида азотли, кейинчалик фосфор, калий ва кальцийни кўп ўзлаштиради. Хашаки сабзи 100 т илдизмева ҳосил қилиши учун тупроқдан 35–40 кг азот, 15–20 кг фосфор, 70–75 кг калий ва 15–17 кг кальций ўзлаштиради. Хашаки сабзидан юқори ҳосил олиш учун камида 320–360 кг азот, 90–100 фосфор, Ўзбекистон тупроқларида калий кўп бўлгани учун ундан 120–150 кг берилиши (соф ҳолда) лозим.

Етиштириш усули. Хашаки сабзи учун кузги дон экинлари, дуккакли экинлар, соя, ловия, гўза, йўнғичқа яхши ўтмишдош, илдизмевалилар унинг учун ёмон ўтмишдош ҳисобланади. Хашаки сабзи учун қатор ораси ишланадиган экинлар яхши ўтмишдош ҳисобланади, бунга сабаб ўсиш даврининг бошида сабзи майсалари жуда суст ўсади, сабаби бегона ўтлар уни сиқиб кўяди.

Кузда хашаки сабзи экиладиган майдонлар албатта чукур шудгор қилинади, шудгор билан ерга 10–12 тонна гўнг ва 60–70 кг фосфорли ўғит солинади. Маълумки ўғитланмаган майдонларда хашаки сабзилар кам ҳосил беради. Эрта баҳорда тупроқлар экишдан олдин бороналаниши, культивация қилиниши ва мола босилиб, ер яхшилаб текисланиши керак.

Сабзи уруғлари экишдан тезроқ униб чиқиши учун 1–2 кечакундуз ивитиб кўйилади. Ивитилган уруғларнинг сувлари алмаштириб турилиши лозим. Иссиқлиги 30–40°C бўлган сувда ивитиш уруғларнинг тез бўртишига олиб келади. Сабзи уруғларини сепишдан аввал салгина қуритиб, қўл билан қум аралаш сепиш лозим. Баъзан сабзи уруғлари донадор ҳолатда (дражилаб) ҳам экилади.

Сабзи уруғлари маҳсус сабзавот сеялкаси СОН-2,8 ёрдамида экилади, бошқа сеялкаларни ҳам сабзи уруғларини экишга мослаш мумкин. Қатор оралари 60–70 см кенгликда, баъзан қўш қаторлаб, аммо ҳамма вақт хашаки сабзилар уруғи ҳамиша пуштага экилади. Бизнинг шароитда сабзи одатда суғорилиб экилади.

Экиш меъёри. Унинг экиш усулларига қараб 6–8 кг микдорда сарфланади. Хашаки сабзи уруғлари ерга юза ташланади ёки 1,5–2 см чукурликка кўмилади. Уруғ юза ташлангани учун ҳам уни албатта ивитиб экиш лозим. Сабзи уруғи қаттиқ униб чиқиши учун намни кўп талаб қиласди.

Экиш билан бирга ёки экишдан сўнг гербицидлар кўлланилади, сабзи майсалари ўсиш даврининг бошида суст ривожлангани учун бегона ўтлар босиб кетади. Бу вақтда далани бороналаш ҳам яхши натижа беради ёки культиваторлар ёрдамида уларни кўндалангига қирқиб чиқиш ҳам бегона ўтлар камайиши ва хашаки сабзини яганалаш имконини беради. Сабзи уруғлари сийракроқ экилиши лозим, агарда улар зич экилса, у ҳолда кам ҳосил беради. Бир гектар майдонда 350—400 минг туп илдизмева ҳосил бўлиши керак.

Сабзи майсалари 6—7 та барг ҳосил қилганда унга 30—40 кг азотли ўғит берилиб, культивация қилинади. Ўсиш жараёнида икки марта озиқлантирилади ва бир неча марта сугорилади. Сугориш меъёри 800—1000 м³ миқдорда берилади. Ҳосилни йиғишириб олишдан 1 ой олдин уни сугориш тўхтатилади. Ҳосилдорлик хашаки сабзида юқори агротехника билан ўстирилганда 550—600 ц бўлиши мумкин. Хашаки сабзи илдизмеваларини картошка ковлагич машиналар билан ковлаб олиш мумкин.

КАРТОШКА

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Она заминда энг муҳим озиқ-овқат экинларидан бири ҳисобланади. Озиқ-овқат экини сифатида буғдой, шоли ва маккажӯхоридан кейинги ўринда туради.

Картошка озиқ-овқат саноати ва техникада ҳар томонлама фойдаланиш имконига эга ўсимлик. Унинг туганаклари одамлар ва чорва моллари учун энг яхши ва арzon озуқа сифатида ишлатилади.

Картошка туганагида 25 фоиз қуруқ модда, 14—22 фоиз крахмал, 1,4—3 фоиз оқсил, 1 фоиз атрофика ёғочлик, 0,3 фоиз ёғ ва 0,8—1 фоиз кул моддаси, витаминлардан С, В, В₁, В₂, В₆, РР ва К лар бор. Янги туганагида витаминлар кўп бўлади.

Картошкадан 200 дан зиёд турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам тайёрланади. Картошка турли хил тарзда истеъмол қилинади ва қайта ишланади. Чорва моллари учун картошка тўйимли озуқа ҳисобланади, туганаги янги, пиширилган, димланган ҳолда молларга берилади. 100 кг янги туганаги 29,5, силоси 8,5, янги бардаси 4, крахмал ажralиб олингандан сўнг қол-

ган чиқиндиси ёки куруқ бардаси 52 озуқа бирлиги сақтайди. Бир гектардан 150 ц, туганак ва 80 ц га барг пая олинса, 5500 озуқа бирлиги түпланади.

Картошка туганагидан спирт, крахмал-патокаси, декстрин, глюкоза, каучук олинади. Бир тонна картошкадан 112 л спирт, 55 кг суюқ карбонат ангирид, 1500 л барда ёки 170 кг крахмал олинади.

Картошканинг ёруғлик таъсирида кўкарған, яшил тусга кирган туганаклари истеъмол учун яроқсиз, заҳарли ҳисобланади.

Тарқалиши, экин майдонлари. Заминда энг кўп тарқалган экинлардан биридир. Умумий майдони 18 млн. га, бўлиб шунда Европада ер куррасида экиладиган картошканинг 35 фоизи экиласди, энг катта майдони Польшада 1,7 млн.га, собиқ Иттифоқда деярли 7 млн, АҚШ да 0,6 млн гектарга экиласди.

Картошка Европада кенг истеъмол қилинади. ФАО маълумотларига кўра Белоруссияда бир йилда одам бошига 175 кг, Польшада 144, Украинада 138, Россияда 127, АҚШда 60 кг, Канадада 65, Италияда 39 кг ва Ўзбекистонда 64 кг картошка истеъмол қилинади.

Картошкадан илгор хўжаликларда 350—200 ц гектардан ҳосил олинмоқда. Ўзбекистонда экилган Голландия навлари энг серҳосил бўлиб, бизда яратилган навларга қараганда юқори ҳосил беради. Голландия навлари бизнинг тупроқ ва иқлим шароитига жуда тез мослашиб, юқори ҳосил беради.

Тарихи. Картошка экинининг ватани Жанубий Америка ҳисобланади. Колумб ва унинг матрослари 1492 йилда картошка маҳаллий ҳиндуларнинг асосий овқати эканлигини кўришда ва 1496 йилда улар картошкани Европага олиб кетди.

Россияга картошка биринчи марта Голландиядан келтирилган. Ўзбекистонда дастлаб 1890 йиллардан сўнг экила бошлаган.

Ҳозирда Ўзбекистонда картошка 40—45 минг гектар майдонга экилиб, ундан 390—450 минг тонна ялпи ҳосил етиширилмоқда. Деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликларида бу экинга эътибор жуда катта.

Ботаник белгилари. Картошка кўп йиллик ўтсимон, туганакли ўсимлик, аммо одамлар ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб бу экинни бир йилликка айлантирганлар. У одатда вегетатив йўл билан кўпаяди.

Картошқа итузумдошлар — *Solanaceae* оиласыга мансуб бўлиб, *Solanum L* авлодига киради, улардан *Solanum tuberosum L* тури энг кўп тарқалган.

Картошқа пояси деярли тик, баъзан эгилиб ўсади. Пояси яшил рангда, баъзи навлари қизғиши-қўнғир тусга киради. Поялари қиррали, 3—4 қовурғали, бўйи 150 см гача бўлади. Бир дона туганагидан 5—8 та поя беради. Картошқа поялари шохлашига кўра икки гуруҳга бўлинади. Эртапишар навларида поялар пастдан шохламайди, кечпишар навларида шохлаш асосан пастдан бошланади. Кечпишар навлар пояси бакувват ва баланд бўйли бўлади. Одатда йирик кўзчалари кўп туганаклардан ҳосил бўлади. Майда туганаклардан ингичка ва кам поя ҳосил бўлади.

Поянинг ер ости қисмida қўлтиқ куртакларидан ўзгарган новдалар — столонлар, оқ йўғон ўсимталар пайдо бўлиб, ҳар бир кўзчада 3 тагача куртаклар ҳосил қилади. Одатда битта куртак ўсади. Агарда нокулай шароитда пояни совуқ урса ёки синиб тушса, навбатдаги куртаклардан яна поя ўсиб чиқади. Шунинг учун баҳорда картошқа пояларини совуқ урса, яна навбатдаги новдаларнинг ҳосил бўлишини кутиш лозим.

Туганакдаги кўзчалар айланма ҳолда жойлашган, юқори қисмida кўзчалар кўпроқ, ўртаси ва пастида қамроқ бўлади, юқори кўзчалар тезроқ ўсиб чиқади. Ўсаётган баргчалар ранги яшил, қизғиши бинафша ва оч бинафша тусда бўлади.

Пишиб етилган туганак юпқа пўст билан қопланган бўлиб, пишган пайтда тез арчилиб кетмайди. Ҳом, чала пишган туганакларнинг пўсти тезда арчилиб кетади ва қорайиб, сарғайиб қолади. Туганакнинг ич қисмидаги крахмал, туганак четига қараганда қамроқ бўлади.

Туганакнинг нафас оловчи ва сув парлатувчи ясмиқчалари ғовак хужайралар остида жойлашган. Ясмиқчалар сони ва йириклиги картошқа етиштириш шароитига боғлиқ.

Туганакларнинг шакли хилма-хил ва ўзига хос бўлади. Айримлари думалоқ, чўзинчоқ, ялпоқ бўлиб, ранги ҳар хил: оқ, оқ сарғиш, пушти, қизил доғли, баъзан оч бинафша тусда. Столонлар поядан бироз ингичкароқ бўлиб, эртапишар навларда калта, кечпишарларидан узунроқ бўлади.

Илдизлари попук илдиз бўлиб, айрим поялар ил-

дизининг йиғиндисидир, улар столонлар ёнида тўда бўлиб жойлашади. Илдиз асосан 30 см, кейинчалик 50 см чуқурликка, айримларигина 80—150 см га кириб боради. Картошка илдизлари ер усти поясининг 8—10 фоизини ташкил қиласди. Картошка илдизлари тупроқдан озуқа моддаларини яхши ўзлаштиради. Илдиз енгил қумоқ, нам тупроқларда яхши шаклланади.

Барглари оддий, узун-узун тоқ патсимон барглар бўлиб, бир жуфтдан уч жуфтгача, баъзан қўпроқ барг ҳосил қиласди. Ҳар бир баргда бир неча жуфт ён баргчалар бир-бирига қарама-қарши жойлашади. Пояга бирикадиган жойда барг ўқи барг бандига айланади, охирги барги йирикроқ бўлади. Навларга қараб барг юзаси текисроқ, ғадир-будур, оч яшил, тўқ яшил тусларда шаклланади.

Картошканинг гули тўпгул бўлиб, турли тусда: оқ бинафша, пушти, гули бешталик типда бўлади. Гул косаси туташиб ўсган, 5 та гултожи барги бор. Гулида 5 та бўлади. Чангчиси бор, уругчиси тумшуқча, устунча ва тугунчадан иборат, картошка ўзидан чангланади.

Меваси юмалоқ, икки уяли, серсув резавор мева, ялпоқ уруғлари бор. 1000 дона уругининг вазни 0,5 г келади. Ҳамма навлари ҳам мева бермайди. Мева ҳосил қилиши ҳаво ҳарорати ўта иссиқ бўлганда ҳам камаяди. Соланин кўп сақлагани учун ҳам истеъмолга яроқсиз.

Картошка туганаклари қисқарган ва ўзгарган новда ҳисобланади, туганакларда дастлабки пайтда хлорофиллсиз баргчалар кўзга ташланади. Туганакда поя ўсадиган куртаклар ёки кўзчалар бор, улар нав хусусиятига кўра юза ва чуқурроқ жойлашади.

Картошка туганаги ўзига хос биологик хусусиятига, яъни тиним даврига эга. Тиним даври картошка туганагида 60—70 кун давом этади, маҳсус кимёвий моддалар таъсирида ўсиш жараёни тезлашиши мумкин.

Биологик хусусиятлари. Картошка иқлими юмшоқ мамлакатларда экиласди, бу ўсимлик турли тупроқ, иқлим шароитларига тез мослашади. Картошканинг ўсиши ва ривожланиши 3 даврга бўлинади:

1. Униб чиққанидан гуллашгача бўлган давр. Бу вақт-

да асосан ер устки поялари тез ўсади, туганаклар ўсиши деярли кузатилмайды.

2. Гуллашдан то поянинг ўсишдан тўхтагунига қадар бўлган давр. Бу даврда туганак шаклланади ва тез ўсади.

3. Кartoшка пояларининг сарғайишдан табиий қуришигача, яъни туганакнинг пишишигача бўлган давр. Бу вақтда туганаклар иккинчи даврга қараганда суроқ ўсади.

Бу давр ҳамма навларда ҳар хил кечади. Эртапишар навларда биринчи давр тупроқ иқлим шароитига қараб 27—36, иккинчи давр эса 26—28, учинчи давр 25—26 кунни ташкил этиши керак. Ўртапишар навларда 38—42, иккинчи давр 36—43, учинчи давр 36—38, кечпишар навларга биринчи давр учун 46—48, иккинчи давр 43—45 ва яна 36—40 кун учинчи даврни ўташга кетади.

Кartoшка туганаклари ҳаво ҳарорати 6—7°C да уна бошлади. Аммо униб чиқиши жуда чўзилиб кетади. Ҳаво ҳарорати 37—40°C бўлганда палак ҳам ўсишдан тўхтайди.

Тупроқ ҳарорати 16—18°C бўлганда ўсимлик тез кўкариб чиқади. Туганакларнинг униб чиқиши учун 240—300°C фойдали ҳарорат йиғиндисини талаб қиласиди. Ҳаво ҳарорати — 1—2°C га пасайиб кетса тез зарарланади. Ҳарорат 27—29°C дан ошса гул ва ғунчлари тўкилади. Ёш майсалари — 2—3°C қисқа муддатли ҳароратга чидамлидир. Пояларида сув кўп бўлса тез музлаб қолиши мумкин.

Туганаклар ҳаво ҳарорати 21—25°C бўлганда яхши ривожланади, ҳарорат 30—32°C дан ошганда баргларда фотосинтез жараёни сустлашади, бу ҳол туганакларнинг ўсмай қолишига сабаб бўлади.

Кartoшка учун ўсиш даврида зарур бўлган ўртача ҳарорат йиғиндиси (10°C дан юқори) эртапишар навлар учун $1000—1200^{\circ}\text{C}$, ўртапишар навлар учун $1200—1400^{\circ}\text{C}$ ҳарорат бўлиши лозим.

Ёруғликка талаби. Kartoшка ёруғликка талабчан ўсимлик, ўсиш даврида ёруғлик етишмаса ҳосилдорлиги камаяди. Ёруғликка бўлган талабига кўра Kartoшка кўпроқ қисқа кунлик ўсимлик ҳисобланади, аммо узун кун ҳам бу ўсимликнинг юқори ҳосил беришига тўсқинлик қилмайди. Қисқа кунда ўсиш жараёни тез-

лашади ва туганаклари тезда ҳосил бўлади. Узун кун картошка палагининг узун, бақуват бўлишига фотосинтез жараённинг тезлашуви эса туганак ҳосилининг юқори бўлишига олиб келади.

Картошка намга талабчан ўсимлик, намга бўлган талаби ривожланиш фазаларига қараб ўзгариб боради. Гуллаш фазасида намга ўта талабчан, ҳисобчан. Бир туп картошка палаги ҳаво ҳарорати юқори бўлганда 4—5 л сувни парлатади. Транспирацион коэффициенти 530—700 га тенг. Тупроқ намлиги билан ҳаво намлиги га ҳам талабчандир, қуруқ ҳавода гуллари, гунчалари тўкилиб кетади. Картошка гуллаганидан сўнг тупроқ намлиги 75—80 фоиз бўлса, юқори ҳосил беради. Гуллаш давридан бошлаб картошка ўсимлигини доимо сувга қондириб, суфориш лозим. Акс ҳолда курғоқчиликдан сўнг қайта столонлар ўсиши ва туганакчалар ҳосил бўлиши мумкин. Бу ҳолат уларнинг ҳосилини камайтиради.

Картошка намга талабчанлиги билан қурғоқчиликка ҳам чидамли ўсимлик. Тупроқда нам етишмаса ўшидан тўхтайди, аммо нам етарли бўлгач, яна ўсиб ривожланади.

Тупроқда талаби. Картошка механик таркиби енгил қумоқ тупроқларда яхши ўсиб ривожланади, шўрланган тупроқларда картошка ёмон ўсади.

Картошка айниқса хлорли тузларга жуда чидамсиз, тупроқда хлор миқдори 0,015—0,020 фоиз бўлса ҳосили бироз камаяди, 0,05—0,07 фоиз бўлса, мутлақо туганак ҳосил қилмайди. Оғир соҳа тупроқларда мутлақо яроқсиз туганаклар қийшиқ, нотекис, бўлиб қолади. Шунинг учун экиладиган тупроққа зътибор бериш керак. Оғир тупроқларда етиштирилган картошка туганагидан тайёрланган овқатлар ҳам таъмсиз бўлади.

Картошканинг озуқага талаби. Картошка озуқа элементларига талабчан, 1 тонна туганак ва шунга мувофиқ барг ва поя учун 50 кг N—20 кг, P₂O₅—90 кг K₂O ни тупроқдан олиб чиқади, бизнинг тупроқларда калийнинг кўп бўлиши ҳосилдорликнинг юқори бўлишига олиб келади. Картошка тупроқдан дон экинларига қараганда озуқа моддаларни кўп ўзлаштиради ва уларга қараганда гектар ҳисобига кўп маҳсулот беради. Гуллаш фазасида 60 фоиз азот ва 50 фоиз калий ўзлаш-

тиради. Азот етишмаганда, ўсимлик ранги оч яшил, барглари кичик ва сийрак, поялари ингичка ҳолда бўлали. Фосфор етишмаса туп сони камаяди, гунчалаш, гуллаш фазалари ва туганак ҳосил бўлиши кечикади. Калий етишмаса, оқсил ва углеводлар алмашинуви сустлашади.



24-расм:

А — картошка ўсимлиги; Б — мевалари.

Навлари. Эртаги картошкадан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун навларни түгри танлаш лозимдир. Навлар эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навларга бўлинади. Эртапишар навлар 70—80 кунда, ўртапишарлар 100—120, кечпишар 120—140 кунда пишиб етилади. Эрта ва ўртапишар навларни эртаги қилиб, кечпишар навларни кечки қилиб экиш зарур.

Картошканинг хашаки навлари ҳам бор. Улар учун асосий талаб юқори ҳосил бериши ва сероксил ва серкрахмал бўлиши лозим. Акраб, Агаве, Белорусский ранний, Виктория, Детскосельский, Латона, Ликаррия, Лорх, Огонёк, Сантэ, Симфония, Фаленский, Умид, Пикассо, Пальма, Романо, Кардинал ва бошқалар.

Етиштириш усули. Республикада картошка икки муддатда экилади: эрта баҳорда ва ёз ойида кечки қилиб ўстириш агротехникаси ишлаб чиқилган. Кечки картошка майдони республикада кўпроқ майдонни эгаллайди. Шунинг учун қуйида кечки картошка етиштириш технологиясини баён этамиз.

Кечки картошка учун кузги дон экинлари, сабзавотлар ва оралиқ экинлар энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Картошка ўзи учун ёмон ўтмишдош, айниқса кейинги пайтларда колорада қўнғизининг кўпайиб кетиши картошка ўсимлигини алмашлаб экиш даласига киритишни талаб қиласди.

Экишдан олдин ер тайёрланади, бунинг учун кузги буғдойдан бўшаган майдонлар яхшилаб суғорилади, чизелланиб борона қилинади, картошка экиладиган майдонга 10—12 тонна гўнг, 200—220 кг аммофос ва 100—120 кг калийли ўғит солинади. Картошка кузги буғдойга қараганда тупроқдан минерал моддаларни кўплаб олиб чиқади, ўсиш даврининг бошида озуқа моддаларига талабчан эмас, ўзи ўсиб ривожланган ана шу туганак эвазига озиқланади. Озуқа моддаларига бўлган талаби ер устки пояси ва туганак ҳосил бўлиш даврида кузатилади.

Тупроқда азот моддаси етишмаса картошка поялари нимжон, ингичка, барглари кичик ва кам, ҳосилдорлиги суст бўлади ва натижада қрахмал миқдори камайиб қолади, тутанаклари кичкина бўлиб касалликларга тез чалинади. Тупроқда фосфор етарли бўлса картошка ўсимлиги бақувват бўлиб ўсади, илдизлари

яхши ривожланади, фосфор билан тұла таъминланиш унинг ривожланиш фазалари орасидаги муддатни қис-қартиради. Крахмаллик даражаси ортади, яхши сақланади. Агарда тупроқда фосфор етишмаса кам шохлайди, ривожланиш фазалари чўзилади. Туганакларида кўнғир доғлар пайдо бўлиб, сифатли таъми бузилади, ҳамда крахмали қамайиб кетади.

Калий моддаси фотосинтез жараёни ва модда алмашинувида асосий ўрин эгаллайди, калий етарли бўлса касалликларга ҳам чидамли бўлади. Ўсимлигига сув режими калий етарли бўлганда яхшиланади. Калий етишмаса ҳам ўсимлик ўсишдан ортда қолади, туганаклари чўзинчоқ, ингичка бўлиб қолади, яхши сақланмайди.

Органик ўғитлардан гўнг, кул кўпроқ солиниши лозим. Органик ва минерал ўғитлар биргаликда берилса, ҳосилдорлик яна ортади.

Унумдор, озуқа моддаларига бой тупроқларда картошка яхши ўсиб ривожланади ва юқори ҳосил беради. Ўртапишар картошка навлари Лорх, Темп, Сулем, Берлихинген, Голландия навларидан Кардинал, Диамант, Дезиря, Пикассоларни 1—20 июлгача, Огонёк, Белорусский, Ранний, Сантэ, Марфона, Кондорларни 15 июндан 5 июлгача экиш лозим.

Туганакни экишга тайёрлаш. Кечки экишга тайёрланган туганаклар кўкариб кетса ёки ўсимталари 10—15 см дан ошиб кетса уларни экиш қийинлашади, ҳосил яхши бўлмайди, шунинг учун улар бир марта синдирилади ёки кесиб ташланади. Синдириш ишлари экишга 12—15 кун қолганда ўтказилади. Экишдан олдин туганакларнинг айниганлари ёки ипсизмон ўсимта берганлари ажратиб олинади. Туганаклар ҳажмига қараб ажратиб қўйилади, яхши ўсганлари ва пишмаганлари алоҳида ажратилади, нишламаганлари учун зарур шароит яратилади. Туганаклар 30—35 г, 50—80 г ва ундан юқори ҳажмдагиларга ажратилади. Йирик туганаклар кесиб экилади, кесиш ишлари экишдан 4—5 кун олдин бажарилади. Экиладиган туганаклар тез ўстирадиган гиббериллин 2,5 мг/л ва тур — 500 мг/л эритмасига ивитиб экилса униб чиқиши тез ва ҳосилдорлиги юқори бўлади.

Экиш меъёри. Бир гектар ерга 3—3,5 т картошка туганаги сарф бўлади. Экилганига 12—16 кун бўлгач, ўсимлик ўсиб чиқади. Экилган туганақлар соғлом бўли-

ши керак. Кечки картошкани униб чиқишини кутмай кичикроқ миқдорда бўлса ҳам сугориш керак, ана шундай майдонда туплар сони тўлиқ бўлади.

Уруғлик тутанаклар 10—12 см чукӯрликда 70X20X25 усулда СН—4Б—2, СКС-4 ва КСН-9 маркали картошка эккич машиналарда экилади, бир гектарда туп сони 57—70 минг бўлиши керак.

Энди униб чиқдан майдонларга ўсишни тезлатиш учун 180—200 кг миқдорда азотли ўғитлар берилиб, қатор оралари ишланади. Кечки картошқалар ўсиш даври бошида 2 марта чопиқ қилинади. Биринчи чопиқ ўсимлиги бўйи 12—15 см бўлганда, иккинчиси гуллаш даврида ўтказилади. Картошкани сугориш муддати ер ости сувларининг жойлашишига қараб белгиланади. Ер ости сувлари яхши ўтлоқ-бўз тупроқларни 4—6 марта ер ости сувлари чуқур жойлашган майдонларни 10—12 марта гача сугориш мумкин. Картошка ҳар 10—12 кунда бир марта сугорилади, ҳосилни йиғиштиришга 15—18 кун қолганда сугориш ишлари тўхтатилади.

Уруғлик учун экилган картошқаларни қалинроқ экиш лозим, тутанаклар майда бўлса уруғлик яхши чиқади. Туп сони бу ерда 100—120 мингдан иборат бўлади.

Касалликлари ва зааркундалари. Картошка ўсимлигининг ҳосилдорлиги касалликлари ва зааркундалари таъсирида камайиб боради. Дунё миқёсида касаллик ва зааркундалардан 30 фоиз ҳосил йўқотилади.

Зааркундалардан энг хавфлиси колорада қўнғизи бўлиб, у ўсимликни жиддий заарлайди, бундан ташқари сим курт, кузги тунлам ва қандалалар ҳам зарар келтиради.

Колорада қўнғизи механик ва кимёвий йўл билан йўқ қилинади. Бунда қўнғиз териб олинади, каратэ, дицис, амбут, цамбут препаратларидан зритма тайёрланиб сепилади. Сепиш меъёри сумицидин 0,2—0,3 л/га, фазолон 1,5—2,0 кг/га, амбут 0,2 л/га, цимбут 0,5 л га дицис 0,3 л га, каратэ 0,3 л га, қўнғизлар қишилаб чиқиши билан тупроққа сепилади. Орадан яна 15—20 кун ўтгач, яна такрорий сепилади.

Картошка касалликлари ўсиш даврида ҳам, сақлашда ҳам зарар келтиради. Замбуруғли касалликлардан фитофтораза кўп учрайди. Эрта экилганда бу ка-

саллик тез намоён бўлади. Алмашлаб экишга риоя қилиш, уруғликни дорилаш, пояларни эрта ўриб олиш фойдалидир. Экин яхши ривожланиши учун бордо суюқлигининг 1 фоизли эритмасини пуркаш ҳам яхши натижга беради. Касалликлар ичидаги картошка раки ҳам кўп учрайди. Монокультура ҳукм сурганда бу касаллик тез учрайди. Ўсиш даврида заарарланса ҳам бу вақтда билинмайди, фақат ковлашдагина сезилади. Чунки рак билан столон ва туганаклар заарарланади, илдизлари соғлом бўлгани учун палагидан мутлақо билинмайди. Алмашлаб экишга қатъий риоя қилиш зарур, заарарланган туганаклар ва палаклар кўйдириб ташланади. Бундан ташқари ҳалқалий чириш, парша ёки қўтириш ва ризактония ҳам кўп учрайди. Туганакларда вирусли касалликлар кўп кузатилади. Бу касалликлар ҳужайра генлари, ҳашаротлар, бегона ўтлар тупроқ замбуруғлари орқали соғлом ўсимликларга ўтади. Юқорида айтиб ўтилган касалликларни олдини олиш учун картошка майдонларини алмашлаб экиш, вирусга чидамли навларни яратиш, ҳашарот ва бегона ўтларга қарши курашиш, десикация каби бир қатор ишларни амалга ошириш ниҳоятда муҳим.

Картошкадан икки марта ҳосил олиш. Картошка туганаклари биологик хусусиятига кўра тиним даврини ўтаганидан сўнг иккинчи марта кўкаради. Эрта пишар картошка туганаклари ёзда ковлаб олганидан сўнг такроран уруғлик сифатида экилади. Эртаги картошка навлари ковлаб олинганидан сўнг албатта у истеъмол қилинади, ёки қайта ишлашга сарф бўлади. Аммо ҳанузгача бизда картошка уруғлари тақчиллиги бор, шунинг учун ковлаб олинган майдароқ туганаклар маҳсус ўстурувчи стимуляторлар билан ишланиб, сўнг экилади. Ишлатувчи стимуляторлар туганакнинг тиним даврини қисқартириб, уруғининг тез униб чиқишига олиб келади. Такрорий экилган туганаклар экилгандан сўнг 30—35 кунда униб чиқади. Тиним даврини тезлаштириш учун тиомочевинадан ҳам фойдаланиш мумкин. Картошка экилган майдонлар доимо нам бўлиши ёки тез-тез сугорилиб туриши керак. Янги уруғдан экилган картошкани етиштириш жараёни бироз давомлироқ бўлиб, ҳосилдорлиги 110—120 ц атрофида бўлади.

Ҳосилни йигиш. Картошка ҳосилини йигиб олиш ўсимлик сарғайиб, барглари қуриб, туганаклари тўрла-

ган пўст билан қопланиб, столонлардан тез узиладиган бўлганда бошланади. Ҳосил маҳсус ковлагич машиналарда йиғиштирилиб олинадиган бўлса у ҳолда палаклар ўриб чиқлади, шундай бўлса палаклар тикилиб қолмайди. Иқлим шароитларига қараб октябрнинг охири, ноябрнинг бошларида КТН-2Б, КСТ—1,4 маркали ковлагич машиналар билан ҳосил йиғиштириб олинади.

Ернинг ўта лой бўлиши ярамайди. Тупроқ сочиувчан нам ҳолатда бўлиши керак. Тупроқнинг ўта куруқ бўлиши ҳам туганакни заарлайди. Кўпчилик вақтда картошка палаклари билан ковланади. Бу эса қазиш ишларини бироз қийинлаштиради. Ковланган картошкалар далаларда сараланиб териб олинади. Майда ва шикастланган туганаклар ажратиб чиқишига чиқарилади ёки қайта ишлашга юборилади.

Қорли, ёмғирли кунларда ковланган туганаклар омборхоналарда қуритилади ва шу тахлит совуқ урганлари ажратиб олинади. Бу мавсумда нобудгарчилик кўп бўлганлиги сабабли кечки картошкалар тез йиғиштириб олинади.

ЕР НОКИ — ТОПИНАМБУР

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Бу ўсимлик озиқ-овқат, техника мақсадларида ва ем-хашак экини сифатида экиласди. Саноатда ундан инулин олинади, туганакларида 30—40 фоиз инулин бўлиб, гидролиз натижасида фруктоза олинади, туганакларидан спирт, вино, уксус, ачитқи, пиво ва консервалар тайёрланади. Францияда топинамбур туганаклари асосан озиқ-овқат учун етиштирилади. Чорва моллари учун яхши озуқа ҳам ҳисобланади. Поясида углевод кўп бўлиб, ёғочлик кам бўлади. Оқсилида алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар кўп. Кўк поясида инулин кўп, ҳайвон организмига киргач ошқозон шираси ёрдамида фруктозага айланади. Кўк поясини ҳўл ҳолда чорва моллари яхши кўриб ейди. Поясида 25—30 фоиз, баргларида 15—20 фоиз углевод бор. Шунинг учун яхши силосланади. 100 кг силосда 18—23 фоиз озуқа бирлиги бўлиб, 1 озуқа бирлигига 80—90 ҳазмланадиган протеин бор. Туганакларида 25—30 фоиз куруқ модда, 10—15 фоиз инулин ва 2 фоиз протеин бор. 100 кг туганагида 23—

30 фоиз озуқа бирлиги бор. Туганакларни ҳайвонларга хом ҳолида пишириб, димлаб бериш мүмкін. Айниқса чүчқачилик фермаларида ер ноки әкиш витаминылы, оқсилли озуқа етказиш демакдир.

Ер ноки ўртача 500—600 ц туганак берса, бу гектаридан 12—15 минг озуқа бирлиги деган гап. Ер устки қисмидан 450—650 ц, ер остки қисмидан яна 350—400 ц озуқа олинини мүмкін.

Ботаник белгилари. Ер ноки — туганак мевали күп ийиллик үсимликдір. Астралдошлар оиласига киради, Asteraceae авлоди. *Helianthus L.* авлодига 100 ортиқ тури киради. Шулардан иккитаси кунгабоқар ва ер ноки *Helianthus tuberosus L.* муҳим аҳамиятта зга.

Ер устки тузилиши күпроқ кунгабоқарға ўхшаш, лекин бу үсимлик туплайды, бүйининг баландлығы 3—4 метр, барглари тухумсимон, чүзинчөк, учи ўткір, четлари нишли, пастки барглари қарама-қарши, юқори барглари кетма-кет жойлашған. Гул түплами — саватча бўлиб, диаметри 2—5 см, гуллари поянинг энг юқориги қисмida жойлашади. Бир туп үсимликда 30—50 та саватча бўлади. Ер ноки четдан чангланади. Меваси — уруғ, кунгабоқар пистасидан майдароқ, 1000 донасининг вазни 7—9 г. Жанубий миңтақаларда уруғлари пишиб етилади. Илдизи попук илдиз, яхши шохланган. 2 м чуқурликкача кириб боради. Шохлари ер устки ва ер остки бўлади, столонлари ер остки шохланиши де-йилиб, узунлиги 8—40 см гача бўлади. Столонлари қанча катта бўлса, туганаклари шунча зич бўлади (32-расм.).

Биологик хусусиятлари. Туганаклари бемалол қишиб чиқади, совуқдан ер устки қисми нобуд бўлади. Туганаклари таркибида инулин ва углеводлар бўлганлиги учун совуққа чидамли бўлади. Ер ноки иқлимининг совуқ ва иссиқ бўлишига мослашадиган экиндирил.

Ер устки поялари қисқа муддатли паст ҳароратга (-80°C), туганаклари эса -12°C га чидайды, қор тагидаги туганаклар $30-35^{\circ}\text{C}$ паст даражага яхши бардош беради. Ҳарорат $40-42^{\circ}\text{C}$ даражада иссиқ бўлганда ҳам яхши ўсиб ривожланади. Уруғлар униб чиққанидан пишиб етилгунича эртапишар навлар учун 2000°C , ўрта ва кечпишар навлар учун $2500-2800^{\circ}\text{C}$ ҳарорат керак бўлди.

Ёрглилкка талабчан эмас, шунинг учун уни зич қилиб экиш ҳам мумкин. Қисқа кунли ўсимлик. Ёрглилк кам бўлган булатли минтақаларда ер нокининг ер устки пояси кўпроқ бўлади.

Намга талаби. Ер ноки бақувват ривожланган, илдизлари эвазига қурғоқчиликка ўта чидамли, туганаклар ҳосил бўлиш даврида тупроқда нам қанчалик кўп бўлса, шунча кўп ҳосил беради. Бу давр ўсимлик учун *критик давр* ҳисобланади (25-расм).



25-расм.
Ер ноки ўсимлиги.

Тупроқ ва озуқа моддаларига талаби. Ер ноки биологик хусусиятига кўра тупроққа мутлақо талабчан эмас, фақатгина ўта ўзурланган тупроқларда ўса олмайди. Унинг учун қумлоқ тупроқлар энг яхши тупроқ ҳисобланади. Ер ноки картошка ва лавлагига қарангда тупроқдан кўп озуқа моддаларини ўзлаштириб олади. 100 ц га кўк поя учун ўсимлик тупроқдан 30 кг N, 12–14 кг P₂O₅, 45 кг, K₂O, 100 ц туганак учун 20–25 кг N ва P₂O₅, 7–9 кг K₂O ўзлаштиради. Ер ноки тупроқдан озуқа моддаларини кўп ўзлаштиради, унга ўсиш даврида минерал ва органик ўғитларини кўплаб бериш кепрак. Ўзбекистоннинг айрим хўжаликларида бу экин кичик-кичик майдонларда экилади. Кўпгина оила томорқаларида картошка гулноми билан ер ноки ўстирилади. Кунгабоқарга ўхшаган пояси ва кичик саватчалари билан кўпгина ҳол-

ларда декоратив гул сифатида экилиб келинади. Бу ўсимликнинг силос, туганак учун экиладиган навлари ҳамда дурагайлари мавжуд.

Ўсиш даври навларига қараб 120—140 ва 180—200 кундан иборат.

Етиштириш усули. Ер ноки учун қатор ораси ишланаидиган ўсимликлар энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Ер нокини кунгабоқар, лавлаги ва судан ўтидан кейин экиш ярамайди, чунки склеротиния билан касалланиши хавфи кўпаяди. Экин экиладиган жойлар кузги шудгор пайтида шудгорланади ва 20—25 т органик ўғит, 60 кг фосфор берилади.

Ер ноки бир жода 5—10 йил туриши мумкин, аммо ҳар йили минерал ўғитлар билан қайта ўғитлаб туриш керак.

Экиш. Ер ноки одатда баҳорда кенг қаторлаб экиласди. Қаторлар ораси 60—70 см, туганаклар ораси 20—30 см бўлади. Бир гектарда туп сони 50—55 минг туп бўлиши керак. Экиш туганаклар орқали амалга оширилади, туганаклар катта бўлса кесиб экиласди. Туганаклар ҳажми 40—50 г бўлса, меъёр ҳисобланади, экиш меъёри 8—10 ц, баъзан 20 центнер туганак сарфланади.

Картошка машиналар ёрдамида экиласди. Туганаклар 6—8 см чуқурликка ташланади. Туганаклар тупроқ ҳарорати 7—8°C бўлганда жуда тез ўса бошлайди. Дастрлабки пайтда ўсиш жуда суст кечади, майсалари 20—25 кунларда униб чиқади. Майсалари суст ривожлангани учун ҳам далаларда бегона ўтларнинг ўсишига йўл кўймаслик керак. Кўк поясини кўпайтириш учун ер нокининг юқориги органлари чилпиб ташланади.

Ҳосил комбайнда териб олингач ер остки қисми тупроқда келгуси йил учун қишлиб қолади. Туганаклар картошка ковлагич машиналар билан ковлаб олинади. Ковлаб олинганда 1 м² майдонда 7—10 та туганак қолса, улар келгусида етарли туп сонини ҳосил қиласди. Майсалар кўкариб чиққанича борона қилинади. Ўсимликнинг бўйи 12—15 см бўлганда ўғит бериб культивация қилинади ва жўяқ олинади.

Ўзбекистонда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ер нокини экиб ўстириш, кам харажат қилиб, кўп маҳсулот олиш демакдир. Ер устки кўк пояси ер остки туганаклар чорва моллари томонидан

хуш кўриб истеъмол қилинади. Бу экинни энг камбағал, ташландиқ жойларга экиш керак. Бу эса бир неча йил давомида чорва молларига озуқа сифатида асқотади.

Назорат саволлари:

1. Топинамбурни нима сабабдан ер ноки дейишади?
2. Ер устки тузилиши билан ер ноки қайси ўсимликка ўхшайди?
3. Ер ноки Ўзбекистонда экиладими?
4. Унинг биологиясини таърифланг.

БАТАТ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Батат қовурилиб, қайнатилиб, димланиб овқатга ишлатилади. Ундан турли хил консервалар, ун тайёрланади. 25—30 фоизи нон ва кондитер маҳсулотларига қўшилади. Бататдан крахмал олишда, пиво тайёрлашда, спирт, қанд ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Батат туганагида 69 фоиз сув, 1,8 фоиз протеин, 0,7 фоиз ёғ, 26,1 фоиз крахмал ва қанд, ёғочлик 1,3 фоиз, 1 фоиз кул мавжуд. Каллориясига кўра картошкадан устун туради, 1 кг туганагида 1200—1250 каллория бор. Таркибида 32 фоиз крахмал, 6 фоиз қанд бор.

Батат туганаги ва палаклари чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Унинг маҳсус навлари бор, улар қўк поя, куруқ ва силослangan ҳолда молларга берилади. Бататнинг ватани Жанубий Америка бўлиб, Европага Америка қитъаси очилганидан сўнг келган.

Ботаник-морфологик белгилари. Батат печакдошлар — *Convolvulaceae* оиласига, *Ipomoea* авлодига мансуб. Она заминимизда 400 дан ортиқ тури бор, аммо битта тури *Ipomoea batatas L.* доимий экилиб келинади. Батат кўп йиллик ўсимликдир. Туганакларининг сирти силлиқ, текис, картошкага ўхшаш, кўзчалари ёки ўсуви чуртаклари кўринмайди. Туганакларида шарбат бор. Хўжайраларида ошловчи моддалар мавжуд. Туганаклар ҳажми турлича, лавлагига ўхшаш, думалоқ, чўзинчоқ бўлиб, ранги оқ, сарик, пушти, оч бинафша ранг тусда. Туганакларининг оғирлиги 200—500 г келади, баъзан 7 кг, тропик мамлакатларда 20—25 кг гача бўлади. Пояси ётиб ўсади, тез илдиз ҳосил қиласди. Узунлиги 1,5—4 метргача бўлади. Барглари — юраксимон, бутун

холда учрайди, гули печак гулга ўштайди, йирик диаметри 3,5—4,5 см.

Меваси — думалоқ, оч күнгир күсакча бўлиб, 1—2 баъзан 4 донагача уруғ қиласди. Уруғи бурчаксимон, қора, күнгир доғлари бор. Батат шамол ва ҳашаротлар ёрдамида четдан чангланади.

Биологик хусусиятлари. Батат иссиққа талабчан, ҳаво ҳарорати 20⁰С дан юқори бўлганда яхши ўсиб ривожланади. Унинг уруғи учун қулай ҳарорат 32—35⁰С. Ҳарорат 10⁰С дан паст бўлса ривожланишдан тўхтайди.

Батат ёруғликка талабчан қисқа кунлик ўсимлиkdir. Батат ўсиш даврининг бошида намга ўта талабчан бўлади. Бироқ картошкага қараганда қурғоқчиликка бирмунча чидамли. Ҳосил туғиши давомида бататни жуда кўп сугориш ҳам ярамайди. Аммо тупроқ жуда қурук бўлса, туганаклари қотиб қолиб, дағаллашади. Натижада яхши сақланмайди.

Батат тупроққа ўта талабчан эмас. Бақувват ривожланган илдизлари тупроқнинг пастки қатламларидан озиқларни ўзлаштира олади. Енгил кумоқ, унумдор тупроқлар батат учун энг яхши тупроқ ҳисобланади, оғир соз тупроқларда туганаклар текис ривожланади. Батат калийли ўғитларга ўта талабчан бўлади. Фосфор камроқ, азотли ўғитларни бошқа ўғитлардан кўра янада камроқ талаб қиласди.

Эрта пишар навлари 100—120 кунда пишиб етилса, кечпишар навлари 140—180 кунда етилади.

Кавказ орти республикаларида Первенец, Бировский, Хуа-бей навлари экиласди.

Етиштириш усули. Бу ўсимликни кўпайтириш усули бошқа ўсимликлардан бирмунча фарқ қиласди. Батат қаламча ва кўчатлари орқали кўпайтирилади. Ҳосилдорлик жуда камайиб кетганда туганаклари билан уруғ олиш мақсадларида кўпайтирилади. Бунинг учун ер усти пояларидан 15—20 см. узунликдаги қаламчалари кесиб олинади. Бу қаламчалар бизнинг шароитда қиши давомида иссиқхоналарда экилган ҳолда сақланади. Баҳорда кўчатлар очиқ далага экиласди. Кузда қаламчалар олинмаса, батат пояларини совуқ уриб кетади. Қайси хўжаликда батат экиш режалаштирилса, албатта кўчатларни қишида сақлайдиган жой ҳозирлаш керак. Кўчатлар парникларда экилиши ва яхши илдизлагандан сўнг очиқ далага экилиши лозим. Парник тупроғининг юқори

қаватида 10 см миқдорда күм бўлиши керак. Ҳар куни икки марта сугорилади.

Батат экиладиган майдонлар чуқур шудгор қилинади, кузда органик ўғитлар (15—20 т миқдорда) солинади. Баҳорда бегона ўғитларни йўқотиш учун культивация, намни сақлаш учун борона қилинади, экиндан олдин дала яхшилаб текисланади. Экиладиган тупроқлар унумдор, енгил қумоқ бўлиши шарт.

Батат ўсиш даврида тупроқнинг таркибига қараб 45—60 кг N 90—120 кг, P₂O₅ 120—160 кг ва K₂O солинади. 30 тонна ҳосил тўпланса бир гектардан 60 кг, N 60 кг P₂O₅ ва 120 кг K₂O ни олиб кетади.

Батат экилгандан сўнг жўяклар олинади ёки жўяк олинган майдонларга экилади. Кенг қаторлаб экиш усули бир йўла мураккаб маҳсус машиналарда амалга оширилади. Экилганда кўчатнинг илдизи 12—15 см тупроққа кўмилиши керак. Бир гектарда туп сони 25—30 минг туп бўлиши керак. Поялари калта бўлган навларни эса 120 см кенгликда экиш мумкин. Туп ораси 35—40 см бўлади. Батат далага тупроқ ҳарорати 14—15°C бўлганда ёки барча совуқлар ўтиб кетгандан сўнг экилиши лозим, бунда оралари ишланади, минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Палаклар далани қоплаб олганидан сўнг қатор ораларини ишлаш тўхтатилади. Тупроқ ва ер ости сувлари жойлашишига қараб 6—7 марта сугорилади. Грунт сувлари юқори бўлса сугориш сони камайтирилади, бунда сугориш нормаси 700—800 м³ ни ташкил этиши лозим. Тез-тез ва кам миқдорда сугорилса ҳам ҳосилдорлик юқори бўлади. Бататнинг узун палаклари чўэзилиб ўсганда кўшимча илдизлаши ҳам мумкин, бу вақтда ҳосилдорлик камайиб кетади. Шунинг учун палакларни тез-тез қўзғаб, ағдариб туриш керак.

Батат туганаклари яхши пишиб етилмаса яхши сақланмайди. Ҳосил йифиширишиб олинишидан аввал ер устки поялари қирқиб олиниб силосланади, сўнг туганаклар картошка ковлагич ёрдамида машиналарда ковланиб олинади.

Олтинчи бўлим

ХАШАКИ ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Полиз экинларидан тарвуз, қовун, қовоқ ширин таъмли, этли сершира мева беради. Уларнинг мевасидан қиём, шинни, мураббо, суюқ ичимликлар тайёрлашда ва чорва моллари учун озуқа сифатида фойдаланилади. Озуқа сифатида чорва молларига тарвуз ва ошқовоқнинг пишиб етилган хўл мевалари берилади. 100 кг хашаки қовоқда 10 озуқа бирлиги, 170 г оқсил; 100 кг тарвузда 9 озуқа бирлиги ва 70 г оқсил мавжуд. Полиз экинлари уруғларидан мой ҳам олиш мумкин.

Полиз экинлари кўплаб мамлакатларда экилиб келинади. Осиё, Африка, Америка, Европа ва Россия мамлакатларида катта майдонлар полиз экинлари билан банд.

Ботаник таърифи. Полиз экинлари қовоқдошлар (*Cucurbita*) оиласига мансуб бўлиб, уч авлодни ўз ичига олади: тарвуз — *citrullus*, қовун — *melo* ва қовоқ — *cucurbita*. Бу ўсимликлар бир йиллик бўлиб, поялари судралиб ўсувлари вегетатив ва генератив органлардир, улар бир-бирига жуда ўхшаш.

Қовун энг кўп тарқалган полиз экинларидан бўлиб, ярим олимлар уни 6 турга, А. И. Филов эса 7 турга бўлади. Маданий қовунлар тури 3 та бўлиб, ярим маданий қовунлар тури ҳам 3 та ва ёввойи қовунларга бўлинади. Ўзбекистонда экиладиган қовунлар Ўрта Осиё кенжада турига мансуб бўлиб, 5 та турга бўлиб ўрганилади.

1. Хандалак.
2. Ёзги эти юмшоқ қовун.
3. Ёзги эти қаттиқ қовун.
4. Кузги қовун.
5. Қишки қовун.

Бу қовунлар бир-биридан ўсиш даври, мевасининг шакли, қанд миқдори, сақданиши ва ташишга чидамлилиги билан фарқ қилади.

Қовуннинг илдизи ўқ илдиз бўлиб тупроқча 100—150 см гача кириб боради, илдизидан кўп сонли илдизлар тарқалган. Поялари ётиб ўсувлари, думалоқ, ичи

ғовак, шохланган, оқиши түклар билан қопланган. Барглари бутун, бұлактарга бўлинмаган, аммо бурчакли, буйраксимон, юраксимон кўринишда. Барг бандлари эса узун, гуллари тўқсариқ рангда, икки жинсли оналик ва оталик гуллари алоҳида жойлашган. Оталик гули бир тул ўсимликда 200—250 тага, оналик гули 6—10 тагача бўлади. Оталик гули қисқа гул бандида бўлиб тез тўкилиб кетади, четдан чангланади.

Меваларининг йириклиги турлича, ранги ва шакли ҳам турли кўринишда бўлади. Баъзи қовунларнинг эти юмшоқ, ширали, баъзиларининг эти қаттиқ, таркибида 8—18 фоиз қанд миқдори бўлади. Қанд миқдори кўрсаткичи тупроқ, иқлим ва агротехниқага қараб ўзгариб туради. Уруғлари ингичка, тухумсимон. Ялпоқ, оқсарғиши, 0,8—1,5 см узунликда бўлиб, шакли деярли бир хил, 25—30 фоиз мой сақлайди. 1000 дона уруғининг вазни 35—50 г.

Тарвуз. Бу ўсимликнинг хўраки ва хашаки турлари мавжуд бўлиб, кенг майдонларда экиласди.

Ботаник белгилари. Ҳар иккала турининг ботаник белгиларида ўзига хос ўхшашлиқ ва фарқлари мавжуд.

Хўрак тарвузнинг илдизи ўқ илдиз бўлиб, тупроқча чукур кириб боради (3—3,5 м гача), лалми тарвузлар илдизи янада чуқурроқ кириши мумкин. Ён томонга ҳам кенг тарқалиб ўсади. Поялари ётиб ўсади, узунлиги 3—5 м га боради, 3—5 та ён шохлари мавжуд, тукли барглари бўлактарга бўлинган. Оқиши, яшил тусдаги гуллари 5 талик типда, икки уйли, яъни оналик ва оталиклари алоҳида жойлашган. Оналик гулларида кичкина тарвуз туғунчаси бор, оталик гуллари оч-сарғиши бўлиб қисқа бандли, тез тўкилиб кетади. Оналик гуллари йирикроқ. Четдан ҳашаротлар ва шамол ёрдамида чангланади.

Меваси — соҳта мева, мева банди узун, шакли овалсимон, думалоқ, чўзинчоқ бўлиб мева қобиқлари қаттиқ, баъзан қалин ёки юпқа ҳолатда учрайди. Ранги тўқяшил, қора, оч-яшил, гулли чизиқлари бор. Эти пушти, оч-сариқ, қизил, оқ тусда. Таркибидаги қанд миқдори тупроқ, иқлим шароитига қараб ўзгариб туради, у асосан 6—16 фоизни ташкил этади. Вазни 2—25 кг гача келади. Уруғлари ясси, тухумсимон, қовун уруғидан кичик ёки йирик бўлиши мумкин. 0,6—2,0 см узунликдаги уруғининг уни баъзан қора, оқ-сариқ, кўнғир-сариқ, қорамтири тусда бўлади. 1000 дона уруғининг вазни 50—180 г.

Хашаки тарвуз. Бу тур тарвузнинг илдизлари бақувват бўлиб, тупроқقا чуқур кириб боради. Барглари ҳам йирик, бўлаклари қисқа, гуллари оч-сарғиш тусда бўлиб, шакли йирикроқ, гуллари икки уйли, оталик гуллари узун бандда, оналик гуллари қисқа гул бандида жойлашган. Мевалари чўзинчоқ ёки думалоқ, оч-яшил ва яшил рангли. Мевасининг эти оч-сариқ тусда бўлиб қанд миқдори 1,5—3,5 фоиз, мевасининг вазни 15—30 кг ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Уруғи ялпоқ, яssi, 1000 донасининг вазни 120—150 г келади.

Қовоқ. Учта тури учрайди:

1. Қаттиқ пўстли қовоқ.
2. Мускат қовоқ (ошқовоқ).
3. Йирик мевали қовоқ.

Ошқовоқ қовун ва тарвузга қараганда бақувват ривожланади, айниқса илдизлари тупроқقا чуқур кирган. Поялари ётиб ёки сурдариб ўсади. Поясида дағал туклари бор, бўйининг узунилиги 3—6 метрга боради. Барглари 5 қиррали, тукли, оталик гуллари барг қўлтиғида тўп-тўп бўлиб жойлашган, оналик гуллари йирик, алоҳида ривожланади. Мевалари пилласимон салласимон, чўзинчоқ, овалсимон кўринишда. Мева пўсти қаттиқ, оч-сариқ, тўқ-сариқ, яшил, қизил тусда. Эти тўқ-сариқ бўлиб хўраки навларида қанд миқдори 6—8 фоиз, хашаки навларида эса 4—6 фоизга етади. Уруғлари ялпоқ, яssi, тухумсимон, овалсимон шаклида. Оқ, оқиши, қаймоқранг ва оч-сариқ тусдагиларининг таркибидаги мой миқдори 35—52 фоизгача. 1000 дона уруғининг вазни 200—250 г (31-расм).

Хашаки йирик қовоқ пояларининг ичи бўш, ётиб ўсуви, барглари буйраксимон, бўлаклари кичкина, туклари дағал оқиши, қўнгир рангда. Гуллари икки уйли йирик, тўқ-сариқ рангда. Меваси думалоқ, чўзинчоқ шаклда бўлиб айримлари 100 кг гача бўлиши мумкин. Ранги оч, тўқ, сариқ, яшил мевасининг эти сувли, ширали, тўқ-сариқ, оч-сариқ таркибида 4—6 фоиз қанд бор. Уруғлари йирик, 1000 донасининг вазни 250—300 г, мой миқдори 36—50 фоиз.

Мускат қовоқ — истеъмол қилинадиган қовоқ ҳисобланади, поялари чўзилиб ўсади. Узунлиги 3—4 м га боради. Барглари буйраксимон, юраксимон шаклда, меваси ялпоқ, пиёласимон, ранги кулранг, яшил қирралари яхши билинади, 8—12 фоиз қанд моддасини

сақлайди. Уругларида 30—45 фоиз мой бор, 1000 дона ургининг вазни 180—220 г.

Биологик ҳусусиятлари. Хұраки тарвузлар ўз биологиясига күра иссиққа талабчан, қурғоқчиликка ўта чидамли ўсимликдир. Ўзбекистоннинг лалми шароитида бу тарвуз навлари юқори ҳосил беради. Уруглари тупроқда нам етарли бўлганда 14—15°C да уна бошлайди. 6—7 кунда униб чиқади, совуққа мутлақо чидамсиз. Ҳарорат 30—35°C бўлганда ҳам яхши ўсиб ривожланади. Ҳарорат 20°C дан пасайса, ўсиши секинлашади. Ёруғликка талабчан қисқа кунлик ўсимлик. Унумдор бўз, қора тупроқларда юқори ҳосил беради. Оғир, соз тупроқлар тарвуз учун яроқсиз ҳисобланади. Намга талабчан, аммо айрим навлари мутлақо сугорилмаса ҳам 250—300 ц ҳосил беради. Сугориладиган шароитда экилган навлар — 4—6 марта сугорилади.

Хашаки тарвуз тупроқ — иқлим шароитига кам талабчан, ҳар қандай шароитда ҳам ўсиб, ривожланиб, ҳосил беради.

Қовун ўз биологик ҳусусиятига күра тарвузга қараганда иссиққа ва қурғоқчиликка чидамсиздир. Аммо қовоққа нисбатан қурғоқчиликка чидамли, қовоқ поялари жуда бақувват ривожлангани учун тупроқдан сувни парлатиш даражаси ҳам юқори.

Полиз экинлари яхши ҳосил бериши учун тупроқнинг дала нам сифими 70—80 фоиз бўлиши керак. Полиз экинларидан айниқса, қовун тупроқ танлайди, бир навнинг уруғи икки хўжаликда икки хил кўринишида ўсади ва ширинлиги ҳам ҳар хил бўлади. Фақатгина қовоқгина шўрланган тупроқларда бирмунча ўса олади.

Қовоқнинг илдизлари жуда бақувват бўлади. Қовоқ илдизларини ўрганишдан маълум бўлдики, бир кечакундузлик ўсишда ер ости қисми ер устки қисмiga қараганда жадал ўсар экан. 25—30 кунлик қовоқ ўсимлиги 6—9 тагача илдиз ҳосил қилган ҳолда — 109—171 см га етади. Ўсиш даври бошида дастлабки 50 кунда ер ости қисми ер устки пояларига қараганда айниқса тез ўсади. 50 кундан сўнг ўсиш жараёни аксинча бўлади.

Полиз экинлари янги очилган кўрик жойларда юқори ҳосил беради, енгил кумоқ тупроқлар ҳам бу ўсимликлар учун энг қулай тупроқ ҳисобланади. Бу экинлар ичida тарвуз шўрланган тупроқларда ҳам яхши ҳосил бера-

ди, кучли ривожланган палаги тупроқдан тузларни ҳам олиб чиқади, тупроқ шўрланишига чидамли.

Полиз экинларининг ўсиш даври узун, тупроқ ва ҳаво ҳарорати етарли бўлганда 3—5 кунда униб чиқади, 8—10 кунда майсалайди. Қовун ўсимлиги — ҳар 2—3 кунда янги барг ҳосил қиласи, униб чиқданидан сўнг бир-бир ярим ой ўтгач ўсиши бироз сустлашиб, ён шохлар ҳосил қиласи.

Қовун ўсимлиги 35—50, тарвуз 40—55, қовоқ эса 40—60 кунда биринчи гулларини ҳосил қиласи. Эрта пишар қовун навлари 60—70 кунда, тарвузлар ҳам 85—100 кунда, қовоқлар 85—120 кунда пишиб етилади.

Навлар. Полиз экинларидан айниқса қовун навлари Ўзбекистонда кўплаб етиштирилади. Сабзавот, полиз ва картошка ИТИ маълумотларига кўра Республикада 100 дан зиёд нав намунаси тўплланган бўлиб, ҳар бир нав намунаси ўзига хос биологияга эгадир. 2002 йилда Ўзбекистонда 40 дан зиёд қовун навлари иқлимлаштирилган.

Ўсиш даврининг узунлигига қараб қовунлар қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Эртапишар — 65—80 кун.
2. Ўртапишар — 80—110 кун.
3. Кечпишар — 110—140 кун.

Оқ ургу — 1137, Аравакаш — 1219, Амударё, Байтўрғон — 424, Бўрикалла, Сариқ Гулоби, Гурвак, Махаллий сариқ ҳандалак, Олтин тепа, Сайли, Обинов-вот, Олтин водий, Роҳат, Тошлоқи-862, Тўёна, Умрбоқий-3748, Шакарпалақ-554.

Тарвузнинг 10 та нави иқлимлаштирилган бўлиб улар ҳам эртапишар, ўртапишар ва кеччишарларга бўлинади. Эртапишар навлар 70—80 кунда, ўртапишар навлар 80—115, кеччишарлар эса 110 кундан ортиқ даврда пишиб етилади.

Навлари. Гулистон, Дилноз, Король Куба-92, Қўзивой-30, Крисби F, Манзур, Мозаичный местный, Мраморный-2159, Сурхон тонги, Олмос, Узбекский-452, Ўринбой, Хайитқора.

Кейинги пайтларда тарвузлар плёнка остида 65—70 кунда пишиб етиштирилмоқда. Тарвузнинг навлари сугориладиган туманлар ва лалмикор майдонлар учун алоҳида бўлади. Король Куба-92, Хайитқора, Узбек-452 навлари сугориладиган ерларга экиш учун

иқлимлаштирилган. Кўзивой-30, Мозаичный навлари лалмикор майдонлар учун иқлимлаштирилган.

Қовоқнинг 4 та нави иқлимлаштирилган. Палов кади-268, Қашқар-1644, Испан-73, Нон кади, Сто-фунтовая. Қовоқлар фақат сугориладиган майдонларда экиласди.

Етиштириш технологияси. Полиз экинлари ўтмишдош экинларга талабчан бўлиб, унумдор, тоза тупроқларда яхши ривожланади. Кўриқ — бўз ерлар, дуккакли экинлардан бўшаган майдонлар бу экинлар учун қулай ҳисобланади. Бу экинлар учун Ўзбекистонда кузги дон экинлари ҳам яхши ўтмишдош ҳисобланади, қатор ораси ишланадиган айрим экинлардан сўнг экилганда ҳам ҳосилдорлиги юқори бўлади.

Итузумгуллилар оиласига мансуб ўсимликлар ва по-мидордан кейин полиз экинларини экиш ярамайди. Полиз экинлари бир далага 2 марта, кейинчалик 5—6 йилдан сўнг қайта экиш мумкин. Кузда полиз экинлари экиладиган майдонларга албатта қовун учун 15—20 т, тарвуз учун 10—12 т, қовоқ учун ҳам 15—20 т гўнг солиниб, шудгор қилинади. Гўнг билан бирга 60—65 кг фосфорли ўғит солиш керак.

Ерии тайёрлаш. Баҳорда экишгача икки марта культивация қилиниб, кейин бороналанади. Баҳорда полиз экинлари кеч экилгани учун культивация қилиш имкони мавжуд. Кузда майдонлар сугорилиб, шудгорланса яхши бўлади. Шудгорлаш ПЛН—4—35 русумли осма плугларда 40 см чуқурликда ўтказилади. Бегона ўтлар қолдиги ёки дон экинлари туплари ҳам йиғишириб олинади.

Эрта баҳорда ҳам тупроқдаги намликни сақлаб қолиш учун маҳсус тадбирлар ўтказилади. Апрель ойи охиригача тупроқлар зичлашиб кетса, экишдан олдин яна бир марта 20—22 см чуқурликда чизелланади.

Экиш муддати. Плёнка остида етиштириладиган қовун-тарвуз ўсимликлари март ойи охирида экиласди. Очиқ далаларга эса тупроқ ҳарорати 14—16°C бўлганда экиласди. Уруғлар ўта қизиган тупроқларга экилса, уруғ тез чириб кетади. Экиш муддати апрель ойининг биринчи кунлигига ҳам ўтказилиши мумкин.

Экишга стандарт талабларга жавоб берадиган, унучанлигига юқори, тоза, тўлиқ уруғлар танлаб олинади. Уруғ сифатсиз бўлса уни албатта ош тузининг 3—5 фоизлиги эритмасига солиб, пучлари ажратиб олина-

ди. Уругни ивитиб экиш — униб чиқиши тезлатиш демакдир. Уруғлар 12—15 соат ивитилиб, сүнг уруғлар сал сепилади. Экишдан олдин 0,1—0,5 фоиз борат кислотаси, 0,02—0,04 фоиз алюмин молибден нордон тузи ва бошқалар дориланади.

Уруғлар йирик-майдалиги ва тупроқнинг механик таркибига кўра (ташлаш чуқурлиги ва намликка) ҳар хил бўлади. Қовун уруғлари сал юзароқ, 4—5 см, тарвуз ва қовоқ уруғлари 5—7 см га ташланади. Бир гектарга 3—4 кг қовун, 3,5 кг қовоқ ва 4—5 кг тарвуз уруғлари экилади.

Экиш усуллари. Полиз экинлари бошқа экинларга қараганда бошқача усулда экилади. Озиқланиш майдони бошқа экинларга қараганда йирик, шунингдек, полиз экинлари майдонида тракторларнинг bemalol юришига шароит бўлиши керак. Экинлар қўшқаторлаб, квадрат уялаб ва бир қаторлаб экилади. Бунда қатор ораси — 70 см, пушта ораси — 120, 210, 280 см бўлиши мумкин. Бир қаторда — 120 ёки 180 см пушта ораси, қатор ораси 60 ёки 70 см баъзан 280X70 см қилиб экилиши ҳам мумкин. Уруғлар гўза, маққажўхори сеялкалари билан кичикроқ жойларда қўл билан ташланади. Ўртacha бир гектарда 9—10 минг дона қовун, 6—8 минг дона тарвуз ва 5,0—5,5 минг туп қовоқ ўсимлиги бўлади.

Полиз экинлари гуллашидан олдин ёки гуллаш даврида ва гуллашдан кейин тупроқнинг сув талаб қилишига қараб сугорилади. Ер ости сувлари яқин бўлса 3—4 марта, акс ҳолда 5—6 марта га яхшилаб (сувни майдонга 2—3 кун давомида оқизиб қўйиб) сугорилади. Бу ўсимликларнинг илдизлари ён томонга ҳам яхши тарқалгани учун улар яхши нам билан таъминланса, ҳосил юқори бўлади. Аммо намликни ўта ошириб юбориш ҳам ярамайди. Бу вақтда ун шудринг, фузариоз касалликлари кўпайиб, меваларда қанд моддаси камайиб кетади. Тарвуз ва қовунга қараганда қовоқ намни кўпроқ талаб қиласи, бу туп қовоқ ўсимлиги 100 г қуруқ модда ҳосил қилиши учун 70 л сувни парлатади.

Ҳосиллии йигиштириш. Ҳозиргача Ўзбекистонда полиз экинлари меваси қўлда йигиб олинади. Қовун ва тарвузнинг пишган мевалари думларидан тез узилади, қўл билан авайлаб тортилса, мева палакдан ажралади. Агарда мевалар бошқа жойга ташиб кетиладиган бўлса, у ҳолда улар яхши пишмасдан узиб олинади. Палак-

лардан эрта пишган мевалар бир неча марта йигиб олинади. Фақат кеччишар қовун ва тарвузларни бирданыга йигиштириб олиш мумкин. Аммо уларнинг пишганларини саралаб 2 марта териб олиш лозим. Мевалар пишаётган пайтда палакдаги барглар сарғайиб, дағаллашади, тарвуз поясидаги жингалаклар қурийди. Қовун меваси күтариб кўрилганда оғирлашади, тарвуз мевалари эса енгиллашади. Ана шундай белгиларга қараб полиз экинлари йигиштириб олишга киришилади.

Касаллик ва зааркунандалар. Полиз экинлари касалликларидан ун шудринг, фузариоз сўлиш кўп учрайди. Ун шудринг касали тупроқда намлик юқори бўлса ёки қовун қайта экилган бўлса тез тарқалади. Ун шудрингга қарши чидамли навларни экиш билан бирга 0,5—1,0 фоизли коллоид эритмаси ёки (ИСО) оҳакнинг олтингугуртли қайнатмаси сепилади.

Фузариоз сўлиш касаллиги билан баъзан катта-катта майдонлар бирдан заарланиши мумкин. Ҳосил тувиш даврида қовун палаклари сўлиб қолади, баъзи ҳолларда ўсимликнинг бир ёки икки ён шохи мевалари биргаликда сўлийди. Бу касаллик замбуруғлар орқали ўтади. Бунинг учун касалликка чидамли навларни экиш, далада ўсимлик қолдиқларини териб олиш, тупроққа бир гектарга 120 кг триходерма замбуруфини сепиш лозим. Микроэлементлар билан озиқлантириш ҳам фойда беради.

Ҳашаротлардан ўргимчаккане, кузги тунлам, полиз бити, оқ пашиба ва бошқалар учрайди.

Ўргимчакканага қарши олтингугурт кукуни ва сўндирилган оҳак аралашмаси ҳар гектарга 30—40 кг миқдорда чанглатилади, 50 фоиз карбофосни гектарига 4—5 кг, 35 фоиз гектарга 4—6 кг фазалонни пуркаш ҳашаротни ўлдиради.

Битга қарши сафо С 50 фоиз кукуни, 0,8—1,2 кг, бир гектарга 30 фоиз карбофос 4 кг миқдорда пуркалади.

Тунламлар учун алмашлаб экиш, қишида шудгорни афдариб ҳайдаш, сугориш, захарли емлар қўйиш зарур.

Полиз экинлари картошка, тамаки ва помидордан кейин экилмайди, чунки шумгия полиз экинлари учун ҳам энг хавфли бегона ўт ҳисобланади. Шумгиялар гулламасдан териб ташланади ёки гуллаганидан сўнг биологик йўл билан курашилади.

Еттинчи бўлим

ЕМ-ХАШАК ЎТЛАРИ КЎП ЙИЛЛИК ФАЛЛАСИМОН ЎТЛАР

Ем-хашак ўтлари кўп йиллик ва бир йилликларга бўлинади. Кўп йиллик ўтлар ўз навбатида яна фалласимон ва дуккаклиларга, бир йилликлар ҳам фалласимон ва дуккаклиларга бўлинади.

Кўп йиллик фалласимон ем-хашак ўтларига ажриқ-бош — *Pleum pratense L*, бетага — *Festuca pratensis Huds*, Оқсўхта — *Dactylus glomerata L*, эркак ўт — *Agropyrum Sibiricum L*, Сув буғдойиқ *Bromus inermis I L*, мастак — *Arrhenatherum elatius J* киради.

Буларнинг ҳаммаси қўнғирбошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимликлар бўлиб, бир жойда узлуксиз 4—5 йил давомида етиштирилади. Кўп йиллик ўтлар эрта баҳорда экилади, уларнинг илдизлари ўқ илдиз, поя-лари фалла экинлари поясига ўхшаш, барглари чўзинчоқ, лентасимон, гул тўплами ҳаммасида рўвак. Фалласимон кўп йиллик ўтларнинг илдизлари бақувват ривожланган, тупроқнинг 1,5 м гача бўлган қатлами-даги озуқа моддаларни ўзлаштириб олади. Эрта баҳорда ва кузда жуда тез ўсади. Бу ўсимликлар ўриб олингандан сўнг туплаш қобилиятига эга. Бир жойда 20—25 тагача поя ҳосил қиласди. Ўриб олингандан сўнг яна янги новдалар ҳосил қилиб ўсиб чиқади. Айримларини 8—10 йилгача бир далада сақлаб туриш мумкин. Кўп йиллик ўтлар бегона ўтларни қисиб қўяди. Айримларини кўп йиллик дуккакли ўтлар билан қўшиб экиш мумкин. Ажриқбош себарга билан қўшиб экилганда унинг пичани таркибидаги протеин миқдори янада ошади. Ажриқбош уруғлари 1—2°C да уна бошлайди. 10—12°C да қийғос униб чиқади. Экиш нормаси гектарига кенг қаторлаб экилганда 4—5 кг ёки қаторлаб экилганда 8—10 кг ташкил этади.

Оқсўхта баланд бўйли, бўйининг баландлиги 140—150 см га етади. Қишига чидамли, қурроқчиликка чидамсиз, меъёри соф ҳолда экилганда 14—15 кг, ара-лаш экилганда 7—8 кг. Эркак ўт ўсимлигининг бўйи 80 см гача бўлса, илдизлари тупроқча 2—2,5 метрда




26-расм. Оқ сұхта.



27-расм. Эркак ўт.

ҳам күп учрайди. Совуққа чидамли, тупроқ танламайды. Уни күпинча дуккақлilar билан аралаш ҳолда экиш мумкин (32-расм).

Фалласимон ўтлар ичидә энг баланд бүйли ва күп ҳосил берадиган сув буғдойик ҳисобланади. Бу ўсимлик илдизпояларидан күпаяди. Илдизлари ерга 2 м чукурликкача кириб боради. Бүйининг баландлиги 180—200 см гача бўлади, тик ўсади. Қишига ва курғоқчиликка чидамли. Узоқ вақт сув тагида қолиб кетса ҳам бар-



28-расм.

А – Сибирь эркак ўти; Б – сув – бугдойиқ.

дош беради. Жуда юқори ҳосил беради. Шүрланган тупроқларда ҳам яхши ўсади. Экиш мөйөри 16–18 кг, кенг қаторлаб экилганда 10–11 кг уруғ сарфланади.

Мастак ўсимлиги баланд бўйли, бақувват ривожланган ўсимлик бўлиб илдизлари тупроққа 250–280

см чуқурликкача кириб боради, бўйининг баландлиги 170 см га етади. Совуқда нисбатан чидамсиз, аммо қурғоқчиликка чидамли. Сизот сувлари юза жойларда яхши ривожланмайди. Бир жойда 4—5 йил яхши ҳосил беради. Экиш меъёри гектарига 15—16 кг, кенг қаторлаб экилганда 8—9 кг.

Хашаки мастак ва илдизпояли буғдоиқ ўсимликлари нисбатан паст бўйли, бўйининг баландлиги 70—80 см дан ошмайди.

Бу кўп йиллик ем-хашак ўтлари ҳозирча бизнинг мамлакатимизда экилмайди. Аммо чорва моллари учун маданий яйловлар ташкил қилина бошланса, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ривожлана бошласа яна шундай маданий яйловлар ташкил қилишда юқоридаги ўсимликлар соф ҳолда, аралаш ҳолда экилиб, пичан олиш ёки ҳайвонларни ҳайдаб боқища яйлов сифатида фойдаланилади.

Чорвачилиги ривожланган Голландия, Англия, Франция, Эстония, Литва ва бошқа мамлакатлар яйловларида бу ўсимликлар асосий экин ҳисобланади.



29-расм.
Мастак ўсимлиги.

Назорат саволлари:

1. Кўп йиллик ғалласимон ўтларни сананг.
2. Нега Ўзбекистонда бу ўтлар кам экилади?
3. Уларни кўк ҳолида молларга берса бўладими?

КҮП ЙИЛЛИК ДУККАКЛИ ҮТЛАР ЙҮНГИЧҚА-БЕДА

Халқ хұжалигидаги ақамияти. Беда ёки йүнгичқа пичанида оқсил, фосфор, кальций моддалари ва алмашлаб бўлмайдиган аминокислоталар сақловчи емхашак экинлари бўлади. Чорва моллари йүнгичқанинг ҳамма озуқавий турларини хуш кўриб истеъмол қилишади. 100 кг кўк пояси 17, 100 кг қуруқ пичани 47—78, сенажида 50—55 озуқа бирлигини сақлайди. Фунчалаш фазасида таркибида протеин миқдори юқори бўлиб 21,9 фоиз, гуллаганда 16,8 фоиз бўлади. Йүнгичқа тупроқ унумдорлигини ва структурасини яхшилайдиган экиндир. Пахта, беда алмашлаб экишда муҳим ақамиятга эга, тупроқни тозаловчи, ҳосилдорликни ошириб, вилт касаллигини камайтирувчи ҳисобланади.

Йүнгичқа кўпгина қурғоқчил намли жойлардаги катта майдонларни эгаллади. Бу ўсимликлар ҳар икки ҳолатда ҳам яхши ўса олади.

Беда кўқати сунъий усулда қуритилиб, ундан беда уни тайёрланганда, тўйимли моддаларнинг асосий қисми сақланиб қолади. Масалан, 1 кг пичан унида 0,8 озуқа бирлиги бор, унинг таркибида эса 16—18% протеин, 200—250 мг каротин бўлади.

Ботаник-морфологик таърифи. Ер куррасида кўпи билан 36 та тури учрайди, улар орасида бир ва кўп йиллик турлари бор. Шундан энг кўп тарқалгани — *Medicago sativa L* дир

Беда кўп йиллик дуккакли ўсимлиқдир. У жуда яхши ривожланган ўқ илдиз ҳосил қиласи. Илдизи тупроқнинг жуда чукур қатламигача кириб боради. Биринчи йили илдизлар тупроққа 2—3 м, кейинги йилларда эса 10 метргача кириб боради. Саҳро ва чўлларда йүнгичқанинг илдизини 25—30 м чукурликдан ҳам топишган. Илдизининг юқориги қисмida илдиз бўғзи бўлиб, ҳамма поялар шу ердан ўсиб чиқади. Бўғиз — қисқарган поя ҳисобланади, ёки коронка деб аталади. Коронкада ҳар ўримдан сўнг ва ҳар йили янги поялар ўсиб чиқади. Пояси тик ўсувлари сершоҳ, пасти сал бинафша тусда, 10—20 та бўғим оралиғи бор. Бир тўп ўсимлиқда 2—3 тадан 200 тагача туп бўлиши мумкин, баландлиги 80—1000 ёки 150 см гача бўлади (35-расм.).

Барги — барг банди, учталик баргча ва ёнбаргчадан иборат. Тўпгули шингил, икки жинсли, косабаргли гултож, чангчи, уруғчидан иборат. Чангчиси 10 та бўлиб, 9 таси қўшилиб ўсган, биттаси алоҳида ривожланади. Гултожиси оч бинафша ёки оч кўк рангда.

Меваси дуккак бўлиб, 1,5—4 марта буралган. Уруғи буйраксимон, оч-сариқ, қўнғир, қора тусда, 1000 донасининг вазни 1,8—2 г келади.

Сариқ йўнғичқа — *Medicago falcata L* ҳам кўп йиллик ўсимликдир. Илдизи ўқ илдиз, яхши шоҳлайди, баландлиги 40—50 см га етади. Тўпгули шингил, гулининг ранги сариқ, меваси дуккакли ёки ўроқсимон. Уруғи юраксимон шаклда, 1000 донасининг вазни 1,5—1,7 г.

Бу йўнғичка курғоқчиликка ва совуққа чидамли.

Биологик хусусиятлари. Иссиққа талабчан. Йўнғичқа уруғлари 1—2°C да унади, тез ва яхши униб чиқиш учун кулагай ҳарорат 14—16°C ҳисобланади. Майсалар 6°C даражада совуққа чидайди. Ҳарорат 7—8°C бўлганда тез ўса бошлайди. Қор тагида вояга етган ўсимликлар 40°C совуққа чидайди. Қишида чидамлиликни ошириш учун охирги ўримни эртароқ ўтказиш керак. Қаттиқ совуқлар тушгунича 30—35 кун олдин ўрилса, яна барг ҳосил қилиб заҳира органик моддалар тўплаб улгурди (30-расм).

Йўнғичқа дастлаб баҳор-



30-расм:
А — кўк йўнғичқа; Б — дуккаги;
В — уруғи.

да ўсганидан ўрилгунгача зарур бўлганда фойдали ҳарорат йигиндиси $780-800^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлади. Бутун ўсиш даврида $3800-4000^{\circ}\text{C}$ даража ҳарорат лозимдир. Ўримлар ораси $40-42$ қунга чўзилади.

Намга талаби. Бу ўсимлик биологик хусусиятига кўра курсоқчиликка чидамли ва намга ҳам талабчан. Бақувват ривожланган илдизлари тупроқнинг пастки қатламларидаги сувни ўзлаштира олади. Намга бўлган талабига кўра йўнгичқа мезофит ўсимлик ҳисобланади. Транспирация коэффициенти $700-900$ атрофида, фунчалаш, гуллаш фазасида сувга ўта талабчан бўлади. Юқори ҳосил олиши учун ҳамиша тупроқ намлиги $70-80\%$ атрофида бўлади. Республиkaning Бахмал, Китоб, Яккабоғ, Деҳқонобод туманларида йўнгичқа лалми шароитида ўстирилади, ундан сифатли, тоза уруфлар олинади.

Тупроқда ва озиқ моддаларга талаби. Унумдор, енгил озуқага бой тупроқларда яхши ўсиб, юқори ҳосил беради. Тупроқдан жуда кўп фосфор, калий, кальций ўзлаштиради. Ўсиш даврининг бошларида фосфор етишмаса, пояси кам барглари мужмал бўлади. 1 тонна пичан учун тупроқдан $5-6$ кг ва фосфор, $15-20$ кг калий ўзлаштиради. Азот билан ўзини-ўзи таъминлайди, илдизлари орқали ҳаводан соғ азотни ўзлаштириб олиб, тупроқни азот билан бойитади.

Навлари — Хоразм-Маҳаллий, Хива-маҳаллий Тошкент-3192, Ташкент-1, Аридная, Узрос-73 Самарқанд-маҳаллий.

Хива-маҳаллий

Ўзбекистоннинг маҳаллий нави. 1941 йилдан Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятининг суғориладиган ерларида Давлат реестрига киритилган.

Мутлақ қуруқ моддасининг ўртача ҳосилдорлиги гектаридан $360,0-365,9$ центнерни ташкил этади. Барглилиги $39,0-41,0$ фоизга тенг. Қишига чидамлилиги яхши. Вегетация даври баҳорги униб чиқищдан биринчи ўргача 70 кун. Қуруқ моддасидаги оқсил миқдори $19,7\%$, клетчатка $22,5\%$. Қишлоқ хўжалиги касалликлари ва ҳашаротларига чидамли.

Хоразм-маҳаллӣ

Хоразм пахтачилик тажриба станциясининг селекцион нави. Ҳиндистон-1424 х Хива бедасини чатиштириш ва танлаш йўли билан яратилган.

1992 йилдан Хоразм вилоятининг субориладиган ерлари учун Давлат реестрига киритилган.

Кўк беда, Хива эко хилига мансуб. Тупи ёйиқ шаклда. Тупланиши ўргача. Пояси кам тукланган, яшил, бўйи 120 см гача. Барги эллипссимон шаклда, туксиз, оч-яшил. Тупгули зич, бошчасимон шингилли.

Гули оч ҳаворанг. Дуккаги спиралсимон, 2,5—4,0 бурмали. Уруғи ловиясимон, сариқдан оч кулрангтacha. Куруқ моддасининг ўргача ҳосилдорлиги гектаридан 140,0—143,0 центнер, уруғ ҳосили 2,4 центнерни ташкил этади. Куруқ модда таркибидаги оқсил миқдори 24,7%.

Баҳорда униб чиқиши ва ўримдан сўнг яхши, тез ўсувлан. Вегетация даври баҳорги униб чиқишдан биринчи ўримгача 66—71 кун. Нави қишлоқ хўжалик касалликлари ва ҳашаротларига чидамли.

Узрос-73

Ўзбекистон шолиҷилик илмий текшириш институтининг селекцион нави. Икки ўримли қизил йўнгичқани бошқа йўнгичқа навлари билан эркин чатиштириш йўли билан яратилган табиий дурагай.

Муаллифлар: И. П. Гончарев, В. Я. Масленникова.

1954 йилдан республика бўйича Давлат реестрига киритилган.

Бу навнинг асосий қисмини йиллик ва кўп йиллик баҳорикор ўсимликлар ташкил қиласи. Тупи тик ўсади. Пояси ингичка, бўйи 90 см. Барглилиги 45,0 фоизгача. Барги ўргача катталикда, тухумсимон, кам тукланган, оч-яшил. Гулининг ранги ҳар хил, қизилдан зангоригача.

Тупланиши яхши, ўримдан сўнг яхши ўсади. Ўртапишар. Биринчи йили гуллаши июлнинг иккинчи ўн кунлигигида 91—93 кундан сўнг бошланади, тўла униб чиққанидан сўнг иккинчи йили майнинг иккинчи ўн кунлигигида бошланади. Республика шароитида яхши қишлиайди. Курғоқчиликка чидамлилиги ўргача. Нав серҳосилли.

Ўзбекистон-3

Ўзбекистон шоличилик илмий текшириш институтининг селекцион нави УзРОС-73 навидан танлаш йўли билан яратилган.

Муалтиф: М. М. Салтас.

1981 йилдан Қорақалпакистон республикаси, Андижон, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларининг сугориладиган ерларида Давлат реестрига киритилган.

Икки ўримли хилга мансуб. Тупи тик ўсади, тупланниши яхши ривожланган. Поясининг бўйи 71—83 см, дагал эмас, кам тукланган. Барги йирик, узунчоқ-тухумсимон шаклда. Барглилиги юқори 70,0—80,0 %. Тупгули узунчоқ, зич бошчали. Жуфт бошчалари кўп. Гули қизил. Уруғи ўртача, тухумсимон, сарғиш-зангори. Яшил озуқасининг ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 576.0 центнер, хашаги 181,6 центнер. Баҳорда униб чиқиши се-кин, ўримдан сўнг тез ўсади.

Ёз мавсумида сугориладиган шароитда 3—4 ўрим беради. Вегетация даври баҳорги униб чиқищдан биринчи ўримгача 71 кун, биринчи ўримдан иккинчи ўримгача 45 кун. Озуқабоплик хусусияти яхши, оқсил микдори 12,0—16,9 %. Ўзбекистон шароитида яхши қишлияди, қурғоқчиликка чидамли.

Етиштириш усуллари. Ўзбекистонда йўнгичқа асо-сан пахта билан алмашлаб экилади, кузги дон экинла-ри учун ҳам яхши ўтмишдош экин ҳисобланади. Лалми шароитида полиз экинлари, зифир, кунгабоқар учун яхши ўтмишдош ҳисобланади. Қатор ораси ишланадиган барча экинлар йўнгичқа учун яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Кузда йўнгичқа экиладиган майдонлар чукур шудгорланиб, гектар бошига 10—15 т гўнг ва 40—45 кг фосфор ўғит берилади. Ўсиш даврининг бошида фосфорли ўғитларга ўта талабчан бўлади. Донли экинлардан кейин экилса, албатта борона қилиниши шарт.

Экиш. Экишдан олдин уруғлар албатта тозаланиб, зарпечак уругларидан тозаланиши учун маҳсус магнитли машинадан ўтказилади. Экиш муддати, чукурлиги ва нормаси йўнгичқа тупроқ ҳарорати 3—4°C бўлгандан ёки баҳори дон экинлари ўриб бўлинганидан сўнг белгиланади. Агарда бирон-бир экин билан

аралаш экилса, экиш нормаси камаяди. Йўнгичқанинг биринчи йилги ҳосилдорлиги кам бўлгани учун ҳам бирон-бир экин билан аралаш қилиб экилади. Судан ўти ва маккажўхори билан аралаш экмаслик керак, булар йўнгичқа туп сонининг камайиб кетишига олиб келади. Сули, арпа билан аралаш экиш энг яхши тадбир ҳисобланади. Юқори ҳосил олишнинг асосий кўрсаткичи туп сонининг қалин бўлишидир. Юқори ҳосил олиш учун 1m^2 га 200—250 та йўнгичқа пояси етарли бўлса, бу энг яхши туп қалинлиги деб ҳисобланади. Пичан ёки кўк поя учун йўнгичқа гунчалаш фазасида ўриб олинади, бу вақтда протеин миқдори юқори ҳолда бўлади. Ўрим муддати кечиккан сари ҳосилнинг сифати ёмонлашади. КИР—1,5 косилкалари ёрдамида ўриб олинади.

Назорат саволлари:

1. Кўп йиллик дуккакли ўтларни сананг?
2. Дуккакли ўтлар пичанидаги озуқа бирлиги қанча?
3. Йўнгичқанинг қандай турлари мавжуд?
4. Йўнгичқани қайси ривожланиш фазасида ўриш лозим?
5. Лалми шароитда йўнгичқа экиладими?

БАРГАК (ЭСПАРЦЕТ)

Бу ўсимлик асосан ем-хашак мақсадларида ишлатилиб, қурғоқчил шароитга энг чидамли ҳисобланади. Баргак қадимдан Осиёning қурғоқчил минтақаларида Эрон, Афғонистон, Покистон, Туркия ва Туркистонда табиий ҳолда ва маданий шароитда ўстирилиб келинган.

Ўзбекистоннинг катта-катта яйловларига баргак ўсимлигини экиш чорва моллари маҳсулдорлигини 2—3 ц ошириш демакдир. Баргак тўйимлилиги жиҳатидан йўнгичқадан кўра устун туради. Йўнгичқанинг 100 кг пичанида 47—48% озуқа бирлиги бўлса, баргакнинг 100 кг пичанида 52 % озуқа бирлиги бор. Унинг устунлиги энг иссиқ даштларда ўса олишидадир. Баргакнинг кўк массаси ва пичани айниқса қора моллар томонидан яхши истеъмол қилинади.

Ботаник белгилари. Илдизи ўқ илдиз. Тупроққа чукур кириб боради. У қийин эрийдиган азотли ва фосфорли бирикмаларни эритиш хусусиятига эга. Бизнинг

лалми шароитда баргакка фосфор ўғитларини кам миқдорда берилганда унинг уруғи ва пичани ҳосили ортади. Барги тоқ патсимон, 6—8 жуфт ва якка юқори баргдан иборат. Пояси кам шоҳланади ёки поянинг юқори қисмida шоҳ ҳосил қиласди. Ҳар бир бўғинида барг ўсиб чиқади. Бўйи 80—150 см, гул туплами шингил, 20 см узунликда. Гуллари пушти ва бинафша рангда. Меваси ясси, тўрланган шаклдаги дуккақда жойлашган. Бу ўсимликнинг асосан 3 та тури кенг тарқалган.

Вика баргли баргак. Ўсимликнинг бўйи 90 см гача бўлиб, бўғинлар сони 5—7 та, барги эллипссимон, гоҳида чўзинчоқ, тўқ яшил рангда. Шингилида гуллар зич, гули бинафша рангли, қизил доғчали. Дуккаги йирик, 1000 дона уруфининг оғирли 17—22 г ни ташкил этади.

Кавказ баргаги. Ўсимликнинг бўйи 150 см га етади, бўғинлар сони 7—8 та. Барги тухумсимон шаклда, ранги қўнғир-яшил, шингили цилиндрсимон, гули бинафша рангли, доғчали, дуккаги йирик, чўзинчоқ, 1000 дона уруфининг оғирлиги 12—24 г. Кавказ орти, Шимолий Кавказ, Украинанинг жанубий қисмida ва Ўрта Осиё даштларида табиий ҳолда учрайди.

Кум баргаги. Бўйи 80—1000 см, гоҳида 125 см га етади. Бўғимлар сони 6—8 та пояси дағал. Барги чўзинчоқ, ранги яшил, устки барглари оч-яшил тусда. Шингили сичқондумсимон ингичка, охири ўтқир, дуккаги майда, 1000 дона уруфининг оғирлиги 11—15 г. Бу тур ўзининг жуда совуққа чидамлилиги билан характерлидир. Марказий қоратупроқ зоналарида кенг тарқалган.

Биологик ҳусусияти. Ҳароратга талаби. Уруғи 1—2°C да униб чиқа бошлайди. Совуққа чидамли чиқиши учун муқобил ҳарорат 18—25°C. Айниқса кум баргаги ўзининг қишига чидамлилиги билан ажралиб туради. Кам қорли қишлиарда 42—43°C совуқларга чидаганлиги кузатилган. Кум баргаги, Кавказ орти ва вика барги баргакка қараганда ниҳоятда қишида ҳам, баҳорда ҳам совуқлардан нобуд бўлмайди. Гуллаш ва дуккак ҳосил қилиш пайтида 25—35°C ҳарорат яхши ҳисобланади.

Намга талаби. Баргак типик ксерофит ёки курғоқчиликка чидамли ўсимлик. Кучли илдиз тизими 3—4 м дан пастда жойлашган, сувдан фойдаланиш имкониятига эга.

Ёрглика талаби. Баргак ёрглика талабчан. Ўсимлик қишлоқ хўжалик тажриба қўргонида баргакни ҳар хил ўсимликлар билан алмаштириб экканда юқори ҳосил олинган.

Тупроқ ва озиқ моддага талаби. Баргак бўз ва типик бўз тупроқларда яхши ўсади, у шўрга чидамсиз. Хлорид сулфатли шўрлаш (0,05 —) 10% уруғнинг униб чиқиш энергиясини 2—3 марта камайтиради. 1 тонна баргак пичани тупроқдан 6—7 кг азот, 18—20 кг фосфор, 11—12 кг калий, 1,5—1,7 магнийни ўзлаштиради.

Ўсиш хусусияти. Уруғпала баргидан кейин биринчи ҳақиқий барг ҳосил бўлади. Кейин 2-чи ва 3-чи барглар ҳосил бўлади. Пастки барг қўлтиқларида ён куртаклар ҳосил бўлади. Илдиз пайдо бўлгандан 1,5—2 ҳафта ўтгач, илдиз бўғизини тупроқ тортиш лозим. Масалан, вика — баргли баргак ниҳоли 3 ойдан кейин, тўпланиш ва илдиз бўғзи 1,9 см чуқурликда бўлади. Кум баргак 2,2 см чуқурликда эканлиги кузатилади. Илдиз бўғзининг тупроққа кўмилиши 2—3 йил давом этади. Баҳорги формаларида зич кўтарилган барглар ҳосил бўлади. Барглар сони ўсимлик зич экилганда 15—20 та, сийрак экилганда 36—50 тага етади. Юқори барглари 17—19 тагача етади. Униб чиққандан гуллаш даврига 60—65 кун, уруғлар пишгунча 110—120 кун ўтиши лозим.

Навлари. Песчаный-1251 қишига чидамлилиги юқори, курғоқчиликка ҳам ўта чидам-



31-расм:

A — баргак ўсимлиги;
B — дуккаги; В — уруғи.

ли. Южно-Украинский нави. Кишга ва курғоқчиликка чидамлилиги юқори. Песчаный-улучшенный нави. Кишга ва курғоқчиликка чидамлилиги юқори. Қозогистон, Ўзбекистон ва Туркманистанда иқлимлаштирилган.

Етиштириш усули. Алмашлаб экишдаги ўрни. Ем-хашак алмашлаб экишда баргак дон экинлари ем-хашак учун илдиз мевалар ва бошقا ўсимликлардан кейин жойлаштирилиши мумкин. Қир бағирларда ва даштларда дуккакли ўтлар билан алмаштирилиб экилади.

Ўғитлаш. Баргакни экишда — қаторлаб грануланган фосфор бериш тавсия этилади, Маълумотларга кўра қаторлаб 50 кг грануланган фосфорли ўғит гектарига берилганда баргак пичани ҳосили 3,6 ц ва уруғи 0,8 ц га ошди. Эспарцет уруғи экишдан олдин нитрагин билан ишланади, бу тадбир ҳосилни 5—6 ц га оширади.

Тупроқни ишлаш. Ўтмишдош экин йиғишилгандан кейин 22—25 см чуқурликда ҳайдалади. Эрта баҳорда борона қилиниб, мола босилади ва тупроқда нам борида экишга киришилади.

Экиш. Баргак уруғи тозаланади, экиш куни уруг нитрагин билан ишланади.

Баргакни баҳорги дон экинлари билан аралаштириб экиш мумкин. Умуман, уни эрта экиш тавсия этилади, экиш меъёри чўлларга тоза ҳолда 90—1000 кг/га, дашт ва тоғолди туманлари учун 70—80 кг/га. Экиш чуқурлиги тупроқ намлигига қараб 3—6 см бўлади. Поялари ўрилганидан сўнг дарҳол йиғиб кетилади. Пояузунлиги 15—20 см қолдирилади. Курғоқчил ва қумли ерларда 2—3 йиллик баргакни баҳорда қўш изли борона қилинади. Ун шудринг касаллиги баргак уругининг 50—70 фоизигача бўлган ҳосилни нобуд қиласди. Занг касаллиги баргак, поя ва гулини заарлайди. Фузариоз билан қаттиқ заарланганда қўнғир рангли баргасиз поялар қолади. Фузариознинг айрим турлари илдизларни заарлайди.

Қарши кураш чоралари. Заарланган экинни эрта ўриб олиш. Қолдиқларни йўқотиш. Алмашлаб экиш, касалликларга чидамли навларни экиш. Баргак уругхўри: дуккак ва уругни заарлайди. Пайдо бўлган куртлар дуккак қобигини ёриб, уругини еб қўяди. Уруғларнинг 30—50 фоизини заарлайди.

Заарланган баргак уруғлари соғлом уругга кўра енгил бўлади. Экишдан олдин албатта уруғларни тозалаш зарур, акс ҳолда касалликлар уруғ орқали тарқалади. Бу эса дон тозалаш машиналарида амалга оширилиши мумкин.

Ҳосилини йиғиштириш. Баргак пичан учун гунчалаш фазаси ёки гуллаш фазасининг бошида ер юзидан 6 см, охирги ўримда 8—10 см баландликда ўрилади. Бу тадбирлар қишида қорни сақлашда ва баҳорда баргакнинг униб чиқишига таъсир кўрсатади. Баргак уруғлари қорни сақланиши натижасида нам билан яхши таъминланади. Ўзбекистонда баргакни қузги дон экинлари билан октябрь ойининг 15-кунидан кейин ва эрта баҳорнинг февраль ойларида ҳам экиш мумкин. Баргак ёппасига ва кенг қаторлаб қатор ораларини 45—60 см қилиб экилади. Баргак уруғлик учун алоҳида йиғиштирилади.

Дуккакларнинг 60—70 фоизи сарғайганда ўриб олинади. Комбайн ёрдамида ўриш дуккакларнинг 70 фоизи сарғайганда 2—3 кунда тугайди. Баргак уруғлари дуккакдан тўкилиб кетмайди. Уруғ узоқ муддатга сақланганда унинг намлик миқдори 14—15 фоиздан ошмаслиги лозим.

Назорат саволлари:

1. Баргак ўсимлиги қайси мамлакатларда экилади?
2. Баргак ўсимлигининг ботаник тузилишини таърифланг.
3. Баргак неча даража совукқа чидайди?
4. Кўп пояси ва пичанида қанча озуқа бирлиги бор?

СЕБАРГА

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Дуккакли экинлар ичида себарга чорвачиликда ўзига хос аҳамиятга эга. Йўнгичқа каби себарга пичанини ҳам чорва моллари хуш кўриб истеъмол қиласди, чунки себарга пичани таркибида 12—14% оқсил бор. Себарга ўсимлигини гуллашдан олдин, гунчалаш фазасида ўриб олинганда таркибидаги оқсил миқдори юқори бўлади. Шунинг учун себарга пичан учун кечиктирмасдан эртароқ ўриб олинса, бир гектардан олинадиган озуқа бирлиги анча юқори бўлади. Себарга кўк поялари ҳўл ҳолида, пичан силос, сенаж ва куритилган кўк поя уни ҳолида моллар томонидан истеъмол қилинади. 100 кг кўк поясида 18,100

кг, қуруқ пичанида 80—90 озуқа бирлиги бор. Бу ўсимликни ғалласимон ўтлар билан аралаш ҳолда экиб улардан түйимлилиги юқори бўлган силос ва сенаж тайёрлаш мумкин.

Уруғи акратиб олингандан сўнг қуруқ поялари чорва моллари томонидан тўлиқ ейилади.

Барча дуккакли ўсимликлар қаби себарга илдизларида биологик азот тўплайди. Илдизлари ва ер устки илдизпоялари тупроқ таркибини азоти кўп бўлган органик моддалар билан бойитади. Себарга дон экинлари фўза, картошка ва бошқа экинлар учун яхши ўтмишдош бўлади. Ундан кейин экилган экинлар албатта ўз ҳосилдорлигини оширади. Себарга ер куррасининг намлиги юқори бўлган майда минтақаларида экилади ва табиий равишда ҳам кўп учрайди. Себарга маданий ем-хашак экини сифатида Россиянинг кўргина вилоятларида, Кавказорти республикалари, Украина ҳамда тоғли туманларда экилади.

Ботаник таърифи. Себарга (уч барг) — *Trifolium pratense L* кўп йиллик дуккаклилар оиласига мансуб ўтсимон ўсимлик.

Илдиз тизими ўқ илдиз, аммо ён илдизлари жуда кўп сонли майда илдизлардан иборат. Себарга биринчи йили жуда кўп илдиз ҳосил қиласи ва тез ривожланади. Себарга илдизлари ерга чуқур кирмайди, шунинг учун ҳам у тупроқда намлик юқори бўлишини талаб қиласи. Бизнинг ўтлоқ бўз тупроқларда 50—60 см га боради. Нам қанча етарли бўлса тупроқда илдизлар шунча юза жойлашади. Нами кам бўлса, илдиз пастки қатламларига нам излаб кириб боради. Себарга илдизи биологик азот тўплаши билан бирга эримайдиган фосфорли ўғитларни эритиш хусусиятига ҳам эга. Бўйининг баландлиги тури, ёши ва навларига қараб 40—60 см га боради. Пояси яшил рангда бўлиб, ичи ғовак ва сирти оқиши туклар билан қопланган 3—10 тагача новда ҳосил қиласи. Себарга поясининг йўнгичқа поясидан бўйининг пастлиги, ичининг ғоваклиги ва суст ўсувланилиги билан фарқ қиласи. Шимолий минтақаларга экилган себаргалар 2 марта, жанубий минтақаларда эса 3 марта ўриб олинади.

Барги мураккаб, уч баргчадан иборат. Барг бандида учта овалсимон барглар жойлашади. Барг банди пояга туашган жойда ингичка ён барглари бор. Пастда жой-

лашган барг бандлари узун, юқори барг бандлари қисқа, йүнгичқа баргларига қараганда йирик овалсимон бўлиб, ҳар бир баргда оқиш учбурчаклари бор. Барг ранглари оч яшил тусда бўлади.

Гули думалоқ, бошсимон бўлиб, дуккаклилар гулига ўхшаш гул коса. Гултожбарги устунча, оналик тугунчаси ва 10 та чангчидан ташкил топган. Гулкосаси яшил рангли, гултожиси қизил, пушти ва оқ рангда. Гултожбарглари елкан, икки қанот ва икки эшкакдан иборат. Иккита эшкаклари қўшилган ичида уруғчиси ва чангчиси бўлади. Себарга тўпгули бошсимон бўлиб, унда 80—180 тача гул битта бошчада ўсади.

Урги. Ҳар бир гулда биттадан жойлашади, аҳён-аҳёнда иккиталиклари учрайди. Урглари овалсимон, тухумсимон шаклда бўлиб, бир елкаси туртиб чиқсан, оч-сарик, қора, кўнгир, оқ рангда бўлади. 1000 дона уругининг вазни 1,6—1,9 г келади. Себарга урглари ўз унувчанлигини бир неча йилгача сақлаб қолади.

Биологик хусусиятлари. Ҳароратга бўлган талаби. Себарга урглари тупроқ ҳарорати 3—4°C бўлганда кўкара бошлайди. Тупроқда ҳарорат шу тарзда узоқ вақт сақланиб қолса, униб чиқиш даври чўзилиб кетади. Ҳарорат кўтарилиган сайнин уруғпалланинг баргларни юқорига олиб чиқиши тезлашади. Ҳарорат 7—8°C бўлганда майсалар 8—10 кунда униб чиқади. Ҳавонинг ҳарорати ўсиш даврида ўта юқори бўлса ҳам себарга ўсишдан тўхтайди. 30—32°C ҳароратгача яхши ўсиб ривожланади. Ўсиш даврининг биринчи йилида себарга совуққа чидамли бўлади, иккинчи, учинчи йил қишки совуқлардан кўпроқ заарланади. — 18—20°C даража совуққа чидайди. Учинчи йили себарга поя бўғизлари — 10—12°C даража совуқдан заарланади.


Эрта баҳорда униб чиқсан майсалар ўримга келгунча 70—75 кун, бир марта ўриб олингандан сўнг, иккинчи ўримгача камроқ вақт, 45—55 кун лозим. Урглари пишиб етилгунича, камида 100 кун керак.

Ёруғликка талаби. Биологик хусусиятига кўра себарга узун кун ўсимлиги бўлиб, ёруғликни хуш кўради. Аммо соя жойларда ҳам ўса олади. Сояда ҳосилдорлиги камайиб, ўсиш фазалари чўзилади. Қуёшли ёруғ кунларда ўстирилиганда пичани таркибидағи оқсил моддаси юқори бўлади.

Намга бўлган талаби. Кўп йиллик дуккакли ем-



хашак ўтлари ичиде себарга намга талабчан ҳисобланади, шунингдек себарганинг транспирацион коэффициенти ҳам юқори, яъни 1 т мутлақ қуруқ модда ҳосил қилиш учун ўзидан 400—600 ц сувни парлатади. Бу ўсимлик ўсиш даврининг бошида сувни кам талаб қиласди. Поя тортиши ва гунчалаш даврида энг кўп миқдорда сув сарф қиласди. Уруғлари пишиб етилиши даврида сувни кам талаб қиласди. Шуни таъкидлаш лозимки, себарга ўсимлиги ўта нам тупроқни ҳам ёқтирамайди. Тупроқ дала нам сифими 80 фоиздан ошса, ўсишдан тўхтайди ва майса ёки новдалари нобуд бўлади.



32-расм:

А — қизил себарга новдаси; Б — уруғи; В — дуккаги;
Г — қизил себарга; Д — пушти себарга.

Тупроққа бұлған талаби. Себарга тупроққа ўта талабчан әмас, ўта шүрланған ва кислотали тупроқда ўсмайды. Тупроқдан озуқа моддаларини қўплаб ўзлаштиради, 1 ц пичан олиш учун тупроқдан 9 кг фосфор, 22 кг калий ўзлаштиради. Микроэлементларга ҳам ўта талабчан. Себарга бизда асосан ўтлоқ, ботқоқ ва тоғларда, қора тупроқларда жуда яхши ўсиб, ривожланади.

Навлари. УзРОС—73, Ўзбекистон-3.

Етиштириш технологияси. Себарга кўпгина ўсимликлар учун энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Дон экинлари, гўза, картошка, кунгабоқар ва бошқалар себаргадан кейин экилганда ҳосил юқори бўлади. Себарга қатор ораси ишланадиган дуккакли экинлар учун ҳам яхши ўтмишдош ҳисобланади. Бу ўсимликни ғалласимон хашак ўтлари билан ҳам қўшиб экиш мумкин.

Себарга экиладиган ерлар кузда яхшилаб шудгор қилинади. Кузги шудгор билан ҳар бир гектарга 50—60 кг фосфорли ўғитлар солинади. Эрта баҳорда экиш билан бирга яна 30—40 кг фосфорли ўғит берилади. Шуннингдек 8—10 т гўнг ҳар бир гектарга берилади. Майдонларига азотли ўғитлар бериш шарт әмас, чунки илдизлари орқали соф биологик азот тўплайди. Илгор тажрибалар натижасига кўра, минерал ва органик ўғитлар берилса ҳосилдорлик 6—8 ц гача боради. Себарга илдизлари тупроқда эримай қолган фосфорли ўғитларни эритиб, ўзлаштириб тайёр ҳолга келтиради. Кузда себарга экилган майдонларга 30—40 т гўнг ва калий фосфор ўғитлари солингандада қаттиқ совуқ бўлса ҳам себарга поялари музламайди.

Экиш меъёри. Себарга ўсимлигини экиш усулига қараб экиш меъёри ўзгариб боради. Соф ҳолда ва ғалласимон ўсимликлар билан аралаш экилиши туфайли гектарига сарфланадиган уруғ миқдори ўзгаради. Соф ҳолда экилганда бир гектарга 15—16 кг, аралаш экилганда 12—14 кг уруғ сарфланади.

Экиш усули. Тор қаторлаб экилади, дон сеялкалари билан экиш мумкин. Уруғ олиш мақсадларида кенг қаторлаб экилади.

Экиш чуқурлиги. Уруғлари жуда майда бўлгани учун тупроқ юзасига экилади, чуқур ташлаб бўлмайди. Уруғлар 1—2 см чуқурликка ташланади. Фақатгина қумоқ тупроқларда 2—3 см чуқурликка экиш мумкин.

Парвариш қилиш. Биринчи йилги охирги ўримда унинг поялари 13—15 см баландликда ўрилади. Органик ўғитларнинг солиниши себарга пояларини совуқдан ҳимоя қиласи, курғоқчилик бўлса албатта суфорилади. Намни ҳамиша 75—80% микдорда сақлаб туришликни тақозо этади. Қишида қор сақлаб қолиш ҳам уни совуқдан ҳимоя қилиб нам билан таъминланишига ёрдам беради.

Ҳар бир ўримдан сўнг суфориб, минерал ўғитлар берилади. Пичан учун себаргани фунчалаш фазасида ўриш энг маъқул пайт ҳисобланади. Эрта ўриш, навбатдаги ўримни тезлатишга олиб келади. Пояси сернам бўлгани учун ғалласимонларга қўшиб силос тайёрлаш яхши натижа беради. Сенаж тайёрлаш учун ўрилган кўк пояларнинг нами қочирилади ёки сўлитилади. Кўк поянинг намлиги 50—55% бўлганда сенаж тайёрлашга киришилади.

Силос тайёрланадиган бўлса кўп поянинг намлиги 65—67% бўлиши керак. Кўк поя жуда нам бўлса, бироз қуруқ сомон қўшилади.

Уруғ олиш. Уруғлик олиш учун экилган себаргаларни кенг қаторлаб экиш ижобий натижа беради. Бу вақтда қатор ораларини ишлаш учун яхши шароит вужудга келади. Бир метр² майдонда 70—80 та ўсимлик бўлиши керак. Ҳар бир тупида 3—4 та поя бўлади. Уруғлик учун тор қаторлаб экилган майдонларда иккинчи йилги майдонлар таңлаб олинади. Кузда албатта фосфорли ўғит билан озиқлантирилади. Себарга яхши уруғ бериши учун уруғлик майдонга асалари уялари келтирилади, асаларилар гулларнинг яхши чангланишига таъсир кўрсатади, улар ўзларининг узун тумшуқлари орқали нектар олиш жараёнида оналик тугунчасининг очилишига ёрдам беради. Себарга бошчалари қуриб, қорайиб (90—95%), пиша бошлаганда комбайнлар билан ўриб олишга киришилади, янчилиб тозаланади ва 10—12% намлик билан сақлашга қўйилади.

ҚАШҚАР БЕДА (ДОННИК)

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Қашқар беда курғоқчиликка, совуққа, шўрга чидамли ўсимлик ҳисобланади. У тупроқда тузни олиб чиқиб азот билан бойитади ҳамда тупроқни баҳорги буғдой, қандлавлаги, картош-

ка каби ўсимликлар ўсишига яроқли ҳолатта келтиради. Донник асал берувчи ўсимликдир. Үндаги күк массадан чорва узун озуқа тайёрланади. Гуллаш олдидан ўсимлик қуруқ массасида 19 фоизгача оқсил бўлади. Қашқар бедадан сидерат (кўкат) ўғит сифатида фойдаланилади.

Бу ўсимлик Европа ҳамда Осиё минтақасида кенг тарқалган. Қашқар беда ем-хашак учун деҳқончиликда катта аҳамиятта эга бўлган ўсимликдир. Қашқар беда дуккаклилар оиласига мансуб икки йиллик ўсимликдир.

Ботаник-морфологик таърифи. Унинг 16 та тури бўлиб, энг кўп тарқалгани оқ ва сариқ қашқар бедадир. Оқ қашқар беда 2 йиллик бўлиб, илдизи ўқ илдиз, ён илдизлари яхши ривожланган, пояси тўғри, бўйи — 150—200 см. Шохланиши поянинг 25—30 см баландлигидан бошланади, поясининг юқори қисми тукланган. Гултўплами шингил, оқ рангда гуллайдиган ўсимлик. Дуккаклари элипссимон бўлиб, тўрсимон буришган ва уни ўткир, уругининг шакли овалсимон бўлиб, сариқ ёки сарғиш-яшил ва ботқоқсимон рангда бўлади. 1000 дона уругининг оғирлиги 1,5 г. Оқ қашқар беда Кавказ ва Кримда, Архангельск, Сибирь ва Марказий Осиёда кенг тарқалган.

Сариқ қашқар беда. Икки йиллик, баъзан бир йиллик ўсимлик. Илдизи ўқ илдиз, пояси кучли ривожланган, тўғри ўсади. Гули узун, шингил гул, ранги сариқ, дуккакчаси тухумсимон буришган шаклда бўлади. Уруғи сарғиш-яшил рангда ёки ботқоқсимон рангда, 1000 дона уругининг оғирлиги 1,2—1,5 г. Асосан, даштли туманларда ва чўлларда кенг тарқалган.

Биологик хусусиятлари. Ҳароратта талаби. Қашқар беда қишига чидамли бўлиб, йўнғичқага шу кўрсаткичи билан тенглашади. Қашқар беданинг қишига чидамлилиги илдиз бўғзининг тупроққа жойлашган ўрнига боғлиқ.

Агар илдиз бўғзи юзада бўлса, қишига чидамлилик миқдори шунча пасаяди. Ўсимликнинг қишига чидамлилик даражаси қанча юқори бўлса, шунча қурғоқчиликка чидамли ҳисобланади. Шунинг учун қашқар беда навларининг дашт зонасидан келиб-чиқсанлари, Болтиқ бўйи республикаларидан келиб чиқсанларига нисбатан ташки щароитга анча чидамлидир.

Намга, ёруғликка ҳамда тупроққа бўлган талаби. Қашқар беда қурғоқчиликка чидамли ўсимлик, сувнинг

етишмаслиги туфайли у баргларини тўкиб юборади. Сарик қашқар беда оқ қашқар бедага нисбатан қурғоқчиликка анча чидамли ҳисобланади. Қашқар беда ёруғсевар ўсимлик, у асосан нейтрал, кам ишқорли бўз, типик бўз тупроқларда яхши ўсади.

Тупроқда ишлов бериш. Асосан қашқар беда дастлаб бошқа дон экинлари билан аралаштирилиб экилгани маъқул. Шунинг учун тупроқда ишлов бериш технологияси асосан шу ўсимликлар учун мўлжалланган технология асосида бўлиши керак.

Экиш. Экиш олдидан уруғлар яхши тозаланган ва ГОСТ талабига жавоб бериши керак.

Экиш куни нитрагин билан умумий усул бўйича ишланади. Экиш нормаси 20—25 кг га. Экиш чуқурлиги 2—3 см. Донник баҳорги дон экинлари билан бир вақтда, гоҳ бу экинлар 3—4 та барг ҳосил қилганда экиласди.

Ўсимликни парваришлаш. Кўшиб экилган, яъни қопловчи ўсимлик пишиши билан йиғишишириб олинади, сомон даладан дарҳол олиб чиқиласди. Бу иш қанча эрта бўлса қашқар беданинг илдиз бўғзида куртаклар шунча кўп ҳосил бўлади. Кузда ўсимлик сони кўп бўлиб, пичан ҳосили ёки уруғ ҳосили кўп бўлади. Қопловчи ўсимлик йиғишиширилганидан сўнг, минерал ўғитлар берилади ҳамда суфорилади.

Ҳосилни йиғишишириш. Қашқар беда пичан учун фунчалаш фазасида гуллаш даври бошларида йиғишиширилади. Ўриш баландлиги 15—18 см. Бундай ўрим тез ва яхши массани куритиб олишга, йиғишиширишда кам истроф бўлишига ва қайта тез чиқишига яхши таъсир қиласди.

Қашқар бедани яшил ўғит учун етиштириш. Қашқар беданинг сидерат ўсимлик сифатида етиштирилиши катта самара беради. Кўпгина сидерат ўсимликлар нисбатан паст бўлиб, кам органик масса ҳосил қиласди. Қашқар бедани экиш кўкат сифатида икки томонлама фойдалидир. Чунки у дуккаклилар оиласига мансуб бўлгани учун тупроқда азот қолдиради ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишга сабаб бўлади. Қашқар беда шўр тупроқларда яхши ўсади. Кўпгина туманларда яшил ўғит сифатида банд шудгорларда етиштириллади, агротехникиаси оддий бўлади. Биринчи ўримда пичан ёки сенаж тайёрланади. Иккинчи ўримда аввало кўк пояси янчилиб, кейин бўлакларга бўлинади.

БИР ЙИЛЛИК ДУККАКЛИ ЎТЛАР ХАШАКИ КЎК НЎХАТ

Дуккаклилар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлиқ. Унинг асосан, кузги хиллари мавжуд. Кўк нўхатнинг пояси ва дони таркибида протеин кўп бўлади. Ҳайвонлар томонидан ҳўл, қуруқ пояси севиб истеъмол қилинади, бундан ташқари, кўк нўхат энг яхши сидерат ёки кўкат ўғит сифатида қадрланади.

Хашаки кўк нўхат. Бўйининг баландлиги 120—150 см бўлади, ярим ётиб ёки илашиб ўсади. Илдизлари ўқ илдиз бўлиб, барча дуккаклиларга хос туганаклар ҳосил қилади.

Уруғлари 1—2⁰С ҳароратда ўса бошлайди. Униб чиққан майсалари 10—12⁰С паст ҳароратга чидайди. Ўзбекистонда кўк нўхат кузда экилганда ҳамиша яхши қишилаб чиқади. Намга нисбатан талабчан, айниқса фунчалари ёппасига гулга кирган пайтда сувга кўпроқ талабчан бўлади. Узун кун ўсимлиги. Тупроққа унчалик талабчан эмас, жуда шўр тупроқларда ўса олмайди, умуман унумдор тупроқларда юқори ҳосил беради.

Кўк нўхатни — кўкат ўғит ёки ем-хашак учун октябрь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб, ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигидан экиш мумкин. Экин меъёри 65—70 кг. Кўк нўхат, кенг қаторлаб экилади. Уруғлар 3—5 см чуқурликка СПЧ-6 ва СОН-2,6 сабзавот сеялкалари ёрдамида экилади. Уруғлар, албатта нам тупроққа ташланиши лозим. Эрта баҳорда биринчи культивация билан 30 кг азотли, 30 кг фосфорли ўғитлар берилса, ўсимлик жуда тез ўса бошлайди. Баҳорда ёғин кам бўлса, албатта 1—2 марта 300—400 м³ миқдорда сув билан сугориш керак. Кўк нўхат ўсимлиги баҳорда ҳарорат 10⁰С бўлганда жуда тезлик билан ўса бошлайди. Ҳарорат юқори бўлса апрель ойининг охирида, далада 300—320 ц кўк поя тўпланади. Апрель ойининг ярмидан бошлаб кўк нўхатдан кўкат ўғит ёки ҳайвонларга озуқа сифатида фойдаланиш мумкин. Хашаки кўк нўхатнинг Ўзбекистонда иқлимлаштирилган битта **Восток-55 нағи** бор. Қатор йиллардан бери Ўзбекистоннинг турли вилоятларида кўкат ўғит ва кўк· поя учун экилиб келинмоқда. Баҳорда апрель ойининг охири, май ойининг бошларида кўк нўхат экилган майдонлар бўшаб, асосий экинни экиш учун тайёргарлик кўриш мумкин.

Күк нүхат ҳам дуккаклилар оиласига мансуб бўлгани учун кейин 40—450 кг соф азотни тупроқда қолдириб кетади. Кўкат сифатида фойдаланилганда кўк поя дискланиб далага ҳайдаб ташланади, озуқа сифатида пичан учун дуккаклилари мум пишиш fazасида ўриб олинади.

КУЗГИ ВИКА

Кузги вика ёки сертук вика поялари таркибида протеин миқдорига қараб кўпгина ем-хашак ўсимликларидан устун туради. Бу ўсимликни ҳам кузда, ҳам баҳорда экиш мумкин. Викани сули ёки жавдар билан аралаш қилиб экилганда, олинадиган кўк поядга оқсил миқдори ошади. Кузги викадан чорва моллари учун тўйимли озуқа ва кўк ўғит сифатида фойдаланиш мумкин. (33-расм).

Кузги виканинг илдизлари яхши ривожланган, поясининг баландлиги 120—150 см, баъзан 200—220 см га етади, кузги вика уруғлари 2—3°C даражага ҳароратда уна бошлайди. Уруғнинг униши учун муқобил ҳарорат 8—10°C, майсалари 8—12°C даражага паст ҳароратга чидамлидир. Кузги вика баҳорда жуда тез ўса бошлайди, экиш гектарига 50—60 кг меъёрда кенг қаторлаб экилади, уруғлар 3—4 см чукурликка ташланади. Баҳорда апрель ойининг



33-расм:
А — тукли вика; Б — дуккаклари.

иккинчи яримида кўқат ўғит сифатида ёки чорва моллари учун тўйимли. Протеинли озуқа сифатида фойдаланиш мумкин. Баҳорда ҳарорат 20—25°C га ошгандан сўнг, кузги вика бир кечакундузда 5—8 см ўса бошлияди. Баҳорда ёғинлар кам бўлса, 1—2 марта суфорилади ва бир марта культивация қилинади. Культивация билан биргаликда гектарига 30 кг ҳисобида азотли ўғит бериши лозим. Бу кузги виканинг ўсиши кўк поя ҳосил қилиши учун қулай шароит яратади. Кузда вика октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигига экила бошлияди. Куз иссиқ келганда экиш муддатини ноябрь ойининг биринчи ярмигача чўзиш мумкин. Экиш учун ўт сеялкалари, сабзавот ёки румин СПЧ-6 маркали сеялкаларидан фойдаланиш мумкин. Майсалар униб чиққанидан сўнг куз иссиқ ва ёмғирсиз бўлса албатта бир марта суфорилади. Кузги вика ҳам илдизидаги туганак бактериялар орқали тупроқ гектарига 40—50 кг соф азотни тўплайди. Оралиқ экин сифатида кузги викадан фойдаланиш бир майдондан икки марта ҳосил олиш имконини беради. Чорва моллари кузги викани соф ҳолда ҳам жавдар билан аралаш ҳолда ҳам хуш кўриб истеъмол қиласди. Кўк поя ҳосили агротехник тадбирларга риоя қилинганда бир гектар майдонда 350—370 центнерга етади.

ШАБДАР

Шабдар ёки эрон себаргаси бир йиллик ўсимлик ҳисобланади. Унинг биологик баҳори ва кузги турлари бор. Шабдар июль, август ойларда ёки кузда оралиқ экин сифатида экилади. Кўк массасининг таркибида оқсил миқдори 17—18%, каротин 40—60 мг кг. Озуқавий қўйматига кўра шабдар пичани беданиқидан қолишмайди. У тупроқ структурасини яхшилайди, унумдорлигини оширади. Шунинг учун жуда кўп экинлар, шу жумладан, фўза учун ҳам яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Самарқанд қишлоқ хўжалик олийгоҳи олимлари ўтказган тажрибаларида, Шабдар кузда оралиқ экин сифатида ўстирилиб (сидерат) яшил ўғит сифатида баҳорда ерга ҳайдаб ташланганида фўза ҳосилдорлиги гектарига 8—10 ц дан ошган ҳамда вилт билан касалланиши сезиларли даражада камайган. Шабдар анғизга экилганида кўк поя ҳосили гектаридан 200—250 ц га етади.

Шабдар илдизи ўртача қувватда ривожланган бўлиб, 80—100 см чуқурликка кириб боради. Пояси кам шохланган, ичи ковак бўлади. Ўсимликнинг бўйи 70—90 см етади. Тўпгули шарсимон бўлиб, пушти рангда. Асал берувчи экин. Вегетация даври 80—100 кун. Ўзбекистон шароитида эрта баҳорда экилганда июнь ойида гуллайди. Бир мавсумда 3—4 марта ўриб олиш мумкин.

Анғизга ёки кузда оралиқ экин сифатида шабдар экилган майдонлар сугорилади. Ер етилиши билан ҳайдалиб, бороналанади, мола босилади. Экиш дон-ўт сеялкалари СУТ-47, СЗТН-47, СЗТ-3,6 ўtkазилади. Қатор оралари 15 см қилиб, 1,5 см чуқурликда экилади. Экиш нормаси тоза экилганда гектарига 15—20 кг, жавдар, арпа, сули билан аралаш экилганда 8—10 кг. Жавдар, сули, арпа билан аралаштириб экилганда, кўк масса ҳосили юқори бўлади, ҳамда ҳосил сифати яхшиланади.

Ўғитланганда ер ҳайдаш олдидан гектарига 40—60 кг фосфорли, 40—25 кг калийли ўғитлар солинади. Шабдардан юқори ҳосил олишда тупроқда етарли намлиқ бўлиши мумкин. Бунинг учун анғизга экилган шабдар 2—3 марта, гектарига 450—500 м³ нормасидан сугорилади. Ўриб олинган майдонлар дарҳол сугорилса, ўсимликнинг ўсиши янада тезлашади. Шабдар гуллай бошлаганда пичан учун ўрилади.

БЕРСИМ

Берсим ёки Миср себаргаси дуккаклилар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлиkdir.

Берсим чорва моллари томонидан хуш кўриб ис-теймол қилинади. Ундан кўк поя, пичан, силос ва сенаж тайёрланади. Бу ўсимлик 1960—1970 йилларда алмашлаб экиш далаларида ҳам экилганди. Ҳозирга келиб, экин майдонлари қисқариб кетди. Бир гектаридан 200-250 т кўк поя ва 80—90 т пичан беради, 4—5 т уруф олинади.

Берсим эрта баҳорда тупроқ ҳарорати 3—4°C бўлганда уна бошлайди, уруғлари майда бўлгани учун 2,0—2,5 см га ташланади. Униб чиққанига 50—55 кун ўтгандан сўнг гуллайди. Бир йилда 3 марта ўрилади. Поялари барча ҳайвонлар томонидан ейилади. Экиш меъёри 14—16 кг, тор қаторлаб кўк поя, уруф учун 6—8 кг миқ-

дорда кенг қаторлаб экилади. Йўнгичқа билан аралаш қилиб сепиш мумкин. Ҳар бир ўрим ораси ва ўримдан кейин суғорилади. Уруғлик учун иккинчи ўрими қолдирилади. Тупроқни азот билан бойитади.

Назорат саволлари:

1. Бир йиллик дуккакли ўтларни сананг.
2. Бир йиллик дуккакли ўтларнинг озуқа бирлиги қанча?
3. Бир йиллик дуккакли ўтларни қайси ўсимликдан кейин экиш мумкин?
4. Бу ўтлар тупроққа қандай таъсир кўрсатади?

СУДАН ЎТИ

Судан ўти — *Sorghum sudanense pers* энг кўп тарқалган бир йиллик ем-ҳашак экинларидан ҳисобланади.

Судан ўти жуда тўйимли ва хушхўр озиқ бўлиб уни барча турдаги моллар иштаҳа билан ейди. Унинг 100 кг кўкатида 22 озиқа бирлиги ва 2,8 кг ҳазм бўладиган протеини бор. Куруқ пичанда эса 13% протеин ва 2,8% ёғ ва 52% озуқа бирлиги бўлади. Бундан ташқари, кўкати ва пичанида ҳайвонларнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган кальций, фосфор ва каротин жуда кўп.

Кейинги йилларда томорқа хўжаликларда ва катта майдонларда экилиб келинмоқда. Бу ўт яхши парвариш қилганда гектаридан 600—800 ц ҳосил беради, уни бир мавсумда 5—6 марта ўриб олиш мумкин.

Самарқанд, Тошкент, Сурхондарё вилоятларида судан ўти соф ва беда аралаш холда экилади. Судан ўтидан бир йилда 1000 ц кўк поя олиш мумкин, бир гектаридан 10—12 минг озуқа бирлиги беради. Уруғ олиш мақсадида экилса, 220—270 ц пичан ва 20—25 ц уруғ беради. Судан ўти чорва молларини ёз бўйи кўк озиқа билан таъминлаш имконини беради.

Келиб чиқиши ватани Судан.

Ботаник-морфологик белгилари. Судан ўти қўнғирбошлар оиласига мансуб бўлиб, жўхори турларининг бири ҳисобланади.

Унинг илдизи попук илдиз бўлиб, яхши парвариш қилинганда, 2,5 м чукурликка, асосий қисми эса тупроқнинг 40—60 см қатламига тарқалади. Ерга тарқаладиган оддий илдиздан ташқари, ўсимликда ҳаво илдизи ҳам бўлади, у қўшимча илдиз бўлиб пояни сув ва озиқ моддалари билан таъминлаб туради (35-расм.).

Судан ўтининг пояси тик ўсади, кўплаб барг чиқаради, кўпчилик навларида поянинг ичи шарбат билан тўлган бўлади, ўсимликнинг бўйи 3 метргача боради. Бўғин оралиги навга қараб 6—10 тагача бўлади. Судан ўти сертуп ўсимлик бўлиб, 1 дона уруғ шароитга қараб 4—15 тагача туплайди. Ўсимлик шоҳлари, асосан, туплаш бўғинидан, шунингдек, биринчи бўғин оралиғидаги барг кўлтиғидан ҳам ўсиб чиқади. Барги узун (45—50) см бўлиб, 1 туп ўсимликда 7—10 тагача барг бўлади. Тўпгули рўвак бўлиб, жўхорига ўхашаш донлар ҳосил қиласди.

Биологик хусусияти. Иссиққа талабчан ўсимлик ҳаво ҳарорати 8—10°C даражада ўсиб чиқади. Мутлақо совуққа чидамсиз. 3—4°C совуқда ҳалок бўлади. 12—15 даражада деярли ўсмайди. Ута қурғоқчиликка чидамли, қисқа кунлик ўсимлик, аммо узун кунда ҳам юқори ҳосил беради. Еруғликка талабчан, асосан қуёшли кунларни яхши кўради.

Судан ўти тупроқ танламайди ва у ўтлоқ, қумлоқ, шунингдек ҳар қандай тупроқли ерларда ҳам ўсиб, мўл ҳосил беради. Судан ўти тупроқдан жуда кўп миқдорда тўйимли моддалар, айниқса азотни кўп олади. Бинобарин, ундан мўл ҳосил олиш учун, уруғни экиш олдидан, далани яхшилаб органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш керак. Уни бақувват ривожланган илдизлари тупроқдаги барча озуқа моддаларни ўзлаштириб олади. Кислотали ва шўрланган тупроқларда ҳам ўса олади.

Навлари. Ўзбекистоннинг сугорилган ерларида судан ўтининг, асосан, Одесса-25, Черноморка, Бродская-2 каби навлари иқлимлаштирилган.

Етиштириш усули. Судан ўти ўтмишдош экинга унча талабчан эмас, макажӯҳори ва лавлаги унинг учун ёмон ўтмишдош ҳисобланади. Қатор ораси ишланиб, ўғит бериладиган экинлар энг яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Минерал ўғитларнинг ўртacha нормаси тупроқ унумдорлигига қараб қўйидагича бўлади: соф ҳолда фосфор гектарига 45—60, калий 30—40 ва азот 140—160 кг. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, солина-диган азотли ўғит нормаси 3—4 марта бўлиб-бўлиб ҳар ўримдан кейин берилади, чунки азот тез муддатда кўк поя ҳосил қилишга ёрдам беради. Кузда шуд-

гор билан 15—20 т гүнг бериш ҳосилнинг ортишига олиб келади.

Судан ўти уруғи экишдан олдин касаллик ва заар-кунандаларига қарши кимёвий препаратлар билан до-риланади.

Экиладиган уруғ давлат стандартида кўрсатилган та-лабларга эга бўлиши шарт. Шунинг учун экиш олди-дан уруғни саралаш керак. Биринчи синф уруғининг тозалиги 99%, униб чиқиш қобилияти эса 90%, ик-кинчи синф уруғининг тозалиги 97%, униб чиқиш қобилияти 85% ва ниҳоят учинчи синф уруғининг то-залиги 90%, униб чиқиш қобилияти эса камида 75% бўлиши лозим.

Аммо судан ўти уруғларини оддий томорқа эгалари тайёрлагани учун уруғ стандартига мутлақо жавоб бер-майди.

Судан ўтидан уруғ олиш учун юқори агротехникада парвариш қилиш лозим. Уруғлари 4—5 см, енгил тупроқларда 5—6 см чуқурликка ташланади. Экиш меъёри 10—12 кг, уруғ сифатсиз бўлса экиш меъёри 12—14 кг. Кенг қаторлаб экилади. Қатор оралари саёз қилиб жўяк олиниши шарт, чунки ўришда қийинчилклар бўлади.

Судан ўти беда билан аралаш ҳам экилади, бу вақт-да албатта бир йиллик беданиси қўяди ва туп сони камайиб кетади. Шунинг учун учинчи йилги бедапоя-ларни таъмирлаш учун судан ўтидан фойдаланиш яхши самара беради. Икки йиллик бедапоялар сийрак бўлса у ҳолда ҳам таъмирлаш мумкин. Судан ўти бошқа бего-на ўтларни йўқ қилиб юборади.

Эрта баҳорда ҳайдалган ерга борона босилиб, экиш олдидан молаланади. Март ойининг биринчи ўн кун-лигига келиб дон сеялкасида гектарига 10—12 кг судан ўти ва 6 кг беда уруғи аралаштириб сепилади ва кет-ма-кет ҳар 120—140 см оралиқда эгат олинади.

Биринчи ўримга қадар гектарига 600—700 м³ ҳисобидан 2—3 марта суфорилади.

Майсалар рўвак чиқара бошлагач, КИР-1,5 билан ҳосилни ўришга киришилади. Биринчи ва иккинчи ўримдан кейин гектарига 30—35 кг ҳисобидан аммиак селитраси солинади ва ер ости сувларининг чуқур ёки юза жойлашишига қараб 1—2 марта суфорилади.

Судан ўти соя билан аралаш экилса, чорва молла-ри тўйимли оқсилли озуқа билан таъминланади.

Судан ўти аралаш экилганда экиш мөъёри ярмига камайтирилади. Ангизга, яъни дон экинларидан бўшаган майдонларга экиш мумкин. Бу вақтда дала дарҳол сугорилади, 20—22 см чуқурликда ҳайдалади ва измаз избороналанади, сўнг судан ўти экиллади. Ангизга экилганда экиш нормаси 20—25% оширилади. Экилганидан биринчи ўримгача 45—50 кун навбатда ўримлар орасида 30—35 кун вақт ўтади. Ҳар бир ўримдан кейин сугорилиб, азотли ўғит берилади, бу тез фурсатда бажарилса, ўсиб чиқиш шунча тезлашади.

Уруғ учун экилганда сифатли уруғларни 20—22 кг миқдорда экиш лозим, бир йилда икки марта уруғ берилади, биринчи уруғ июнь ойининг охири, июль ойининг бошида пишиб етилади. Иккинчи бор сентябрнинг охирларида пишади. Қатор оралари ишланиб озиқлантирилади ва 3—4 марта сугорилади.

Уруғлик участкадаги ҳосил олдин ўрилиб, кейин йиғишириб олинади ёки комбайн билан биратӯла йиғишириб олинади. Ўсимлик юқори агротехника асосида парвариш қилинса, гектаридан 22—25 ц уруғ ҳосил олиш мумкин.

ҚўНОҚ

Қўноқ — *Setaria italica mocharium L* ем-хашак экини бўлиб, қўнғирбошлар оиласига киради. У тариқнинг бир тури бўлиб, рўваги бошоқсимон, донлари тариқникига нисбатан майда. Қўноқнинг италия тарифи ва могар каби кенжা турлари бор. Бу экинлар кўп ҳолларда кўк пояси учун экиллади. Аммо уруғлари оддий тариқникига нисбатан майда бўлганлиги учун бедана, кенар (канарейка) ва бошқа сайроқи қушларни боқишида фойдаланиладиган энг яхши дон беради.

Ўзбекистон шароитида қўноқ (Италия тарифи, мотор) ангизга экилганда жуда юқори кўк поя ҳосили беради. Италия тарифи, Хитой тарифи ангизга озиқовқат сифатида ишлатиладиган дони ҳамда кўк пояси учун ҳам ўстирилади. Италия тарифининг бўйи моторга нисбатан баланд ва кучли ривожланган.

Ўзбекистон Италия тарифининг Днепропетровская-30 нави кенг тарқалган. Ангизга экилган ўсимликнинг бўйи 160—190 см га етади. Кўк поя ҳосилдорлиги гектарига 300—350 ц га етади. Кўк поясида 14,5% протеин

бўлади. Донида эса 10,5% протеин бўлиб, арпа ва сули донига қараганда қўпроқ. Қўноқ донидан спирт олишда ҳам фойдаланиш мумкин. Ер куррасининг иқлими қуруқ жойларида кўп экилади, Узоқ Шарқ ва Европа-да маълум майдонларни эгаллайди.

Ботаник-морфологик белгилари. Илдизлари попук илдиз бўлиб, жуда яхши ривожланган. Пояси тук билан қопланган. Себарганинг бўйи 70—150 см, барглари сони 8—9 та. Тўпгули зич рўвак. 1000 дона уруғининг вазни 1,5—2,5 г келади. Уруғлари судан ўти каби 10—12°C да уна бошлайди. Қисқа муддатли 1—2°C даражада совуққа чидайди. Курғоқчиликка ўта чидамли. Ўсиш даври 75—100 кун. 60—65 кун гектарига 120—150 ц кўк поя ҳосил қиласди, анфизга экиш жуда яхши самара беради (36-расм).

Етиштириш усули. Тупроққа талабчан эмас, экиладиган ер майдони тариқникига ўхшаб тайёрланади. Экиладиган ерда катта кесаклар бўлмагани маъқул. Экиш меъёри 12—14 кг. Уруғлари 2—3 см чуқурликка ташланади.

Саккизинчи бўлим

ТОЛАЛИ ЭКИНЛАР

Толали экинлар деб, турли хил газлама ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун хомашё берадиган экинларга айтилади. Тола баъзи ўсимликларнинг уругларида, айримларининг меваларида, пояларида, баъзан эса баргларида бўлади. Фўзанинг чигити, кокос пальмасининг меваси, зигир, каноп, наша ва жутларнинг пояси агава ёки янги Зеландия зифири нинг баргларидан тола олинади.

Ҳамма тола берувчи экинларнинг уруфида мой бор. Асосий тола берувчи экинлар турига фўза, жут, зигир, каноп ва наша киради. Қимматбаҳо тола берувчи экин фўза бўлиб, мамлакатимизда 1 млн га дан зиёд майдонга экилади. Бутунги бозор иқтисодиёти даврида асосий четдан тушадиган валютанинг 55 фоизи пахта толасини сотишдан келмоқда. Пахта толаси етиширилиши бўйича мамлакатимиз асосий ўринлардан бирини эгаллайди ва бу соҳада катта юруқларга эришилган.

Ўзбекистонда фўзадан ташқари тола учун асосан каноп ўсимлиги экилади. Етиширилиш агротехникаси йиллар давомида илмий асосда ишлаб чиқилган.

ФЎЗА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ

Фўза тола берувчи ўсимликлар гуруҳига мансуб бўлиб, уруғларидан тола берувчи ҳисобланади. Тола берувчилар пояларидан: каноп, жут, зигир, наша ва баргидан тола берувчилар: юкка, агава, янги Зеландия зифири олинади.

Ўзбекистонда икки хил тола берувчи экин бор: биринчисидан, фўза уруфидан тола олинса, иккинчиси — каноп пояларидан тола олинади.

Фўза ўсимлиги толасидан хилма-хил ёки 150 дан зиёд маҳсулот олинади.

Пахта толасидан чит-газламалар, штапель, тўқимачилик маҳсулотлари, автомобиль, авиация, кимё, қофоз саноатида фойдаланилади. Чигитидан мой, маргарин, совун, бўёқ, лак, глицерин тайёрланади. Мойи ажра-

тиб олингандан сўнг, кунжара ва шулхаси чорва моллари учун тўйимли озуқа бўлади.

Толаси ажратиб олингандан сўнг спирт, целлюлоза, линолиум ва бошқалар олинади. Баргидан олма, лимон ва сирка кислотаси ажратиб олинади. Fўзапояларидан картон, қофоз ва ошловчи моддалар тайёрланади ёки уни майдалаб далага сочиб юборилади. Ундан органик ўғит ва ё ўтин сифатида фойдаланилади.

Келиб чиқиши. Fўзанинг ватанини маълум бир олимлар жанубий Америка деса, айримлари Ҳиндистон деб беради. Ўз ватанида бўйининг баландлиги 10—12 м дарахтсизмон ўсимлик. Барча ерда тола олиш учун бир йиллик ўсимлик сифатида ўстирилади.

Fўзанинг энг қадимги топилмалари аввал Ҳиндистон, Миср Араб республикаси, Перу, Мексикада топилган. 2500—3000 йил муқаддам экилган деб ҳисобланади. Миср Араб республикасида эрамиздан олдинги V—VI асрларда экилган.

Марказий Осиё республикаларида ҳам жуда қадимдан экилиб келинади.

Пахтачиллик юртимиизда, асосан XIX асрнинг иккинчи ярмидан ривожлана бошлаган.

Ўзбекистонда экиладиган пахта ҳосилдорлиги ўргача 29—30 ц/га ни ташкил этади.

Ботаник белгилари. Fўзанинг илдизи ўқ илдиз бўлиб, ерга 1,5—3 метргача кириб боради. Илдизнинг юқори-си йўғон бўлиб, диаметри 2,5—3,0 см пастга тушган сари ингичкалашиб боради. Fўзанинг илдизлари бақувват бўлиб тупроқдаги барча озиқ моддаларни ўзлаштириб олади. Илдизларида тупроқдаги озуқа моддаларни сўриб оладиган майда тукчалари бор.

Пояси. Поялари тик ўсади, бўйининг баландлиги 60—150 см га етади. Пояси аввал яшил, пишиб етилиши билан қизгиш тусга киради. Ён шоҳлар ҳосил қиласи. Поянинг диаметри, навлар ва туп сонига қраб 2,5—3 см гача бўлади. Барглари 3,5,7 бўлакли, баъзан симметрик бўлмаган 2,4,6,8 бўлакларга бўлинади. Барг пластинкаси навига, турига озиқланиш майдонига қараб ҳар хил катталикда бўлади.

Шоҳлари. Fўзанинг асосий поясидан икки хил шоҳлар ўсиб чиқади. Ўсиш шоҳлари моноподиал ва ҳосил шоҳлари симподиал деб юритилади. Ўсиш шоҳлари поянинг пастидан бошлаб ўса бошлайди, ҳосил шоҳлари эса бироз юқорида ҳосил бўлади ва барг қўлтиқлари-

дан ўсиб чиқади. Ўсиш шохи пояга нисбатан ўткир бурчак ҳосил қилиб ўсса, ҳосил шохлари ўтмас бурчак ҳосил қилиб ўсади. Ҳосил шохида бир неча бўғимлар бўлиб, уларда кўрак, шона ва гуллар жойлашади. Ҳосил шохлари ўз навбатида чекланган бир бўғимли, чекланмаган бир неча бўғимли бўлади. Ҳосил шохининг энг юқори қисмида гул бўлади. Чекланмаган фўза шохлари бўғим оралиқлари узунлигига қараб 4 та кенжада типига бўлинади:

- 1-тип бўғим оралиғи 3,5 см ;
- 2-тип бўғим оралиғи 11—15 см ;
- 3-тип бўғим оралиғи 16 см;
- 4-тип бўғим оралиғи 16 смдан узун.

Гули. Фўзанинг гули қуйидагилардан: гулбанди, гулёнлиги, гулкосабарги, 5 та гултожбарги, чангчилари ва оналик уругчисидан иборат.

Гулбандининг узунлиги турли, асосан 3—6 см гача бўлади. Гулёнлиги ҳар хил катталикда бўлиб, четлари арасимон бўлади. Гулёнлиги тукли, туксиз яшил, очяшил, бинафша рангда бўлиб, унинг вазифаси ҳосил органларини ҳимоя қилишдир.

Гулкоса барглари бешта бўлиб қўшилиб ўсган, гултожбарглари йирик оч-сариқ, оқ тусда бўлиб, тескари тухумсимон шаклда узоқдан ҳам яққол кўринади.

Оталик чанглари кўпчилик бўлиб, бештадан биринкан, улар ҳам сарғиш рангда, оналиги йирик 3—5 тумшуқчали бўлиб, пастида йўғонлашган тутунчаси бор. Тутунча бир неча хоналарга бўлинган, унинг юқорига кўтарилган қисмига устунча дейилади.

Меваси. Кўсакча бўлиб, 3—5 та чаноқдан иборат. Кўсакларнинг шакли ва ҳажми навларига қараб, тухумсимон, анжирсимон, думалоқ ва бошқа кўринишларда бўлинади. Битта кўсакда 0,30—12 г пахта бўлади, ўрта толали фўзаларда ўргача бир кўсакда пахтанинг оғирлиги 4—6 г, ингичка толаларда 3—4 г келади. Бир кўсакда 30—50 тагача, бир чаноқда 5—10 тагача чигит бўлади.

Чигит навига қараб тухумсимон ёки ноксимон кўринишда бўлиб, кенг томонига — халаза, уни ўткир қисмига микропиле дейилади.

Чигитнинг икки қобиги бор, бири қорамтири тусдаги ёғочланган қобиқ, иккинчиси оқиш юпқа қобиқ. Чигит тукли ва туксиз бўлади. Магзида 16—18 % мой

бор. Кейинги яратилган чигитлар таркибида мой миқдори камайиб кетди.

Толасининг тузилиши. Пахта толаси чигит қобиғидаги ҳужайралардан ўсиб ривожланади. Ҳар бир тола битта ҳужайрадан ўсиб чиқсан. Пахта толаси ранги оқ, оқ-сарғиш, малла, яшил, пушти бўлиши мумкин. Тола сифати, узунлиги, метрик рақами, пишиқлиги, эластиклиги ва бошқа технологик хусусиятларига қараб белгиланади.

Тола узунлиги тур ва нав кўрсаткичларига қараб ўзгаради, унинг узунлиги кўпинча 30—42 мм бўлади. Умуман толанинг узун бўлиши энг яхши кўрсаткич бўлиб, узун толадан тўқилган газламалар сифатли саналади.

Тола пишиқлиги битта толани узадиган юқ оғирлиги билан белгиланади. Толанинг пишиқлиги 4—8 грамм, баъзан ортиқ ҳам бўлади.

Бир грамм толанинг умумий узунлиги метр билан ўлчанади ва бу рақам *метрик рақам* дейилади. Тола ингичка бўлса метрик рақам ҳам кичик бўлади. Метрик рақам ғўза тури ва навига қараб 3000—8000 гача бўлиши мумкин.

Тола узунлиги толанинг метрик рақами пишиқлик кўрсаткичига кўпайтирилиб 1000 га бўлинса, унинг узилиш узунлиги келиб чиқади. Бу ерда пахта толалари бир-бирига уланиб борилади, аммо маълум бир узунликда ўз оғирлиги билан узилиб кетади.

Ўрта тола пахта толасининг узилиш узунлиги 24—25 км/га бўлса, ингичка толаларда 33—35 км га teng.

Толанинг буралувчанлиги ҳам муҳимдир. Толалар бир-бири билан яхши бурилса, ип ва тўқима пишиқ бўлади.

Бизнинг ғўза толалари ўртача 10—12 та буралади, бу кўрсаткич юқори ҳисобланади (34-расм).

Ғўзанинг биологик хусусиятлари. Ғўзанинг келиб чиқиши ватани иссиқ мамлакатлар бўлгани учун ҳам иссиққа талабчан ўсимлик ҳисобланади. Ургуларнинг уна бошлиши учун энг пастки ҳарорат $10-12^{\circ}\text{C}$ бўлса, 15°C ҳароратда майсалар тамоман униб чиқади. Ғўза майсалари мутлақо совукқа чидамсиз бўлади, яъни, $1-2^{\circ}\text{C}$ да, майсалар $3-5^{\circ}\text{C}$ да йирик ўсимликлар совуқдан нобуд бўлади.

Ўсиш даврининг бошида $25-26^{\circ}\text{C}$ ҳарорат, гуллаш даврида $26-30^{\circ}\text{C}$, кўсак ҳосил қилганда $36-37^{\circ}\text{C}$ энг яхши ҳарорат ҳисобланади. Ҳарорат $40-41^{\circ}\text{C}$ га етганда

ўсимлик ўсишдан тұхтайди. Чангланиш ёмонлашади, гуллари түкилади. Эртапишар навлар учун 3000°C , ўртапишар навлар учун 3400, кечпишар навлар учун 4000°C дарорат фойдалы қарорат йиғиндиси ҳисобланади.

Ёруғлика талабчан қисқа күнлик ўсимлик ёруғлик етишмаса ўсишдан қолади, гул ва күсаклари түкилиб тушади.

Ғұза қурғоқчиликка ҳам чидамли экин, аммо тупроқда намлик етарли бұлсагина яхши ҳосил беради. Шунинг учун ҳам уни факат суфориладиган майдонларга экилади.

Ғұза озуқа моддаларига бой унумдор тупроқларни хуш күради, структураси ёмон, шұрланған тупроқларда паст ҳосил беради.

1 т пахта толаси ва чигит олиш учун ўсууда ўсимлик N:50—60, P₂O₅: 10—15, K₂O: 50—60 ва CaO: 50 кг миқдорда талаб қиласы, тупроқда азот етишмаса ғұза барглар майда, оч-яшил тусга киради, ўсимлик паст бүйли бүләді, кам күсак ҳосил қиласы. Фосфор етишмаса ҳам ўсимлик паст бүйли, илдизлари нимжон, ҳосил сифати паст бүләді. Калий етишмаган ҳолларда баргларда майда құнғир доғлар пайдо бўлиб, натижада ўсимлик касалликларга чидамсиз бўлиб қолади.

Ғұзанинг қуидаги ривожланиш фазалари бор: униб чиқыш, чин баргларнинг ҳосил бўлиши, шоналаш, гуллаш ва пишиш. Чигит тупроқ ва ҳаво ҳарорати етарли бўлса, 5—6 кунда униб чиқади. Униб чиққанидан



34-расм.
Ғұза ўсимлиги.

чин барглари ҳосил бўлгунча 8—12, шоналашгача 25—30, шоналашдан гуллагунча 25—30, гуллагандан пишиб етилгунча 50—60 кун вақт ўтади.

Экилганидан то пишиб етилгунча ўрта толали ўзаларда 125—150 кун, ингичка толалиларда 145—160 кун вақт ўтиши керак. Бу давр, тупроқ иклим шароитларига қараб 10—15 кунга камайиши ёки кўпайиши мумкин.

Навлари. С-4727, 175-Ф, Тошкент-6, Ан-Боёвут-2, Юлдуз, Бухоро-6, Қарши-8, Наманган-77, Термиз-24, Гулбаҳор, Хоразм-126, Ан-Ўзбекистон-4, Оқдарё-5, Шароф-75, Армуғон, Орол 1, Оқдарё-6, Ан-402, Оққўрғон-2 ва Мехр.

Гулбаҳор

ЎзФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий текшириш институтида С-4534 х Л-454 авлодидан якка танлаш йўли билан яратилган.

Муаллифлар: Н. Г. Губанова, У. Д. Жўраев, Ж. А. Мусаев, У. И. Исамхонов.

Хирзутум турига мансуб.

1996 йилдан Навоий, Сирдарё вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 110—120 см., пирамидасимон, ихчам, пояси оч-яшил, кам тукланган. Барги оч-яшил, 3—5 паллали. Гули очсарик, доғсиз, гулбарги тухумсимон, 5—7 тишчали. Кўсаги тухумсимон, чўзинчоқ учли.

1000 дона чигитнинг оғирлиги 117 г.

Ўртача ҳосилдорлиги гектарига 40,2 ц (Шеробод).

2000 йил Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлиги гектарига 42,8 ц., 30 сентябрдаги теримда, ҳосилдорлик гектарига 30,9 ц ни ташкил этган.

Вегетация даври (униб чиққанидан 50 фойз очилгунига қадар бўлган кун) 115 (Шеробод) — 118 (Пскент) кун. Битта кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 5,5 г. Тола чиқиши 36,5%. Вилтта чидамли.

Толаси V типга мансуб.

Хоразм-126

«Пахта» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Хоразм тажриба таянч пунктида Хоразм-125 навидан якка танлаш йўли билан яратилган.

Муаллифлар: Д. Йўлдошев, К. Матназаров, А. Искандаров, А. Ҳасанова, Ш. Иброҳимов, Қ. Баҳромов, Но Ен Ҳва.

Хирзутум турига мансуб.

1997 йилдан Хоразм вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган:

Тупининг бўйи 90—120 см., пирамида-устунсимон, пояси яшил, кам тукланган. Барги ўртacha катталикда, 3—5 паллали. Гули ўртacha катталикда, тиник-сариқ. Кўсаги тухумсимон.

1000 дона чигитининг оғирлиги 100 г.

Ўртacha ҳосилдорлиги гектарига 40,8 ц (Хива).

2000 йил Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 42,9 ц, 30 сентябрдаги теримда, ҳосилдорлик гектарига 33,0 ц.

Вегетация даври (униб чиққанидан 50 фоиз очилгунинга қадар бўлган кун) 119 (Хива) кун. Битта қўсақдаги пахтанинг оғирлиги 5,2 г., тола чиқиши 37,0%.

Вилтга чидамли.

Толаси V типга мансуб. Кичик намуналардаги микронейр кўрсаткичлари: — 4,1 (Хива).

АН-Ўзбекистон-4

Ўз ФА Ўсимликлар экспериментал биологияси илмий текшириш институтида турлараро чатиштириш ва кўп марта якка танлаш йўли билан яратилган.

Муаллифлар: И. Н. Одилхўжаев, Н. Р. Факиров, А. А. Абдуллаев, Р. Н. Нурматов.

Хирзутум турига мансуб.

1997 йилдан Жizzах ва Наманган вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 120—130 см., ихчам, пояси тўқяшил, доғли, ўртacha тукланган. Барги ўртacha катталикда, 3—5 бўлакли. Гули ўртacha катталикда, сариқ-лимон рангли. Кўсаги ўртacha, думалоқ-узунчоқ.

1000 дона чигитининг оғирлиги 115 г.

Ўртacha ҳосилдорлиги гектарига 37,0 ц (Хива).

2000 йил Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 43,5 ц, 30 сентябрдаги теримда ҳосилдорлик гектарига 31,0 ц.

Вегетация даври (униб чиққанидан 50 фоиз очил-

гунига қадар бўлган кун) 117 (Хива) кун. Битта қўсакдаги пахтани оғирлиги 6,0. Тола чиқиши 37,4%. Вилтга чидамли.

Толаси V типга мансуб.

Чимбой-4104

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий текшириш институтида Тошкент 6 x Чимбой-4033 навлари чатиштириш йўли билан яратилган.

Муаллифлар: Ж. Ергабулов, У. Айтжанов, У. Ергабулов, О. Насыметов, Ж. Сайымов.

Хирзутум турига мансуб.

1998 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 110—115 см., конуссимон шаклда, шохланиши 1,5 типга teng. Пояси тўқ-жигарранг, ўртача тукланган, ётиб қолмайди. Барги ўртача катталикда, 5 паллали, тўқ-яшил рангда. Гули ўртача катталикда, сариқ рангда. Кўсаги ўртача катталикда, думалоқ, кичкина бурунчали.

1000 дона чигитининг оғирлиги 115 г.

Ўртача ҳосилдорлиги гектарига 26,3 ц (Хўжайли). Вегетация даври (униб чиққанидан 50 фойиз очилгунинг қадар бўлган кун) 129 (Хўжайли) кун. Битта қўсакдаги пахтанинг оғирлиги 6,0 г. Тола чиқиши 35,5%. Вилтга чидамли. Толаси V типга мансуб.

Оқ-Дарё-5

«Пахта» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Самарқанд тажриба таянч пунктида Ан-Ўзбекистон-3 нави ва 1677 тизмасини чатиштиришдан олинган 454 тизманинг айрим белгилари билан ажралиб турган шаклларини якка танлаш услубида яратилган.

Муаллифлар: Ҳ. Иброҳимов, П. Н. Плотников, Б. А. Дубоносов, А. П. Бонке.

Хирзутум турига мансуб.

1998 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 100—120 см, пирамида шаклида, ҳосил шохлари 1—2 типга мансуб. Пояси яшил, кузга бориб қизил-жигарранг тусга киради. Барги ўртача кат-

талика, 3—5 бўлакли, тўқ-яшил рангда. Гули ўртача, оч-сариқ рангда, доғсиз... Кўсаги йирик, тухумсимон, калта тумшуқли.

1000 дона чигитининг оғирлиги 121 г.

Ўртача ҳосилдорлиги гектарига 36,8 (Каттақўрғон) — 46,5 (Самарқанд).

2000 йил Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 44,0 ц., 30 сентябрдаги теримда, ҳосилдорлик гектарига 37,3 ц.

Вегетация даври (униб чиққанидан 50 фоиз очилгунига қадар бўлган кун) 116 (Каттақўрғон) — 121 (Самарқанд) кун. Битта қўсақдаги пахтанинг оғирлиги 6,0—6,3 г. Тола чиқиши 35,4—35,5%. Вилт билан касалланиши 9,0% гача (Самарқанд).

Толаси V типга мансуб. Кичик намуналаридағи микронейр кўрсаткичи: 4,5 (Каттақўрғон).

Термиз-31

«Пахта» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Сурхондарё филиалида 6608-В x Термиз-11 навларини тур ичидаги дурагайлаш услубида кейинчалик кўп марта якка танлаш йўли билан яратилган.

Муаллифлар: А. А. Творогова, Э. Н. Авлиёкулов, Ш. И. Иброҳимов.

Барбадензе турига мансуб.

1998 йилдан Сурхондарё вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 100—120 см., конуссимон шаклда, ҳосил шохлари О типга мансуб. Пояси яшил, куёш таъсирида жигарранг билан аралаш. Барги 3—5 бўлакли, йирик, яшил рангда бўлиб, чуқур кесимли. Гули оч-лимон рангда, антациан доғли, гул чанглари сариқ. Кўсаги ўртача, тухумсимон ёки тухумсимон-конуссимон бўлиб ўткир тумшуқли, зич майдада чуқурчали.

1000 дона чигитининг оғирлиги 117 г.

Ўртача ҳосилдорлиги гектарига 41,0 ц. (Шеробод).

Вегетация даври (униб чиққанидан 50 фоиз очилгунига қадар бўлган кун) 121 (Шеробод) кун. Битта қўсақдаги пахтанинг оғирлиги 2,8 г. Тола чиқиши 32,9%. Вилтга чидамли.

Толаси III типга мансуб.

Шароф-75

Ўз ФА «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида табиий дурагайни кўп марта якка танлаш йўли билан яратилган:

Муаллифлар: Э. Н. Одилхўжаев, М. Ж. Жуманиёзов, Н. Р. Фақиров, А. А. Абдуллаев, М. В. Муҳаммаджонов.
Хирзутум турига мансуб.

1998 йилдан Андижон, Жиззах, Наманганд, Хоразм вилоятлар бўйича Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 110—120 см., сиқиқ шаклда, ўртача тукланган, ҳосил шахлари I тип. Пояси жигарранг, антациан доғли, ётиб қолмайди. Барги ўртача, 3—5 бўлакли, тўқ яшил рангда. Гули ўртача, оч-жигарранг рангда бўлиб доғсиз. Кўсаги ўртача катталикда, юмалоқ-чўзинчоқ, кичик тумшукли, усти текис, очилиши кучли.

1000 дона чигитнинг оғирлиги 99 г.

Ўртача ҳосилдорлиги гектарига 24,0 (Жиззах). — 46,5 ц. (Қорақўл).

Етиштириш усули. Fўза ўтмишдош экинларга унча талабчан эмас, уни бир ерда узоқ вақт экиш мумкин. Яхши агротехника олиб борилса юқори ҳосил беради. Аммо узлуксиз экилиши натижасида ҳашаротлар ва касалликлар кўпайиб кетади ва fўза майдонларида турроқ унумдорлиги пасайиб кетади. Алмашлаб экиш натижасида тупроқнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Fўза учун беда, дон экинлари энг яхши ўтмишдош экин ҳисобланади. Йўнғичқа 2—3 йил бир майдонда турганда озуқа моддалари миқдори ошади, физик ва кимёвий хоссалари яхшиланади, далалар турли хил ҳашарот ва инфекциялардан тоза бўлади. Узоқ йиллар давомида Ўзбекистонда 3x6; 3x7 далали пахта-беда алмашлаб экиш тизими ҳукмрон бўлди. Мустақилликдан сўнг қисқа муддатли пахта-дон алмашлаб экиш тизими кўлланила бошланди ва ижобий натижаларга эришилди. Пахта-беда алмашлаб экиш чорвачиликни ривожлантирса, пахта-дон алмашлаб экиш тизими эса дон мустақиллигига ва чорвачиликни ривожлантиришга олиб келди. Пахтачиликда оралиқ экинлар ерни турли хил касалликлардан тозалаб органик моддалар билан бойитиш учун (жавдар, рапс, перко, кўк нўхат, хантал, сули, арпа) экиласди. Уларнинг ер устки қисми чорва молларига озуқа сифатида берилса, ер остки қисмлари органик модда тўплайди. Минерал ўғитлар

маҳаллий тупроқ шароитини ҳисобга олган ҳолда белгиланади, фўза ўсимлиги касалланган бўлса, фўза поялари йиғиб олинниб, ёқиб юборилади, акс ҳолда уларни майдалаб далага сочиб юбориш лозим. Экишдан олдин даладан культиватор ва бороналар ёрдамида ўсимлик ва илдиз қолдиқлари териб олинади. Кузги шудгор билан 10—12 т гўнг ва фосфорли ўғитнинг 60 фоизи берилади. Кузда ер чукур ҳайдалади, эрта баҳорда борона қилинади, борона ерда нам тўплайди, бегона ўтлар йўқолади, тузларнинг юқорига кўтарилишига тўскенилик қиласи.

Шўрланган майдонларда кеч кузда, қишида ва эрта баҳорда албатта шўр ювилади. Баҳорда ёғинлар кўп бўлса аввал чизелланади (16—18 см чукурликда, шўри ювилган майдонлар албатта борона қилинади, чигит экиш олдидан мола босилади).

Экиладиган уруғлар ўта сифатли бўлиши керак, экишдан олдин заводларда чигит дориланади. Фўздан юқори ҳосил олиш учун экиш муддатини албатта тўғри белгилаш зарур. Фўзани тупроқ ҳарорати 12—14°C бўлганда экиш яхши натижада беради. Фўзани экишда ой, кунлар эмас, балки тупроқ ҳарорати асос қилиб олинади. Ҳаво ва тупроқ ҳарорати етарли бўлса, дарҳол экишга киришилади. Фўзани экиш усуслари кенг қаторлаб 60, 70 ва 90 см кенгликда экилади. Пунктир усулида экишда ҳар 10 смга 1—2 дона уруғ ташланади, ҳар қандай ҳолатда ҳам туп сони бир гектарда ўртача 100—115 минг туп бўлиши керак.

Экиш СТХ-4Г, СХУ-4 русумли сеялкаларда олиб борилади, экиш меъёри, усули, нав ва экиш муддатига қараб белгиланади. Тукли чигитлар бир гектарга 60—80 кг, яланғоч чигитлар 25—30 кг экилади. Тупроқ ҳарорати пастроқ бўлса экиш меъёри 10—12 фоизга оширилади. Экиш чуқурлиги тупроқ ҳарорати, намлиги ва механик таркибига қараб 3—4 ва 5—6 см бўлади.

Чигит униб чиқиши билан қатор ораларига ишлов берилади.

Қатор оралари юмшатилганда дала бегона ўтлардан тозаланади. Культивация билан ёки жўяқ тортиш пайтида фўза ўсимлиги озиқлантириллади ва 3—4 марта минерал ўғитлар берилади.

Фўза уруғи кўп ташланган бўлса, 1—2 та чинбарг чиқарганда ягана қилинади. Кенг қаторлаб экилганда бир метрда 11—12 дона ўсимлик қолдирилади.

Ғўзани ўсиш даврида тупроқ шароити ва сувга бўлган талабига қараб бир неча марта сугорилади. Ер ости сувлари 3—4 м бўлган жойларда 5—9, 2—3 м бўлганда 4—7, ер ости суви 1—2 м бўлганда 3—4 марта сугорилади. Мавсумий сугориш меъёри 5200—7800, 1200—6500, 3000—5000 ва 2000—3000 м³ га ўзгарида.

Ғўзани Истроил технологиясига мувофиқ томчилатиб сугориш Ўзбекистонда сувни тежаб-тергаш учун энг яхши агротехник тадбир ҳисобланади. Ер остида трубаларда ҳар бир ўсимлик илдизига сув томчилаб бориб туради. Шунда ўсимлик нам билан бирдек таъминланади. Бу усул тупроқ структурасини яхшилади. Ғўза июнь ойларида 12—16 та шоҳ чиқарган пайтида албатта чеканка қилиниши керак. Чеканка натижасида озиқ моддалар ҳосил органларига баравар тақсимланади, натижада ёруғлик кўпроқ тегиб, кўсаклар тез етилади. Чеканкада асосий ва ён ўсиш шохларининг уни чилпиб ташланади, чеканка қилинмаса, ўсимлик бўйига баланд ўсиб, фовлаб кетади. Натижада кўсаклар кичкина бўлиб қолади, чеканка қўл кучи ва машиналарда ўтказилади.

Кўсакларнинг пишиб етилиши учун икки ой вақт кетади, яъни гуллаган кўсаклар пахта ҳолига келгунича 60—65 кун ўгади. Пахтани машиналарда териб олиш учун дастлаб дефолиация ишлари ўтказилади. Дефолиация ўтказилганда ғўза барглари тўкилиб, машинада теришга имкон яратилади, кўсакларнинг очилиши тезлашади. Ўсимлик ҳаво совиб бораётган пайтда қўёш нуридан бир текис фойдаланади. Дефолиация кимёвий препаратлар ёрдамида олиб борилади. Қўлда териладиган майдонларда дефолиация қилиш шарт эмас. Айрим вақтларда ғўза ўсимлигини мутлақо ҳаёт фаолиятини тўхтатиш учун десикация қилинади. Бу ишлар маҳсус туркагичлар ОВХ ёки самолётларда олиб борилади.

Пахта ҳосили маҳсус пахта йифиб оловчи комбайнларда йифилади, улар бирданига 4 қатор пахтани териб кетади. Машина билан 2 марта териб олинади. Биринчи терим даврида кўсаклар 50—60 фоизга очилган ва ғўза барглари 80 фоизга тўкилган бўлиши лозим. Машина икки марта териб олганидан сўнг қолганлари қўлда териб олинади.

Етилмай қолган кўсакларни териб оловчи ҳамда ерга тўкилган пахталарни йифиб оловчи машиналар ҳам мавжуд.

1-навга яхши етилган, чаноқлари лўпли, кўпчиб турдиган, намлиги 8%, ифлослиги 0,5 толалар олинади.

2-навга пахтаси 1 навдан кам кўпчиган, намлиги 10%, ифлосланиши 0,7% бўлган пахталар киради. Бу навга сувсиз жойда очилган ва совуқ уриб очилган пахталар киради.

3-навга толалар етилмаган, хомроқ, ифлослиги 1,9%, намлиги 11—12% пахталар киради. Бу навнинг пахтаси камроқ эластик ва зичланган бўлади.

4-навга етилмаган кўсаклардан олинган совуқ урган, ифлослиги 3,6%, намлиги 13% бўлган пахталар киради

ЧИГИТНИ ПЛЁНКА ОСТИГА ЭКИШ УСУЛИ

Ер куррасининг Шимолий минтақасида, республика измизда юқори сифатли ва эртаги ҳосил етиштириш учун пахтачиликда янги усувлар жорий этилмоқда. Бу усул пахтани эрта пишишини таъминлаш, ҳосилдорлигини ошириш, тола сифатини ошириш, таннархини арzonлаштириш имконини беради.

Андижон вилоятида 1995 йилдан чигитни пуштага экиш жорий қилинди. Ҳозирги кунда вилоятдаги 100% пахта майдонларида чигит плёнка остига экиласди. Экиш ишлари «Андижон-2 М» русумли сеялка мосламада амалга оширилади.

«Андижон-2 М» сеялкаси бир бутун рама ва унга маҳкамланган 8 та экувчи баравар, кўшимча эҳтиёт қисм сифатида яна 2 та экувчи баравар, ҳар бир сеялкага из очувчи ҳамда қилувчи бир жуфт диск, зичлагич каток, 2 та фиддирак, ўнг ва чап маркер ва 5 дона жўякочардан иборат.

Сеялкага қўш қаторда экишда 8 та, якка қаторда 4 тадан экиш барабанлари ўрнатилган бўлиб, ҳар бирида 12 тадан қадама эккич (мундштук) жойлаштирилган. Экувчи барабан ташқарисига қўйилган бу эккичларнинг ҳар бирига барабан ичкарисидан биттадан дозатор жойлаштирилган. Дозаторнинг вазифаси уяга тушаётган чигит сонини белгиланган миқдорда чеклаб туришдан иборат. Белгиланган миқдордаги чигит дозаторнинг ичига икки томондаги қулоқчалари орқали киради, қадама-эккичдаги клапанлар очилганда эса ерга тушади. Бу жараён экувчи барабан айланиб, қадама-эккич плёнкани тешган пайтда рўй беради. Бошқа пайт-

да қадама-эккич учи клапан ёрдамида унинг оралиғи ҳисобига берк туради.

«Андижон-2 М» сеялкасидан ҳамда чигитни плёнка остига экиш учун мұлжалланган бошқа турдаги сеялкалардан унумли фойдаланиш учун дала яхши тайёрланган, яғни текис, майин тупроқли, кесакларнинг диаметри 20—25 мм дан катта бўлмаган ғўзапоя ва бошқа ўсимликларнинг қолдиқларидан тозаланган бўлиши керак.

Тупроқни экишга яхши тайёрлаш учун кузги шудгор сифатли ўтказилади, баҳорги тадбирлар тишли, дискли (БТД-2,2, БТД-3,0) мавжуд бороналар, ЧК-3,0, ЧКУ-4 русумли чизель культиваторлар ҳамда МВ-6,0, МВ-6,5 русумли молалардан унумли фойдаланган ҳолда барвақт амалга оширилади. «Чирчиқсельмаш»да чиқарилаётган ОПУ-2,2 русумли фреза, Голландиядан келтирилган «Доминатор», Тошкент агрегат корхонасида чиқарилаётган КФВ-2,8 русумли фрезалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бу машиналар мавжуд бороналар, дисклар ва молаларга нисбатан тупроқни сифатли тайёрлаш ва ҳар гектар ҳисобига 10—12 кг кам ёнилғи сарфлашга эришиш имконини беради. Экишда энг аввало уруғлик чигитини сифатига зътибор бериш керак. Экиш барабанларига солинаётган чигит сараланган, дориланган, туксизлантирилган (туклилиги 0,3 фоиздан ошмаслиги керак), тош, кесак, ёғоч парчалари, пахта толаси ва момиқлардан тозаланган, экиш сифатининг барча табларига жавоб берадиган бўлиши керак. Экиладиган чигит яхшилаб текшириб чиқилгач, ҳар бир барабанга 7—8 кг дан солиниши лозим.

Экишга киришишдан олдин экиш барабанларини созлаб олиш керак. Созлашда барабандаги қадама-эккивлар рақамланиб (гардишта ҳам рақам ёзиб), плёнкасиз ерда ишлатиб (экиб) кўрилади ва дозаторлар ёрдамида ҳар уяга 3—4 донадан чигит тушадиган ҳолатга келтирилгач, экишга киришилади. Бунда барабанлардаги плёнканинг учки томони пастга 1,5 метр узунликда тортилиб, барабаннинг остидан ўтказиб кўйилади ва ерга кўмилади.

Экиш агрегати ҳаракатлангач, сеялка олдидағи текислагич — мола тупроқни плёнканинг энига тенг (60 см) кенглиқда текислаб ёйишга тайёрлайди ва четларини кўмиш учун ариқчалар очиб кетади. Экиш ба-

банлари плёнка устида айланганда ребордалари билан унинг четларини ариқчаларга босади.

Айланиш давомида қадама-экичлар ичига дозатор орқали бир нечтадан чигит жойлашади ва қадама-екичлар пастки ҳолатга келганда плёнкани тешиб, тупроқдан тешикча ҳосил қиласи ҳамда бир вақтнинг ўзида қопқоғи очилиб, ичидаги чигитлар чукурчага тушади.

Экиш барабанидан сал орқада жойлашган бир жуфт сферик лаппаклар плёнканинг четлари босилган ариқчаларни, чигит ташланган чукурни ва плёнка тешикларини тупроқ билан кўмиб кетади. Плёнка устига тушган тупроқнинг ортиқчаси резинка тахтакач билан чеккага суриласи ва катоклар билан зичланиб уруғларнинг тупроққа яхши қадалиши ва плёнканинг ҳисобига уруғ қувур орқали тўлдириб турилади.

Кўмумчи ҳамда текисловчи ишчи органлар плёнка тепасига ва қўш қаторлаб экишда плёнканинг ўртасида 30 см кенгликка тупроқ туширмайдиган ҳолатда созланиши керак. Озиқлантириш учун минерал ўғит йиллик меъёрининг 30—50 фоизи экишдан олдин плёнканинг 30 см кенгликтаги ўртасига, 15—18 см чукурликда солиниши тавсия қилинади.

Қўш қаторлаб экишда плёнка остига экилган чигит уялари қатор оралифи 30 см эканлигини, плёнкани чекка қисми тупроқ билан кўмилишини ҳисобга олсақ, 60 см гўза қатор оралиғида плёнка ёпилмаган 40—43 см кенглик қолади. Мана шу кенгликда ғўзага қишлоқ хўжалик машиналари ишчи органлари ёрдамида ишлов берилади. Ишчи органлар тупроқ остига кўмилган плёнканинг чеккасига тегиб кетмаслиги учун икки томонидан 4—5 см дан ҳимоя зонаси белгиланади. Шунда фаол ишлов бериш кенглиги 30—35 см ни ташкил этади. Ишчи органларни жойлаштиришда айнан шу кенглик ҳисобга олинса сугорилгандан сўнг тупроқнинг майинлиги ва нам сақланиши, бегона ўтлардан холи бўлиши учун имконият яратилади. Мабодо тупроқда намлик ортиқча бўлса у кенгликнинг ўртасига битта чизель органи қўйилиб, чукур культивация қилиниб, нами қочирилади.

Чигитни плёнка остига экиш учун энг аввало фойдаланиладиган плёнка талабга жавоб бериши керак. Яъни, плёнка параметрлари 90 ва 60 см қатор оралида $600 \times 0,008$ мм ва $450 \times 0,008$ мм бўлиши керак. Плёнка қалинлиги $0,008\text{мм}+5\%$, плёнка эни $600+20$ мм, $450+10$

мм, плёнка пишиқлиги узунасига 215, күндалангига 75 кг с/см², узилиш вақтидаги нисбий ўзгариши узунасига 340, күндалангига 330% бўлиши шарт.

ЧИГИТНИ ПЛЁНКА ОСТИГА ЭКИБ ПАХТА ЕТИШТИРИШ

Ер танлаш ва кузги тадбирлар. Плёнка остига чигит экиб пахта этиштириладиган майдон энг аввало алмашлаб экиш схемасига мувофиқ куздаёқ танланниши керак. Танланган майдонлар яхшилаб текисланади, айрим зарурият туғилган жойларда длинабазисли текислаш ўтказилади. Кўп йиллик илдизпояли ўтлар, ажриқлар ва гўзапоя қолдиқлари тозаланади. Асосий ҳайдов олдидан далаларга гектарига 15—20 тоннадан яхши чириган гўнг, йиллик меъёрдаги фосфорли ўғитларни 60—70 ва калийли ўғитларнинг 50 фоизи солинади. Ҳайдов икки ярусли плуглар ёрдамида 30—35 см чукурликда амалга оширилади.

Ерни экишга тайёрлаш. Эрта баҳорда тупроқни этилишига қараб нам сақлаш мақсадида 8—10 см чукурликда сихмолалаш ўтказилади. Кейин чизель, сихмола, фрезали юмшаткичлар ёрдамида ерлар майин тупроқди, кесаксиз қилиб тайёрланади.

Чигитни экишга тайёрлаш. Янги усулда экиш учун дастлаб гўзанинг «Фаргона-3», «Қирғизистон-3» навлари, кейинги йилларда эса Оқдарё-6, Армуғон ва С-6524-3 навларининг чигитлари туксизлантириб экилади.

Чигит экиш ва тўлиқ гектар ҳосил қилиш. Экиш учун туксизлантирилган, сараланган ва дориланган барча экиш сифатларига тўлиқ жавоб берадиган уруғлик чигит олиниди. Тупроқ ҳарорати 8—10°C бўлганда чигит плёнка остига экилади. Бу ҳарорат март ойларида бўлади. Имкон қадар чигитлар туксизланган бўлиши ва уруғлик талабларига жавоб бериши керак. Плёнкалар гуллаш пайтида ҳаво ҳарорати 35—37°C бўлганда йигиб олинади.

Озиқлантириш. Плёнка остига экилган майдонларга соф ҳолда 300 кг азотли, 210 фосфорли ва 150 кг калийли ўғитлар берилади. Органик ўғитнинг ҳаммаси, фосфорли ўғитларнинг 70 фоизи калийли ўғитнинг 50 фоизи, кузда шудгор билан, азотли ўғитнинг 30 фоизи экиш билан берилади.

Қатор орасини ишлаш. Фўза қатор ораларини ишлашда олдинги культиватор ва ишчи органларидан фой-

даланилади. Тупроқнинг намлиги, бегона ўтларнинг миқдорига, ўсимликнинг ҳолатига қараб ўтказилади. Биринчи культивацияда культиваторнинг ўртадаги органлари 8—10 см, чеккадагилари 5—6 см, кейинги культивацияда ишчи органлар 10—12 см ва 5—6 см чуқурликка мўлжалланади. Қамров кенглиги 30—35 см бўлиши лозим. Қатор ораларини ишлашда культиватор плёнкани суриб юбормаслиги, устига тупроқ тўкилмаслиги керак.

Суғориш. Плёнка остига экилган чигитлар нам етарли бўлгани учун тўла униб чиқади, чигит суви берилмайди, табиий намлик етарли бўлади. Биринчи суғориш гўза тўлиқ гуллаганда бошланади. Ер ости сувлари яқин тупроқларда 2—3 марта, ер ости сувлари чуқур жойлашган майдонларда 3—4 марта суғорилади. Плёнка остига чигит экиш, сувни тежаш имконини беради.

Чилпиш. Плёнка остига экилган чигитдан униб чиқкан ўсимликлар тез шоналади, гуллайди, кўсак ҳосил қиласиди. Гўзанинг баланд ўсиб кетишига йўл қўймаслик учун 12—13 та ҳосил шохлари ҳосил бўлганда чилпиш ишлари ўтказилади. Чилпиш қўл кучи, механизм ва кимёвий моддалар орқали таъсир этилади, бунда ўсувчи нуқталари юлиб ташланади.

Плёнка остига экилган майдонларда ҳосилдорлик Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги Намуна хўжалигига плёнка остида экилганда 53,04, оддий усулда 36,1 ц ни ташкил қилган.

Плёнка остига чигит экиш гўза касалликларининг олдини олади ва пахтани эрта пишиб этилиши ва сентябрь ойида йифим-теримни якунлашга имкон беради.

Гўзанинг ўсиш даври 15—20 кунга қисқаради. Ҳосилнинг асосий қисми сентябрь ойининг биринчи ярмида териб олинади. Сув сарфи 25—30 фоизга, қатор ораларига ишлов беришнинг камайиши эвазига ёқилғи мойлаш маҳсулотлари 15—20 фоизга қисқаради.

Назорат саволлари:

1. Гўзанинг келиб чиқиш ватани қаер?
2. 100 кг пахтадан неча кг тола олинади?
3. Туксизлантирилган чигитнинг экиш меъёри қанча?
4. Плёнка остига чигит экишнинг моҳияти нималардан иборат?
5. Гўзанинг ҳосилдорлиги илғор технологиялар натижасида неча центнерга етади?

КАНОП

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Каноп ҳам зигир ва наша каби луб толали экинлар турига киради. Унинг пояларида ўта пишиқ, қаттиқ ҳамда бошоқ бўлган 24 фоизгача луб толаси мавжуд. Унинг толаларидан ўта пишиқ брезент, халта, қанор, гилам ва мебель учун маҳсулотлар, арқон ва турли иплар олинади. Каноп толасининг аҳамияти ёки яхшилиги шундаки, ундан тайёрланган қоплардаги майда калта толачалар солинса маҳсулот ифлосланмайди. Каноп тўпонидан қурилиш плиталари ва қофоз тайёрланади. Каноп уруғларида 18–20% техника мойи бор, бу мой терини ишлашда, лак бўёқ ишлаб чиқариш ва совун пишириш саноатида ишлатилиб келинади. Кунжараси чорва моллари учун ем сифатида ишлатилади, баъзан ўғит сифатида далага сочиб юборилади.

Канопнинг келиб чиқиш ватани Жанубий Америка бўлиб, ҳозир ҳам унинг ёввойи формалари учрайди. Каноп Хиндистон, Хитой, Бирма, Эрон, Судан, Бразилия ва Ўзбекистонда экилади.

Ўзбекистонда Юқори, Куйи ва Ўрта Чирчиқда каноп экилиб келинади.

Ботаник-морфологик белгилари. Каноп — *Hedicus canabinus* L, бир йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, гулхайрилар — *malvaceae* оиласига киради.

Канопнинг илдизи бақувват ривожланган бўлиб, тупроққа 2 м чуқурликкача кириб боради.

Поялари думалоқ, сал қобирғали бўлиб, баландлиги 2–5 м га етади. Шохланган, қуи қисми бинафша рангли, диаметри 1,7–3,2 см (37-расм).

Барглари навбат билан жойлашган, пастки барглари оддий, ўртадагилар бўлакчаларга бўлинган, юқоригилар эса ланцетсимон бўлиб, четлари қиррали. Гули йирик, очсариқ. Гултоjisи ичидаги жигарранг, қизил доғлари бор. Гуллаш жараёни пастдан юқорига қараб давом этади. Ҳар куни битта гул очилади. Каноп ўзидан, баъзан четдан чангланади.

Меваси — кўсакча бўлиб, беш уяли кўсакчанинг учлари ўткир, сирти ингичка қилчалар билан қопланган. Бир туп ўсимликда 20–30 та кўсак ҳосил бўлади.

Уруғи уч қиррали бўлиб, тўқулранг бир кўсакчада 16–22 та уруғ бўлади. 1000 дона уруғнинг вазни 22–28.

Биологик ҳусусиятлари. Иссиққа талабчан ўсимлик, ургуслари тупроқ ҳарорати 10—12°C да тез ўсиб чиқади. Мутлақо совуққа чидамсиз, ҳароратнинг 25—30°C бўлиши каноп учун жуда қулай ҳисобланади. Пишиш даврига келиб иссиққа талаби анча сусайди.

Ёруғликка талаби. Ёруғликка талабчан, қисқа кунлик ўсимлик, зич экилса, тупи кўп бўлса, ўсимлик паст бўйли нимжон бўлиб, тола чиқиши камайиб кетади.

Намга талаби. Бу ўсимлик нисбатан намга талабчан, шунинг учун Ўзбекистонда Чирчиқ дарёси бўйларида экилади, тупроқ намлиги 75—80% бўлганда юқори ҳосил беради. Ўсиш даврининг ўрталарида намга ўта талабчан бўлади.

Тупроққа талаби. Канопни асосан сизот сувлари яқин, ўтлоқ, ўтлоқ бўз, ўтлоқ бошоқ тупроқларга экиш яхши натижа беради. Каноп 100 ц кўпроқ поя учун 126—150 кг азот, 60—90 кг фосфор ва 130—160 кг калийни ўзлаштириб олади. Фақат шўр тупроқлар каноп учун яроқсиз, бўз тупроқларда ҳам етарли намлик ҳосил қилинса каноп юқори ҳосил беради. Ўсиш даврининг бошида калий ва фосфорга, гунчалаш, гуллаш даврида азотга талабчан бўлади.

Навлари. Мамлакатимиизда канопнинг Ўзбек-1972, Ўзбек-2142 навлари экилади.

Ўзбек-1972

Ўзбекистон луб экинлари тажриба станциясида 1568x1574 навларини чатиштириш ва кейинчалик кўп марта якка танлаш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: Н. П. Филушкин, Х. Н. Назиров, А. Р. Умаров.

1984 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Пояси кучли, думалоқ, бўйи 355—360 см., ранги оч-яшил. Кўсаги иирик, 5 чаноқли, ўрта-кечпишар нав. Ўсиш даври униб чиққанидан техник пишиб етилгувича 118—122 кун. Поясининг ўртача узунлиги 328 см, ўртача луб ҳосили гектарига 63 ц. Зараркунандаларга чидамли. Техник кўрсаткичлари: тола чиқиши 23,5—25,0%, пишиқлиги — 22,5 гс.

Ўзбек-2142

Ўзбекистон луб экинлари тажриба станциясида авлоддан (№ 224 намуна х 2003 нав) яккалааб ва кўплаб танлаш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: Н. П. Филушкин, Х. Н. Назиров, А. Р. Умаров.

1990 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Пояси оч-яшил, кам шохланган, бўйи 350—370 см. Кўсаги йирик, 5 чаноқли, конуссимон. Техник етилиш даври 116—129 кун, 137—159 кунда пишади. Ўртача луб ҳосили гектарига 37,2—59,7 ц., поя ҳосили 183 ц. Тола чиқиши 59,0%, узилиш қучи 23,6 гс., эгилувчанлиги 25,0 мм. Илдиз чириш касаллигига анча бардошли.

Етиштириш усули. Каноп далалари минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Бунинг учун 200—220 ц поя олиш учун 180—200 кг, 150—180 кг Р20, 90—100 кг га ўғит солинади. Каноп ўсиш даврининг бошида жуда суст ўсади, дастлаб 35—40 кунда бўйининг баландлиги 12—15 см га етади, бу вақтда унинг илдизи жадал ривожланади, фунчалаш даврида каноп бир кеча-кундузда 8—10 см гача ўсади.

Кузги шудгор 15—20 тонна гўнг, 60 кг фосфорли ўғит билан биргаликда чукур қилиб ўтказилиши керак. Баҳорда икки марта борона, бир марта культивация қилиниб, ўсиб чиқсанбегона ўтлар йўқ



35-расм:

А — каноп ўсимлиги;
Б — кўсакчаси.

қилинади. Экишдан олдин уруглар кондицион талабларга жавоб бериши керак. Ургунинг унувчанлиги 80%, тозалиги камида 94% бўлиши керак.

Канопни тупроқ ҳарорати 12—14°C бўлгандан кейин ёки апрель ойининг иккинчи декадасидан бошлаб экилади. Уруғлик учун бироз эртароқ экилади.

Каноп кенг қаторлаб оралари 60 см, қўш қаторлаб, қаторлар ораси 15 см, ленталар ораси 60 см қилиб ҳам экилади. Экиш меъёри экиш усулига қараб ўзгаради, кенг қаторлаб экилганда қамров 30—35 кг, қўш қаторлаб экилганда 40—45 кг ни ташкил этади. Уруғлик майдонларда экиш меъёри 18—20 кг бўлиб, ургулар 3—4 см чуқурликка ташланади.

Ўсиш даврида тупроқ шароитига қараб 5—6 марта сугорилади, сугориш меъёри 1000—1200 м³ га тенг. Демак намиқтириб сугориш мақсадга мувофиқ.

Уруғлик каноппзорлар лозим бўлса яганаланади, гектарига туп сони 160—180 минг бўлиши керак. Сугориш меъёри 3500—4000 м³ га ни ташкил этиши лозим.

Тола олишда каноп поясидаги гуллар 55% гулланда техник жиҳатдан пишган ҳисобланади. Махсус луб пояни кесувчи ЛО-1А машиналар бор. Ўрилган каноп поялари ЛО-1А маркали машинадан ўтказилади ва куритиш учун ёйиб қўйилади. Куриган каноп поялари тўпланиб, оғирлиги 10—12 кг тойлар ясалади, курук поясида тола чиқиши миқдори 15—18%.

Уруғлик каноплар ЖК-2,1 жаткаси ёрдамида пастки 3—5 та, кўсакча 70—75% ўсимлик пишиб етилганидан сўнг ўриб олинади. Ҳосилни сентябрь ойи ўрталарида йиғишириб олиш мумкин. Ўрилган поялар аввал куритилади, кейин боғлаб, янчилади, янчиш МКФ-6 русумли янчгич машиналарда ўтказилади.

Назорат саволлари:

1. Толали экинлар деб қайси экинларга айтилади?
2. Каноп Ўзбекистоннинг қайси вилоятида етиштириллади?
3. Каноп қайси оиласа мансуб?
4. Тола канопнинг қайси ўсув органида бўлади?

ТҮ҆ҚИЗИНЧИ БҮЛІМ

НАРКОТИК ЎСИМЛИКЛАР

Ўзбекистонда саноат аҳамиятига эга бўлган наркотик ўсимликлардан энг кўп тарқалгани тамаки ҳисобланади. Шунингдек томорқа ва шахсий хўжаликларда наркотик экинларнинг яна бир тури — мохорка ўстирилади. Ундан маҳаллий халқ чекиш материалы — ностайёрлашда фойдаланилади.

ТАМАКИ

Тамаки ўсимлиги асосан чекиш материаллари — сигарет, папирос ва сигара олиш мақсадида ўстирилади. Унинг айрим турларидан баъзи халқларда ҳидлаш, чайнаш ва сўриш маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланилади.

Тамаки таркибидаги наркотик модда — никотин организмда ўзига хос таъсир кучига эга бўлиб, у ҳаётий зарур бўлмаса-да, киши унга тез ўрганиб қолади.

Тамаки хом ашёсининг сифати асосан, унинг кимёвий таркиби ва физик хоссаларига қараб белгиланади.

Тамаки барги таркибидаги қуруқ модданинг 85% органик бирикмларидан, қолган қисми эса минерал моддалардан иборат.

Куритилган тамаки баргига 20 фоизгача оқсил бўлиши мумкин. Юқори сифатли баргларда эса одатда 7—8 фоизгача оқсил бўлади.

Никотин ҳам азотли бирикмалар жумласига киради ва тамаки баргига ўзига хос чекувчанлик хусусиятини беради.

Никотин — кучли заарли алкалоид ҳисобланади. У тоза ҳолда рангсиз, ёқимсиз ҳид тарқатувчи суюқлик. Тамаки таркибida никотин 0,4 дан 4 фоизгача бўлади. Тамаки таркибida никотиндан ташқари норникотин, анабазин каби алкалоидлар ҳам учрайди.

Тамаки хом ашёсининг чекувчанлик хусусиятини аниқлашда унинг хушбўйлик хоссалари муҳим ўрин тутади: Тамаки хом ашёси таркибida ўзига хос хушбўй ҳид тарқатувчи бир қатор кимёвий бирикмалар учрай-

ди. Тамакининг ёниши жараёнида ҳам айрим ароматик моддалар ҳосил бўладики, улар тамаки тутунига ўзига ҳос ҳид беради.

Тамакининг хушбўйлиги асосан ундаги эфир мойларининг миқдори билан аниқланади. Унда 1 фоизгача эфир мойлари бўлади.

Смола тамаки таркибидаги асосий моддалардан бўлиб, ёнганда турли хил ароматик моддалар ҳосил қиласди. Барглар техник пишиқлик даврида ўз таркибида энг кўп смола тўплайди.

Тамаки тутунининг хушбўйлиги фақатгина смола ва эфир мойларига боғлиқ бўлмасдан, балки углеводларга, полифенол характеристига эга бўлган моддаларга ҳам боғлиқ.

Чекиш пайтида ҳосил бўлган тутуннинг хушбўйлиги тамаки таркибидан мураккаб комплекс моддаларнинг ёниши натижасида содир бўлади. Кул ёки минерал моддалар тамаки таъмини белгилашда асосий ўрин тутмайди, лекин улар ёнувчанликни оширади. Тамаки яхши ёнмагандан унинг сифат белгилари тўлиқлигича намоён бўлмайди. Сифатли тамаки таркибida кул моддалар кам миқдорда бўлади. Тамакининг ёнувчанлигига қалий тузлари ижобий, хлор тузлари эса аксинча, салбий таъсир кўрсатади.

Тамаки хом-ашёсининг сифати унинг таркибидаги никотин, азот, оқсил, аммиак, углевод, полифенол, органик кислоталар, смола, эфир мойлари, кул моддалари ва бошқа кимёвий моддаларга боғлиқ.

Тамакининг физиологик ўткирлигини асосан никотин аниқлайди.

Тамаки ферментациялангандан сўнг таркибida 1 фоизгача никотин сақласа, у кам никотинли, 2 фоиздан ортиқ бўлса, ўртacha никотинли, 2 фоиздан ортиқ бўлса, кучли никотинли ҳисобланади. Юқори сифатли тамаки маҳсулотларида 1,2—1,5%, сигара учун ишлатиладиган тамакиларда эса 3 фоизгача никотин бўлади.

Тамаки хомашёсининг сифатига баҳо беришда амалда академик А. А. Шмук томонидан тавсия қилинган кўрсатгич — унинг таркибida қандлар миқдорининг оқсил миқдорига нисбатан Шмук сони қўлланилади. Унинг таркибida оқсил қанча кам бўлиб қанд миқдори кўп бўлса, унинг чекувчанлик сифати шунча яхши бўлади.

Шмук сон сифати паст тамакиларда бирдан кичик, юқори сифатли тамакиларда эса 3 гача ва ундан юқори бўлиши мумкин. Ўрта сифатли тамакининг Шмук сони бирга тенг бўлади.

Тамаки хом ашёсининг ҳамма типи чекувчанлик хусусиятига кўра чекиш маҳсулотини тайёрлашда талабга жавоб бермайди. Масалан, хушбўйлиги ёқимли бўлган тамаки аччиқ таъмга ёки ёқимли таъмли тамаки унча яхши бўлмаган ҳидга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун тамакидан чекиш маҳсулотлари тайёрлашда ҳар хил типдаги хом ашё араплаштирилиб, унинг чекувчанлик хусусиятини яхшилашга ёрдам берадиган араплашма тайёрланади.

Тамаки хом ашёси хушбўйлиги ва таъмига кўра скелет ва хушбўй гуруҳга бўлинади. Хом ашёнинг бу гуруҳларга бўлинниши қуритиш усули, нав типи ва шу билан бирга об-ҳаво, тупроқ ва бошқа шароитларга чамбарчас боғлиқ.

Скелет хом-ашёлар папирос ёки сигареталарнинг асосини ташкил қилиб, уларнинг ҳажмини тўлдиради. Скелет тамаки хом ашёсининг таъми нейтрал, хушбўйлиги кучсиз ва ўткир таъмга эга бўлади.

Хушбўй тамаки хом-ашёсининг тутуни ўзига хос ёқимли ҳидга эга бўлиб, маҳсулотга хушбўй ҳид беради. Хушбўй тамаки хом-ашёси скелет хом-ашёсига араплаштирилиб, чекиш маҳсулоти тайёрланади.

Келиб чиқиши ва тарқалиши. Тамакининг ватани Жанубий Америка ҳисобланади. Жанубий ва Марказий Америкадаги маҳаллий ҳиндулар бу қитъа очилишидан анча илгари тамаки баргларидан чекиш мақсадида фойдаланганлар.

Тарихий маълумотларга кўра, тамаки уруғи Европага биринчи марта 1518 йилда келтирилган. Дастлаб у Португалия ва Испанияда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилган.

Тамаки Европага 1560 йилдан бошлаб тарқалган. Шу йили Франциянинг Португалиядаги элчиси Жон Нико ўз мамлакатига тамаки уруғини келтириб экади. Тамаки авлодининг номи ҳам унинг номи билан Никотинана (*Nicotiana*) деб аталади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда тамаки экиладиган майдон қарийб 10 минг гектарни, ҳосилдорлик йиллар бўйича 30—35 ц, ялпи ҳосил эса 30—35 минг тон-

нани ташкил қиласы. Ўзбекистонда ётиштириладиган тамакининг 90—95 фоизи Самарқанд вилоятининг Ургут туманида, қолган қисми эса Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз ва Китоб туманларида ётиштирилади.

Ботаник-морфологик таърифи. Тамаки — (*Nicotiana tabacum* L) итузумдошлар Solanaceae оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик бўлиб, тизим жиҳатидан картошка, қалампир, помидор каби маданий ўсимликларга яқин туради.

Илдизи ўқ илдиз бўлиб, ерга 1,5—2 м гача чукур кириб боради, илдизи асосий ва ён илдизлардан ташкил топган бўлиб, кўчатзорлардан кўчириб далага ўтқазилганидан кейин жуда кўплаб кучли иккинчи ва учинчи тартиб ён илдизлар ҳосил қиласы.

Тамаки илдизининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, у ўсимликнинг ер усти органларига сув ва унда эриган минерал тузларни ўtkазишдан ташқари, ўзи ҳам органик моддаларни синтез қиласы. Баргда тўпланган наркотик модда — никотин илдизда ҳосил бўлади (38-расм.).

Тамакининг пояси тик ўсади, у тукчалар билан қопланган. Оддий шароитда ён новдалар фақат поясининг учки қисмида ҳосил бўлади. Поя механик шикастланганда унинг пастки қисмидан бачки новдалар ўсиб чиқади. Поянинг йўғонлиги ўсимликнинг ўсиш шароитига ва қўлланиладиган агротехникага қараб 18—35 мм гача бўлади. Йирик баргли тамаки навларининг пояси одатда йўғон бўлиб, баъзан 35—40 мм га етади. Ўсимликнинг бўйи ҳар бир навнинг ўзига хос белгиси бўлиб, ўртacha паст бўйли навларда 80—100, баланд ўсадиган навларда эса 170—200 см ни ташкил қиласы.

Тамаки гули рўвак гул тўпламига бириккан. Гул тўпламининг шакли навига ва экологик гуруҳига кўра, юмалоқ, чўзиқ пирамидасимон ёки ёйиқ бўлиши мумкин.

Экологик гуруҳлар бир-биридан ўзининг гули рангига қараб оч пушти, пушти, қизил ва оқ бўлади. Экиладиган тамаки навларининг кўпчилигигида гултожбарглари бўлади. Майсалар 5—6 та чинбарг чиқаргунгача ўтадиган давр уларнинг шакланиш даври дейилади. Бу давр кўчатзор типига ва кўчатни парвариш қилиш шароитига қараб 20—25 кун давом этади. Ривожланиш-

нинг шу даврида кўчат кўпроқ азотли ўғитлар билан озиқлантиришни талаб қиласди. Бу тадбир майсаларнинг ўсиб, етилишини таъминлайди. Кўчатнинг бўйи 7–8 см га етиб, 5–6 та ривожланган чинбарг чиқаргандан кейин уни далага ўтқазилади.

Тамаки кўчатини далага кўчириб ўтқазилганидан сўнгги ривожланиш даври шартли рашишда қўйидаги фазаларга ажратилади:

- 1) кўчатнинг томир олиши;
- 2) ўсимликнинг шаклланиши;
- 3) фунчалаш;
- 4) гуллаш;
- 5) баргнинг шаклланиши ва етилиши;
- 6) уругнинг шаклланиши ва етилиши.

Кўчат далага ўтқазилгандан сўнг дастлабки даврда унинг ер устки қисми жуда суст ўсади, илдиз тизими эса ўса бошлайди. Бу давр кўчатнинг илдиз олиш (томирланиш) фазаси дейилади ва у одатда 10–15 кун давом этади.

Тамаки ўсимлигига кўчат барглари ва чинбарглар фарқ қилинади. Дастлаб чинбаргларнинг шаклланиши кўчат давридаёқ бошланади ва далага кўчириб ўтқазилгандан сўнг бу барглар ўсишда давом этади. Ўсимлик фунчалаб бўлгунига қадар ҳар 1–2 кунда навбатдаги барглар чиқиб туради. Фунчалашга 5–10 кун қолганда 3–5 та барг бир вақтда ўшиш нуқтасидан тўп бўлиб ўсиб чиқади. Бу поянинг ўшиш конусига гул тўплами шаклланиши бошланганлигидан ва ёруғлик стадияси ўтиб бўлганлигидан далолат беради. Барг ҳосил



36-расм.

Тамаки ўсимлиги.

бўлиб то тўлиқ шакланишигача 25—30 кун ўтади. Барг ўсишдан тўхтаганидан сўнг ҳам унда тўқималар 25—30 кун тириклигича туради, кейин аста-секин барг четидан бошлаб курий бошлайди.

Навлари. Дунё тамакичилигига экилиб келинаётган навлар асосан Дюбек 47-07, Измир, Американ, 287 с Дюбек-Узгенский нав гуруҳларига мансуб навлар ҳисобланади.

Дюбек-Узгенский-9

Қирғизистон минтақа тажриба навчилик станцияси «Тамаки» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида Дюбек 044—07 х Дюбек Олма-ота 5 х Дюбек-566 авлодидан якка танлаш йўли билан яратилган.

1993 йилдан Самарқанд вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Ўсимликлари эллипссимон, барглари тик ўсуви, тўп гули тик юқорига қараган. Гултожбарги оч-қизил. Барг юзаси эгилмаган, усти силлиқ. Кўчати яшил, биринчи даврда ўсиш даражаси ўртача. Ургут нав синаш шохобчасида барглари ҳосилдорлиги гектарига 47,8 ц. Ўртача биринчи нав чиқиши гектарига 33,6 ц. Униб чиққанидан то охирги барглар узиб олгунига қадар 91 кун.

Хомашёси хушбўй.

Измир

Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон томонидан чет эл навлар гуруҳини дурагайлаш йўли билан яратилган.

1999 йилдан Самарқанд вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Ўсимлик баландлиги 90—100 см. Барглари жуда кичик бўлиб, ўрта барглари узунлиги 10—12 см., эни 4—6 см. Ҳар бир ўсимликда ўртача 18—20 барг ҳосил бўлади. Ургут нав синаш шохобчасида барглари ҳосилдорлиги гектарига 11,1 ц. Биринчи нав чиқиши гектарига 8,9 ц. Униб чиққанидан охирги барглар узиб олгунига қадар 88 кун. Хомашёси хушбўй.

Дюбек 44—07

Бутуниттифоқ Тамаки ва мохорка илмгоҳида яратилган.

1999 йилдан Самарқанд вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Ургут нав синаш шохобчасида, ҳосилдорлиги гектарига 45,8 ц., биринчи нав чиқиши 41,5 ц. Униб чиққандан то охирги барглар узуб олгунига қадар 136 кун.

Американ-287 с

Турлараро дурагай.

1957 йилдан Самарқанд вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Барги ўтроқ ўсимлик, ўрта қисмидаги баргининг узунлиги 46 см. Узунлигининг энига нисбати 1,8. Умумий барглар сони 30—3, бўйи гултожиси билан 120—150 см. Ўртача биринчи нав чиқиш гектарига 29,3 ц. Униб чиққанидан то гуллагунга қадар ўсиш даври.

Етиштириш усули. Алмашлаб экишдаги ўрни. Бедадан кейин экилган бошоқли дон экинлари тамаки учун энг яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Галла экинларидан бўшаган ерга экилган тамаки майдонларида бегона ўтлар, айниқса карантин бегона ўт ҳисобланган шумфия кескин камаяди. Маккажўхори, лавлаги, бир йиллик хашаки ўт экинлари ҳам тамаки учун яхши ўтмишдош бўла олади, лекин маккажўхори ҳам тамаки сингари фўза тунлами ва кузги тунлам билан қаттиқ заарланади. Шунинг учун ҳам алмашлаб экиш далада тамаки маккажўхоридан сўнг жойлаштириладиган бўлса, тамаки экишдан олдин бу ҳашаротларга қарши кураш чораларини кўриш керак.

Тамакининг помидор, картошка, бодринг, пиёз, карам, кунгабоқар экинлардан сўнг жойлаштириш тавсия қилинмайди. Чунки бу экинлар ҳам тамаки билан умумий бўлган ҳашаротлардан ва касалликлардан зарарланади. Тамакининг ўзи ҳам галла экинлари учун яхши ўтмишдош экин ҳисобланади. Алмашлаб экиш схемасида бир далага икки йилдан ортиқ тамаки экиш тавсия қилинмайди.

Ерни ишлаш. Тамаки илдиз тизимининг асосий қисми тупроқнинг 40—50 см ли қатламида жойлашади,

унинг айрим қисмлари эса ҳатто 1—2 м гача чуқурликка етиб боради. Шуни ҳисобга олиб, кузги ҳайдаш чуқурлиги 25—30 см дан кам бўлмаслиги керак. Ернинг ҳайдалма қатламини ҳар 3—4 йилда бир марта 40 см гача чуқурлатиш ҳосилдорликни 20—25 фоизга ошишига олиб келиши тажрибаларда кузатилган. Бундай ҳолларда ерга юқори нормада органик ўғитлар солиш тавсия қилинади.

Агар тамаки алмашлаб экиш даласига сурункасига икки йил экиладиган бўлса, ҳосил йифиб олинини билан унинг пояси юлиб олинади.

Тамаки пояси йифиб олингандан сўнг, оралиқ экинлар экиладиган бўлса, ер ағдармай, плут билан ҳайдалади ёки чизель-культиватор билан чуқур юмшатилиб экишга тайёрланади. Оралиқ экинлар экилгандан кейин ерда нам етишмаган полларда эгат олинниб, кетма-кет сув таралади. Бу тадбир кузги-қишибекларни тез униб чиқиб совуқ кунлар бошлангунинг қадар чиниқдан майсалар ҳосил бўлишини таъминлайди.

Агар тамаки алмашлаб экиш даласига бедадан кейин экиладиган бўлса, бедапояни кузда ҳайдашдан 5—10 кун олдин дискли борона (лушильник) ёрдамида ер 5—6 см чуқурликда юмшатилади. Бунда беданинг илдиз бўғзидан юқори қисми қирқилади ва баҳорда у қайта ўсмайди.

Бедапояни бузишда ерни турли чуқурликда ҳайдаш иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади, бунда ер биринчи йили 30—40 см, иккинчи йили эса саёзроқ 20—22 см чуқурликда ҳайдалади.

Бедапояни ҳайдашда плутга ПМ-16 чимқирқар ўрнатилса, беданинг илдиз бўғзи яхши кесилади ва ҳайдалма қатлам остига кўмилади. Шунда ерни азотли ўғит билан бойитади. Тамаки экиладиган ерда шумгия бўлса, бундай ерларни 35—40 см чуқурликда ҳайдаш тавсия қилинади.

Тамаки кўчатини далага ўтқазиш бошқа баҳорги экинларга нисбатан анча кеч бошланади. Эрта баҳорда дала ишлари бошланishiдан то тамаки кўчати далага экилгунча 60—70 кун ўтади. Шу давр оралиғида қилинадиган барча баҳорги ишлар ерни бегона ўтлардан тоза ва юмшоқ сақлашга ҳамда ундаги захира намлини йўқотмасликка қаратилиши керак. Шуни ҳисобга олиб, эрта баҳорда ер бегона ўтлар билан ифлосланиш

ва зичланиш даражасига қараб 2—3 марта бороналанади. Экишга 10—15 кун қолганида эса ер 16—18 см чуқурлиқда чизелланиб, бир йўла мола босилади ва сугориш эгатлари олинади. Ер кузги-қиши ёғингарчилик натижасида жуда зичланган бўлса, у ҳолда ағдара-ма плут билан қайта ҳайдалиб, молаланади.

Кўчат машиналар ёрдамида экиладиган ерларни ишлашга алоҳида эътибор бериш керак. Бунда ер текис бўлиши, кўчат ўтказиш олдидан ўта чуқур ҳайдамаслик, тупроқни ҳаддан ташқари, юмшатиб юбормаслик, тупроқ донадор ҳамда бироз зичланган бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам машинада кўчат ўтказиладиган ернинг сўнгги юмшатиш чуқурлиги сошникнинг юриш чуқурлигидан ошмаслиги талаб қилинади, акс ҳолда кўчат суви беришда тупроқ чўкиб, илдиз тизимининг узилишига сабаб бўлади.

Тамаки кўчати етиштириш. Тамаки уругининг ниҳоятда майдалиги ҳамда дастлабки ривожланиш фазаларида майсаларнинг жуда нозик бўлиб секин ўсиши унинг кўчатини парник ва иссиқхоналарда парвариш қилиб, сўнг далага кўчириб ўтқазишни талаб қиласди.

Тамаки кўчати асосан парникларда ва плёнкали иссиқхоналарда, шунингдек, маҳсус олинган пушталарда етиштирилади. Эрта муддатда далага экиладиган кўчатлар гўнг билан иситиладиган парникларда етиштирилади. Иситиладиган парникларда кўчатлар апрель ойининг иккинчи ярмидан бошлаб далага ўтқазишга тайёр бўлади. Кейинги йилларда кўчатларни машинада экиш кенг кўламда авж олмоқда. Шунинг учун машина билан ўтказиладиган майдонларга кўчатни иссиқ ёки ярми иссиқ парникларда етиштириш тавсия қилинади.

Тамаки уруғи экишдан олдин ивитиб, бўрттирилади, лекин эрта муддатда экиладиган бўлса уни ивит масдан ҳам экиш мумкин. Уруғ қўйидаги тартибда ундирилади: экишдан 2—5 кун олдин сурп ёки сийрак тўқилган матодан тикилган 38—24 см ҳажмдаги халтачаларга 1 кг дан солинади. Кейин 1x50 нисбатда (20 см³ 40% ли формалин 1 литр сув) тайёрланган эритмадан 2 литр олиб, уруғ халтачаси билан шу эритмага 10 минут давомида ивитилиб, сувда ювилади ва юпқа қилиб ёйиб, сояда қуритилади. Уруғни бўрттириш учун ҳам юқоридаги катталиктаги халтачалардан фойдала-

нилади. Бўрттириладиган уруглар аввал халтачаси билан илиқ сувда (30°C) бир кеча-кундуз давомида ивилади. Сўнг сувдан олиб, хўл латта билан юпқа қатлам ҳолида ўраб қўйилади. Уругундириладиган жойнинг ҳарорати доимо $27-30^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлиши керак.

Уруг нишлай бошлиши билан ундириш тўхтатилади. Одатда бўрттириладиган уруг $4-5$ кунда нишлайди.

Уругни бу усулда бўрттиришнинг камчилиги шундаки, бунда ҳарорат ва намликини бир меъёрда сақлаб бўлмайди, шунга кўра уругни ТПС-2 ёки ТПС-3 термостатларида ундириш тавсия қилинади.

Парникка уруғ сепиш муддати кўчатни далага ўтқазиш муддати билан боғлиқ бўлиши керак. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистоннинг тамакичилик хўжаликларида тамаки уруғи иситиладиган парникларга февраль ойининг учинчи ўн кунлигидан то 10 марта гача оддий куёш нурида иситиладиган парниклар ва совук парникларга эса марта гибадати биринчи-иккинчи ўн кунлигига экиш тавсия қилинади.

Иситилмайдиган парникларга уругни кеч кузда совуклар бошлангандан сўнг (ноябрь-декабрь ойларида) ҳам экиш мумкин. Бунда парникка чириндили аралашмадан бироз қалинроқ ($10-12$ см) солинади ва уруғ ивитилмасдан сепилади. Уруғ сепиб бўлингандан кейин устидан тоза чиринди сепиб шу усулда кўчат етиширилади. Ҳар 1 m^2 ерга $1-1,5$ г ҳисобида уруғ сепилади. Баҳорда иссиқ кунлар бошланиши билан парник ром ёки плёнка билан ёпилади. Бу эрта баҳорда парникда қилинадиган ишларни анча сенгиллаштириди ва эрта муддатда соғлом кўчат етиширишга имкон беради.

Иссиқ, ярим иссиқ парникларда, шунингдек, иссиқхоналарда ҳар 1 m^2 ерга ҳисобига $0,5-0,6$ г да уруғ сепиш тавсия қилинади.

Уруғ сепишдан олдин парникнинг юзаси текисланниб, бироз зичланади ва сугорилади. Уругнинг текис тушишини таъминлаш учун уругни майдалангандан кўзи $0,25$ см ли элакдан ўтказилган чириндига аралаштириш яхши самара беради.

Уруғ сепилганидан кейин устидан $0,4-0,5$ см қалинликда майдалангандан чиринди ёки қум сепиб чиқилади. Чиринди бундай қалин сепилса, уругнинг униб чиқиши кечикади. Шундан сўнг парник юзаси бироз зичла-

ниб гулчелакда сув сепилади ва ром ёки плёнка билан ёпиб қўйилади.

Уруг сепилиб, майсалар биринчи жуфт чинбарг чиқаргунича парникнинг устки 8—10 см ли қатлами доимо нам ҳолда сақланади. Бу даврда майсаларга сув майда тешикли гулчелакда ёки водопровод шлангига диаметри 0,5 мм ли сетка ўрнатиб сепилади. Сув ҳар 1 м² га 0,5 литр ҳисобидан тез-тез бериб турилади. Парник тупроғининг қуриб қолиш уруғларнинг униб чиқишига ва ниҳоллар илдизининг нормал ривожланишига салбий таъсир қиласи. Бироқ ҳаво салқин пайтларда қизимаган тупроқни ўта намлатиб сугориш ҳам ёш кўчатларни илдиз чириш касаллигига чалинишига олиб келиши мумкин.

Майсалар чинбарг чиқариб, жадал ўса бошлаган даврдан бошлаб парникка эрталаб ёки кечқурун бир марта, лекин кўпроқ нормада сув бериш кифоя. Бунда тешигининг диаметри 1 мм ли сеткадан фойдаланилади. Плёнка билан ёпилган парникларда ёки иссиқхоналарда тупроқ бети бошқа типдаги парникларга нисбатан тезроқ қурийди, шунинг учун бундай ҳолларда кўчатларни тез-тез сугориб туриш тавсия қилинади.

Сувни фақат куннинг салқин пайтларида бериш керак. Кундуз кунлари ҳам сув бериш лозим бўлса, унда аввал парникни қуёш нуридан ҳимояловчи материаллар ёрдамида соялатиб, бир-икки соат ўтганидан сўнг сугориш мумкин. Парнида кўчатларнинг илдиз чириш касаллигига чалинганилиги сезиб қолинса, у камроқ сугорилади ва тупроқ юзаси вақт-вақти билан шамоллатиб қуритиб, турилади. Кўчатни парникдан далаға экишга 2—3 кун қолганда сугориш тўхтатилади.

Тамаки кўчатларининг яхши ўсиб ривожланиши учун уругни экишдан то униб чиқишигача ҳаво ҳарорати 22—28°C, бундан кейинги даврларда эса 18—22°C бўлиши энг қулай ҳисобланади. Иситиладиган парникларда ва плёнка ёпилган иссиқхоналарда бундай ҳароратга иситиш йўли билан, бошқа типдаги парникларда эса очиб шамоллатиш ёки ёпиш ҳамда мат ёки сийрак тўқилган материал ёрдамида парник юзасини соялаш билан эришилади.

Плёнка билан ёпилган парникларда ҳаво ҳарорати ва намлиги тез кўтарилади, шунинг учун ҳам уларни бошқа типдаги парникларга нисбатан кўпроқ шамол-

латиш талаб қилинади. Күчатларни дастлабки ривож-
ланиш даврида парник устига ёпилган плёнка ёки ром-
лар 5—6 см күтариб қўйилади, ўса бошлаганидан ке-
йин эса кун бўйи очиб, кечалари ёпиб қўйилади.

Кўчатларда илдиз чириш касаллиги пайдо бўлса,
парникни кўпроқ соялатиб қўйиш лозим. Уруғ униб
чиққанидан то майсалар яхши ўса бошлаган даврга
қадар парникларга эрталаб соат 10 дан кундузи соат
16 гача, бундан кейинги фазаларда эса фақат ҳаво
жуда иссиқ пайтларда ва ўтоқ қилинганидан ҳамда
сийраклатилганидан кейин соялатилади. Бу тадбир
кўчатларни дала шароитига чиниқтириш имконини бе-
ради. Кўчатларда кучли сочоқ илдиз ҳосил бўлишини
таъминлаш, суфориш, ўтоқ қилиш ва яганалаш пайти-
да очилиб қолган илдизларни ёпиш ҳамда озиқланти-
риш мақсадида уларнинг устига чириндили аралашма
сепилади. Шунингдек, бундай аралашма сепиш илдиз
чириш касаллигини бартараф қилишда ҳам асосий тад-
бирлардан ҳисобланади. Чириндили аралашма кўчатда
дастлабки барглар парник юзасига кўтарилиган пайти-
дан бошлаб сепилади ва кўчатлар парник юзасини тўлиқ
соялагунга қадар 2—3 марта такрорланади. Кўчатларни
бундан кейинги парвариш вақтида ўташ, суфориш, сий-
раклатишдан иборат. Тамаки уруғи парнида униб чиқ-
қанидан то кўчат далага экишга тайёр бўлгунига қадар
3—4 марта ўтоқ қилинади. Ўтоқни вақтида ўтказмаслик
кўчатни кескин сийракланишига олиб келади. Шунинг
учун биринчи ўтоқни бегона ўтлар уруғи униб чиқиб
ҳали илдиз тизими унча ривожланмаган даврида ва
парник тупроғи қуримасдан ўтказиш тавсия қилинади.
Парникдаги бегона ўтлар эрталаб ва кечки пайтларда
ўталгани маъқул. Ҳаво булат кунларда эса куни бўйи
ўтоқ қилиш мумкин. Бундай пайтларда ёш кўчатлар
куёш нуридан заарланмайди.

Кўчатларни озиқлантириш уларда биринчи жуфт
чинбарг чиққан пайтдан бошланади, орадан 10—12
кун ўтгач, иккинчи марта кўчатни далага ўтказишга
10—12 кун қолганида эса учинчи марта озиқлантири-
лади.

Минерал ўғитлар парникларга сувда эритилган ҳолда
белгиланган қатъий норма асосида берилади.

Озиқли эритма тайёрлаш учун 10 литр сувга 30 г
аммиакли селитра, 50—60 г суперфосфат ва 20 г ка-

лий сульфат қўшиб аралаштирилади. Шундай эритмадан ҳар 4—5 м² парник майдонига 10 литр ҳисобидан сепилали. Калийли ўғит ўрнида ўтин кулидан фодаланиш мумкин. Бунда 10 литр сувда 100—120 г кул қўшилади ёки чириндили аралашмага қўшиб кўчат устидан сочилади. Эритмани тайёрлашда шуни ҳисобга олиш керакки, агар аммиакли селитра суперфосфат билан аралаштирилиб, сўнг эритилса, таркибидаги азотнинг бир қисми йўқолади. Шунинг учун уларни аввал алоҳида эритиб, сўнг қўшиш керак.

Кўчат жадал ўсаётган бўлса, охирги озиқлантиришда азотсиз, яъни фақат фосфорли ва калийли ўғит эритмаси сепилгани маъқул. Бунда кўчат бўйига ўсиб кетмайди ва дала шароитига яхши чиниқади. Шунингдек, парник тупроғи бетида туз доғлари пайдо бўлганда ва парникда илдиз чириш касаллиги тарқалганида ҳам азотли ўғитлар солиш чекланади.

Кўчатларни навбатлаб — бир марта органик ўғитлар билан, иккинчи марта эса минерал ўғитлар билан озиқлантириш яхши самара беради.

Органик ўғитлар чириган ва эланган ҳолда сочилади ёки сув билан аралаштириб, шарбат қилиб сепилади.

Етилгунга қадар камида 2—3 марта гўнг шарбати билан озиқлантирилади ва ҳар гал озиқлантиришдан сўнг майсалар тоза сув билан қондириб сугорилади.

Парникда кўчатлар ўта қалин бўлса, нимжон ва бўйига ўсиб кетиб кўпчилиги экишга яроқсиз бўлиб қолади. Бундай ҳолларда кўчатларни сийраклаштириш зарур. Бу тадбирни имкони борича майсалар иккинчи жуфт чинбарг чиқарган пайтда ўтказиш лозим. Агар бундан кечикса ўсимлик илдизи шикастланади.

Кўчатларни далага ўтказишга 6—8 кун қолганда чиниқтириш мақсадида сугориш кескин камайтирилади, 2—3 кун қолганида эса бутунлай тўхтатилади. Бу даврда парник ромлари ва плёнкалари олиб қўйилади.

Кўчатлар 5—6 та чинбарг чиқарганда ва бўйи 12—14 см га етса бунда дала экишга тайёр ҳисобланади. Экиладиган кўчатнинг илдизи бақувват ва пояси эластик бўлиши лозим. Поянинг эластик бўлиши экиш пайтида уни шикастланишдан сақлайди.

Кўчатларни парникдан кўчириб олишдан бир-икки соат олдин улар қондириб сугорилади. Эрталаб экиладиган кўчатни кечкурун сугориш тавсия қилинади. Чун-

ки бунда күчатлар кечаси билан сувга тўйиниб, мўрт бўлиб қолиб, пояси эластиклигини йўқотади ва экиш пайтида синади.

Етилган күчатлар парникдан битталаб, саралаб олинади, етилмаганлари эса парнида қолдирилиб, парвариш қилинади ва 3—4 кундан сўнг кўчириб олинади. Машинада экиладиган күчатларни саралашга алоҳида эътибор бериш, яъни кўчатлар йирик (14—15 см) ва бир хил катталиқда бўлиши керак.

Саралаб олинган кўчатлар яшикларга илдизи ичкарига қилиб терилади ва ҳўл латта ёки ўт билан ёпиб, то далага жўнатилгунга қадар сояда сақланади.

Парникларда қолган кўчатлар барча майдонга кўчат экиб хатоси тўлдирилиб бўлганига қадар парвариш қилинади.

Кўчат ўтказиш. Тамаки кўчати далага қўл билан ёки машина ёрдамида экилади. Кўчатни қўлда экиш учун олдин 60—70 см кенгликда эгатлар олинади ва суфорилгандан сўнг дарҳол кўчат экишга киришилади.

Тамаки кўчатини экишда СКН-6, СКН-6А ва СКНБ-4 маркали кўчат ўтказиш машиналаридан фойдаланилади.

Тамаки кўчати ўтказишга тупроқнинг юза қатламидағи ҳарорат 10—12⁰С гача исиганда ва эрта баҳорги совуқлар такрорланиш хавфи тугаган даврда киришилади.

Ўзбекистон шароитида тамаки кўчатини апрель ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб эка бошлаш мумкин. Шу муддатда ўтказилган кўчатлар хатосиз кўкаради, зарарқунандалар билан кам зарарланади, барглари эрта муддатда пишиб етилади ва қулай об-ҳаво шароитида кўчат мўл ва сифатли ҳосил беради.

Кўчатни кечикиб экиш унинг сийракланиб кетишига ва натижада ҳосилдорликнинг кескин камайишига сабаб бўлади. Кеч экилганда ўсимликнинг юқори ярусларидағи барглари кўпинча етилмай қолади. Бу эса ўз навбатида, баргнинг товар ва технологик хусусиятларининг пасайишига олиб келади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан Ўзбекистон шароитида апрель ойининг учинчи ўн кунлигидан то май ойининг иккинчи ўн кунлигигача бўлган давр кўчат экиш учун энг қулай муддат ҳисобланади. Кўчат ўтказини шу муддатларда туталлаш учун барча майдон-

ларга кўчат экишни 20 иш куни ичида тугаллаш зарур. Бунда кўчат ўтқазиш режасини шундай тузиш керакки, дастлабки беш кунликда жами майдоннинг 25 физига, иккинчи ва учунчи беш кунликларда 50—60% ва тўртинчи беш кунликда қолган 15—25% майдонга кўчат экиш таъминлансан. Бу тамаки плантацияларида кўчат экишдан кейинги ишларни ҳам ўз вақтида бажарилишини таъминлайди.

Кўчат экиб бўлинганидан 2—3 кун ўтгач, далани кўздан кечириб шикастланган, заараркунандалар билан зарарланган, нотўғри ўтказилган ва бошқа сабабларга кўра тутмай қолган кўчатларни аниқлаш ва хато жойларига дарҳол кўчат экиб чиқиши керак. Агар бу пайтда тупроқда нам етишмаса далага кўчат суви бериш лозим. Шундай қилганда хатосига экиласидиган кўчатларни экиш осон бўлади ва ниҳол тез тутиб кетади.

Кўчатни қайси схемада ва қандай қалинликда экиш тамаки нави, ундан олинадиган хомашё типи, қўлланиладиган агротехника тадбирлари, тупроқ ҳамда иқлим шароитига қараб белгиланади.

Йирик баргли навлар, майда баргли хушбўй типдаги хом ашё берувчи навларга нисбатан сийракроқ ўтқазилади. Шунингдек, унумдор ерларга кўчат зичроқ ва аксинча, кам унум ерларда эса сийракроқ жойлаштирилади.

Ўзбекистонда иқлимлаштирилган майда баргли измир нави кўчатини тупроқ шароити ва сув билан таъминланганлигига қараб 60×15 см, 60—10 см ёки 60—70 см схемада 166—238 минг тупгача қалинликда ўтказиш тавсия қилинади. Йирик баргли Американ-287 навини эса 60×20 см ёки 70×15 , 70×20 см схемада ўтказиш тавсия қилинади.

Тамакини далада парвариш қилиш. Суфориладиган дехқончилик шароитида тамаки кўчати қатор ораси 60—70 см кенгликда қилиб экиласиди. Кўчат экилиб суфорилгандан кейин тупроқ зичлашиб ўсимлик илдиз тизимининг нормал ўсишига тўскенилик қиласиди. Шунинг учун кўчат ўтказиб бўлинганидан 10—12 кун ўтгач, экин қатор орасига дастлабки ишлов берилади.

Тамаки ўсиш даврида 7—9 марта гача суфорилади. Кўчат ўтқазилганидан то томир туттунича 2 марта, сўнг то пастки барглар ўзига келгунича яна 2 марта суфорилади. Сўнг суфоришлар эса тупроқ намлигига ва ўсим-

лик талабига қараб ҳар галги барг узувидан кейин ўтка-
зилиб турилади.

Тамаки қатор ораларига охирги кўл билан ишлов
бериш пайтида ўсимлик кўчат баргларидан тозаланади.
Ўсимликни кўчат баргларидан тозалаш пастки — би-
ринчи, узув баргларини йифиш билан бирга ўтказиш
ҳам мумкин.

Ўсимлик ёппасига фунчалаб бўлган ва тўпгулда даст-
лабки гуллар очила бошлаган даврда тўпгуллар чиллиб
ташланади. Шундан сўнг ҳосил бўлган бачки новдалар
ҳам вақт-вақти билан юлиниб турилади. Ўзбекистон
шароитида ўсиш даврининг охирида 1—2 та пастки
ёки устки бачки новдаларни қолдириб, уларда қўшим-
ча ҳосил етиштириш ҳам мумкин.

Ўғитлаш. Тамаки озиқ моддаларга талабчан ўсим-
лик. Тупроқда азот, фосфор, калий ва бошқа элемент-
ларнинг етишмаслиги ўсимликнинг ўсиши, ривожла-
ниши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир қиласи. У бир
центнер қуруқ модда ҳосил қилиш учун лавлагига нис-
батан 2—2,5 марта кўп азот, 3—3,5 марта кўп фосфор
сарфлайди.

Гектаридан 30 ц ҳосил олинганда бир гектар ердан
ўртacha соф модда ҳисобида 120—180 кг азот, 45—60
кг фосфор ва 270—300 кг калий ҳосил билан бирга
чиқиб кетади. Шунинг учун тамакидан мўл ҳосил етиш-
тириш мақсадида уни ўғитлаш талаб қилинади.

Тамакини йигиб олиш, қуритиши. Тамаки барглари
унинг поясида бир вақтда пишмайди. Барглар поянинг
пастидан юқорига қараб пишиб боради.

Тамаки баргининг пишишини *техник* ва *физиоло-
гик* пишиш даврларига ажратилади.

Ўсимлик ўсиши ва ривожланиши билан ундаги озиқ
моддалар миқдори ҳам ошиб боради ва маълум даврда
энг юқори даражага етади. Баргда органик моддалар-
нинг энг кўп тўпланиши унинг техник жиҳатдан етил-
ган даврига тўғри келади.

Ўсимлик барг чиқариб, то унинг тўлиқ шакллангу-
нига қадар 20—25 кун ўтади. Шундан кейин баргнинг
ўсиши секинлашади (бир кечакундузда 1—2 мм) ва у
қалинлаша бошлайди. Барг четидан ва учидан бошлаб
сарғая бошлайди, ўзаги оқариб, барг сирти мумсизмон
губор билан қопланади. Четлари эгилиб, поядан осон
узиладиган мўрт ҳолатта келади. Бу давр баргнинг *тех-*

ник пишиқлик даври дейилади, шундан сўнг барг астасекин (учидан бошлаб) қурий бошлайди. Бу баргнинг физиологик етилиш даври ҳисобланади. Бу даврда барг ўзининг қимматли кимёвий ва технологик хусусиятларини йўқота бошлайди. Шунинг учун баргни физиологик жиҳатдан етилишига қадар териб олиш лозим.

Ўзбекистонда иқлимлаштирилган майда баргли хушбўй хом ашё берувчи Дюбек типидаги навларининг барглари мавсумда 6 марта териб олинади (38-расм.) Ҳар гал ҳосилни йигиширишда 3 тадан 8 тагача барг юлинади. Бир туп ўсимликдан биринчи теримда 3—4 тагача, иккинчисида 4—5 та, учинчи ва тўртинчисида 6—8 тадан, бешинчи теримда 5—6 та, сўнгти теримда эса шаклланиб пишган ҳамма барглар териб олинади.

Терилган тамаки барглари дастаси бузилмаган ҳолда саватларга ёки маҳсус контейнерларга бандини ташқарига қилиб тахланади. Барглар идишга яхшиси пружинасимон қилиб жойлангани маъқул. Шундай тахланганда барглар ташиш пайтида шикастланмайди.

Тамаки барглари тизиладиган жойга келтирилганидан сўнг, шу куннинг ўзида тизиладиган бўлса, дастасини бузмаган ҳолда барг банди юқорига қаратилиб, бир қават қилиб, тахта ёки мато устига тахланади. Агар бугун терилган баргни тизиш эртага қолдириладиган бўлса, бундай ҳолларда барглар банди ерга қаратиб тахланади ва бир йўла сўлитилиб сарғайтирилади.

Тамаки барги қўлда ёки машиналар ёрдамида ипга тизилади. Қўлда ипга тизишда узунлиги 60—70 см бўлган жуводизлар ишлатилади. Барг бандларидан иғналарга ўтказилиб, у тўлгач узунлиги 5—6 м келадиган ипга сидириб туширилади. Ипга тизилган баргларнинг жойлашиш қалинлиги ҳар бир метр ипга 160—180 та баргдан ошмаслиги лозим. Акс ҳолда уни қуритиш қийинлашади.

Тамаки баргини тизишда ТПМ-69М, «Криулянка» каби машиналардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Назорат саволлари:

1. Тамаки қайси оиласа мансуб?
2. Тамакининг кимёвий тарқибини таърифланг.
3. Тамаки кўчатидан экиладими ёки уруғидан?
4. Унинг бир гектаридан неча центнер ҳосил олиш мумкин?
5. Тамаки навларини сананг.

МАХОРКА

Махорка Ўзбекистонда саноат аҳамиятига эга бўлган экин бўлмаса-да, у томорқа майдонларида ҳамма вилоятларда экилади. Унинг баргидан маҳаллий шароитда маҳсус чекиш воситаси — нос тайёрлашда фойдаланилади. Шунинг учун ҳам махорка маҳаллий халқ тилида «нос тамаки» ёки «кўк тамаки» деб юритилади.

Махорканинг қуритилган барги таркибидаги никотин миқдори 5—15 фоизгача, органик кислоталарининг миқдори эса 15—20 фоизгача етади. Махорка барги таркибida никотин ва лимон кислотаси миқдорининг камлиги (10%дан ошик) учун ундан саноатда лимон кислотаси ва никотин моддаси хом ашё сифатида фойдаланилади.

Махорка экини томорқа хўжаликларида юқори агротехникада гектаридан 35—40 центнергача барг ҳосили беради.

Ботаник таърифи ва биологик ҳусусиятлари. Махорка — *Nicotiana rustica L* итузумгулдошлар — *Solanaceae* оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Илдизи ўқ илдиз бўлиб, кучли ривожланади. Кўчат қилиб экилганида ҳайдалма қатлама кўплаб иккинчи ва учинчи тартиб илдизлар ҳосил қиласи. Пояси қиррали ва ғовак бўлиб тик ўсади, бўйи 1—1,2 метргача етади. Барглари бандли, оддий юраксимон ёки тухумсимон бўлиб туклар билан қопланган бўлади. Ҳар бир ўсимликда 12—20 та шаклланган барг ҳосил қиласи. Махорка ўз-ўзидан чангланадиган ўсимлик, лекин четдан чангланиши ҳам мумкин. Гули рўваксимон тўпгулга тўпланади. У икки жинсли бўлиб, бешталик типда тузиленган, гулён барглари бор.

Меваси икки паллали, кўп уруғли кўсакдан иборат. Уруғи майда, жигарранг тусда. Минг дона уругининг вазни 0,25—0,35 г.

Махорка уруғи 7—8°C да уна бошлайди. Унинг ўсиб ривожланиши учун 20—25°C энг қулай ҳарорат ҳисобланади. Унинг майсалари 2—3°C совуқда нобуд бўлади.

Махорка тупроқ унумдорлигига жуда талабчан. Гектаридан 25 ц қуруқ барг ҳосили олинганида у тупроқдан 60 кг азот, 20 кг фосфор ва 80 кг калийни ўзлаштиради.

Навлари. Махорканинг экиладиган барча навлари икки гурӯҳга: яшил ва сарик навларга бўлинади.

Яшил махорканинг энг кўп тарқалган нави АС-18/7 ҳисобланади. Бундан ташқари Ҳмеловка 125-С, Высокорослая зелёная — 317, Голландка — 19/7 навлари ҳам Россия ва Украина нинг айрим вилоятларида иқлимлаштирилган.

Ўзбекистонда махорканинг маҳаллий яшил нави кенг тарқалган. Уни маҳаллий шароитда «кўк тамаки» ёки «нос тамаки» деган умумий ном билан аташади.

Алмашлаб экишдаги ўрни. Махорка учун кузги бошоқли дон экинлари, маккажӯхори, илдиз-мевалилар, дуккақли дон экинлари, беда ва сабзавот экинлари энг яхши ўтмишдош экинлар ҳисобланади.

Ўғитлаш. Махорка минерал ва органик ўғитларга жуда талабчан экин. Гектаридан 30 центнер қуруқ барг ва поя йиғишириб олинганида, у ердан 120 кг азот, 60 кг фосфор, 90 г калийни ўзлаштиради.

Кузда ерни шудгорлаш олдидан ерга 30—40 тонна миқдорида гўнг солиш ундан юқори ҳосил олишни таъминлайди. Фосфорли ва калийли ўғитларнинг асосий қисми ҳам кузги шудгор олдидан солинади. Бу ўғитларнинг қолган қисми ва азотли ўғитларнинг ҳаммаси ўсимлик тез ўсиш фазасига ўтган даврда берилади.

Ерга ишлов бериш. Махорка экиладиган ерга ишлов бериш унинг қайси экиндан бўшаганига қараб белгиланади. Агар махорка бошоқли дон экинларидан кейин асосий экин сифатида жойлаштириладиган бўлса ер кузда 25—30 см чуқурликда ҳайдаб, баҳорда бороналаниб, культивация қилиб турилади.

Махорка анфизга кўчатидан экиб ўстирилганида ҳам ер унинг намлик даражасига қараб сугорилиб, етилганидан сўнг 25—28 см чуқурликда ҳайдалади, бороналаниб мола тортилади ва жўяклар олишга тайёрланади.

Экиш. Уруғи қуруқ ҳолда ёки ундирилиб ерга сепилади. Уруғи қуруқ ҳолда экилганида 15—18 кунда, ундириб сепилганида эса 5—7 кунда униб чиқади. У эрта экилгандан уруғни қуруқ ҳолда сепган маъқул. Бу ҳолда майсалар совуқ хавфи ўтганидан сўнг ҳосил бўлади ва зарарланмайди. Махорка анфизга эртаги экинлардан бўшаган ерларда ўстириладиган бўлса, кўчатидан ўтқазиб етиштирилади.

Ургуни күчатхоналарга экиш муддати ерни асосий экиндан бүшатиш ва маҳоркани далага күчириб ўтказиш муддатига қараб белгиланади.

Маҳорка күчатлари томорқаларда қатор ораси 60—70 см ли жўякларда ёки шундай кенглиқда олинган эгатларга туп оғалигини 25—30 см қолдирилиб ўтказилади.

Күчат ўтказишида олдин жўякларга ёки эгатларга сув таралади. Күчатлар жўяк ва эгатларнинг нам кўтарилиган чегарасига қўл билан ўтказиб чиқилади.

Далада парвариш қилиш. Маҳорка уруғидан экилганида эрта баҳорда далада қилинадиган дастлабки тадбирлар қатқалоқча ва бегона ўтга қарши курашга қартилиши лозим.

Маҳорка күчатлари таъмирланганидан сўнг 5—6 см чукурликда биринчи марта юза юмшатилади, шундан 10—12 кун ўтгач, маҳорка қатор ораларига иккинчи ишлов берилади. Иккинчи ишлов 6—8 см чукурликда ўтказилади. Маҳорка уруғидан экилиб ўстирилганида биринчи ва иккинчи ишлов пайтида бир йўла майсалар яганаланиб кетилади. Ўсимликни озиқлантириш ҳам уни қатор



37-расм.
Маҳорка ўсимлиги.

орасига ишлов бериш сугориш билан қўшиб олиб борилади. Махорка ўсиш даврида 6—7 марта сугорилади. Махорка қатор ораларига охирги ишлов беришда унинг пастки кўчат барглари юлиб олинади илдиз бўғизига тупроқ тортилиб бостирилади, эгатлар чукурроқ олинади.

Махоркани далада парваришилашда энг масъулиятли тадбир унинг тўпгуллари ва бачки навларини юлиш ҳисобланади. Бу тадбир дастлабки гунчалар ҳосил бўлган давридан бошланиб, то барг қалинлашиб пишгунича 2—3 марта ўтказилади. Бачки новдалари 6—8 см ўсгандан, улар юлиб ташланади.

Ҳосилни йигиш ва қуритиш. Махорканинг ҳосили тамакидан фарқли равишида пояси билан бир йўла йигиб олинади. Бу даврда унда никотин, органик кислоталар, смола ва эфир мойлари энг кўп тўпланган бўлади. Шунинг учун ҳам бу даврда махорка майдони ичига кирганда одамни элтадиган ўткир ҳид сезилади.

Техник пишган махорка пояси энг пастки барглар туташган жойнинг остидан тўнка қолдирилиб кесилади ва маълум вақт (3—4 кун) пуштага ётқизиб кетилади. Бу даврда махорка пояси ва барги ўзидан 30—40 фоиз намликни йўқотиб сўлийди. Сўлитилган махорка поялари йигиб олинниб қуритиш майдонларига чиқарилади ва маҳсус айвонларда поянинг учини пастга қаратиб, осган ҳолда қуритилади. Махорка хом ашёси қайси мақсадда фойдаланишига қараб, у той ёки халтланган ҳолида куруқ жойда сақланади.

Назорат саволлари:

1. Махорка ўсимлиги тамакидан нимаси билан фарқ қиласиди?
2. Махорка барглари ҳам териб олинадими?
3. Уни экиш меъёри неча кг?
4. Махорканинг неча бачкилари юлиб ташланади?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР

1. *И. А. Каримов.* Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Ўзбекистон. Тошкент, 1995.
2. *И. А. Каримов.* Қишлоқ хўжалиги тараққиёти — тўкин ҳаёт манбаи. Ўзбекистон. Тошкент, 1998.
3. Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш дастури. Тошкент, 1998 й.
4. *Н. И. Вавилов.* Избранные сочинения... М. «Колос», 1966.
5. *Н. И. Вавилов.* Мировые ресурсы зерновых культур и льна. — М. Изд-во АН СССР, 1957.
6. *Жуковский П. М.* Культурные растения и их сородичи. — Л. Колос, 1971.
7. *И. А. Минкевич.* Растениеводство. — М. Изд-во. «Высшая школа», 1968.
8. *В. Н. Степанов.* Растениеводство. — М. 1958.
9. *П. П. Вавилов.* Растениеводство. — М. Изд-во «Колос», 1986.
10. Культурная флора СССР. — Сельхозгиз.
11. *Д. Н. Прянишников.* Частное земледелие (растения полевой культуры.) М. Сельхозгизиздат, 1963.
12. *Ц. А. Стебут.* Основы полевой культуры и меры ее улучшения в России. — М. Сельхозгиз. 1957. т. 1.
13. Физиология сельскохозяйственных растений. — Изд-во МГУ — 1971, т. 8.
14. *П. П. Вавилов, Г. С. Посыпанов.* Бобовые культуры и проблемы растительного белка. — М. Россельхозиздания, 1983.
15. *Я. И. Губанов, Н. Н. Иванов.* Озимая пшеница. — М. «Колос», 1983.
16. Система ведения сельского хозяйства Узбекской ССР. — Изд-во «ФАН», Ташкент, 1973.
17. *П. П. Вавилов, Кондратьев.* — Новая кормовая культура. М. Россия сельхозиздат. 1975.
18. *П. П. Вавилов, В. И. Филатов.* Интенсивные кормовые культуры. М. 1980.
19. *Н. И. Иванов,* Люцерна М.— Изд-во «Колос», 1980.
20. *П. Мякушко,* М. Соя. — М. Изд-во «Колос», 1983.
21. *А. И. Лещенко,* М. Соя. — Колос, 1981.
22. *Д. Ерматова.* Соя. Тошкент, 1981.
23. Социально-экономическая география зарубежного мира. Под редакцией В. В. Вольского. М. 1998.
24. Зернобобовые культуры. Краснодар, 1979.
25. *Б. К. Шишkin.* Клещевина. СССР Т. 14. Изд-во АН СССР, 1949.

26. *Л. А. Смирнов*. Күнокут. Культурная флора СССР 7 т. м.л. Сельхозгиз. 1941.
27. *М. Г. Тютин*. Культура батата. М. Сельхозгиз, 1955.
28. *П. В. Карненко*. Свекловодство. М. Колос, 1964.
29. *Е. С. Лукашев*. Основные агротехнические приемы культуры кенафа в Средней Азии. Фрунзе, 1965.
30. *Т. Э. Остонақулов*. Сабзавот экинлари биологияси ва технологияси. 1997.
31. *Г. С. Посыпанов* ва бошқалар. «Растениеводство». Москва, 1997.
32. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари таърифи. Т., 2001.
33. *Д. Ёрматова*. Ўсимликшунослик. Тошкент – 2000 й. ДИТАФ.
34. *Х. Отабоева* ва бошқалар. Ўсимликшунослик. «Мехнат» Тошкент, 2001 йил.

МУНДАРИЖА

Сүзбоши	
Биринчи бўлим	
Дон экинларининг умумий таърифи	5
Кузги буғдойни етиштириш усувлари	8
Кузги жавдар	33
Кузги арпа	39
Сули...	47
Иккинчи бўлим	
Баҳорги дон экинлари	54
Баҳорги буғдой	55
Баҳорги арпа	61
Маккажӯхори	66
Жӯхори	88
Шоли	95
Шоли навлари	98
Тариқ	110
Маржумак	115
Учинчи бўлим	
Дуккакли дон экинлари	121
Дуккакли дон экинларининг ботаник белгилари	125
Нӯхат	130
Мош	138
Ловия	142
Кўк нӯхат	145
Соя	151
Ясмиқ	157
Бурчоқ	161
Тўртнинчи бўлим	
Мойли экинлар	164
Мойли зигир	166
Кунжут	171
Ерёноқ	176
Кунгабоқар	181
Канакунжут	187
Хантал	191
Рапс	195
Махсар	198
Эфир мойти экинлар	203
Кашнич	204
Арпабодиён	206
Қора зира	208
Ялпиз	209
Маврак	210
Бешинчи бўлим	
Илдиз ва туганак мевалилар	212
Қандлавлаги	212
Хашаки сабзи	216
Картопка	219
Ер ноки	230
Батат	234
Олтинчи бўлим	
Хашаки полиз экинлари	237
Еттиничи бўлим	
Ем-хашак ўтлари	245
Кўп йиллик галласимон ўтлар	245
Кўп йиллик дуккакли ўтлар	249
Йўнгичқа-беда	249
Баргак (эспарцет)	254
Себарга	258
Қашқар беда (донник)	263
Бир йиллик дуккакли ўтлар	266
Хашаки кўк нӯхат	266
Кузги вика	267
Шабдар	268
Берсим	269
Судан ўти	270
Кўноқ	273
Сакизиничи бўлим	
Толали экинлар	275
Ғўза	275
Чигитни плёнка остига экиш усули	287
Чигитни плёнка остига экиб пахта етиштириш	290
Каноп	292
Тўқдизиничи бўлим	
Наркотик ўсимликлар	296
Тамаки	296
Махорка	313
Фойдаланилган адабиётлар	317

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлиги Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими
маркази Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимини
ривожлантириш институти**

ЁРМАТОВА ДИЛОРОМ ЁРМАТОВНА

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК

Қасб-хунар коллежлари учун дарслик

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2002**

*Мұхаррір Насиба Рустамова
Рассом Михаил Самойлов
Техник мұхаррір Диана Габдрахманова
Мусақхын Нозима Мухамедиева*

Теришга берилди 28.05.2002. Босишга рухсат этилди 02.08.2002.
Бичими 84x108^{1/2}, Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоги 16,8. Нашриёт-хисоб табоги 17,0. Адади 5000 нұсха. Буюртма
№ 3563. Бағоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компаниясы босмахонасы
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41**

